

TAPINX
YPEKINGTOH

63.3
N.Y.32

63.3
У - 32


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Р. Ҳ. МУРТАЗАЕВА, Б. Ж. ЭШОВ, Б. ЖОЛДАСОВ,
М. У. ТОЖИЕВА, М. М. ҲАЙДАРОВ, Н. ПОЛВОНОВ,
Қ. РАЖАБОВ, А. ОДИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ

Маърузалар матни

Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта
куриб чиқиши ва янгиларини яратиши бўйича Республика
мувофиқлаштириши комиссияси тавсия этган



Тақризчилар: проф. Д. Алимова, проф. А. Сагдуллаев

1999—2000 ўкув йилидан бонграб Ўзбекистон Республикаси олий ўкув юртларида Ўзбекистон тарихини янги дастур асосида муаммоли йўналишдаги маъruzалар шаклида ўқитиш йўлга кўйилди. Ушбу маъruzалар матни Президент И.Л. Каримовнинг тарих фанидан ҳаққоний ёритилган дарсликлар ва ўкув қўлланмаларини тайёрланаш тўғрисидаги йўл-йўриқларига амал қилиб тайёрланган дастлабки қўлланмалардан бири булиб, Ўзбекистон тарихининг энг қадимги давларидан ҳозирги кунгача бўлган даврини қамраб олувчи 18 та маъruzani ўз ичига олган. Маъruzалар ҳар бир мавзунинг қисқача матнларидан иборат.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақилигининг қўлга киритилиши тарихимизни тубдан ислоҳ қилиш, мавжуд бирламчи маъбаларга таянгани ҳолда холисона ва ҳаққоний, адолат ҳамда тарихийлик нуқтаси назаридан ўрганиши ва ўқитиш имконини берди. Ўртимиз фуқаролари Ўзбекистонининг ҳар қаңдай мафкурадан холи бўлган ҳамда таҳлиларга асосланган ҳаққоний тарихини ўрганиши ва ундан сабоқ олиши давр тақозосига айланди.

Ўзбекистон Миллӣ Университети факультетлараро Ўзбекистон тарихи кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланиб, номутахассис факультетлар талабаларига мўлжалланган ушибу қисқача маъruzalар матнлари ҳам шу куннинг талабларидан келиб чиқсан ҳолда тайёрланди. Мустақиликни қўлга киритганимиздан сўнг орадан ўтган қисқа вақт мобайнида юртимиз тарихини ўрганиши борасида анча сарнали ишлар қилинган булишига қарамай, бу йўналишида қилинадиган ишлар ҳали кўп. Ўртбошимиз таъкидлаганилари дес: «Шуни эсда тутиш мухимки, ўтмишимиznи «оқтани» вазифалари умуман олганда бажарив бўлинди; ҳозир эса асосий вазифа тарихий таҳлилини илмий жиҳатдан холисона ва ҳалом амалга оширишдан иборатdir».

Ушибу фикрлардан келиб чиқсан ҳолда матнларни тайёрлаган муаллифлар воқеа ва ҳодисаларнинг тарихий таҳлилига кенг эътибор бердилар. Ушибу қисқача маъruzalар матни Ўзбекистон тарихининг энг қадимги даврлардан то ҳозирги кунгача бўлган даврини қамраб олган маъruzalardan иборат. Маъruzalarni қисқача ёритиш жараёнида мавжуд ўқув дастурига асосланган ҳолда масаланинг туб моҳияти, тарихий-маданий жараёнларнинг асослари, омиллари ва ривожланиши, сабаблари, оқибатлари ва натижаларига катта эътибор қаратилиди.

Ушибу матнларни тайёрлапдан янада бир асосий мақсад- талабаларни ўтмишдан сабоқ чиқариб, ҳозирги давр руҳида тарбиялаш ҳамда улар онгига миллий истиқдол, миллий мафкура foяларини янада чукурроқ сингдиришдир.

Мазкур маъруза матнлари 1998 йилда Узбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган дастурга асосланиб, ҳозирги кунда долзарб ва ечими ҳаётий зарур ҳисобланган масалаларга бағианланган.

Муаллифлар ҳар бир мавзуга ишларни илмий адабиётлар мажмуини таҳтил этган ҳолда, тарихимизни ҳаққоний ва холосона яратишни йўлидан бориб уни ўқувчиларга стказинига ҳаракат қиласидилар ва тарихимизни янада чукурроқ ўрганишга ҳамда уни унугмасликка дайвват этадилар. Зеро, Юрибонимиз Ислом Каримов таъкидлаганларицек: «Янги узбек давлатчилигининг тамал тошини қўйялмиз. Шундай экан, тарих сабоқлари бизни ҳар хил потўғри қадамлардан огоҳ этувчи, сақлаб турувчи омил бўлиши лозим. Чунончи, ҳалқ, миллат тақдирига даҳдор масалаларда нала-партии, оқибатни ўйламасдан иш тутиш ярамайди. Яқин ўтминимизнинг яна бир сабоги шуки, миллат, давлат, жамият тақдирни ҳал бўлаётган паллада ўзлигимизни анилан, маънавий илдизларимизни унугмаслик катта аҳамиятга эга».

Ушбу маърузалар матни бўйича ўз фикр-мулоҳазаларипи билдириган ҳамкасбларга аввалдан миннатдорчилик билдирамиз.

1-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИ ПРЕДМЕТИ, ПАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Ўзбекистон тарихининг предмети ва долзарб муаммолари.
Манбалар**

Тарих фани турли дунё халқлари қандай яшаганини, уларнинг ҳаётида қандай воқеалар солир бўлганлиги, одамлар ҳаёти қандай ва нима учун ўзгариб, ҳозиргидай бўлиб қолганлигини ўрганса, Ўзбекистон тарихи эса унинг ажралмас қисми бўлиб, шу тарихий маданий жараёнларга мос ҳолда. Она заминимизда ўғмишда яшаган халқларнинг ҳаёти ва уларнинг ривожланинги давомида содир бўлган ўзгаришлар, воқеа-ҳодисалар, уларнинг турмуш тарзи, иқғисоди, ижтимоий муносабатлари, давлатчилиги, маданияти ва шу кабиларни тұлалитика ўрганадиган фандир.

Юртбонимизнинг шу ҳақдаги фикрлари катта аҳамиятта эгадир: «Хозир Узбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан алломалар, фозилу фуқаролар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиқкан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари ана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган сув инишотлари, шу кунгача файзини, маҳобатини йўқотмаган осори-атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда дәхқончилик, хунармандчilik маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради».

Ўзбекистон тарихи фақат турли билимлар тарзидаги фан эмас, балки бир неча асрлар давомида тўпланиб келган ўзаро ички қонуниятлар билан чамбарчас болжанинг билимлар тизими сифатидаги ўзининг ўрганиш обьекти ва предметига эга бўлган мустақил фандир.

Ўзбекистон тарихи фанининг долзарб муаммолари, счимини кутаётган ва аниқлик киритилиши лозим бўлган масалалар талайгина. Хусусан, Ватанимиз ҳудудида энг қадимги даврлардан бошлаб яшайдаган аҳоли ва уларнинг жойлашуви; бу аҳолининг қўшини қабилалар ва элатлар билан турли муносабатлари; Амуларё ва Сирдарё оралиғида яшаган қадимги маҳаллий аҳолини бизнинг ажлоҳларимиз эканлигини таъкидлаш ва тадқиқ этиш шулар жумласидаидир.

Шунингдек, дастлабки ўзбек давлатчилигининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳам муҳим масаладир. Айниқса, маҳаллий қадимги аҳоли ўтроқ яшаганлиги дехқончилик хўжалигини ривожлантирганилиги, дастлабки аҳоли манзилгоҳлар ривожланиб илк шаҳарларга айланганлиги; дастлабки шаҳарларниң ижтимоий-иктисодий, маданий ва матъмурӣ марказлар сифатида ривожланганлиги ва ниҳоят, унбу жараёпларга асос бўлган омиллар ниҳоятда муҳимлир.

Республикамиз ҳудудларидағи дастлабки давлат уюппамалариининг ўзаро ва қўни давлатлар билан турли алоқалари, уларниң тарихий-географик ҳудуди ва чегаралари ҳам анча мунозарали мавзу ҳисобланади. Ҳозирги кунга қадар ўлкамиз ҳудудлари ва бу ердан четда битигитан ўрга асрларга оид ёзма манбаларни ўрганиш бўйича талайгина ишлар амалга оширилган бўлишига қарамай, бу йўналишда янада қадимгироқ даврларга оид қилиналигига ишлар ниҳоятда кўп.

Ўзбекистон тарихини ўрганишида манбаларниң аҳамияти бекиёс бўлиб, булар молдий ва ёзма манбалардир. Тарихимизнинг энг қадимги, яъни ёзувсиз замониётарга оид даврини ўрганишда археологик, антропологик ва этнографик манбалар ёрдамга келади. Бу манбалар турли-туман бўлиб, уларга — қадимги манзилгоҳлар ва шаҳарлар харобалари, мозор-қўрғонлар қолдиқлари, турмуш ва хўжаликда ишлабтирадиган буюмлар, меҳнат ва жанговар қуроллар, турли-туман ашёлар киради. Ёзма манбалар эса, энг қадимги ёзувлар, битиклар ва китоблардан иборатдир. Молдий ва ёзма манбалар маълумотларини солинтириб, қиёслаб тарихни талқин этиш муҳим аҳамият қасб этади.

Ўзбекистон тарихини ёритишнинг назарий-методологик асослари

Ватан тарихини ёритишнда назарий-методологик асосларни билини кагта аҳамиятта эта. Илмийлик, холислик, тарихийлик методлари тарихни ёритишнинг асосий қалити ҳисобланади.

Биринчидан, яратилган ўзбек ҳалқи ва унинг давлатчилиги тарихи концепцияси асосида тарихни даврларга бўлин ва уларни чукур таҳтил қилиш лозим. Энг асосий вазифалардан яна бири — мустақиллик даврида яратилган янги тадқиқотлар асосида объектив тарихни ўргатишни ташкил қилишдир.

Илмийлик билан бир қаторда холислик туради. Бунда таҳтил қилинаётган ҳар бир тарихий воқеа-ҳодисаларни холис, ҳаққоний равишда ўрганиш ёки тарихнависнинг хоҳиши-

иродасдан тапқарыда, воқеа-ҳодисалар қандай содир бўлган бўлса, шундайлигича ёритиш кўзда тутилади. Ҳар бир тарих ёзувчи кипи шахс сифатида ўзининг фикри-мулоҳазалари, илроқи ва бошқа ҳис-туйгулар орқали атрофии ўраб турувчи муҳит билан узвий равишда боғлиқ. Бу боғлиқлик унга ўз таъсирини ўтказади.

Холислик талаб қиласиган қоидалар шундан иборатки, ушбу йўналинида тарихий-маданий тараққиётни (тарихи турли даврларида) ўрганиши жараёнида бўлиб ўтган ёки шу тараққиёт билан боғлиқ бўлган жамики воқеа-ҳодисаларни ҳеч бир ўзгаришларсиз, қандай бўлиб ўтган бўлса, уни ҳолатда талқин ва таҳдит этиш, текшириш ва худосалар чиқариб яхлит ҳолга келтириш ўта муҳимдир. Бу ҳолатда аниқ маибаний асосларга таяниш, тарихий жараёшларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини асослан лозим бўлади. Бу жараёнда ҳудудлар ўргасидаги ривожланиш жараёшларини ўзаро солинтириш, қўёслаш ва таққосланаш фақат ижобий натижалар бериши табиий ҳодиур.

Ўзбекистон тарихини ўрганишининг услугубий асосларидан яна бири — бу воқеа ва ҳодисаларни диалектик тарзда ўрганишдир. Диалектика олам ягона ва яхлит, унда содир бўладиган ҳодисалар, воқеалар умумий ва ўзаро боғланинда, узлуксиз ҳаракатда, зиддиятли тараққиётда бўлади, деб таълим беради.

Бу услугуб Ўзбекистон тарихини ўзлантиришида уни тўлалигича, воқеа-ҳодисаларни бир-бири билан боғлиқида, айрим тарихий воқеликни ўргатувчи фанларни ҳам бир буғунликда, унинг бўлакларини ажратиб олмаслик ва воқеа-ҳодисаларни доимо ўзгаришда, ривожланишида ўрганишини тақозо қиласди. Бирор бир давр ҳақида фикр-мулоҳаза юритилиштган бўлса, ана шу даврнинг ўзига хос хусусиятларини англаб олиб, уни кўрсатиши талаб қиласди. Диалектик услугуга асосланниб, тарихий жараёни умумийлик ва алоҳидалик қоидалардан келиб чиқсан ҳолда туппунин лозим.

Диалектик услугуб Ўзбекистон тарихини аввало Ўрта Осиё, қолаверса, жаҳон ҳалқлари тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганишини тақозо этади. Чунки мавжуд бўлган ҳар бир ҳалқ, миллат ёки элат тарихи фақат ўзига хос хусусиятлари билан ажralиб турса-да, буғун инсоният тараққиёти тарихи билан умумий боғланишладир.

Ҳақиқатдан ҳам, ўзбек ҳалқининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши жаҳон тарихи тараққиётининг ажралмас қисмиидир. Энг қадимги даврлардан бошлиб яқин ўғмишга қадар Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон, Еттисув,

Эрон, Афғонистон, Шимолий Ҳинҷистон каби ҳудудлар ўртасида ягона иқтисодий ва маданий макон мавжуд эди.

Ўзбекистон тарихини ўрганишида тарихийлик услуби ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу услуб тарих жараёнида содир бўлгани воқеа-ҳодисаларни ўрганишида кетма-кетликини талаб қиласди. Бир воқеа-ҳодиса билан бошқасини сабаб-оқибатли боеланиши ҳам курсатилади. Тарихийлик воқеа-ҳодисаларни қай гарзда содир бўлганлитигини, жамият ривожланишида айрим шахслар ва уларнинг роли тўғрисида тўғри, ҳаққоний фикр юритишга ўргатади.

Тарихийлик услуби халқнинг ўтмишига, ҳозирги замони ва келажагига ягона тарихий жараён сифатида ўтмиш ҳозирги замонни тайёрлайди, ҳозирги замон келажакни яратади, деган тараққиёт қонуни асосида қарашни талаб қиласди. Бўлиб ўтган тарихий-маданий жараёнларни, аждодларимиз қолдирган улкан меросни қанчалик чуқур ва ҳар томонлама ўргансак, англаб етсак ҳамда кенг тарғиб этсак, ҳозирги замонни шунчалик муқаммал тушуниб, келажакни ёрқин тасаввур этамиз.

Комил инсонни тарбиялашда тарихнинг роли

«Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўстган ютида ўзини бошқалардан кам сезмай, бопини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта тарихий хотира керак. Тарихий хотираси бор инсон-иродали инсон. Ким бўлишидан қатъий пазар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай инсонларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олин мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлади». Республикашимиз Президенти Ислом Каримов қаламига мансуб ушбу сўзлар комил инсонни тарбиялашша Ўзбекистон тарихини холисона ва ҳаққоний ўрганиши нақадар муҳим эканлигининг далилидир.

Ҳар томонлама етук, комил инсонни тарбиялашда Ўзбекистон тарихининг ўрни каттадир. Комил инсон тунгузчилигига Юргибошимиз яна шундай таъриф берадилар: «Комил инсон деганда биз аввало онти юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди, у ҳар бир нарсани ақд-мантиқ тарозисига солиб кўради, ўз фикр-ўйи, холосасини мантиқ асосида кўрган киши етук одам бўлади».

Бутунги кунда халқнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасидаги ишлар дав-

латнинг олдила турган муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Маънавият, маънавий баркамоллик шундайгина кини руҳига кириб қолмайди. Унга ҳар куни ва ҳар соатда тинмай сабр-бардош билан меҳнат қилиш орқали етишин мумкин. Бу хайрли ишда Ўзбекистон тарихини ўрганишинг ўрни бекёсdir.

Утмиш шундай бой тарихий тажриба манбаицирки, одамлар унда ўрганадилар, тажрибага эга бўладилар ва ундан илҳом оладилар. Ҳозирги кунда тарихни билини кундалик назарий ва амалий вазифалар ечимини топишда зарурий восита ҳисобланади.

Таянч тушунчалар

Фанинг предмети ва долзарб муаммолари, холистик, илмий-лик, тарихийлик, диалектик услуб, моддий ва ёзма манбалар.

Мустақил иш мақзулари

1. Ўзбекистон тарихини ўрганишида моддий ва ёзма манбаларнинг аҳамияти.
2. И.А. Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари Ўзбекистон тарихидаги долзарб муаммоларни ўрганиш учун муҳим йўлланмана.
3. Фуқароларимиз онгига миллий истиқдол ва миллий мафкура гояларини сингдиришда тарихнинг ўрни.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1996.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент. Шарқ, 1998.
3. Ўзбекистон тарихи концепцияси. // Ўзбекистон тарихи. 1999, 1 сон.
4. Гуломов Ҳ., Татибоев А. Ўрта Осиё ва жаҳон тарихи. — Тошкент. Университет, 1994.
5. Сулаймонова Ф.Шарқ ва Гарб.—Тошкент. Фан, 1997.
6. Жўраев Н.Агар сен огоҳ... Тошкент. Ўзбекистон, 1998.
7. Ўзбекистон янги тарихи концептуал-методологик муаммолар. Конференция материаллари. Тошкент, 1998.

2-мавзу. ЎРТА ОСИЁ ИНСОНИЯТ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИНинг ЎЧОҚЛАРИДАН БИРИ

Жаҳон тараққиётини тарихидан Ўрта Осиё цивилизациясининг ўрни

Ўзбекистон ҳудудлари энг қадимги даврлардан бошлаб жаҳон цивилизациясининг ўчоқларидан бири экантигига илмий жиҳатдан ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ўзбекистон ва Ўрта Осиё ҳудудларида олиб борилётган кенг миқёсдаги тадқиқот ишларининг натижалари ҳам Ватанимизнинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрнини тасдиқлайди.

Дунёнинг турли бурчакларида яшайдиган халқарининг турли даврларда, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларда эрингандан ютуқлари ҳамда тараққиёт босқичига кутарилишини цивилизация түшунчаси ўзида акс эттиради. Бу тараққиёт босқичи инсониятининг наидо бўлиши ва ривожланиши, жамиятнинг ривожланиши даражаси, моддий ва маънавий маданиятнинг юксалиши, қабилалар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан изоҳланади.

Ўрта Осиё цивилизацияси турли ҳудудларда турли даврларда наидо бўлди ва ривожланди. Мисол учун, жапубий ҳудудларда яшаган қадимги қабилалар милоддан аввалги VI минг йилликдаёқ дәхқончиликка утиб, унумдор хўжаликни ривожлантирган бўлсалар, бу даврда шимолий ҳудудлардаги қабилалар асосан овчилик, балиқчilik ва чорвачиликнинг илк шакллари билан шугулланганлар. Бу потекислилк жараёнини табиий географик шароитлар ва ўзаро муносабатлар билан изоҳлан мумкин. Бу ўринда Ўрта Осиёнинг чўл ва дашт ҳудудлари ҳамда тоғолди ва дарё воҳалари ҳудудларининг ривожланиши даражасидаги маданий потекислилкни таққослаб кўриш (Копетдоғ, Ҳисор, Зарафшон тоғолди ҳудудлари ҳамда Қизилкум, Қоракум, Қашқадарё ва Зарафшон воҳасининг дашт ҳудудлари) муҳимдир.

Ундан ташқари, Ўрта Осиёда турли-туман маданият яратган қадимги аҳолининг неолит давридаёқ, яни милоддан аввалги VI-IV минг йилликлардаги ўзаро муносабатлари ва бу аҳолининг Шарқдаги, даставал Олд Осиёдаги бошқа қадимги цивилизация ўчоқлари билан узвий алоқада бўлини ҳам маҳаллий цивилизациянинг ривожланишинига катта таъсир кўрсанган.

Үрта Осиё ҳудудида ибтидои жамоа тузуми

Антропогенез жараёилари

Ибтидои жамоа тузуми кишилик жамиятни тараққиётидаги энг узоқ давом этган ва энг қадимги давридир. Бу даврни ёзма манбалар асосида үрганиш бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу даврни чуқур үрганишида археология, этнография, антропология каби фаннларниң аҳамияти бекёсdir. Қадимги одамлар ўз фаолияти даврида атроф-муҳитта таъсир курсатиб, кундалик ҳайтда узига зарур бўладиган меҳнат қуроллари ясати, яшаш учун маконлар ташлаган, кейинчалик эса бошланалар қурғашлар. Уз навбатида бу жараёйлар инсон фаолиятига таъсир курсатти.

Ҳозирги пайтда Үрта Осиё ҳудудида ибтидои жамият ривожланишиниң алоҳида босқичлари қўйидаги давларга булиниди:

1. Палеолит («палайос»-қадимги, «литос»-тош) даври; бундан тахминан 800 минг йил илгари бошланаб, 15—12 минг йил илгари тугайди; уз навбатида бу давр учга булиниди;
 - а) илк налеолит-Ашель даври, 800-100 минг йилни уз ичига олади;
 - б) ўрта налеолит-Мустъе даври, милоддан аввалги 100-40 минг йилликлар;
 - в) сўнгти налеолит-милоддан аввалги 40-12 минг йиллик.
2. Мезолит («mezос»-ўрта, «литос»-тош) милоддан аввалги 12-7 минг йилликлар.
3. Неолит («неос»-яғи тош)-милоддан аввалги 6-4 минг йилликлар.
4. Энеолит (мис-тош даври)-милоддан аввалги 4 минг йилликнинг охири-3 минг йилликнинг бони.
5. Бронза даври-милоддан аввалги 3-2 минг йилликлар.
6. Темир даври-милоддан аввалги 1-минг йилликнинг бошларидан.

Узбекистон ҳудудларидағи энг қадимги одамларниң манзилгоҳлари Фарғона водийсидаги Селунгур, Тошкент вилоятидаги Кўлбулоқ, Бухородаги Учтут маконларидан тошилган. Бу давр одамлари тошлиардан қунол қуроллар (чоишерлар) ясаб, термачилик ва жамоа булиб ов қилиш билан шугулланинган. Илк налеолит даври одамлари жисемоний жиҳатдан ҳам, ақлий жиҳатдан ҳам ҳозирги одамлардан фарқ қилинган. Улар табиат олдида ожиз булиб, унда тайёр бўлган маҳсулотларни

үзлангтирганлар. Улар на диний түшүнччайи, на дөхөнчиликни
ва на чорвачиликни билганилар.

Үртә палеолит даври маконлари Тошкент воҳасидаги Обираҳмат, Хўжакент, Самарқанддаги Омонқутон, Бойсун тоғларидағи Тешиктош каби күптина маконлардан аниқланған бўлиб, улардан шу даврга оид кўпгина турли-туман тошдан ясалган меҳнат қуроллари топилган. Обираҳмат макони ёйсимон шаклда бўлиб, бу ерда 10 м қалинликдаги 21 та маданий қатлам аниқланған. Топилмалар орасида нуклеуслар, нарракчалар, ўткир учли сихчалар, қирғичлар учрайди, шунингдек, турли ҳайвонлар сүяклари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Яна бир машҳур ёдгорлик Тешиктош юр макони бўлиб, бу ердан турли-туман қуроллар ва ҳайвон сүякларидан ташқари, 9-10 яшар боланинг қабри қазиб очилган. Қабрдаги мурданинг ёнига турли тош қуроллар ва архар шохи қадаб кўйилган.

Үртә палеолит даврига келиб ибтидоий жамият одамларининг меҳнат қуроллари такомиллашиб, турмушида янги унсурлар пайдо бўла бошлайди. Энг муҳими, ибтидоий тудадан уруғчилик жамоасига ўтиш бошланади. Шимолдан улкан музлик силжиб келишин патижасида олов қашф этилади. Одамлар ўюқлар атрофларида тўланиб, ибтидоий туарар-жойларга асос солдилар. Жамоа бўлиб ов қилиш пайдо бўлди.

Сўнгти палеолит қадимги тош асрининг сўнгти босқичидир. Бу даврга оид маконлар Оҳангарондаги Кўлбулоқ, Тошкентнинг гарбидаги Бўзсув I ҳамда Самарқанд шаҳридан топилган. Улардан топилган топилмалар орасида қирғичлар, кесгичлар, сихчалар, пичоқлар, болгалар каби қуроллар бор. Бу даврга келиб одамлар факат тоғли ҳудудларга эмас, текисликларга ҳам тарқала бошлайдилар. Бу даврининг энг катта ютуғи уруғчилик тузумига (матриархат) ўтилишидир.

Палеолит даврига хулоса ясаб шуни айтиши мумкинки, бу даврда ибтидоий одамлар хўжалик юритишнинг энг оддий йўлларидан (териб-термачлаб) мураккаброқ кўринишларига (овчилик, балиқчилик) га ўтдилар. Олов қаниф этилди. Ибтидоий туарар-жойлар үзлангтирилди. Инсоният ибтидоий пода давридан уруғчилик гузумига ўтди. Меҳнат қуроллари такомиллашиб, турлари кўньяя борди. Шунингдек, бу давр ибтидоий одамлари орасида дастлабки диний қарашлар пайдо бўлди.

Мезолит даври ёдгорликлари Сурхондарёдаги Мачой юр маконидан, Марказий Фарғонанинг кўшина ёдгорликларидан топилганилган. Бу даврга келиб музлик яна шимолга қайтади. Ҳайвонот ва

үсімшік дүнгесінде катта ўзғарыштар содир бўлади. Инсоният ўз тарихидаги дастлабки мурakkаб мослама-ўқ-еини қашіф этади.

Мезолит даври туроллари палеолитта нисбатан ихчамлиги ва сифатлилиги билан фарқ қиласади. Мезолит даври қабилалари асосан овчилик ва термачилик хўжалиги юриттилар. Бу даврининг охирларига келиб, дастлабки уй чорвачилиги ёки ҳайвошларни хонакилаштириш бошланади.

Неолит даврига келиб, қадимги қабилалар ҳаётида катта-катта ўзғарыштар содир бўлади. Бу давр одамлари аксарият ҳолларда дарё соҳиҳлари ва тармоқлари ёқасида, кўллар бўйларида яшаб, табиий имкониятлардан келиб чиқиб, баълиқчилик ва овчилик ёки деҳқончилик ва чорвачилик ҳамда қисман ҳунармандчилик билан шутулланганлар. Энг катта ютуқлардан бири кулоғчиликнинг пайдо бўлишидир. Шунингдек, бу даврга келиб тўқимачилик ва қайиқсозлик ҳам пайдо бўлади. Неолит даври қабилалари хўжалик шаклларига қараб қўйилдаги маданиятларига бўлиниади: Жойтун маданияти, Калтаминор маданияти, Ҳисор маданияти.

Жойтун маданияти. Жанубий Туркманистон ҳудулидаги милавв. VI-V минг йилликларга оид маданият. Бу ердан Ўрта Осиёдаги биринчи нахса уйлар қолдиқлари, сопол илишлар намуналари аниқланган. Аҳолиси асосан деҳқончилик, чорвачилик ва қисман овчилик билан шутулланган.

Калтаминор маданияти. Қадимги Хоразм ҳудудидан топилган бўлиб, мил.авв. V-IV минг йилликларга оидлар. Топизмалар Калтаминор қабилаларининг баълиқчилик, овчилик ва қисман ҳунармандчилик билан шутулланганларидан далолат беради.

Ҳисор маданияти. Асосан, Ҳисор-Помир тоғларидан топилган. Милоддан аввалги V-IV минг йилликларга оид. Ҳисорликлар сопол илишлар ясаб, асосан чорвачилик, овчилик, қисман термачилик билан шутулланганлар.

Энеолит даври маконлари Хитойдан Дунайгача бўлган катта ҳудудда тарқалган бўлиб, ҳамма жойда ижтимоий тараққиётининг бир хил босқичи кузатилиди. Ўрта Осиёда қўйилдаги янги тарихий-маданий жараёшлар энеолит даври билан боелик:

1. Ҳўжаликнинг бошика ҳамма турларига қараганда ҳайдама деҳқончиликнинг устуслик қилиши;

2. Тоғдан ишланган куроллар кўп бўлган ҳолда мис куролларнинг пайдо бўлиши;

3. Катта-катта ибтидоий жамоаларининг нахсадан ва хом фиштадан тикланган катта-катта уйлари;

4. Кулолчиликда мұхим техника ютуғи-хұмданларнинг ишатилиши.

5. Турли ҳайвонларнинг лойдан ясалған ва она уруғи (матриархат) га хос ҳайкалчалари;

6. Рангдор, турли тасвиirlар билан безатилған сопол буюмлар мавжудлиги.

Энеолит-мис-тош даврида одамлар дастлабки металл билан танишдилар. Бу даврга келиб мис қороллар анча такомишкашган бұлса-да, ундан оғир меңнат қороллари ясашининг имкони йүк әди. Мисдан асосан үй-рұзғор буюмлари, тақиңchoқдар ва ҳарбий қороллар ясалған. Энеолит даври ёдгорлыклари Бухоро вилоятининг Лавлакон, Бешбулоқ, Учтут (мис кони) мавзеларидан, Панжикент атрофларидан (Саразм маданияти) топиб текширилған. Бу даврга келиб, деңқончилик Үрта Осиённинг шимоли-шарқий худудларига ҳам ёйлади.

Хозирғи кунда ибтидои жамоа тузумининг турли баҳсларга сабаб бұлаёттан муаммоларидан бири антропогенез-одамнинг пайдо бұлиши ва ривожланишидір. Турли худудларда қадим замонларда яшаган илғор мутафаккирлар одамнинг пайдо бұлиши ҳақыда илмий таърифға яқын фикрларни баён этгандар. Улар асосан инсоният ҳайвонот оламидан ажralиб чиққан деған фикрни билдирадилар. Инсоннинг пайдо бұлиши миллионнан-нан үйлар давом эттеган ривожланиш жараёнининг натижасыдір. Энг қадимги қазилма одам қолдиқлари Шарқий Африкадан (Олдувай, зинжантроп), Индонезиядан (Ява, питекантроп), Хитайдан (сипатроп), Германиядан (Гейдельберг) топиб текширилған. Кейинги топилмалар, яғни, замонавий одамга анча яқын бұлған одам қолдиқлари дастлаб Неандерталь (Германия) водийсидан топылған (Ўзбекистондаги Тешиктош).

Үрта тош даврида, бириңчы навбатда меңнат жараённан инсон тафаккурининг ривожланиши натижасыда неандерталь қиёфасидаги одамлар ҳозирғи қиёфадаги одамларға айланған бошладилар. Улар жисмоний жиҳатдан камол топиб, ҳозирғи қиёфадаги кишилар вужудға келди ва шу билан антропогенез жараённан тугади (кроманьон күринишидаги одамлар). Бу жараённинг тугаши инсоният тарихидаги мұхим воқеа булиб, инсон дастлаб тошдан оддий тұқмоқ ясаган бұлса, узлуксиз меңнат, инициалист ҳамда онгиннинг ривожланиши натижасыда юксак маданият яратып даражасыга етиб келди.

Жанубий Қозғистоннинг тоғ ва тоғолди туманларидан, Қирғизистоннинг тоғ водийларидан, Жанубий Туркманистанда, Қызылкум ва Қоракум ичкарисидаги қадимги күллар атро-

филда, Ўзбекистондаги Оҳангарон, Чирчиқ дарёлари водийла-рида, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё воҳалари, Фарғона водийиси ва унинг тоғли ҳудудларидан ибтидоий жамоа тузумининг барча даврларига оид ёлгорликлар топилган. Бу топилмалар Ўрта Осиёни антропогенез жараёни содир бўлган ҳудудлар сарасига қушиш имконини беради.

Ҳозирги даврда олимларнинг катта гуруҳи одамзоднинг да-стлабки ватани Африка деган фикрни илгари сурса, яна бир гуруҳ олимлар Европа дейдилар. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса одам илк марта Осиёнинг жанубида пайдо бўлган деган гояни илгари сурадилар. Умуман олганда, одамзоднинг дастлабки ватани ҳақида олимлар орасида ягона фикр ҳозирча йўқ.

Ибтидоий тасвирий санъат

Дунё тарихида ибтидоий тасвирий санъат, хусусан, горларнинг деворларига турли тасвиirlар чизиш сўнгги палеолит даврига оидdir (Испания, Алтамир гори). Ўрта Осиёда унгурулар ва қоятошларга ишланган расмлар мезолит даврида пайдо бўлади. Неолит даврига келиб эса ривожланган босқичга кутарилади. Калтамиор, Ҳисор, айниқса Жойтун маданиятига мансуб ёлгорликлардан ибтидоий санъатнинг турли намуналари топилган. Ўрта Осиёнинг тоғлик ҳудудларида кенг тарқалган қоятош расмлари ишланиш усулига кўра икки хил. Бир хиллари бўёқ (охра) билан, иккинчи хиллари эса уриб-ўйиб ишқалаш, чизиш усули билан ишланган (петроглифлар) расмлардир.

Ўзбекистондаги қоятош расмларцинг энг подир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Кўксарой, Такатош, Тераклисой кабилар бўлиб, улар юздан зиёдлир. Бу ердаги қоятошларда Ўзбекистоннинг қадимги ва ҳозирги ҳайвонот олами вакиллари-нинг расмларини кузатиш мумкин. Улар ибтидоий буқалар, шерлар ва йўлбарслар, қоплон, тулки ва бўрилар, буғу ва жайроқ кабилаларди. Расмлар орасида ўқ-ёй, узун қилич, ханжар, дубулға, қопқон каби нарсалар ҳам кўлчиликни ташкил этади.

Энг қадимги расмлар Зараутсой (Сурхондарё) бўлиб, бу расмлар мезолит-неолит, яни мил авв. VII-IV минг йилларга оидdir. Қоятош расмлари орқали ўша давр одамларининг ов, меҳнат ва жанговар куролларини билиб олишимиз мумкин. Шунингдек, қоятош расмлар қадимти авлодларимизнинг гоявий қарашлари ва диний эътиқодларини ўрганишда муҳим аҳамиятта эга.

Шуни таъкидланни жоизки, ибтидоий санъатнинг энг ривожланган босқичи неолит даврига оидdir. Бу давр Жойтун, Кал-

таминор ва Ҳисор маданиятларига мансуб ёдгорликтардан ибтидоий санъатининг жуда кўплаб намуналари топилган. Неолит даври одамлари идишларга ҳар хил рангдаги бўёқ билан турли нақшлар, одам ва ҳайвон тасвирларини ифода этгандар. Шу билан биргэ лойдан ясалиб, пиширилган аёл ҳайкаччалари неолит даври санъатининг нодир намуналари ҳисобланади.

Бронза даври ютуқлари

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда бронзанинг ватани Кичик Осиё ва Месопотамия бўлган. Мил. авв. III минг йилликка келиб, Ўрта Осиё ҳудудларида бронза қуроллар кенг тарқалади. Ўзбекистон ҳудудларида бронза даври ёдгорликлари кўплаб учрайди. Бу даврга мансуб маданият излари ластлаб Хоразм, кейинроқ эса Зарафшон ва Қашқадарё ҳамда Фарғона водийларидан топилган.

Улардан энг йириклари Сополитепа, Жарқутон, Тозабоғёб, Замонбобо, Чуст, Амирбод ёдгорликларидир. Бу ёдгорликтарда олиб борилган тадқиқотлар шундан далолат беради, бронза даврила кипилик жамияти маданий тараққиётида катта-катта ўзгаришилар содир бўлади. Аҳоли ҳўжалик юритишининг муайян кўринишларига, яъни воҳаларда, кўллар, дарёлар ва сойлар бўйларида леҳқончиликка, дашт ва тогодди ҳудудларида чорвачиликка (мехнатининг ластлабки йирик тақсимоти) утиб олди.

Бу даврга келиб, Ўрта Осиёнинг ижтимоий тузумида ҳам ўзгариш жараёнлари бўлиб ўтди. Уруғчилик тузуми бронза давридаям давом этган бўлса-да, она уруғининг мавқеи йўқолиб борди. Металл эритиши ва ҳўжаликнинг ривожланиши натижасида жамиятда эрқаклар меҳнат ва мавқеи биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб борди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бронза даври жамият тараққиётида, леҳқончилик, чорвачилик, овчилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланишида эрқаклар етакчилик қинганлар. Аёллар эрқаклар ишлаб чиқарган нарсаларни истеъмол қилинча интирок этсалар ҳам, унга эгалик қилиндан маҳрум бўладилар. Ишлаб чиқаришда ҳукмронлик қилини шу тариқа эрқаклар қўлига ўтади ва она уруғи тузуми ўринини ота уруғи (патриархат) тузуми эгаллайди.

Бронза даврига келиб, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши натижасида кипилик жамияти тарихий-маданий тараққиётида катта-катта ўзгаришилар солир бўлади. Бу жараёнларда бронзанинг аҳамияти катта бўлди. Аҳоли ҳўжалик юритишининг маълум кўринишларига, яъни

воҳаларда, кўллар ва сойлар бўйларида деҳқончиликка давлат ва тоголди ҳудудларида эса чорвачиликка ўтиб олди. Бу даврда жамият ҳаётидаги содир бўлган турли тараққиёт жараёнларикинилик тарихида муҳим босқич бўлган давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун улкан аҳамият касб этди.

Таянч тушунчалар


Цивилизация, ривожланишидаги иотекислик, антропогенез жараёнлари, палеолит, мезолит, неолит, энеолит, Анисье, Тенгрикони, Жойғун, Хисор, Кағанминор, Саразм, Замонбобо, Сомонли, Нсандертал, Кромонъон, Зараутсой, матриархат, патриархат.

Мустақил иш маъзулари

1. Антропогенез – инсоннинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
2. Ибтидоий жамоа тузумининг давларга бўлиниши ва унинг хусусиятлари.
3. Металл ишлатилишига ўтилиши. Жамият тараққиётида металлнинг аҳамияти.

Адабиётлар:

1. Археологлар ҳикоя қиласи. Тўплам. Тошкент, 1974.
2. Арициховский А. Археология асослари. Тошкент, 1970.
3. Аскаров А., Альбаум Л. Поселение Кучуктепа. Ташкент, 1970.
4. Борисовский А.И. Древнейшее прошлое человечества. Москва. Наука, 1980.
5. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Урта Осиё археологияси. Тошкент, 1990.
6. Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро. Тошкент, 1991.
7. Окладников А.П. Палеолит и мезолит Средней Азии. В кн. Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М. — Л., 1966.
8. Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, 1964.
9. Тайғор Э.Б. Первобытная культура. Пер. с англ. Д. А. Коропцевского. М., 1989.
- 10. Чебоксаров Н.Н., Чебоксарова И. А. Народы, языки, культуры. М.: Наука, 1985.
11. Ўзбекистон тарихи. Сагдуллаев А., Эшор Б. Ҳаҳрири ёғтида. Тошкент. Университет, 1997, 2-нашри, 1999.



З-мавзу. ЎЗБЕК ХАЛҚИННИГ ШАҚЛЛАНИШ ТАРИХИ

Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси

Ҳар бир халқининг ўз келиб чиқини ва ривожланиши тарихи бор. Ўзбек халқининг ҳам узоқ ва воқеиликларга бой тарихи мавжуд бўлиб, у халқ бўлиб шаклланунга қадар узоқ ва мураккаб этник жараёнларни бошидан кечирди. Умуман олганда, ҳозирги кунда халқарининг келиб чиқини-этногенезига ўтибор айниқса кучайтаники, бу ҳолат миллатлар ичидан ўз-ўзини анилан жараёнининг ўстасилити, ўз тарихи, ўтмишига қизиқининг ошаналиги, янги мустақил давлатлар пайло бўлан ўз ифодасини топали.

Мустақиллик шарофати ила ўтмишими, тарихимизга бўлан муносабат тубдан ўзгарди. Тарихимизни, бой ўтмишимиизни илмий, холосона тарзда баён қилиш замон талабига айланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1998 йил июл ойида бир туруҳ олимлар билан ўтказган учрапувила, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фаннлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллантириш тұғрисидагы» 1998 йил 27 июл қарорида ва Президентимиздинг тарихий ўтмишимиизни ўрганиш муаммоларига бағишилган «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида ҳамда сўнгти пайтлардаги кўнгина чиқишларида ўзбек халқининг тарихини илмий, ҳаққоний тарзда баён қилиш, тарихий талқиқотларга кенг кўламда йўл очиб берини, маданий меросимизни асрар-авайланни, миллӣ мағфура тоғларини ривожлантириб тарғиб этиш ва бошқа кўплаб муаммоларни ҳал этиш масалалари кўриб чиқилди.

Президентимиз жумладан шундай детаи эди: «Тарихий хотираси бор инсон-иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир. Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятининг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига тортиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хүнёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди». Дарҳақиқат, жамият тараққиётida тарихининг ўрни ва роли ниҳоятда катта бўлиб, бу жараёниниг ҳозирги кунда давлатимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни бекиёсdir.

Ўзбек халқининг келиб чиқини тарихи ҳозирги кунда тарихимизда кам ёритилган ва илмий асосда тамомила янгитдан кўриб чиқинига мансуб бўлан масалалардан биридир. Президентимиз таъкидлаганидек, «биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихни таг-

томиригача назар таштаймиз». Дарҳақиқат, уч минг йилдикдан зиёд давлатчилик тарихига эга бўлган ҳалқимизнинг илдизлари асрлар қаърига бориб тақалади.

Маълумки, «Ўзбекистон қадимги тарихининг жуда катта даври ёзма манбаларсиз, археология ва антропологияга оид манбаларга таяниган ҳолда ўрганилади. Қадимги Шарқ ёзма манбаларидан (Хинд, Оссурия ва Эрон) маълумки, мил. авв. II минг йилдикнинг ўрталари ва охирлари (бронза даври)-Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон тарихи-ҳинд-эрон қабилалари ёйилшини билан боғлиқ бўлган. Ҳинд-эрон қабилалари дастлаб жуда кенг ҳудудларда — Волга, Урал ва Жанубий Сибир оралигидаги ерларда яшаганлар».

Тадқиқотчи Т.Ходжайов фикрига кўра, бронза даврига келиб, Ўрта Осиёning жанубий вилоятларида баланд бўйли, боши чўзиғчиқ, юзи тор ирқининг вакиллари тарқалган. Шимолий данаш ва чўл ҳудудларида оса, жануб аҳолисидан фарқ қилган боши думалоқ, юзи жуда кенг ва чўзиқ бўлмаган қабилалар яшаган. Фонда жанубий қиёфали одамлар Ўрта Ер денигизи ирқининг вакиллари деб аталади. Улар Олд Осиё, Месопотамия, Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Ҳиндистон каби катта географик ҳудуддага ёйилганилар. Шимолий қиёфали одамлар Жанубий Сибир ҳудудидан то Қозоғистон, Ўрта Осиёning шимоли-шарқий қисмидан Урал, Волга бўйи ерларигача тарқалган.

А. Сагдуллаев тадқиқотларига кура, бронза даврига келиб, Ўрта Осиё ҳудудида қадимти жанубий ва шимолий қиёфалаги одамлар вакилларининг қўшилини жараёни бошланади ҳамда айнаш мана шу даврига келиб, ўлкамизда яшаб ўтган бронза даври қабилалари Ўрта Осиёning қадимги ҳалқиарига асос солганилар. Тадқиқотлар натижаларига қарагандай мил.авв. II минг йилдикнинг охири-І минг йилдикнинг бошлари Ўрта Осиё ҳудудларида мураккаб этник-маданий жараёнлар бўлиб ўтади. Хусусан, жанубий ҳудудлардаги ҳосилдор воҳалар ўтрок дехқончилик аҳолиси томонидан ўзлангтирила бошланган бўлса, шимолий вилоятларда кўчманчи чорвадор қабилалар тарқала бошланади. Кўчманчи чорвадорлар ва ўтрок аҳолининг узвий муносабатлари асосида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар авж олди.

Этногенез жараёни турли ҳалқарининг аждодлари тарихидан бошланади. Ўзбек ҳалқи аждодларининг тарихи жуда катта тарихий даврни ўз ичига олади. Узоқ тарихий тараққиёт йўлида аждодларимиз мураккаб этногенез жараёнларини бошдан кечирганилар. Бу жараёнлар антропологик қиёфалар ва бошқа

қабилаларнинг аралашиб кетиши, маданий айъаналарнинг күшилиб янги асосда ривожланиши билан узвий боелик бўлган.

Ўзбекистон Ўрга Осиёнинг қадимдан ўтрок дәхқончилик маданияти ўчоқлари таркиб тошган ҳудудда жойлашган. Диёри-миз шу боис археологик ва меъморчилик ёдгорлигига бой. Фарғона водийсининг Селуннур горидан тошилган қадимги тош даврига оид тошилмалар ва Тенгиктоидан тошилган ўрга палеолит даврига оид одамзод қолдиқлари, бизнинг юртимиз Африка ва Олд Осиё билан бир қаторда инсоният наидо бўлган ҳудудлар таркибига кирганилиги ҳозирги кунда узил-кесил исботланади. Шунингдек, мезолит даврига (ўрга тош даври) оид Мачай горидан тошилган ёдгорликлар, неолит (янги тош) даврига оид овчилик ва балиқчилик маданиятини ўзида жам қилган Калтамиор, жанубдаги илк дәхқончилик маданиятига оид бўлган Жойтун, Ҳисор тоғ маданияти, бронза даврига оид бўлган хилма-хил Замонбобо, Сополигитеа, Саразм, Далварзинтеа, Чуст маданиятилари ўлкамизда қадимги аждодларимиз хўжалигининг жадаллик билан ривожланганлигини исботлайди.

Ўлкамиз қадимги аҳолиси тош ва бронза даврларида қандай ном билан аталган қуқлари бизга помаълум. Илк бора Ўрга Осиё аҳолиси хусусидаги маълумотлар Щарқ ва антик давр юнон-рим манбаларида тилга олинади. Юнон тарихчиларининг маълумотларига қараганда, Евросиёнинг катта ҳудудларида яшовчи қабилалар умумий «скифлар» номи билан аталади. Юнон тарихчиси Геродот, «бу халқлар қадимийликда мисрликлардан қолишмайди», деб юқори баҳо берган эди. Плиний Ўрга Осиё ҳудудларида 20 га яқин қабилалар борлиги хусусида ўз асарила эслаб үтади. Ёзма манбаларда скифларнинг иккита йирик қабиласи: саклар ва массагетлар хусусида күпроқ гап боради. Аҳмоний миҳнат ёзувларида саклар учта қисмга бўлиб кўрсатилади (хаумаварка, тиграхауда, тиай-тара-дарайя). Массагетлар хусусида ҳам турлича фикрлар мавжуд бўлиб, улар кўчманчи чорвадор-ҳарбий қабилалар бўлганилиги таъкидланади.

Илк темир давридан бошлаб (ми. авв. IX-VII асрлар) қадимги дәхқончилик воҳаларида яшовчи ўтрок аҳоли ўзлари жойлашган ҳудуд номлари билан атала бошлаганлар. Булар Сүёдисинаядаги-сўёдийлар, қадимги Хоразмдаги-хоразмийлар, қадимги Бақтриядаги-бақтрийлар, қадимги Чоҷдаги-чоҷликлар, Фарғонадаги-парканаликлар шулар жумласидандир. Бу тарихий номларнинг кўпчарини биз ишк ёзма манбаларда, хусусан зардӯштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да, Аҳмоний ҳукмдорларнинг миҳнат асарларида учратамиз.

Шунингдек, Қозоғистон худудларида яшаган чорвадор қабилалар бронза давридаёқ («Андроново маданийти») туркий тиілде сұзлашғанлар деган асослы фикрлар ҳам мавжуддир. 1969 йили Олмаота яқинидаги Иссиккүргөн маконидан топылған ёзув-міл. авв. IV-III асрларга оңд бўлиб, ҳозирги кунда илк туркий тиіли ёзуви деган фикрлар ҳам бор. Бундан холоса чиқарадиган бўлсақ, демакки, міл. авв. IV-III асрлардаёқ Ўрга Осиёнинг шимолий-шарқида туркий тиіли аҳоли-қабилалар мавжуд бўлиб, уларниң хоразм, сұғд, бақтрия каби ёзувлари ўша жой аҳолиси ичида ишлатилған. Еттисувдаги сакларниң бир қисми ҳам туркий тиілде сұзлашған.

Тадқиқотчилар фикрларига таяниб шуны айтғыш мумкинки, Ўрга Осиёда қадимданоқ 2 хил: туркий ва шарқий эроний тиілде сұзлашувчи аҳоли мавжуд бўлған. Ўзбек халқининг қадимги аҳолисини худди шу икки бўлак ташкил этган. Міл. авв. II-I асрларда ва эрамизининг бошларida эса, узоқ давом этган этник жараён нағијасида ҳозирги замон ўзбек халқига хос бўлған «икки дарё оралиги типи» (Амударё, Сирдарё) даги ирқ кинилари Ўрга Осиёнинг катта худудларида яшардилар.

Милоднинг IV асрларига келиб бу тип кинилари ҳозирги Ўзбекистон худудининг катта қисмидә учрай бошлидилар. Эрон аҳмонийларининг Ўрга Осиёни босиб олишлари, сұнгра Македониялик Искандарнинг ҳарбий юришлари маҳаллий аҳоли эт-погенезига сезиларли таъсир этмади. Міл. авв. I аср ва эрамизининг IV асрига қадар Ўрга Осиёға күчманчи юечжилар, хионийлар, эфталит қабилаларининг кириб келиши даври бўлди. Худди шу давр янги ер эгалиги муносабатларининг ҳам шаклланиши даври бўлди. Юқоридаги қабилалар туркий тиілдаги қабилалар бўлиб, уларниң кириб келиши туркийланув жараёнини янада кучайтириди.

VI-VIII асрлардаги этник-маданий жараёнлар хусусида

Эрамизининг 551 йилда Олтойда янги давлат – Турк хоқонлиги юзага келди. Турк хоқонлиги ҳукмдори Муқанхоқон (554-576 йй.) ва унинг амакиси Истами Ябгуларнинг Ўрга Осиёға юришлари VI асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йилларидан айниқса кучайди. 568 йили Ўрга Осиё батамом улар қулига ўтди. Улар аввал қўпроқ ўзлантирилмаган ерларга, сұнгра аста-секин маҳаллий аҳоли яшайдиган қинилоқларга яқинланып, ерли халқ маданий-хўжалик ютуқлари таъсирида ярим ўтрок ва кўп ҳолларда ўтрок турмуш кечиришта, улар би-

лан иқтисодий ва маданий алоқани кучайтиришга мүяссар бўлдилар. Натижада Хоразм, Фарғона, Сўёднинг катта қисмида янновчи туркий қабилалар улар билан араланиб кетди.

VI асрнинг 60-70 йиларида хоқонлик қабилалари Бухоро воҳаси ва ҳатто Шимолий Афғонистон ҳудудларига ҳам бориб ўрнаша бошладилар. Бунинг натижасида маҳаллий аҳоли билан ўзаро яқинланув ва қон-қариндошлилик алоқаларининг ривожланиши жараёни содир бўла бошлади. 603 йилга келиб Турк хоқонлиги узил-кесил 2 қисмга: Шарқий ва Фарбий қисмларга бўлинib кетади. Ўрга Осиёдаги бир нечта кичик ярим мустақил давлатлар Фарбий Турк хоқонлиги таркибида эди.

Янги ер эгалити муносабатлари ривожланаштани Гарб хоқонлигининг ижтимоий таркиби ҳам, сиёсий бошқаруви ҳам анҷа-мунча мураккаб эди. Ярим асрлик ҳукмронлик жараёнида туркларининг бир қисми ўтроқлашади, қолтанилари ерли чорвадорлар билан аралашив кетади. Ўтрок ҳаётнинг анъанавий-маъмурий удумлари таъсирида бошқарув таркиблари аста-секин ўзгариб, хоқонлик қабилаларининг ижтимоий-сиёсий мавқеи мустаҳкамланиб боради. Турклар этник-сиёсий ҳаётда фаоллашиб, Ўрга Осиё жамиятининг барча жабхаларида тенг қатниша боштайдилар. Хоқон Шегуй вағотидан кейин (618 й.) ҳокимиятта келди Тұн Ябигу (Тұн баҳодир) даврида Фарбий хоқонлик янада кучаяди.

Бу жараёни тұхтатип учун ҳеч бир сиёсий куч майдонда чиқмади. Аксинча, маҳаллий аслзодалар, айниқса, сўлд зодагонлари турк хоқонлари ҳимоясида ўз савдо-сотиқ ишларини ривожлантириб, бу ишлардан жуда катта даромад олар эдилар. Туркий аҳоли сон жиҳатдан кўпайиб, уларининг маҳаллий аҳоли ўргасидаги этник қатлами тобора қалинлашиб борди. Айниқса, туркий қатлам VII-VIII асрларда Шоп ва Фарғонада устун даражага эга эди. Гарчи Фарбий Турк хоқонлиги 659 йилга келиб парчаланиб кетса-да, унинг этник таъсири үлкәда сақланиб қолди.

VIII аср бошида арабларининг Ўрга Осиёға бостириб кириши маҳаллий аҳоли этногенезига деярли таъсир кўрсатмади. Араблар улардан сиёсий ҳукмронликни тортиб олиб, туркий халқларининг Ўрга Осиёға кириб келиш жараёнига чек қўя бошладилар. Хоқонлик қабилаларининг маҳаллий аҳоли билан аралашив кетиши, уларининг тобора ўтрок ҳаёт тарзига ўтиши ҳолати юз берди. Туркий тил тобора кенг тарқула бошлади. Араблар туркий халқлар таъсирини синдириш мақсадида Мовароуннахри эронларига яқинлантириш сиёсатини тутдилар. Шу мақсадда Ўрга Осиёға VIII-IX асрларда арабий ва эроний оиласларини кўчириб кеттириб жойлантириш сиёсагини юргиздилар. Бу даврга келиб турклар ўз таъсирларида Етисувни сақлаб қолдилар холос.

Ўзбек халқи этногенезининг кейинги даврлари. «Ўзбек» атамаси хусусида

Ўзбек халқи шакланишининг кейинги, яна бир мұхим даври IX-XII асрлар ҳисобланади. X асрнинг охирларыда түркій этник қатламнинг Мовароунахрининг барча ҳудудларида устунлигини таъминловчи тарихий воқеалар солир бўлди. Ариу, тухси, қарлуқ, чигил ва яғмо қабилалари иғтифоқидаги қорахонийлар давлати юзага келиб, бу давлат 999 йили Мовароунахри ўз илкия киритди. Қорахонийлар давлатида қарлуқ-чигил түркій тилла жасаси кенг тарқалди. Кейинчалик шу тил асосида адабий түркій тил юзага келиб, уни Маҳмуд Конғарий «Энг очиқ ва равон тил» деб атаган. Түркій тицда IX-XII асрлар мобайниша бир қитор асарлар ёзилган бўлиб, Аҳмад Ютнакийпинг (775-869) «Хибатул-ҳақойик» (Ҳақиқатлар тұхфасы) достони, Юсуф Хос Ҳожибининг (XI аср, «Кутадыу билик» (Саодаттаң нұлғовчи билим) асари, Маҳмуд Қонғарийнинг машҳур «Девону лугатут-турк» асари, Аҳмад Яссавийнинг (1041-1167) «Ҳикматлар»и ҳамда «Үзүнома», «Алшоми», «Гүрӯели» каби достонлар шулар жумласиданди.

Мовароунахр ва Хурсоннинг форсий-дарий титида сұлтанычы ахолиси X асрдан бошлаб үзини «тозик» — яни «тоҗик» деб юрита боштайди. Сомонийлар ва Қорахонийлар (IX аср ўргаларидан -1213 йилчача) дан ташқари ҳукмронлик қышан кейинги суполалар, Фазиавийлар (997-1187), Салжүкийлар (1040-1157), Хоразмшоҳ-ағуипегинийлар (1097-1231) нинг барчаси түркій қавміга тегинши бўлиб, ўз вакітида нафақат Ўрга Осиё, балки Ўрга Шарқда ҳам ҳукмронлик мавқесига эга бўлганлар. Мұғуллар истилоси гарчи ахоли боштага ишҳоятда оғир қулғатлар ва йўқотишлар олиб келган бўлса-ла, тадқиқотчилар фикрича, ўзбек халқи этногенези ва ирқига деярли таъсири бўлмади.

Мовароунахр ва Хоразмдан шимолда жойлашган вилоятларни, мусулмон муаллифлари Дағти Қипчоқ-Қипчоқ чўли деб аташган. Қадимданоқ бу ерларда асосан түркій халқлар ва түркляшган мұғуллар истиқомат қиласар эдилар. Чингизхон босқинидан сўнг бу ерлар катта ўғил Жўчининг илкига тушган эди. Кейинчалик бу ҳудуд икки қисмга бўлинib кетди. Жўчининг ўғли бўлмиш Шайбоннинг авлодидан бўлган Султон Муҳаммад 13 ёшида (1312-1341) Оқ Ўрдага ҳукмдор бўлади. Султон Муҳаммадга Ўзбекхон деб таҳаллус берилганди.

Қўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда ўлкамиз ҳудудларида энг қадимги даврларда яшаган ўғроқ маҳаллий ахоли — сўедийлар, хоразмийлар, бағрийлар, саклар, мас-

сагетлар, ҳозирги ўзбек ҳалқининг асосини ташкил этади. Тарихнинг қадимги даврларида аҳоли кўп ҳолларда ўzlари яшаган жой номи билан аталган бўлиб, ўрга асрларга келиб бу номлар ўзгаради. Хусусан, Дағти Қинчоқ худудларида яшаган туркий аҳоли Мовароунинахр ерларига келиб, бу ерда яшаётган ўтроқ аҳоли билан уйғуналашиб кетган ва аҳоли ўз номини ўзбек деб атаган. Ўрга асрлар тарихий алабиётларида ҳам бу ном «ўзбек», «ўзбеклар» сифатида тилга олинади. Аммо, шу царса аниқки, Дағти Қинчоқ худудларидан келган туркий қабилалар маҳаллий аҳоли этногенезига, урф-одат ва анъанааларига сезиларли даражада таъсир этмадилар, аксинча унинг орасига сингиб кетиб юқори даражадаги маданият таъсирида бўлдилар.

Тадқиқотчи Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг ёзишича, ўзбек ҳалқи асосан икки этик қатламдан ташкил томган. Биринчи қатлам Турон-Туркистон худудларида шаклланган. Иккинчи қатлам эса Волга (Итил) дарёси бўйларидан тортиб, то Хоразмнинг шимоли, Сирдарёнинг ўрга ва қўйи оқимларигача бўлган худудларда шаклланган, бу макони ўтмишида турли номлар билан, чунончи Қинчоқ даشتги, Олгин Ўрда, ўзбек вилояти, ўзбек мамлакатлари, ўзбек улуси деб аталган. Ҳалқимизнинг бу қатламини жуғрофий ўрин жиҳатидан шартли равишда шимолий қатлам деб атани ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўзбек ҳалқининг этик шаклтаниши узоқ давом этган мураккаб жараёнидир. Ўзбек ҳалқининг асосини ҳозирги Ўзбекистон худудларида бир неча минг йиллар давомида яшаб келган маҳаллий сўғдийлар, қанғлар, бақтрийлар, хоразмийлар, довонликлар, саклар ва массагетлар ташкил этади. Турли даврларда бу худудларга кириб келган қабилалар, элатлар ва ҳалқлар давр ўтиши билан маҳаллий аҳолига ўз таъсирини қисман ўтказган. Ўзбек ҳалқи шаклтаниши жараёнининг барча босқичларида маҳаллий аҳоли четдан келган (келгинди) аҳолига нисбатан устун бўлган.

Бу фикримизни исботловчи далиллардан бири, кейинги учикки минг йил давомида Ўрга Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда маҳаллий аҳолининг тили уч марға ўзгарди. Хусусан, шарқий эроний тилиар ўринига гарбий эроний тилиари (форс тили) ва эрамизнинг бошларида бошлаб туркий тилилар кенг тарқала бошлиди. Аммо маҳаллий ҳалқнинг «қони», яъни генетикаси айттарли ўзгармади ва қадимий ҳалқларга хос кўпгина антропологик хусусиятлар шу кунларга қадар сақланниб келмоқда.

Ўзбек ҳалқи келиб чиқишининг асосини энг қадимги даврлардан бошлаб ўлкамиз худудларида яшаб келган ҳалқлар ва элатлар ташкил этган. Икки минг йил давомида маҳаллий аҳолига ке-

либ құнилған түркій тиіли әлат ва халқдар үзбек халқининг шақыланишыда асосий таркибий қысмет сифатыда қарташтан.

Таяпч түшүнчалар

Эңтогенез, хоразмийлар, сұғедиілар, бақтрийлар, сақлар, мас-сагетлар, Даңғыл Қипчоқ, «Иккі дарё оралын тиши», «Үзбек» атамасы, Үзбекхон.

Мустақил иш маңзулари

1. Үлкемиз ҳудудларида яшаган энг қадимти ахоли ва улар-нинг машғулотлари.
2. Үзбек халқи шақыланишининг босқичлари.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасыз келажак йўқ. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998.
2. Абулғозий. Шажараи турк. Тошкент, «Чўлпон», 1992.
3. Заки Валидий. Ўзбек уруғлари. Тошкент, 1992.
4. Иброҳимов А. Биз ким ўзбеклар., Тошкент «Шарқ», 1999.
5. Жабборов И. Ўзбек халқининг этнографияси. Тошкент, «Ўзбекистон», 1994.
6. Шаниязов К. Узбеки-карлуки (историко-этнографический очерк). Ташкент. «Наука», 1964.
7. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг этногенезига оид байзи назарий масалалар. Ўзбекистонда ижтимоий файлар, 6-сон, 1998.
8. Ҳасан Ато Абуший. Туркій қавмлар тарихи. Тошкент, «Чўлпон», 1994.
9. Усмон Турон. Туркій халқдар мағкураси. Тошкент, «Чўлпон», 1995.

4-мавзу. ЎЗБЕК ХАЛҚИ ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ ВА ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧЛАРИ

Илк давлатлар пайдо бўлишининг асосий омиллари.

Жаҳон тарихидаги дастлабки давлатлар

Нафақат Ўзбекистон, балки дунё тарихида илк давлатчиликнинг найдо бўлиши масалалари ҳозирги кунда тадқиқотчилар орасида энг долзарб бўлиб турган муаммолардан бири ҳисобланади. Масалани ўрганиб, унга аниқлик киритишдан олдин давлатчиликнинг илдизлари ва пайдо бўлиш шартшароитларига диққат-эътиборни қаратмоғимиз лозим.

Янги тош асрига (неолит) келиб Ўрга Осиё ҳудудларида деҳқончиликнинг пайдо бўлиши жамият ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жараёнларини янада тезлаштириди. Бронза даврига келиб эса деҳқончиликдан чорвачиликнинг ажralиб чиқishi, ихтисослашган ҳунарманчичлик хўжаликларининг ривожланиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, меҳнат қуроллари янада такомиллашиб борди. Жамиятда ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг пайдо бўлиши ва жадаллик билан ривожланиши ўз навбатида ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга сабаб бўлди.

Тадқиқотчиларнинг фикрларига қараганда, сунъий сугоришга асосланган деҳқончилик Ўрга Осиё хўжалигининг асоси ҳисобланиб, бу жараён жанубий Туркманистон, Тоҷикистон ва Ўзбекистоннинг жанубида бронза (мил. авв. III-II йилликлар) даврида, Тошкент воҳаси ва унинг атрофларида эса илк темир (VII-IV асрлар) даврида шаклланиб ривожланди. Ўрга Осиёда илк давлат уюшмалари сунъий сугориш бирмунгча қулай бўлган Амударё (юқори, қўйи, ўрта) оқимлари бўйларида, Мургоб воҳасида, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида шаклланиб ривожланади. Бундай ҳолатни дунё тарихидаги дастлабки давлатлар-Миср (Нил) ва Месопотамия (Дажла ва Фрот) мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Ҳозирги кунга келиб, Ўрга Осиёнинг жуда кўплаб бронза ва илк темир даврига оид ёдгорликларидан (Сополи, Жарқутон, Анов, Қизилтепа, Кўзалиқир, Афросиёб, Чуст, Даъварзин, Даратепа ва бошқ.) ишлаб чиқарувчи хўжалик билан бевосита боғлиқ бўлган металл қуроллар топиб ўрганилган. Металл қуролларининг меҳнат қуроллари сифагида жамият ҳаётига кенг ёйилиши меҳнат унумдорлигининг янада юксалиши учун улкан имкониятлар яратиб, бу жараён давлатчилик пайдо бўлишини янада тезлаштириди.

Сүнгти бронза даврига келиб кулолчилик чархининг ишлатиги-
ла бошланиши патижасида Соополи, Олтингтепа, Гонур,
Жарқұон қабиларда кулолчилик маҳаллалари пайдо бўлади. Шу-
нингдек, хунарманандчиликнинг тошга, металига, ёючга, сукка
ишлов берин турлари ҳам кең тарқалади. Хунарманандчи-ликнинг
ихтисослашуви, алоҳида ҳужалик тармоғи сифатида шаклланаб
ривожланиши жамиятдаги иқтисодий тараққиёт учун мухим
аҳамиятта эга бўлиб, давлатчилик пайдо бўлиши учун мухим
булган қўшимча маҳсулот қўпайилига турти бўлди.

Ўрга Осиё ҳулудларида яшаган аҳоли қадимги даврлардан
бошлаб ўзаро муносабатларни ривожлантириб келгандар. Брон-
за даврига келиб шимолдаги кўчмачи чорвадор қабилалар ва
жанубдаги ўгроқ дехқончилик аҳолиси ўргасида ўзаро мол ай-
ирбошлани ва маданий алоқалар янада жадаллашди. Бу ўринда
ўни даврда шаклланаб кейинчалик янада ривожланган қадимти
йўлларнинг аҳамияти бекиёс бўлди. Бу йўллар орқали Ўрга
Осиё қадимги аҳолиси минтақадан ташқари қўшини давлатлар
Месопотамия, Миср, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон кабилар
билин турли алоқаларни ривожлантирганлар.

Хуллас, Бронза даврига келиб аҳоли ишлаб чиқариншиниг
маълум бир соҳаларига — дехқончилик, чорвачилик ва
хунарманандчиликка ихтисослашиб борди. Бу жараён ишлаб
чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва уларнинг бир ерга тўпланиши
учун замин яратди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ўз на-
батида маҳсулот ҳажмининг ўсиб, қўшимча маҳсулот пайдо
бўлишига сабаб бўлди. Демак, қадимти ҳужаликларнинг ихти-
сослашуви, суғорма дехқончиликнинг ривожланиши, металли-
нинг ҳаётга жадаллик билан кириб келиши ва ёйилиши,
хунарманандчиликда турли тармоқларнинг ривожланиши, ўзаро
айирбошлиш ва савдо-сотик тараққиёт этиши патижасида жа-
мият ҳаётида ижтимоий-иқтисодий юксалиш кузатилади. Бу
юксалиши илк давлатчиликнинг асосий пойлевори ҳисобланади.

Мил. авв. IV минг йилликка келиб қадимти Миср ҳужалигига
оғлий суғоринига асосланган дехқончилик катта ютуқдарга
эришади. Кўп тармоқи бўлган хунарманандчилик
дехқончиликдан ажralиб чиқади. Савдо-сотик кең миқёсда ри-
вожланиб боради. Айшан мана шу даврда жамиятнинг ижтимо-
ий ҳаётида ҳам тубдан ўзгаришлар бўлиб ўтди. Аҳоли орасида
табақаланиш рўй бериб, жамият учта — ҳуқмрон қатлам
(қабила оқсоқоллари, коҳинилар, бой жамоачилар),
дехқончилик жамоаси аъзолари (Қад. Миср жамиятдаги моддий
ишлаб чиқарувчилар) ва қуллар қатламларига бўлиниади.

Мил. авв. IV минг йилликнинг иккинчи ярмida Қадимги Мисрда шаҳар маркази атрофидаги бир печта қипчоқларни бирлангирган унчалик катта бўлмаган вилоятлар (номлар) доирасида дастлабки давлатлар пайдо бўлади. Марказий шаҳарлар марказида ҳукмдор қароргоҳи ва бош худо ибодатхонаси жойлангани. Бу даврда Куйи Мисрда 22 та ном, Юқори Мисрда 20 та ном бўлгани маълум. Мил. авв. IV минг йиллик охиirlariga келиб барча номлар бирлангирилиб Куйи ва Юқори подшолицклар ташкил топади. Куйи Миср подшолиги нойтакти Энхаб (Нехен) шаҳри, Юқори Миср подшолиги нойтакти эса Буто шаҳри эди. Қадимги Мисрнинг ривожланиши Ўрга, Янги ва Сўнгти подшолицклар даврларига бўлинади.

Мил. авв. V минг йилдикка келиб, қадимги Месопотамия ахолиси ҳаётида Халаф маданияти (Тал-Халаф қышлоғы номидан) маълум аҳамиятга эга бўлган бўлса-да, бу ҳудудларда жамиятнинг табакалашуви ва давлатчиликнинг пайдо булиши ҳамда Шумер цивилизациясининг асослари Урук (IV минг йилдикнинг иккинчи ярми) маданияти билан боғлиқдир.

Бу даврда Месопотамия хўжалигининг асосини суворма дехқончилик ташкил этарди. Аста-секинлик билан дехқончиликдан ҳунармандчилк хўжаликлари ажralиб чиқиб, улар жамият ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган тармоқдарга айланса бошлади. Йўқи ва ташкил алманингув ривожланади. Кўпини вилоятлардан мис, олгин, қурилиш моллари, қимматбаҳо тошлар келтирила бошланади. Манзилгоҳлар ўлгамлари кенгайиб, улар маданий, маъмурий, сиёсий ва диний марказларга айланасиб боради.

Мил. авв. IV минг йилликка келиб ишлаб чиқарувчи күчлар-нинг ривожланиши натижасида ишлаб чиқариш муносабатлари ҳам тарақкӣ этади. Натижада Месопотамия жамиятда мулкий тенгиззик ва ижтимоий табақаланиниг рӯй беради. Мил. авв. III йилликкунинг бошлари Месопотамиянинг (Тигр ва Евфрат дарёлари водийси) жанубида Шумер, Үрга қисмида эса Аккад каби давлатлар Эреду, Ур, Ларса, Урук, Умма, Лагас каби бир нешта шаҳар-давлатлар мавжуд эди. Ӯни давр Месопотамия ривожланишининг асосини сугорма дәхқончилик ташкил этарди.

Ұлкамиз ҳудудларыда дастлабки шағарсозлик маданияти

Тадқиқчиларпинң фикрларига қарағанда, ишк шахарларнинг пайдо бўлиши дастлабки давлатчилик шаклларинида энг мухим ва асосий омил бўлиб, бу иккага жараён узвий боғлиқ холда кечкан.

Маълумки, мил. авв. II минг йилликка келиб қадимги Ўзбекистоннинг дәжқончилик воҳаларида ўтроқ қабилалар ривожланиб, аҳолининг алоҳида жойлашув тизими шаклланади. Аҳолининг алоҳида жойлашув манзилгоҳларидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришилар-ўтроқ дәжқончиликнинг ривожланини, аҳоли зинчигипинг юқори даражаси, ҳунармандчилликнинг тараққий этини, ижтимоий табақаланини ва бошқарув тизими-нинг мураккаблашиб бориши, ўзаро алмашинув, савдо-сотиқ ва маданий алоқаларининг кучайиши ҳамда ҳарбий-сиёсий вазият Ўзбекистон ҳудудларида дастлабки шаҳарларнинг пайдо булишида асосий омиллардан ҳисобланади.

Жамият ҳаётида содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришилар мил. авв. III минг йилликнинг охири-II минг йилликнинг бошларига келиб, Ўрта Осиё ҳудудларида дастлабки шаҳарларнинг пайдо булишига олиб келади. Шаҳар маданияти-нинг шаклланини ҳам худди жамият тараққиётida бўлгани каби узлуксиз тараққиёт йули билан ривожланган. Бу қонуниятга кўра шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши, узоқ, босқичма-босқич давларни босиб ўтган. Мил. авв. II минг йилликка оид Ўрта Осиёдаги Жарқутоц, Сополли, Данли, Гонур, Намозгоҳ, Оғангитепа, Улуғтепа кабиларда илк шаҳарсозлик маданиятининг шаклланини ва ривожланини учун кўйидаги омиллар муҳим аҳамиятта эга бўлди:

- аҳолининг ўтроқ дәжқончиликка ўтини ва кенг воҳалар бўйлаб ёйиниши;
- ҳунармандчилликнинг ривожланиниши ва айрим соҳаларга ихтисослашиши;
- қадимги савдо йўлларининг ривожланиниши натижасида иқтисодий ва маданий алоқалар ҳамда савдо-сотиқнинг тараққий этиши;
- табиий-географик ҳамда ҳарбий-стратегик шартшароиглар.

Шаҳар маданияти даставвал Ўзбекистоннинг жанубида, Сурхондарё ҳудудида шаклланди, сунгра эса шимолга Сўғд (Қашқаларё, Самарқанд, Бухоро), Хоразм, Шош ва Фарғона ҳудудларига тарқалди. Бу — айнан юртлар ва халиқлар тараққиётидаги нотекислик каби тарихий қонуниятта эйл эмас.

Кўп сонли археологик топилмаларнинг далолат беринича, Ўзбекистондаги айрим кўхна шаҳарларнинг ёни 2700-3000 йилдан кам эмас. Уларга Афросиёб (Самарқанд), Қизилтепа (Сурхондарё), Узунқир, Еркўргон (Қашқаларё) кабилар киради. Қадимги шаҳарлар — тарихий ривожланишилар урбанистик

жараёнда мұхым аҳамиятта эта бұлған жамият тараққиётининг ижтимоий асоси ҳисобланади. Фикримизча, шаҳарлар тарихини ўрганини жарайнида даставвал, энг қадимги шаҳарлар шакталыныни ва ривожлайши; аниқ ҳудудлар ва вилойтлардаги тарихий-маданий шарт-шароитининг таъсири; экологик-географик, ижтимоий, иқтисодий ва демографик мұхитларнинг даражаси ва таъсир доираси; шаҳарларпенг вазифаси; қадимги шаҳар марказларининг тарихий-маданий жараёнлардаги үрни ва аҳамияти масалаларига көнг зәтибор қаратып лозим.

Энг қадимги давлатлар. Үлардатың ижтимоий-иқтисодий ҳасти

Ұтған асрининг охирларидан бошлаб ҳозирғи күнга қадар «Авесто» маълумотлари (вилойтларнинг Арёшаена бүйіча бирлашиппен) Геродот ва Гекатей асarlари («Катта Хоразм»), шуннингдек, Ктесийнинг қадимги Бақтрия подшолиги ҳақыдан маълумотлари ва ниҳоят археологиялық тадқиқотлар натижалари Үрта Осиёда илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши муаммоларини ўрганиш учун асos бұлған бўлининг қарамасдан. Қадимти давлатлар ҳудудлари, шақилари, бошқарув тизими ва санаси билан боғлиқ бұлған мавзуларнинг айрим йўналишлари ҳамон илмий баҳсларга сабаб бўлоқда.

Ижтимоий-иқтисодий аҳволни таҳдил қыттиш шунун күрсатади, мил. авв. I минг йилларнинг бошларига келиб, Үрта Осиёнинг иисбатан ривожланган ҳудудларидан илк давлат уюшмалари пайдо бўла бошлади. Мил. авв. IX-VIII асрларга келиб, Бақтрия (Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон, Шимолий Афғонистон) ҳудудларида ҳарбий аҳамиятта эта бұлған сиёсий бирланымалар ташкил топади. Унда даврда Марғиёна ва Сүедиёна қадимти Бақтрияның айрим қисмлари бўлғанлиги ҳақида турли маълумотлар бор. Бақтрия Шарқдаги энг мұхим ҳарбий ва иқтисодий марказлардан бири бўлиб, аҳолининг, құдратты шаҳарлар ва қалъаларнинг кўшигиги, табиий хом ашёта бойлиги, мұхим марказий савдо йўллари чорраҳасида жойлашганлиги, хунармандчиликнинг равнақи шундан далолат беради.

Сўнгти йилларда олиб борилған тадқиқотлар «Катта Хоразм», «Қадимги Хоразм» масалаларига бирмунча аниқлар киритди. Археологиялық тадқиқотлар натижаларига кўра, Хоразм тупроғида мил. авв. VIII-VII асрларга оид нахса ёки хом ғинн турар жойлар аниқланмаган (турар жойлар ярим ергўлалардан иборат). Қадимги Хоразм давлати мил. авв. VI асрда Амударёнинг ўрта оқими қисмидан Оролга яқин бұлған ерларда вужуда

келгән. Бақтрия ва Хоразм давлатининг ҳудудий чегаралари Ўрта Амударё оқимидаги ерлар орқали ўтган. Хоразмнинг йирик сүфориши иншоотлари мил. авв. VI-V асрларга оиддир. Ўлкада бу даврларга оид кўнгина шаҳар ва қишлоқлар харобалари очиб ўрганилган. Улардаги топилмалар, манзилгоҳлар, хом гиниг ва пахсадан қад кўтартган бўлиб, аҳоли дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Шаҳарларда ҳунармандчilik ривожланган.

Қадимги Сўёдиёна, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида жойлашган бўлиб, жануби-шарқда Бақтрия, шимоли-гарбда Хоразм билан чегарадон бўлган. Сўёдиёна ҳақида «Авесто», аҳмонийлар даври, миххат ёзувлари ва юнон-рим тарихчилари маълумотлар берадилар. Қашқадарёдаги бир қатор турар-жойлар ва уй-қўроғонлар қолдиқлари мил. авв. IX-VIII асрларга оиддир. Сўёдиёнида Афросиёб, Еркўргон, Узунқир каби йирик шаҳар марказлари ҳамда қўшини вилоятлар ва давлатлар билан ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланади.

Ўзбекистон ҳудудларидаги энг қадимги давлатлар ҳақида зардўнгтийларниң муқаддас диний китоби «Авесто», аҳмонийларниң миххат ёзувлари (Бехистун, Нақши Рустам, Суза, Персепол) юнон-рим тарихчиларининг (Геродот, Гекатей, Курций Руф, Ариан, Страбон ва бошқалар) маълумотлар беради. Сўнгти йилларда қадимги Бақтрия, Сўёдиёна ва Хоразм ҳудудларда олиб борилган археологик тадқиқотлар қуниҳларда ёзма маибалар маълумотларини тасдиқлайди.

Мил. авв. 559 йилда Эронда подишо Кир II аҳмонийлар давлатига асос солади. Мил. авв. 545-540 йилларга келиб аҳмоний подишолари Ўрта Осиёдаги Парфия, Марғиёна, Бақтрия, Сўёдиёна каби вилоятлар ва қўчманчи қабилалар устидан ўз хукмронликларини ўринатдилар. Ўрта Осиё халқлари босқинчиларга қарши мардоғавор кураш олиб бордилар. Хусусан, қўчманчи массагет қабилалари аҳмонийларниң катта қўшиниларини тор-мор этдилар (мил. авв. 530 йил). Бу жангда форс подишои Кир II ҳам ҳалок бўлди. Шунингдек, мил. авв. 522 ва 519-518 йилларда Марғиёнада ҳамда саклар үлкасида форсларга қарши қўзғолонлар кўтарилади.

Бу даврда қадимги Бақтрия аҳолисининг асосий машғулоти дехқончилик эди. Қалаимир, Кучуктепа, Қизилтепа, Қизилчча, Бандиҳон каби мил. авв. VI-IV аср ёдгорликларидан кўплаб меҳнат куроллари топилган. Дехқончилик сунъий сүфоришига асосланган. Бу ҳудудларда ундан ташқари чорвачилик, куолчилик, темирчилик ва балийи ҳунармандчilik (Амударё хазинаси) ҳам ривожланади.

Мил. авв. VI-IV асрларда Сүедиёнада күпілаб шаҳар ва қишиюқтар бўлиб, улар форс подшоларига катта-катта солиқтар тұлаб турғанлар. Хусусан, бу даврға оид Узунқир, Еркүргон, Афросиёб, Лолазор, Хўжа Бўстон, Сангириена, Чордара, Кўргонча, Кўктепа каби 50 дан зиёл ёдгорликлар үрганилган. Бу худудлардан топилған кўпгина топилмалар аҳолининг дәхқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчilik билан шуғулланғанидан далолат беради. Шунингдек, савдо-сотиқ ва ўзаро алоқалар ҳам анча ривожланади.

Бу даврда Хоразм худудларида ҳам йирик-йирик манзилгоҳлар мавжуд эди. Қишиюқтарда дәхқончилик, шаҳарларда эса ҳунармандчilik ривожланған эди. Жойбосқалға, Кўзалиқир, Тупроққалъя, кабилар маданий марказлар хисобланған. Ўзбекистондаги энг қадимги маҳаллий ёзув намуналари ҳам Хоразм худудларидан (Тупроққалъя, мил. авв. IV аср) топилған.

Мил. авв. 329 йилга келиб, македониялик Искандарнинг Ўрга Осиёта юринчлари бошланған. Искандар қўнишлари Сүедиёнада Уструщона ерларидан жуда қаттиқ қаршиликка дут келди. Жашларда Искандарнинг ўзи ҳам бир неча марта ярадор бўлди. Мил. авв. 329-327 йиллар давомида маҳаллий сўёдий аҳоли Спитаман бошлигигида юнон-македон босқинчиларига қарши кураш олиб бориб, уларга жуда катта талафот етказди. Искандар қўшиллари ҳеч қачон Сўёдийнадаги қаршиликка учрамаган эди.

Мил. авв. 323 йилда македониялик Искандар вафот эттанидан сўнг Ўрга Осиё ерлари Салавка ҳукмронигит остига ўтаси (мил. авв. 306 йил). Салавкийлардан бўлган Агтиоҳ I даврида (мил. авв. 280-261 йил.) Ўрга Осиё визюялларида тинч ҳёт бошланиб, қишиюқ ҳўжалиги, ҳунармандчilik, савдо-сотиқ анчагина ривожланади. Ўрга Осиё ерлари салавкийлар давлатининг муҳим қисми бўлиб, ҳарбий-стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга эди. Ўрга Осиё визюялларининг салавкийлар давлати таркибиға кирган даври юнон-македон юринчлари пайтида вайрон бўлган ишлаб чиқарувчи кунарнинг ва бақрияллар, сўёдийлар ҳамда пафияликларининг босқинчиларга қарши курашда бирланғув даври бўлди.

Мил. авв. III асрнинг ўргаларига келиб, салавкийлар давлатида таҳт учун ўзаро курашлар авж олиб кетди. Натижада дастлаб Парфия, кейин эса Юнон-Бақтрия давлатлари салавкийлардан ажralиб чиқди. Мил. авв. 250 йилда биринчи Юнон-Бақтрия подшоси Диодод ўзини ҳукмдор деб зълои қилди ва таңгалар зарб этди. Таңганинослик маълумотларига кўра, мил. авв. III асрнинг охиригача Юнон-Бақтрияда бир неча подшолар ўтганки, улар ёзма манбаларда эслатилмайди. Мил. авв. II аср

бошларига келиб Деметрий, Евкратид каби подшолар Юони-Бақтрия ерларини жанубга томон көнгайтириб борадилар. Мил. авв. II асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб күманди қабилаларнинг хужумлари ва ўзаро курашлари натижасида Юони-Бақтрия подшолиги қулатилди.

Антик давр давлатлари ва маданият

Мил. авв. III асрнинг урталарида мустақил давлат сифатида ташкил топган Парфия давлати ҳозирги Туркманистон ва Эроннинг бир қисмини ўз ичига олган. Бу давлатнинг биринчи ҳукмдори Аршак бўлиб, у мил. авв. 247 йили таҳтга ўтиради. Мил. авв. 235 йилдан бошлаб, Парфия подшолари ўз ерлари ҳудудларини көнгайтириб бордилар. Милодий III асрнинг биринчи чорагида сосонийлар аршакийлар ҳукмроилигини тутаби, Парфияда ҳокимиятни қўлга олдилар. Антик давр Парфиянинг қишлоқ хужалигига қуллар меҳнатидан кенг фойдаланилган. Мил. авв. III аср ўрталаридан бошлаб Парфия давлати ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган қадимги вилоятлар – Хоразм, Бақтрия, Сўёдидёна билан сиёсий, маданий ва иқтисодий муносабатларни айниқса ривожлантириди.

Ундан ташқари, парфияликлар беш аср давомида Хиндиистон, Ўрта Осиё ва Хитойнинг гарб мамлакатлари билан қилган савдо алоқаларида воситашиблик қилдилар. Парфияликларнинг ёзуви оромий (Нисо ҳужжатлари) ёзуви бўлиб, зардўнгийлик динига эътиқод қилишган.

Қадимти Фарғона турли давр маъбаларида Довон, Бохан, Полона, Парканга каби номлар билан эслатиб ўтилади. Матбуотларга қараганда Эриши (Марҳамат) шаҳри Довоннинг пойтахти эди. Антик давр Довон аҳолиси леҳқончилик, узумчилик, йилқичилик билан ишгулланнишган. Довоннинг «самовий отгари» ўлкладан ташқарила ҳам маълум ва манихур бўлган.

Мил. авв. II асрнинг охирларида Хитой ҳукмдорлари Довон ерларини босиб олишга ҳаракат қилдилар. Аммо қўшини давлатлар томонидан қўллаб-кувватланган довошликлар ўз мустақилигини сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар.

Мил. авв. III асрлар бошларига пайдо бўлган Қаин давлатицинг ҳудудлари Сирдарёнинг ўрга оқимидағи ерлар эди. Мил. авв. II-I асрларда Қаин давлати ерлари көнгайиб, Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ерлар ва Хоразмни ўз ичига олади. Антик даврида Қаин давлати аинча ривожланган давлат эди. Утроқ аҳоли асосан водийларда яшаб, деҳқончилик, боғдорчилик ва

хунармандчилек билдиштууланиб келиштап. Қанғ ҳукмдорларининг марказий шаҳарлари иккита эди. Улар ёзни Ўгрорда (хоз. Арис ва Туркистон оралигигида), қыпчовни эса Қаша (хоз. Тоңикент вилойти Оққурғон туманида) шаҳарларида ўтказар эдилар.

Мил. авв. I асрга келиб, Ўрга Осиё ҳудудларида антик даврнинг энг құдратлы давлатлардан бири бўлган Күшон давлати ташкил топади. Дастраски ҳукмдорлар Кадфиз I ва Кадфиз II лар давлат ерларини көнтәйтириб, нул ислоҳоти ўтказадилар. Милодий II асрга келиб Күшон давлати ерлари Шимолий Хиндиистон, Афғонистон, Ўрга Осиё, Шарқий Туркистондан иборат эди. Күшон ҳукмдорлари, хусусан Канишха (II аср) даврида савдо-согик, ички ва ташки савдо айниқса ривожланади. Дәхқончилек, чорвачилек, хунармандчилек ҳам анча тараққий стади. Бу жараба иштеп буюк Ишак йўлининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлди. Күшон давлатида асосий дин буддавийлик бўлиб, юпон, зардўштийлик ақидаларига ҳам эътиқод қилинади.

Антик давр Ўрга Осиё халқлари маддий ва маънавий маданиятида жилдий ўзгаришлар содир бўлди. Мил. авв. IV-II асрлар оромий ёзуви асосида Хоразм, Парфия ва Сүғд ёзувлари пайдо бўлди. Күшон даврига келиб яна бир ёзув-Күшон (Бақтрия) ёзуви шаклланади. Ўрга Осиё ва Афғонистон ҳудудидаги археологик тадқиқотлар антик давр маданиятининг туллаб япнаганидан даюлат беради. Лиритом ва Күшия Термизда Будда ибодатхоналари очилган. Фаёзгена, Кува, Холчайи, Дағварзин каби кўхна шаҳарларда ҳам саройлар, ибодатхоналар очилиб, улар юксак маданиятига эта эканлиги кузатилиштап. 1972 йилда Дағварзин генералан (Сурхонларё) тилла буюмлар хазинаси (32 кг) топилган. Бу хазина орасида антик даврға оид билбаузук, ҳатқалар, тўқалар, бўйин тақинчоқлари каби санъат буюмлари ҳам бор. Умуман, антик давр Қанғ, Сүғд, Фарғона ерларидан мавжуд бўлган маданиятт ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилади.

Таяинч туншунчалар

Мехнатнинг дастраски йирик тақсимоти, ихтисосланган хунармандчилек, сунъий суторма дәхқончилек, савдо ва маддий алоқалар, қадимги Миср ва унлаги қатламлар, Месопотамия, Урук маданияти, илк шаҳарсозлик, Бақтрия, Суғлиёна, Хоразм, «Авесто», қадимги Фарғона, Қанғ, Күшонлар.

Мустақил иш мавзулари

1. Ўлкамиз ҳудудирила илк давлат уюнмаларининг нафдо булиши.
2. Дунё тарихидаги дастлабки давлатлар.
3. Антик давр давлатлари.
4. Күшон даври маданияти.

Алабиётлар

1. Гуломов Я.Г. Хоразмнинг сугорилиши тарихи. Тошкент, 1959.
2. Дандамасев М.А. Политическая история Ахеменидской державы. Москва, 1985.
3. Исомиддинов М.И. Союзга битилган тарих. Тошкент, 1993.
4. Зеймаль Е.В. Амударьинский клад. Ленинград, 1979.
5. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. МИА, 1959, № 73.
6. Массон В.М. Страна тысячи городов. Москва, 1966.
7. Мұхаммаджонов А.Р. Қадимги Бухоро. Тошкент, 1991.
8. Пидаев Ш.Р. Сирли күпіндер салтанати. Тошкент, 1990.
9. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия-Тохаристан. Ташкент, 1990.
10. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма маңбаларда. Тошкент, 1996.
11. Пугаченкова Г.А. Шедевры Средней Азии. Ташкент, 1986.
12. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. А. Сагдуллаев, Б. Эниов таҳрири остида. Тошкент, 1997, иккинчи нашри -1999.
13. Бақтрия-Тохаристон қадимда ва ўрта асрларда. Тұллам, Самарқанд, 1993.
14. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилеги тарихи. Тошкент, 2000.

5-МАВЗУ. БҮЮК ИПАК ЙÜЛИ. ПАКЛЛАНИШИ, РИВОЖЛАНИШИ, ТАРМОҚЛАРИ ВА АҲАМИЯГИ

Буюк ипак йўлининг пайдо бўлиши ва ривожланиши

Қадимги халқарнинг турли томонлама ривожланишида савдо ва транзит йўлларнинг аҳамияти ниҳоятда кагтадир. Мил. авв. III минг йилликка келиб, Ўрга Осиёнинг кўнгина ҳудудлари қадимги аҳоли томонидан ўзлаштириб бўлинган эди. Чўл ва дашт ҳудудлардаги кўчманчи чорвадор аҳоли воҳалардаги ўроқ аҳоли билан ўзаро алоқаларни бронгза даврига келиб янада ривожлантирадилар. Тарихий адабиётлардан маълум бўлинича, Буюк ипак йўли ташкил тоғмасдан анча ишлари ёқ Қадимги Шарқ ва Ўрга Осиё ҳудудларида ўзаро алманинув йўллари мавжуд эди.

Броиза давридаги (мил. авв. III—II минг йилликлар) ана шундай йўллардан бири «Ложувард йўли» деб аталиб, унинг бир тармоги Бадахшон, Бақтрия ва Марғиёна ҳудудларини Хоразм, Сўғд, Марказий Қозогистон ва Урал билан боелаган. Яна бир тармоги оса, Бақтрия ва Марғиёнани Месопотамия билан боелаган. Бу йўл Помир тоғларидан бошланиб, Эрон, Одд Осиё, Миср орқали ўтган. Бадахшон Ложувардининг Ҳипид водийси, Месопотамия ва Мисрдан тоғилишини бу қимматбаҳо тошинг Қадимги Шарқда ниҳоятда қадрланганлигини далолат беради.

Қадимти йўллардан яна бири, Эрон аҳмонийларининг йўли бўлиб, бу йўлини бир тармоги мил. авв. VI—IV асрларда кичик Осиё шаҳарларини ҳамда Ўрга Ер денигизи бўйидаги Эфес, Сарди шаҳарларини Эроннинг марказларидан бири Сузда билан боелаган бўлса, яна бир тармоги Эрон-Бақтрия орқали Сўғдиёна, Тошкент воҳаси ва Қозогистон ҳудудларидан ўтиб Олтойгача борган. Тарихий адабиётларда бу йўл «илюх йўли» деб аталади.

Мил. авв. 138 йилда Хитой императори У-Ди Чжан Цянни Ўрга Осиё срларига жўнатади. Элчи Чжан Цян (мил. авв. 138—126 йилларда) Хитойнинг хуннларга қарни кураши учун иттифоқчи излаб келган эди. Мил. авв. II—I асрларга келиб, Чжан Цян юрган йўлларда Хитойни Ўрга ва Фарбий Осиё билан боелайтида карвон йули пайдо бўлади. Бу йўл Буюк ипак йўли деб аталиб, умумий узунлиги 12 000 км дан иборат эди. Илк ўрга асрларга келиб, Ипак йўлининг янада ривожланганлигини кузатиш мумкин. Ўз даврида ниҳоятда кагта аҳамиятга эга бўлган бу йўлиниг дастлабки тармоги Хитойдаги Сиань шаҳридан бошланиб, Шарқий Туркистон, Ўрга Осиё, Эрон, Месопотамия орқали Ўрга Ер денигизигача чузилган.

Буюк ипак йўлиниң тармоқлари

Хитойнинг Аноси шаҳрига келиб, Ипак йўли бир неча тармоқларга бўлинib кетган. Xусусан бир тармоқ Аноси-Хами-Қошнар орқали Кўконга, ундан эса Ташкентга ўпсан. Бу ердан Жиззах ва Самарқанд орқали Бухорога келган йўл Урганч орқали Гурьевга, у ердан Оқсанор орқали Қора дениз бўйларига чиққан. Яна бир тармоқ эса Дунхуан орқали Хўганига, ундан Лохурға ўтиб кетган.

Ундан ташқари Бухорога келиб, бу тармоқ иккига бўлинган. Жанубий йўналиш Бухоро-Қарши-Термиз орқали Нишонурга ўтган ва Ҳирот орқали Ҳиндистонга ўтиб кетган. Нишонурдаги тармоқлардан бири Техрон-Қазвин-Ҳамадон-Боғод-Палмира йўналиши бўйлаб Ўрта Ер денизи бўйидаги Тир шаҳригача чўзилган. Умуман олганда Ипак йўлиниң жанубий тармоти Ўзган орқали Ўнга ўтиб, Қува — Марғилион-Кўкон орқали Ҳўжанд, Самарқанд, Бухорога ўтган. Шимолий йўналиши эса, Ҳазар хоқонлиги ва Булғор давлати орқали Киев Руси ва Европа мамлакатларига бориб, бу тармоқ VI асрдан бошлаб ривожланна бошлаган. Ипак йўлиниң асосий карvon йўлларидан ташқари ички савдо йўллари ҳам мавжуд эди.

Буюк ипак йўлиниң аҳамияти

Ўрта Осиё ҳудулларида антик даврдан бошлаб, ривожланиш жараёнлари Буюк ипак йўли билан узвий боғлиқдир. Xусусан, мил. авв. II асрдан бошлаб Хитой ва Ўрта Осиё тарихий-маданий вилоятлари билан савдо ва маданий алоқалар ривожланниб борди. Фарғона, Сўёд ва Бақтрияга ипакчилик кириб келди. Карvon йўли ривожланиб борган сари савдо-сотиқ ва маданий алоқалар ривожланиб борди. Кушонлар ва эфганлар даврига келиб (I-VI асрлар), Ўрта Осиё орқали ўтувчи Ипак йўли тармоқлари назоратини маҳаллий сўёдий аҳоли қўлга оладилар. Қўшини давлатлар ҳам Ипак йўлидан маибаатдор бўлганилиги сабабли илк ўрта асрларда Эрон ва Византия ҳукмдорлари сўёдийлар билан қонли куранслар олиб бордилар.

Милюдинг бошларида қадимги дунёниң илгор маданиятини давлатлари асосан тўрттага: Рим, Парфия, Хитой ва Кушон давлатларига бўлинар эди. Фарбда Британ оролларидан шарқда Тинч океани соҳилларигача чўзилган бу забардаст салтанатлар инсоният тарихида биринчи бўлиб «Буюк ипак йўли» деб ном-

ланувчи йўл билан боғландилар. Ипак йўли ривожланиб борган сари подшоларнинг ўзаро элчилар юборишилари, бир-бирларига ҳар хил совғалар инъом этишилари анъанага айланди. Савдо-сотиқ мисли курилмаган даражада ривожланиб борди. Шунингдек, Шарқ билан Гарб маданиятиниң бир-бирига таъсири кучайди. Давлатлар ривожланишидаги кўплаб маданий ўхшашликлар ҳам шу туфайли юзага келди.

Буюк ипак йўли бўйлаб кўплаб каронсаройлар, шаҳарлар барни этилди. Бу йўлдан бораётган савдогарлар кўпинча йўлниң охиригача бормас эдилар. Ўрга Осиё вилоятлари бу йўлниң ўртасида жойлашганлиги сабабли савдогарлар Хоразм, Самарқанд, Термиз ва бошқа ҳудудларда ўз молларини сотиб, маҳаллий маҳсулотларни харид қиласар эдилар. Ўрга асрлар Ўрга Осиё бозорларида четдан келтирилган кўплаб маҳсулотлар мавжуд эдики, ҳозирги кунда ипак йўли устидаги кўхна шаҳарлар ва манзилгоҳлардаги археологик қазишмалар натижасида топилгаётган топилмалар фикримизнинг далилидир.

Милавв. II асрла пайдо бўлиб, милодининг XVI асрига қадар фаолият кўрсатган Буюк ипак йўли шу давр ичидаги Шарқ ва Гарб ҳалқларининг кенг миқёсидаги ўзаро маданий ва иқтисодий алоқалари тарихида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу йўл орқали алоқалар қилип қадимиги ҳалқларининг ўзаро ҳамкорлик, адманингув ва маданиятиларининг боғиб бориши, тинчлик ва тараққиёт учун асос бўлиб хизмат қиласди. Узбекистон ҳудудлари бу йўлниң чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу ерга турли мамлакатлардан савдогарлар, хунармандлар, олимлар ва месъморлар ташриф буюрганилар.

ЮНЕСКО томонидан «Буюк ипак йўли-мулоқот йўли» дастурининг ишлаб чиқтиши Евросиёдаги 30 дан ортиқ етакчи давлатларнинг 2000 йилга қадар илмий-маданий фаолияти учун йўналиши бўлди. Республикамиз ҳудудларида ҳам илмий экспедициялар ташкил этилди. Бунинг натижасида кўпгина тарихий-маданий обидалар ўрганилди, қадимиги йўллар ва йўналишлар аниқланди, милитий ва маънавий бойдигимиз ҳамда анъаналаримиз ўрганилди. Жуда кўпчиллик тадқиқотчилар иштирок этажётган «Буюк ипак йўли-мулоқот йўли» дастурининг асосий вазифаси Шарқ ва Гарб ҳалқлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатган ҳамда ривожлантирган бу йўлни ҳалқларнинг бирорадлик, ўзаро ҳамкорлик ва самимий мулоқот йўлига айлантиришдан иборатdir.

Таянч түшүнчалар

Броңза даври савдо ва транзит йўллари, «Ложувард йўли», «Шоҳ йўли», Чжан Цян ва буюк ипак йўли, савдо ва маданий алоқалар, «Буюк ипак йўли — мулоқот йўли».

Мустақил иш мавзулари

1. Энг қадимги йўллар.
2. Буюк ипак йўли ва унинг аҳамияти.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Савдо уйидан Ипак йўлини тикшаш сари. Асарлар, 2-жил. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996, 366-368 бетлар.
2. Формирование и развитие трасс Великого Шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье. // Тезисы докладов. Самарқанд, 1990.
3. Радкевич В.А. Великий Шелковый путь. Москва, 1990.
4. Ипак йўли афсоналари. Тошкент, «Фан», 1993.
5. «Буюк ипак йўлидаги Марказий Осиё шаҳарлари» Маърузалар баёни. Самарқанд, 1994. Ўзбек ва рус тилларида.
6. Ртвеладзе Э.В. Великий Шелковый путь. Ташкент, 1999.

**6-мавзу. ҮРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ҲАЁТИДА ЮЗ БЕРГАН
УЙГОНИШ (РЕНЕССАНС) ДАВРИ,
АЖДОДЛЛАРИМІЗНИҢ ЖАХОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА
ҚҰПІГАН ҲИССАСИ
(IX-XII, XIV-XV АСРЛАР)**

**IX-XII асрларда Үрта Осиё халқларининг модий
ва маънавий маданиятини юксалини**

VIII аср охири-IX аср бошида халифаликни ларзага келтирған омир сиёсий вазият аббосийларнинг Мовароуништари жағдайында олиб бораётган сиёсатини үзгартыришта мажбур этилди. Бириң-кетин Үрта Осиёда тоҳирийлар, саффорийлар, сомонийлар давлатлари тапкыл топты. Мамлакатта содир бұлған бундай сиёсий үзгаришлардан сүнг Мовароуништари Хуросондан ажралиб үз мустаққиллігінің тұла тикшіл олини имконига эга бўлди. Мовароуништари бирланғырып мустаққам давлат тузган давлат арбоби Исмоил Сомоний, 900 йилда Хуросонни ҳам саффорийлардан торғиб олиб улкан давлат барнио этилди. Халифа сомонийлар давлатини таң олинига ва унга ҳукмронлик ёрлигини юборишига мажбур бўлди. Шу тариқа IX аср охирларига келиб Мовароуништари халқлари Араб халифалитигидан абадий ҳалас бўлади ва араб халифалитигидан мустаққам бўлған йирик феодал давлат-Сомонийлар давлати тапкыл топади.

Сомонийлар мамлакатни бошқарыпша дақшат маъмурияттини тапкыл этилдилар. Мамлакат ўнта девони (девони вазир, девони мустафи, девони амир ал-мулк, девони соҳиб анишнурат, девони соҳиби муайид ёки борид, девони мушриф, девони мумалтикаи хос, девони мұхғасиб, девони авқоф, девони қазо аз-зия) бошқарувида идора этилған. Сомонийлар ҳокимиятти йирик заминдорларнинг маңбаатини ҳимоя қылувчи мустаққам феодал давлат эди («мұлки сұлтоний», «мұлк ерлари», «вақф ерлари»). X аср охиринде келиб мамлакатда авж олиб кеттеган үзаро урушлар унинг иқтисодий ва сиёсий құдратига кагта пүтүр еткәзді ва сомонийларнинг қорахонийлар давлатидан мағлубиятта учраның олиб келди. XI аср бошларыда сомонийлар давлати ҳудудларыда иккى давлат: қорахонийлар ва газнавийлар давлатлари пайдо бўлди.

Қорахонийлар давлатни эл-юрг жағдайда бўлиб идора қылдилар. XI-XII асрларда Үрта Осиёда мұлқчилікниң япты турикташтар тарғиботи үрнатылди («мұлки сұлтоний», «иқрар», «вақф ер-

лари», «мұлт ерлари»). XII асрнинг 30-йылдары охирида Мовароуннахр Шарқдан келген құмандық Қорахитойлар ҳужумига дучор була.

IX-XII асрларда мамлакат маңнавий қаётигидеги асоси ислом мағұрасы әди. Сомонийлар ислом мағұрасининг ривожига калта ақамият бердилар. Бухоро Шарқда ислом динининг әнг нуғузли марказыга айланыды. Масжид, мадраса ва хонақодар куриш учун махсус жойлар ажратылды. Араб тили ва уннан им-лоси жорий этилди.

Мовароуннахрда күштігінде оны тишидан күра араб тили ва ёзувины яхшироқ билғап билимдоушар нағілде була. Мағалий билимдоушар үз ватаннан күвгін остиға олиніб, күшінде толиби илмілар халифаликнинг марказын шаҳарлари-Дамашқ, Қохира, Бағдод, Куфа ва Бағраға бориб билим олинша ва араб тишида ижод қылышын мажбур бұладылар. Дағлатни бошқарищы аббосийлар маъмурияттың күштік билимден сиймөларға муҳтож әди, чупки араблар орасынан шу даврда дағлат ишиңа яроқлы бұлған билимдорлар ҳалы оз, борлары ҳам заиф әди.

Әнг машхур маданияттың марказы шу даврда Бағдод шаҳри әди. Бағдодда «Бағт үл ҳикма» (дөниншамандар үйі) ташкил этилген әди. «Бағт үл ҳикма»да Ахмад Фарғоний, Мұхаммад ибн Мусо Хоразмий, Ахмад ибн Абдуллоҳ Марвазийлар таълим олғандар. IX-X асрларда Үргіа Осиёда фан илмій асосларға эта әди. Уннан илдизлары Үргіа Осиё, айниқса, Хоразм, шуннан��к Бобиль, Эрон, Хиндистоннинг антик дүнёсінде ва қадымғы маданияттың бориб тақалар әди. IX-XII асрларда араб тишида асарлар ёзған әнг машхур олимлар Ахмад Фарғоний, Мұхаммад ибн Мусо Хоразмий, Абу Наэр Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абу Раіхон Беруний, Абусалх Масихий, Абулхәйр Ҳаммар, Абуносир Аррон ва бошқалар әди.

1998 йыл Ахмад Фарғонийнинг 1220 жылдегі инициаланды. Ахмад Фарғоний астроном, математик, географ әди. Багдод яқында Рақоқ номдегі мавзеда расадхона қурилишінде бошчылық қылғы, астрономия мактабини ташкил этады. Уннан «Астрономия асоси», «Самовий ҳаракаттар», «Юлдузлар ҳақидағы фан» номдегі асарлары машхурлар.

Мұхаммад ибн Мусо Хоразмий машхур математик, астроном, географ, тарихчи әди. Ватандошимиз алгебраға фаннан асос солды. Уннан «Ал-жабр», «Зиж», «Қоған соаты ҳақида рисола», «Суръат үл-арз», «Устурлоб ҳолаты ҳақида рисола» каби асарлары Шарқ ва Еуропа мамлакатларында илмий фикрларнинг ривожига самарали таъсир күрсетті.

Абу Наср Фаробий Шарқ ғалсағасининг улуг мутафаккири булиб, қадимги дунё фалсағий меросини сақланып шағын түршисида катта ҳисса қўниди. У 160 дан ортиқ асар ёзган, уйирдан «Аристотелининг «Метафизика» асари мақсадлари ҳақиқи», «Мусиқа китоби», «Бахт-саодат», «Сиёсат ал-мадания» шуurlар жумласидандир.

Абу Али иби Сино икки соҳага-медицина ва фалсағата қизиқди ва бу соҳаларда катта ютуқтарни қўлга киритди. («Ат-қонун фит-тиб», «Китоб уш-шифо», «Донишнома», «Рисолат ат-тайр»). XVII асрга қадар Европада тиббиёт тажрибаси ва фани Иби Сино ғоялари таъсири остида бўлган.

Хоразм маданияти хоразмлик улуг олим Абу Райхон Берунийнинг номи билан боғланган. Абу Райхон Беруний 150 дан ортиқ илмий асар ёзган булиб, «Ўтмини авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Метеорология» каби йирик асарлари шуurlар жумласидандир. Беруний илм-ғанининг ҳамма соҳаларини яхши билган қомусий олим эди. У астрономия, геология, гидростатика, география, тарих фанларга катта ҳисса қўниди.

XI-XII асрларда ижтимоий фанлар ҳам анчагина тараққий этди. Масалан, шоир Абу Абдулло Рудакийнинг прозаик асарлари, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Гардизийнинг «Зайн-ул-баҳор» («Гўзал хабарлар») асари, Мажилиддин Адмонининг «Тарихи мулки Туркистон» («Туркистон тарихи»), Низомулмулклининг «Сиёсатнома»си, Юсуф Хос Хожибининг «Кутадғу билик» асарлари шу даврга оид булиб, ундан ташқари шу даврларда Замахшарий, Маҳмуд Конигарий, Амак Бухорий, Сўзани Самарқандий кабилар ҳам ижод этдилар.

Бу давр Ўрга Осиёда меъморчилик санъати ҳам туркираб ривожланди. Бухорода Дехгарон, Масжиди қалон, Намозгоҳ, Мағоки Атторий масжидлари, Сурхондарёдаги Жарқўтон минораси, Кўхна Урғанчда Фахрилдин Розий мақбараси, Марвдаги Султон Санжар мақбараси, Талхожанбобо масжиди ва бошқа ёдгорликлар меъморчилик санъатининг ёрқин намуналари ҳисобланади.

IX-XII асрда дунёвий фанлар билан бирга диний билимлар ҳам кеңг ривожланди. Исмоил Бухорий, Исо Термизий, Бурхонулини Марғилюни, Абу Ҳафе Қабир Бухорий каби уламолар ислом таълимотининг ривожига улкан ҳисса қўнилар. Ислом дини таълимотининг равнақи ва тартиботининг кеншайинида Бухоро шаҳри марказий ўрин эталлади. Тасаввуф таълимоти ривожланиб Ўрга Осиёда унинг турли хил йўналишилари (XII асрда Туркистонда Ясесавия, XIII аср охирида Хоразмда Кубровия, XIV асрда Бухорода Нақибандия) пайдо бўлди ва тарқалди.

Мұғул босқини ва ушинг оқибатлари

XIII асрнинг бошларига келиб (1206-1215) Мұғалистонда Чингизхон ҳукмронлигидеги құтманчы мұғулларнинг үлкән давлати пайдало бўлди. Бу даврда Ўрга Осиё ҳудудларида хоразмишоҳтар давлати мавжуд бўлиб, узаро уруптар ва бошбоиндоқлик оқибатида бу қудратли салтанат инқизотга юз тута бошлаган давр эди. Чингизхон билан Мұхаммад Хоразмиш ўртасида қисқа муддат (1215-1218) элчилик мунисабатлари давом этган бўлишига қарамай бу мунисабатлар охир-оқибат фожиали туғади. Ҳарбий жиҳатдан шухта тайёргарлик курған мұғул қўшичлари хоразмишоҳлар давлатилаги иқтисадий, сиёсий ва ижтимоий турикунлик вазиятидан фойдаланиб, қисқа муддатда (1218-1221) Ўрга Осиё ерларипи босиб оладилар.

Асрлар давомида моддий ва маънавий маданияти ривожлашиб келган Ўрга Осиёдаги қўнгина шаҳарлар- Бухоро, Самарқанд, Ҳўжанд, Термиз, Ўтрор, Ўзган, Урганч, Кенг кабилалар вайронага айлантирилди. Дехқончilik воҳалари хароба-зорга айланди. Мұғул босқинчлари маҳаллий аҳолига ҳамда уларнинг маданиятига ҳеч бир шафқат қилмадилар. Араб тарихчиси Ибн ал-Асир (1160-1214) Ўрга Осиёдаги мұғул босқини ҳақида шундай ёзди: «...Хитой чегараларидан бир ҳалқ чиқиб, Туркистондаги Қашғар ва Баласоғун каби вилоятларни, Мовароунинаҳрдаги Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларни... вайрони этиб, қирғиз қилиб, талон-торож қилиб эгаллади. Татарлар (мұғуллар) ҳеч қайси шаҳарни омон қолдирмадилар, кетаётib вайрони этдилар. Улар ниманини ёнидан ўтган бўлсалар, ўзларига ёқматан нарсаларга ўт қўйдилар».

Ўрга Осиё ҳалқлари мұғул босқинчларига қарши қаҳрамонлоқ кураш олиб борди. Ҳусусан, Ўтрор ҳокими Иналхон, Бухоро мудофаачилари Ихтиёридин Қунгуру, Ҳамид Пура Қорахитой, Суюнчикон, Ҳўжанд ҳокими Темур Малик, Урганч шайхи Нажмидин Кубро, шаҳзода Жалолиддин кабилалар Ватан мустақиллiği ва озодлиги учун қон тўкиб курандилар. Аммо улар она-юрг озодлигини сақлаб қолиша олмади. Мұғуллар истилоси оқибатида Мовароунинаҳр ва Хурросоннинг обод вилоятлари, шаҳарлари харобазорга айлантирилди.

Зарафишон, Марв, Хоразм воҳаларида сугорин тармоқлари бузиб ташланиши натижасида ям-яшил далалар, bog-roflar

харобазорға айланған. Бу даврда илм-фән өз маърифатта етка-
зилған жароҳат ҳам өз бүлмади.

Босқинчилар түс-түшілдегі вақтида Бухорода, Самарқандда,
Урганчда бир нечта күтубхоналар ёниб кетди. Мисол учун Бу-
хорода «Масъудия» мадрасасы өз күтубхонасы ёниб кетди.
Фақат XIII асрнинг 70-80- йилларига келиб Үрга Осиёда аст-
секинлик билан бўлса-да, шаҳар ҳаёті, хунармандчиллик жон-
лана бошланған. Мұғул босқинчи даврида инқизорзага юз тутган
фән-адабиёт, маърифат өз маданиятиниң айрим тармоқтары
ҳам тикшана бошлайды. XIII асрда Бухорода «Масъудия» өз
«Хония» мадрасалари қурилди. Жалолиддин Румий, Саъдий
Шерозий, Амир Ҳусрав Декрәвий қабилар адабиёт соҳасида
ижод эттилар. Ундан ташқари Абу Умар Мирхожидин Жусжо-
нийпинг «Табакоти Носирий», Алоуддин Отамалик Жувайний-
пинг «Тарихи жаҳон гүшәй» («Жаҳон фотиҳлари тарихи»), Фаз-
лупуллоҳ Рашидиддинпинг «Жоме ат-таворих» («Тарихлар
түплами») каби тарихий асарлари яратилади.

XIV-XV асрларда Үрга Осиёда моддий-маънавий маданияттаги равнақи

XIV асрнинг 50-60-йилларидан Үрга Осиёда феодал
тарқоқлик ғоятда кучайиб, улар қонти урушларга айланған. Амир Баён Сулдуз Самарқандда, Амир Ҳожи Барлос Кеніда,
Амир Боязид Жалоир Хўжапулда, Үлжойиту Сулдуз Балҳда,
Муҳаммад Ҳўжа Яздий Шибирғонда ўзларини мустақил
хисоблаганликлари сабабли улар үргасида доимий пизолар
бўлиб турди. Натижада давлатни бошқарув ишлари өз хўжалик
ҳаётини бугунлай издан чиққан эди.

Амир Темур ҳокимият тепасига келганидан кейин (1370 й.),
у ва унинг авлодлари даври мамлакатимиз тарихи турли тарихий,
ижтимоий өз маданий жараёлларга бой давр бўлди. Бу
даврда Үрга Осиёда узоқ мурдат давом этган мұннудлар истибдо-
дига барҳам берилди. Ҳусусан, бу даврда илмий-маданий
ҳаётининг туркираб ривожланғанлигини кузатишмиз мүмкин.
Амир Темур тиббиёт, математика, астрономия, тарих, адабиёт,
тилшунуслик, диний илмларга катта эътибор берди. Унинг са-
ройила Мавлоно Аблужаббор Ҳоразмий, Мавлоно Шамсулдин
Мунший, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Баҳридин
Аҳмад, Алоуддин Коний, Жалол Ҳокий каби алломалар фао-

лияттүр күрсатылған. Амир Темур ҳарбий юриштар, давлатни бошқарып ишләридан ташқари жуда күнгина мөмөрий обидалар күриш ишләрини ҳам олиб борди. Айниңса, Самарқандда жуда күнгаб мөмөрий обидалар, боелар, саройлар бунёд этилди. Хусусан, Бибихоним мағжили, Шоҳизинда мақбараси, Боги Дилкуш, Боги Нав, Боги Биҳингт, Боги Шамол каби боелар, Кўксарой ва Бўстонсарой каби қароргоҳлар шулар жумласидандири.

Амир Темур Шаҳрисабзда Оқсанарой ва мақбаралар, Туркистанда Аҳмад Яссавий мақбараси, Тошкентда Зангигита мақбараси, Табризда масжид, Шерозда сарой, Баододда мадрасалар барнио этилди. Бугун Ўрга Осиё ҳудудларида қиптиқлар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, мадрасалар, мақбаралар курилиши ўша давр учун мисли кўрилмаган даражада олиб бориши.

Амир Темурдан сўнг унинг авлодлари жаҳоннинг моддий-маънавий маданияти ҳазинасига улкан ҳисса қўшилар. Хусусан, Улугбек даврида фан ва маданиятга ҳомийлик қилиш, бу соҳаларнинг гуллаб янишни ва курилиш ишлари янада авж олди. Улугбек замонида Самарқанд, Бухоро, Фиждуон, Шаҳрисабзда мағжид ва мадрасалар, саройлар бунёд этилди. 1428-1429 йилларда Самарқандда расадхона расадхона бунёд этилди. Бу расадхонада Улугбек билан ўз даврининг машҳур олимлари Қозизода Румий, Гиёсилдин Жамшид, Али Қунчилар ҳам фаолият кўрсатиб астрономия соҳасида улкан ишларни амалга оширилди. Расадхона ёрдамида Улугбек машҳур астрономик жадваллар — «Зижи Кўраганий»ни тузди.

Бу даврда тарихий фанлар соҳасида ҳам кўнгина ишлар қилиниди. 1424-1425 йилларда Шарофиддин Али Яздий «Зафарнома»ни тутагатди. Ҳофизи Абру «Тарихий йиғномалар», «Бугун жаҳон тарихи» асарларини ёзди. Абдураззоқ Самарқандий ўзининг «Матлаъи ус-садаъий ва мажмаи ул-баҳрайи» асарида Шоҳруҳ даври тарихини ёритиб берди. Шунингдек, Мирхонд, Ҳондамир каби тарихчиларниг ҳам ижоди гуллаб янилади.

Бу даврда адабиёт соҳасида ҳам самараали ишлар қилиниди. Бу жараёнда шоир ва давлат арбоби бўлган Алишер Навоийнинг хизматлари катта бўлди. Ундан ташқари Жомий, Лутфий, Сак-Кокий кабилар ўлмас асарлар яратдилар. Камолиддин Беҳзодининг рассомлик фаолияти ривожланди. XIV-XV асрлар Ўрга Осиёда мусиқа санъати тараққиётида ҳам янги маҳсуллор босқич бўлди. Маҳоратли созандалар, бастикорлар, ҳофизлар орасидан Абдуқодир Найий, Кулмуҳаммад Шайхий, Ҳусайн

Удий, Шоҳқули Гижжакий, Қосим Раббоний, Дарвииш Аҳмад Қопуний ва бошқалар стишиб чиқдилар. Умуман олганда темурйилар давридаги маданий тараққиёт «Темурийлар уйғонини (ренессанси)» атамасига мувофиқ келади. Бу ҳақиқатан ҳам турли маданий доиралар — фан, адабиёт, бадиий ижоднинг ягона Ўрга Шарқ заминида ўзига хос уйғониши эди.

Таяниш тушуичалар

Сомонийлар, девонилар, ер эгалиги турлари, «Байт ул ҳикма», машихур алломалар, мұғул босқини, сиёсий тарқоқлик, Амир Темур даврида илм-фанининг тараққији этини, Улуғбек фаолиятты, ренессанс.

Мустақил иш мавзулари

1. Сомонийлар даври маданияти.
2. Ўрта Осиёда мұғул босқини. Маҳмуд Таробий құзғалони.
3. IX-XII асрларда яшаб ижод этгап буюк алломалар.
4. XIV-XV асрлар уйғонини даври.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ватан саждағоҳ каби муқаддасдир. Тошкент, «Ўзбекистон», 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998.
3. Абдулабиев А. Вклад в мировую цивилизацию. Тошкент, «Ўзбекистон», 1998.
4. Буюк сиймолар, алломалар (1,2 китоб). Тошкент, «Мерос», 1995, 1996.
5. Низомулмұлк. Сиёсатнома. Тошкент, «Адолат», 1997.
6. Ўзбекистон тарихи. А. Сагдуллаев, Б. Эшов таҳрири остида. Тошкент, «Университет», 1997.
7. Мўминов И. Амир Темурийнинг Ўрта Осиё тарихида тутгандарни ва роли. Тошкент, «Фан», 1993.

7-мавзу. АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ ВА УНИИГ ҲУҚУҚИЙ- ФОЯВИЙ АСОСЛАРИ

**XIV аср иккинчи ярмида Мовароуниаҳрдаги вазият.
Амир Темурнинг марказлашгаш давлат тузиши**

Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятиларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, келажакка шиончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини элаши керак.

Ислом Каримов

XIV аср ўрталарида Чингизхон эга-лаб олган ерлар унинг меросхўрлари қўл остида бўлса ҳам, бу ерлар майдада бўлактарга бўлишиб кетиб, уларда тожу таҳт, ҳокимият учун ўзаро низолар кучайиб кетган эди. 1348 йилга келиб Шарқий Туркистон ерларида Мўгулистон феодал давлати ташкил тонди, унинг хони этиб Чигатой авлодидан Туғлуқ Темур кўтарилиди. Туғлуқ Темур дастлабки даврларданоқ ўз ерларини кенгайтириш мақсадида Мовароуниаҳр ерларига бир неча ҳарбий ҳаракатлар уюнтириди. Мана шундай ички ўзаро урушилар авж олиб, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий инқироз кучайиб борган даврда тарих майдонига мўгул босқинчиларига қарши курашда ном чиқарган буюк соҳибқириқ, моҳир саркарда Амир Темур кириб келди.

Амир Темур Шаҳрисабз яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида Барлос бекларидан Муҳаммад Тарагай оиласида 1336 йил 8 апрельда дунёга келган. Унинг амакиси Ҳожи Барлос Кеп шаҳринин ҳокими эди. Темур ёнилигиданоқ ҳарбий маҳоратта эга шахс бўлиб, у ўз атрофига барлос уруғидан чиққан ёш жантчилариги тушшаган эди. 1360-1361 йилларда Туғлуқ Темур ҳеч қандай қаршиликсиз Мовароуниаҳр ерларига бостириб кирганида Ҳожи Барлос Хуросонга қочади. Ватанинварварлик, милитарий турур ва ифтихор ҳиссияти кучли бўлган ёш Темур эса амакиси ҳокимлик қилиб турган ерларини душмани қўлига бермаслик учун Туғлуқ Темур

хизматига киради ва тез орада унинг ишончини оқлади. Кеш вилояти ерларига ҳокимлик қилиши учун ёслиқ олади.

Амир Темурнинг бу иши Мовароунинахрда сиёсий тарқоқчилик, үзаро куранчлар ва бошбошдоқчик ҳукм сурған даврдаги бирдан-бир түгри йўл эди. Чунки Мовароунинахр амирларининг Туғлуқ Темурга қарши бош қўтариб чиқиши мугул босқинчиларининг Мовароунинахр ерларини яна бир бор вайрон этишига олиб келиши муқаррар эди.

Туғлуқ Темур 1361 йилда Мовароунинахр ерларини бошқарипши тажрибасиз ўти Илёсхўжага тоғнириади. Лекин Темур Илёсхўжага хизмат қилишдан бош тортиб, уша вақтда Балх ҳокими булиб турган Амир Қозоғоннинг набираси Амир Ҳусайн билан иттифоқ тузади. Темур ўз ҳокимиятини мустаҳкамланаш мақсадида мӯғулларга қарши куранш бошлайди. Маҳаллий ҳокимият учун бўлган жангларининг бирида, ашиқроғи Сейистонда туркманларга қарши бўлган жангларда ўнг қўли ва ўнг оёғидан яраданиб бир умрга оқсоқ булиб қолади.

1363 йилда Туғлуқ Темурнинг вафоти Мовароунинахр учун бўлган куранчларни кучайтириб юборади. Лекин мӯғул босқинчилари осонликча Мовароунинахр ерларини бермасликлари маълум эди. Шу муносабат билан Амир Темур ва Туғлуқ Темур вафотидан сўнг Мовароунинахрдан ҳайдалган Амир Ҳусайннинг бирланган қўшинлари 1365 йилда Илёсхўжа қўшинларига қарши иттифоқчила куранш бошлайдилар. Тошкеңг ва Чиноз оралигида бўлган машҳур «Лой жанг» иттифоқчилар ўргасидаги келинмовчилик туфайли мағлубият билан тутаиди. Ушибу воқеалардан сўнг Амир Ҳусайн ва Амир Темур ўргасида ластлабки ихтилоф бошланади. «Лой жанг»да галабага эришган Илёсхўжа учун Мовароунинахрга кенг йўл очилган эди.

У кагта қўшинлар билан Самарқандга юрини бошлайди. Бу нағірда Самарқандаги Мавлонгизода ва Абу Бакр Қадавий бошчиқ сарбадорлар Илёсхўжига қарни чиқдишлар. Маҳаллий аҳолининг валияларварлик шамуналарини курсатиб қарнишлик қўшинликлари туфайли Самарқандни бир оз қамал қилиб турган мӯғул қўшинлари Мовароунинахрни бутунлай тарқ этишига мажбур бўладилар.

Мовароунинахрда мӯғуллар устидан қозонилган галаба ҳақида хабар эшиятгач, Амир Темур ва Амир Ҳусайн Мовароунинахрга йўл олиб Самарқанд яқинидаги Конигил деган жойда сарба-

дорларнинг раҳбарлари билан учрашидилар. Бу учрашувда ўзаро келингмовчилик келиб чиқиб, сарбадорларнинг раҳбарлари ҳиёла йўли билан ўлдирилади. Мовароунинахрда Самарқанд таҳтини Амир Ҳусайн эталлаб, унинг ҳукмронлиги тикланади. Шу вақтдан бошлаб Амир Ҳусайн ва Амир Темур ўргасидаги мунопсабатлар яшада кескинланшиб кетади.

Бу вақтта келиб бутун Мовароунинахр ерларида ўзаро урушилардан сўнг ижтимоий-иқтисодий аҳвол оғирлашиб кетган эди. Мана шундай бир вақтда, мамлакатда ўзаро уруниларга барҳам бералиган марказланинг давлат тизимини барни этини ниҳоятда зарур эди. Буни бириинчи бўлиб англаган Амир Темур Амир Ҳусайнга қарши зиддан курани олиб бориб 1370 йилда Мовароунинахр таҳтини эталлашга муваффақ бўлали.

Ватан ҳақида қайғуриш, Ватан мустақилигини тиклаш ҳақидағи фикрлар шу йиллар юзага чиқиб, Амир Темур Балх шаҳрида чақирилган қурутгойда Мовароунинахрнинг амири деб эълон қилинади. Темур ўз тасарруфида марказланинг давлатни юзага келтириши мақсадида Кені шаҳридан Самарқандга кучиб ўтиб, уни Мовароунинахрнинг пойтахтига айлантиради. Соҳибқирон аниқ мулоҳазалари билан ҳалқни зулмдан озод қилини ва узоқ йиллик бошбошдоқлик ҳукмрон бўлган ерда марказланинг давлат тузини мушкүллигини сезганилиги сабабли дастлаб мамлакатни ташки ҳавфдан сақлани мақсадида асосани барлос уруғлари ташкил этган сингилмас ва жанговор миллий қўшини тузади, уларга катта имтиёзлар беради.

Темур давлат бошқарувида, ички ва ташки сиёсатда асосан ўз қўшинларига сунганилиги сабабли ҳарбий ислоҳотга, яныни қўшини бошлиқдарини ташланц, лашкар қисмлар, уларнинг жойлашниши, аскарларнинг куролланиниши ва ҳарбий интизом масалаларига кенг эътибор берган. У қўшинларини ўнлик, юзлик, минглик каби аскарий бирикмаларга бўлган. Унинг учун ҳар бир аскар жанг қилиши услубларини яхши билиши фарз ҳисоблаган. Амир Темур лашкарларга ҳам катта эътибор бериб, улар низомни қатъий бажариши, жангда аёвсиз ва довюрак бўлиши, душманга юмшоқ муомалали ва адолатли бўлиши лозим деб ҳисобларди. Ибн Арабиоҳнинг ёзинича, Темур аскарлари ичida тақводор, саховатли, художўй кинилар кўн бўлган. Улар бечораларга хайру эҳсон кўрсатиш, бошга оғир кунлар

түшгандың ёрдам қулини чүзин, асирларға юмшоқ мұомалада бўлиш ва уларни озод этишига одатланғандар. Амир Темур доим жаңгда жасорат күрсектен амирлар ва аскарларға алоҳида эътибор билан қаради. Натижада Соҳибқирон уюшқоқлик хукм сурған юз минглик қўшинилари ичидә иттихомни мустаҳкамлаш билан ўз давлатининг пойдевори бўлган қўшин тузиншига муваффақ бўлди.

Темур Мовароунинар таҳтини эгаллаган вақтдан бошлаб, ўз давлати чегараларини мумкин қадар кенгайтиришига киришади. Шу мақсадда у Амударё ва Сирдарё ораниғидаги ерларни ўз тасарруфига олади. Хоразмга беш маротаба юриш қилиб, 1388 йилда уни бутунтай бўйсундирали, бу ерда ҳукмрошлик қилаётган сўфиийлар сулоласини тутатади. Темур ўзининг уч йиллик (1386-1388), беш йиллик (1392-1398), ети йиллик (1399-1405) юришлари давомида Озарбайжонда жалойирлар, Сабзаворда сарбадорлар давлатини, Ҳиротда курдлар давлатини тутатиб, Эрон ва Хурсонни ўз тасарруфига олади. 1394-1395 йилларда Отгин Ўрда хони Тўхтамиша қарши юриш қилиб, унинг кўп соили қўшинини мағлубиятта учратади ва Отгин Ўрда хулудини эгалтайди. Темурнинг бу галабаси Отгин Ўрдага жуда катта зарба бериш билан бирга Темур қўшинларининг Волга дарёси бўйларида бемалол юришларига ҳам кенг йўл очди. Таъкидлаш жоизки, Темурнинг бу галабалари тарих саҳнасида улкан аҳамият касб этди.

Амир Темур 1398 йилда Хиндистонга қилган юришида Дехли шаҳрини, 1400 йилда Сурияга қилган юришида Ҳалаб ва Байрут шаҳарларини, 1401 йилда Дамашқ шаҳрини эгаллади.

1402 йилда усмонийлар империясининг сultonи Йилдирим Боязилга қарши юришида уни мағлубиятга учратди. Бу галаба билан Темур Европанинг усмонийлар асоратига тушишини бир неча ўн йиллар орқага сурib юборди.

Темур 1404 йилда Кичик Осиёдан Самарқандга келади ва Хитойга юриш учун ҳарбий тараплардуд кўради. Шубҳасиз, Темур бу юриш учун узоқ йиллар тайёрланиб, жаңг учун керакти бўлган маълумотларни йиллар давомида тўплаган эди. 1404 йилда Темур 200 минглик қўшин билан Хитой сафарига отланди. Аммо Темурнинг қаттиқ бетоблиги туфайли унинг қўшинилари 1405 йилнинг январ ойида Хитойга яқин бўлган чегара шаҳар Ўтрор шаҳрида тўхтайдилар ва шу ерда 1405 йилнинг 18 февральида буюк соҳибқирон Амир Темур вафот этади.

Амир Темур давлатининг ички ва ташқи сиёсати

«Сиёсатда маслаҳат, мұлоҳазакорлик, үйлаб иши қилиши қурам кучидан үн баравар фойдалыроқдир», деган доно сұзлар Амир Темурға мансубдир. Бу сұзлар ҳозирғи түлде низоли масалаларни сиёсий мұлоқот, огохлантирувчи дипломатия іүли билан ҳал қилишини билдиради.

Амир Темурнинг тарихий хизматы яна шундан иборатки, унинг ҳаракатшары түфайли Осиё ва Европа давлатшары тарихда биринчи марта яғона — жүргөрий-сиёсий маконда эканлыкларини ҳис этди.

Ислом Каримов

Темур ўзининг ҳәсти давомидә ҳарбий истеъдоди, моҳир саркардалиги, дипломатиялығы ва етук давлат арбоби бүлганилығы туғайли міллий юксалиш ва инсонпарварлық рухи билан супорылған улкан марказлашып давлат түзиншега мұваффақ бўлди. Соҳибқирон турк-мўул ағъаналарига амал қилинган ҳолда ўз давлати худудларини супорюл (улус) тариқасида ишъом қилиши йўли билан бошқарган. Темур Мовароониҳардан ташқаридаги ерларини тўрг улусга бўлиб, фарзандларига ишъом этди. Бу масаланинг эътиборли томони шундаки, гарчи соҳибқирон томонидан бўлиб берилған ерлар ички мустақилликка эга бўлсалар-да, лекин амалда батамом марказий ҳокимиятта бўйсундилар. Темурнинг ўга дараҷадаги зукколигини шундан билса бўладики, у улуслар ўргасида ўзаро низолар келиб чиқмаслиги учун уларнинг фаолиятини доимо ўзи назорат қилиб туради.

Темур давлатининг энг күнга курилган ва муаммоли томони шундаки, соҳибқирон кичик бир вилоят доирасида тарбия тошан бўлса-да, давлат мағкурасининг бошқарув таянчи кучи ҳокимият эканлыгини тущунди ва давлат, салтанат ишиларини юзага чиқаришда камчилликка йўл қўймайдиган вазирларни таянланга ҳаракат қилди. Амир Темур вазир тўргта сифатта эга бўлиши лозим деб ҳисоблаган: биринчиси-асллик, тоза насллилик, иккинчиси-

ақд-фаросаттілік, үчінчиси-сипоху раият аҳлидан хабардорлик, тұрғынчиси-сабр-чидалылік ва тинчтіксеңарлық.

Амир Темур ұхмронлық қылған давларда давлаттінг марказий мағымурологияның бөнцида деңгөнбеті, арқбеті ва тұрғыт вазир турған. Вазирлар солиқтар йиғиш, мерос ишләри, аскарлар машиналауда үларни озиқ-овқат билап таъминлашып, сарой харажатлары билап боелиқ бўлған ишләрини бажарғанлар.

Бу давларда ерга әзаликнинг балызы турлари мавжуд бўлиб, улар суюргол ерлар, вақф ерлар, жамоа ерлари эди. Хусусий ер әзалиари тархон үйенеси олганлар, давлатта солиқ тұлапта балызы имкониятларга әга бўлғанлар, вақф ерлар масжид ва мадрасаларға қарашти ерлар бўлиб, улар солиқ тұлапта озод қылғанлар. Амир Темур даврида асосий солиқ даромад солиғи-хирож бўлиб, у олипадитан даромаднинг учдан бир қисмига тенг бўлған. Темур тузукларидан ёзиленича, кимки бирон сахрони обод қиласа, ёки ер ости сувларини тортиб оладиган ишшоот курса, ё, бирон бօг күкартире, ёхуд бирон ташланық ерни обод қиласа, фақат ерни ўзланыптирғанинг үчинчи йили (биринчи, иккичи йил умуман тұламаган) қонун доирасида хирож солиғи олинған. Үндән ташқары ушр, мол, сувлоқ каби солиқ турлари мавжуд бўлиб, улар йиллар давомида амал қилингандар тартиб-қоидаларга биноан тұламаған. Солиқ тұплөвчи солиқ йиғиш жараёнида солиқни яхши сұздар билан тұлапши, ахолини қалтаклаш ҳоллари, заңжирбаңд этиши ҳоллари келиб чиқмаслитини назорат қилиши шарт эди.

Амир Темур давлаттін мустаҳкамлашында қонун-қоидаларнинн тұпсан үрнига кеңг әтібөр берди. Француз олимі Алфонс де Ламартин Амир Темур давлати ҳақиқа шудай деган эди: «Европа на Искандарда, на Атилда да на Московия зафарини құнған янги фотих Наполеонда адолатлы қонулар асосында қурилған бүндай бошқарувни бүнёд эттан эмас». «Давлат ишларини, — деб ёзған эди Амир Темур, — салғанат қонун-қоидаларига асосланған ҳолда бошқардым. Тұра да түзукка таяниб салғанатда үз марғаба да мақомимни мустаҳкам сақылаб түрдім».

Соҳибқирон мамлекат ободончилігига ҳам жуда кагта әтібөр берди. Дастан, Самарқандың пойтахтың қирил олғац, у жуда кагта имтиёзларға әга бўлған шаҳарға айланади. Соҳибқирон ҳаракаты билан Самарқандың дүнёнинг йирик шаҳарларидан көлтирилған бинокорлар, меъморлар томонидан масжидлар, мадрасалар, мақбаралар бино этилди. Ҳаттоғарифларға озиқ-овқат бералиған гарифхоналар, йұловчилар қупиб үтадиган махсус жойлар ҳам курилған. Шаҳар атрофи мустаҳкам деңорлар билан үралыб, Оқанин, Шайхзода, Чорсу, Кориздох,

Сұзандарон ва Феруза каби номлар билан дарвозалар қурилади. Темурнинг қароргоҳи сифатида ноёб маъмурй бино Кўксарой ва Бўстонсаройлар ҳам айнаш шу ерда қурилади. Темур ноёб қуришиштардан ташқари Самарқанд атрофида ўзининг хешу ақраболарига атаб турли гўзал боғлар қурдирарди.

Темур улкан соҳибқирон сифатида ўзининг она юрти Кешта катта диққат-эътибор билан қаради. Ёзма маибаларадаги маълуомларига қараганды, Амир Темур Шаҳрисабзда Оқсанарой, жомеъ масжид, мадрасалар барнио эттиради. Соҳибқирондаги улуг саҳовватнинг яна бир томони шунда элки, у беноеи данглар билан қамраб олинган Туркистон шаҳрини ҳам ободончилигига кенг эътибор берди. Жумладан, Ҳожа Аҳмад Яссавий мақбарасини қуриш билан бу ерда нафақат ободончилик, балки күчманич ва ўтроқ аҳоли орасидаги муносабатни яхши йўлга қўйиш, уруслар ургасида гинчлик сақлаш мақсади ёттани матбулум.

Амир Темур даврида янги шаҳарлар, савдо ва ҳунармандчилик кенг ривожлангаштигини айтib ўтмоқ лозим. Темурнинг саъи-ҳаракатлари билан Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент каби шаҳарлар савдо ва ҳунармандчилик марказлари сифатида ривожланиб борди. Айниқса, бу даврларда ҳунармандчи-ликнинг кенг ривожланишини шаҳарларда ҳунармандчилик маҳаллалари, савдо расталари сони ортиб боришида катта аҳамиятга эга бўлди. Соҳибқирон савдо йўллари ривожига, унинг тиҷоратига кенг эътибор бериб борди. Шахсан ўзининг назорати остида савдо йўллари назорат қилиб борилиши савдо карвоцларининг хавфсизлигини таъминлади.

Амир Темур давлатининг мағкураси ижтимоий-иқтисодий ҳаётни изга солиб йўналтиришдан ташқари сиёсий ҳаётда ҳам куч кенг йўлга қўйди. Соҳибқирон чет давлатлар билан алоқани кенг йўлга қўйди. У давр шарт-шароитларига кура ташқи сиёсатда қатъий, фаол ҳаракат қилиб, ўз салтанати довруғини жаҳон миқёсига чиқара олди. Соҳибқироннинг Йилдирим Боязид устидан бўлган ғалабаларидан сўнг Франция, Англия, Генуя ва Византия эркин алоқаларни, савдогарлар ва мол алманишини таклиф этган. Шундай қилиб у Европа давлатлари билан яқин қўшичилик қилиш, савдо карвоц йўлларини ривожлантириш нияти борлигини курсатиб ўз давлати шуҳратини Европага тарқата олди. Унинг салтанатини довруғи бу мамлакатларга етиб бориши билан Франция, Англия, Генуя, Византия, Испания каби давлатларнинг қироллари соҳибқирон билан сиёсий, иқтисодий, савдо алоқалари ўринатишга интилганлар. Шу боис улар соҳибқирон жузурига мунтазам элчилар юбориб тургандар. Темурнинг чет давлатлар билан олиб борган дипломатик алоқаларида унинг ўғли Мирониоҳ кўп ёрдам берган.

Амир Темур даврида диний илмлар ва дунёвий фанлар барқарор бўлгаш. Соҳибқирон ўз даврининг фан ва маданияти жонкуяри сифатида шуҳрат қозонди. Темур тақводор руҳонийларга чуқур ҳурмат билан қаради. Уларнинг дуоларини олди, доимо камситилган мазҳаб тарафдорларини ўз ҳимоясига олди. Дарвеш, фақир ва мискинларни ўзига яқин тушиб, уларни раңжитмаслик учун барча талабларини бажарди.

Ўрга Осиё халқларининг маънавий тараққиётидаги Темурнинг диний ва дунёвий билимларига эътибор берини катта аҳамиятга эга эди. Соҳибқирон доимо илм аҳли ва уламо билан суҳбатда бўлиб, қалби тоза кишиларга талшининган. Темур давридаги илм-фан, меъморчилик, санъат соҳалари ўз даврига нисбатан ўта даражада ривожланиб, юксак маънавий бойлик дараҷасига кўтаришди. Шу даврининг подир қўлёзмалари тарихнинг мўжизасига айланаб қолди.

Дин жамиятда мағкуранинг устунларидан бири бўлганилиги сабабли соҳибқирон динга кенг эътибор берди. У нафақат аскарларини, балки барча фуқароларини мусулмончилик руҳида тарбиялашга ҳаракат қилган. Унинг доимо амал қилиб келган «Куч адолатдадир» деган сўзлари унинг давлатни бошқаринидаги юксак қобилиятидан даюлат беради.

Машхур муаррихлардан бири Низомиддин Шомий ўзининг «Зафариома» асарида шупудай ёзди: «...унинг адолатию сиёсати ўриатилган куцларда Мовароунахрнинг энг чекка жойларидагина эмас, балки Хўтган чегарасидан Деҳли ва Канбойит атрофигача, Бобил Абвобдан то Миср ва Рум ҳудудигача бўлган ерлардан савдогарлар у ерда турсин, болалару, бева хотишлар ҳам ишакли матолар, олтин-кумуш ва энг зарур тижорат моллари келтирадилар ва олиб кетардилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир донига ҳам кўз олайтира олмайди ва бир дирҳамига ҳам зиён етказмайди. Бу чексиз неъмат ва поёнсиз марҳаматлар Амир соҳибқироннинг сиёсати ва адолати натижасидандир».

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, Темурнинг ҳаёти катта жангнома, у кўплаб мамлакатларни ўз тасарруфига олди. Лекин бу ердаги асосий масала-Темур шахсининг устунилигини ва идора қилиш қулратининг сирларини, моҳир саркарда ва тинчлик пос-бони, фуқаро Фаровонлиги раҳнамоси сифатидаги шахс эканлиги, унинг юксак меъморий иншоотлар куринидаги ўрнини изоҳлаш, унинг ечимини топишдир.

«Темур тузуклари» — адолатли ҳамда күчли давлат барни этин-даги мұхым қонуң-қоидалар сиғатида

Буюк стратег, мөхір сиёсатчи, эскирган ижтимоий мұносабаттаршың қаттый ислоҳатчиси, савдо-сотық, ҳунармандылық ва маданияттың ҳомииси бұлған Амир Темур «Қонуңлар ва урғодатшарға ассоғланған» давлатының барно этди.

Ислом Каримов

Амир Темур ва темурийлар даврида ёзилған тарихий асарлар аңчагина булиб, улар орасыда «Темур тузуклари» буюк жаҳонгир ҳәёттегі ва фаолияттегі бағыншылған асарлар ичіла шубхасыз алоҳидә ақамағыт қасеб этади. «Темур тузуклари» жаһонининг машхур кутубхоналарыдан жой олған құмматли асардир.

«Темур тузуклари» икки қисм, 56 та байдын иборат тарихий ва хуқуқий асар бўлиб, унда соҳибқороннинг давлат түзилиш ва мамлакатларни бошқарып хусусидаги нуқтаи назари баён қилинади. Бу асардан кўплаб шарқ ҳукмдорлари ўзларининг фаолиятлари давомида фойдаланғанлар ва унга юқори баҳо берганлар. Жумладан, Шоҳ Жаҳон (1628-1657), Кўқон хони Мұхаммад Алихон (1821-1842), Бухоро амири Абдуллаҳадон (1885-1910) «Тузукот» дан парчалар кўчиригириб, улардан ўз фаолиятларида фойдаланғанлар.

«Тузуклар»нинг биринчи қисміда Амир Темурнинг етти ёшидан то вафотига қадар (1342-1405 йил 18 февраль) кечтап ҳәёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятти, унинг Мовароуннахрда марказий ҳокимиятни құлға киритиши, ижтимоий тарқоқликка барҳам бериши ва марказларнан давлат түзиши, құпини юрг ва мамлакатларни, масалан Эрон ва Афғонистонни ўз тасарруфига киритиши, Олгин Ўрда хони Тұхтамішхон устіхон, ниҳоят, буюк жаҳонгирининг Озарбайжон, Туркия ва Хиндистанға қылған ҳарбий юришилари ихчам тарзда баён этилған.

Иккисиңи Соҳибқороннинг номидан айттылған ва уннинг тожу таҳт ворисларига аталған ўзига хос васиғат ва панду на-сихатларыдан ибораттадир. Унда давлаттың идора қилиніца қималарға

таяниш, тожу-тахт әгаларишинг бурчи ва вазифалари, вазир ва күшин бошикчарининг бурч ва вазифалари, амирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу тахт олдида кўрсатсан алоҳида хизматларини тақдирланган тартиби ва ҳоказолар хусусида гап боради.

Амир Темур ўз олдига улуф давлатнинг ички сиёсати ва ишчан давлат тизимини қадимий тажрибалардан ижодий фойдалангаи ҳолда тузиш, ҳарбий сиёсатни замон талаби асосида тобора такомиллаштириб, мўғул истилоси асоратларини тезроқ бартараф этиб, хўжаликни оёқча турғизиш, савдо-сотик, хунармандчиликни бир меъсрға туширин ва ривожлантириш, аҳоли манбаатларини ҳимоя қилиш, ислом динига ривож бериш, илм-фан, маданият, меъморчиликни тубдан ривожлантириш, ободонлаштириш ишларини кенг кўламда жадаллаштириш каби долзарб вазифаларни қўйган эди. Унинг бундай саъи-ҳаракатлари катта куч-ғайрат, маблағ, билим ва оқилона тадбирларни талаоб этар эди. Темур етук сиёсатдои ва моҳир давлат арбоби бўлиб, у ўзидан аввал ўтган ҳукмдорлардан фарқли равинцида, давлат ва мамлакатни бошқаришда бир ёки икки табақага эмас, балки аҳолининг барча табақаларига суюнган.

Амир Темур даври маънавияти ва ҳозирги замон

*Амир Темур шахсини идрок этиши –
тариҳни идрок этиши демакдир.*

*Амир Темурни англиши – ўзлигимизни
англеш демакдир.*

*Амир Темуни улуглаш – тарих
қаърига чуқур илдиз отган томирлари-
мизга, маданиятмизга, құдратимизга
асосланиб, буюк келажагимизга ишоп-
чимизни мустаҳкамлаш демакдир.*

Ислом Каримов

Маънавий илдизларимиздан бири бу Темур маънавиятидир. Бу құдратлы маңба инсоният тарихида тенги ійүқ марказлашып давлатчиликка, қонунчилікка асос солған билан ер юзининг деярли ҳамма мамлакатларыда үрганилиб, ҳозирги күнде ҳам муҳим аҳамият қасб этмоқда. Биз фақат ҳозирги күнға келгандарына бу маънавиятни нақадар зарур эканлигини ва буюк келажак сари қадам ташлаёттан ҳалқымиз үтүн ніхоятта қадрли эканлигини англамоқдамыз.

Амир Темур инсонни қадрлай оладиган ва упи фарқлай оладиган улкан арбоб эди. Мусулмончилікда, «энг яхши кишининг икки құли ҳам түғри бұлади, у бир құли биланғина әмас, икки құли билан ҳам яхшилик құлади», деган ҳикматли ибора бор. Амир Темур дүстігінде ҳам, душманың ҳам ана шундай икки құли билан яхшилик құлди. Қолғандарни ҳам шунға үндади. «Тузукот» да ҳам, тарихий асарларининг муаллифлари иби Арабшоҳ, Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий асаларыла ҳам, де Клавихо кундалигыда ҳам буни яққол күріш мүмкін.

Темур ўз фаолияти давомида Олжоғ буюрган олий инсоний фазилаттарға астайтын амал құлди. Темур ўз фарзандларыға қылған васиятта шундай дейди: «... Миллаттинг дардларыға дармен бұлмоқ вазифанғиздір. Заңдарни қўринг, йўқисларни зангиналар (бойлар) зулмiga ташламанг. Адолат ва йиллик (яхшилик) қылмоқ дастурингиз ва раҳбарингиз бўлсин». Адолатни шунчалик қадрлаган ҳукмдор албатта ҳалқ орасыда катта обру-эътиборға эга бўлиши табиий ҳол эди.

Темурнинг «Куч-адолатда» деган сўзи ҳақиқатда шиорга айланиб, ҳамма даврлар учун жаранглаб турувчи ибора тусини олғашлигини шоҳиди бўлишимиз мумкин. Темур ҳалқининг шикоятилари ва арзларини ўрганувчи маҳсус арзбеги лавозимини жорий қилган. Арзбеги шикоят, аризаларни кўриб чиқар, уларда кимлар айбдорлигини аниқлар ва бу хусусда кенгашга хабар қилар эди. Айбдорлар ким бўлишидан қатъи назар қаттиқ жазоланган. Солиқлар, молиявий масалаларда қатъий тартиб-қоида ўрнатилган. Рус шарқшуноси Д.Н. Логофет бу хусусда шуцдай деб ёзди: «... биз ҳозир зўр бериб интилаётган даромад солиги деган нарса унинг (Темурнинг) ҳокимииятида ўшандәёқ мавжуд эди».

Темур маънавияти улкан манба ва тутанмас бир булоқdir. Ҳозирги мустақилликка эришган давримизда, ёшлиарни Ватанга садоқат руҳида тарбиятанида, миллтий мағфура тояларини фуқароларимиз оғигига сингдиришда бу манбанинг аҳамияти бекиёсdir. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг Амир Темур тавалудининг 660 йиллик тантаналари ва кейинги вақтдаги қатор чиқишларида бу манбанинг аҳамияти такрор ва такрор қайд этилмоқда. Темур маънавиятининг бизга ўргатувчи, сабоқ бўлгувчи жойлари жуда кўпdir. Зоро, бу маънавият-бобокалонларимизнинг бебаҳо маънавий бойлигининг бир бўлғи бўлиб, юртимиз равнақи ва норлоқ келажаги учун ҳамиша хизмат қилажакдир.

Хурматли юртбошнимиз Ислом Каримов. Амир Темур даври маънавияти, соҳибқирон шахсияти ва у қолдирган улкан мерос нима учун зарурлиги масалаларига тўхталиб, буни қуйидагича шарҳлаб бердилар: «Амир Темур аввало қудратли давлат қурган. Давлат қудратли бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди. Ўзбекистоннинг бутуниги озодигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат ной-деворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади. Амир Темур ўз давлатини ақт-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган. Унинг «Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим» деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир».

Таянч тушунчалар

Марказлашган давлат, Амир Темур, «Лой жангы», Илесхұжа, Сарбадорлар, Темур давлати, ҳарбий юришлар, Аңқара жангы, суюрқол, девонбеги, аркбети, тархон, «Күч адолаттадидір», «Темур тузуклари», Темур даври маңиавияти.

Мустақил иш мавзулари

1. Амир Темурнинг хокимият тенасига келиши ва марказлашған давлат түзиши.
2. Амир Темурнинг ҳарбий юришлари.
3. Амир Темурнинг ички ва ташқи сиёсати.
4. Темур тузуклари.
5. Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи үтказилиши.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бұлаверсін. Асарлар. 4-жыл. Тошкент. Үзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сұз. Тошкент. Үзбекистон, 1996.
3. Темур тузуклари. Тошкент. Гафур Гулом номлы нацириёт, 1991.
4. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Тошкент. Үзбекистон, 1996.
5. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент. Камалак, 1994.
6. Ахмедов Б. Амир Темур: ривоят ва ҳақиқат. Тошкент. Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
7. Ахмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. Тошкент. Үзбекистон, 1996.
8. Ибн Арабиょқ. Амир Темур тарихи. I-II ж. Тошкент. Мекнат, 1992.
9. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароунинахр тарихи. Тошкент, 1990.
10. Иванин М. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур. Тошкент, 1994.
11. Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъат. Тошкент. Гафур Гулом номлы нацириёт, 1996.
12. Мұминов И. Амир Темурнинг Үрта Осиё тарихида тұтған үрни ва роли. Тошкент. Фан, 1993.
13. Үзбекистон тарихи, 1-қисм. Тошкент. Университет, 1997, II-нашри, 1999.

8-мавзу: ТУРКИСТОННИНГ ХОИЛКЛАРГА БҮЛИНИБ КЕТИШИ, УНИНГ САБАВЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

XV-XVI- аср бошларида Мовароуниаҳрдаги ижтимоий-сиёсий вазият

1405 йилда Амир Темур вафотидан сўнг унинг йирик давлати парчалана бошлади. Темурий шаҳзодаларнинг таҳт учун ўзаро курапашлари қудратли давлатининг бўлининги асосий сабаблардан бири бўлди. Соҳибқирон таҳтига валиаҳд қилиб набираси Пирмуҳаммадни қолдирган бўлсада, кўпгина амирлар ва амалдорлар унинг ҳукмронлигини тан олмадилар. 1405 йил март ойда Темурнинг бошқа бир набираси Халил Султон Самарқанд таҳтини эгаллади. Ундан ташқари, Хурсоңда Шоҳруҳ; Балх, Газна ва Қаңдаҳорда Пирмуҳаммад; Гарбий Эрон ва Озарбайжонда Мирзо Умар ва Абу Бакр Мирзо; Туркистон, Саброн, Ўтрор, Сайрамда Амир Бердикбек; Ўратепа ва Фарғонада амир Худойдор; Хоразмда амир Илику ўzlарини ҳукмдор деб ўзлон қилдилар.

Мамлакатдаги парокандалик ва ўзаро урусларга барҳам бериш учун Шоҳруҳ Мирзо кўп саъи-ҳаракатлар қилди. XV асрнинг 20-йилларига келиб Амир Темур мулқларининг қарийб ҳаммаси Шоҳруҳ ва унинг оила аъзолари қўл остида эди. Мовароуниаҳр ерларини 1409 йилдан бошлаб Шоҳруҳнинг тўнгич ўғли Мирзо Улуғбек бошқара бошлади. Улуғбекнинг ҳукмронлик даври (1409-1449 й.) асосан, Мовароуниаҳрда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, илм-фан ва маданиятини ривожланишини билан изоҳданади.

Улуғбек бобоси Амир Темур каби ҳарбий истеъдодга эга эмас эди. У мамлакат ичидағи ва атрофидаги осойиштагаликни сақлаб туриш мақсадида айрим ҳарбий юришилар қилиб турди холос. 1447 йилда Шоҳруҳ Мирзо вафотидан сўнг Темурийзодалар ўргасида кураш бошланиб кетди. Оқил ва доно ҳукмдор Улуғбек бу курапашларга барҳам беришга ҳарчанд ҳаракат қилмасин бунинг удасидан чиқолмади. Аксинча, ўғли Абдула-тифнинг бевосита иштироки туфайли ўзи бу курапашларнинг курбони бўлди. Хуллас, XV асрнинг ўрталарига келиб, Мирзо Улуғбек вафотидан кейин (1449 й.) Темурий шаҳзодалар ўргасида тож-таҳт учун кураш яна авж олди. Абдуқосим Бобур (1452-1457) ва Аблусаид Мирзоларнинг (1458-1468) фаолияти ҳам ўзаро урусларга барҳам бера олмади. 1469 йилга келганда

Хуресонда Хусайн Бойқаро ҳокимиятни эгаллаб, бу худулларда нисбатан типчлик үрнатди. Унинг дўсти-буюк шоир Алишер Навоий (1441-1501) муҳдор, вазир, Астробод ҳокими лавозимларида ишлаб, Хуресон ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта рол ўйнайди. Навоийнинг савий-ҳаракатлари билан Ҳиротда илм-фан, маданият туркираб ривожланди. Ўзаро урусларга нисбатан барҳам берилди.

Мовароунинахрда эса бу даврга келиб сиёсий тарқоқлик авжига чиқди. Ҳар бир вилоят, ҳар бир шаҳарларда темурий шаҳзодалар ўзларининг мустақил ҳукмронлигини үрнатишга ҳаракат қилдилар. Улар ҳокимият учун ўзаро курашиларда Дағги Қинчоқ қабилалари кучларидан фойдаланишлар эдилар. Масалан: 1451 йилда Урусхоннинг набиралари Абдусаидга ҳокимиятни эгаллаш учун ёрдам берган бўлса, орадан уч йиля ўтгач Абулҳайрон Муҳаммад Жуқийга ҳокимиятни эгалланаш кўмаклашли. Бу ўзаро курашилар Мовароунинахр аҳлининг ахволини ёмонлашиштига олиб келди.

ХҮ аср охириларига келиб, Мовароунинахрда Темурийларнинг бир-биридан ўзаро мустақил бўлган урга ҳокимияти вужудга келди: 1. Самарқандда Султон Аҳмад Мирзо ҳукмронлиги (1468—1503); 2, Тошкентда Султон Маҳмуд Мирзо ҳукмронлиги (1468—1498); 3. Андиконда Умаршайх I Мирзо ҳукмронлиги (1468—1494).

Бу учала давлатининг ўзаро уруслари Мовароунинахр аҳлининг темурийлардан порозилигини янада авж олиди. Айниқса, юқори табақа вакиллари марказланишган давлат тарафилда турдилар. Бу темурийзодаларнинг давлат бошқарувидаги мустаҳкам таянчга эга эмаслигидан далолат берарди. Бу вақтда темурийлар ҳузурида таълим олган Абулхайрхоннинг невараси Муҳаммад Шоҳбаҳт Даңгги Қинчоқда дангт урутларини бирлашибтириб, ўз ҳокимиятини мустаҳкамламоқда эди.

Шайбонийхон ҳарбий ҳаракатлар олиб бориб марказланишган давлат тузиш мақсадида тоҳ темурийлар, тоҳ шимолдаги мўгуллар билан иттифоқ тузди. У 1487-88 йилларда Ўтрор, Сайрам, Ясса (Туркистон), Синюқ шаҳарларини босиб олиб, 1499 йилда Мовароунинахр худулларига жиҳдий ҳарбий ҳаракатлар бошлади.

Маҳаллий ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро курашилар авж олган Самарқанд шаҳрини Шайбонийхон 1500 йилининг бошларида жангиз эгаллади. Дангт улуулари бир неча ой шаҳарни шафқатеиз талон-тарож қилдилар. Бу эса маҳаллий феодаллар порозилигига сабаб бўлди. Бундан фойдаланишган Темурий

шаҳзода Захириддин Мұхаммад Бобур ўша йилі (1500 йил) Самарқанд таҳтини иккінчи марта әгаллади. Аммо маҳаллій зодагонлар күнчилігі Бобурни құллаб-қувватламадилар. 1501 йилнинг баҳорида Бобур Шайбонийхон билан бұлған жаңғда енгилади ва Самарқандни унга тоңширади.

Даңғы Қынчоқçıлар қисқа муддат ичіла Бухоро (1500), Самарқанд (1501), Тошкеңгір (1503), Ҳисор (1504), Урганч (1505), Ҳирот (1507) каби шаҳар әулияларни әгаллаб, Шарқий Туркистан чегараларидан Марказий Афғонистон худудтаригача өзүлтін ерларда марказланған шайбонийлар давлатты асос солдилар. Темурийлар давлатидаги сиёсий тарқоқçıлар, алғында ҳукмдорларнинг ажралиб мустақілдікка иштеп тиши бу давлатнинг емирипшілігі оліб келген бұлса, Шайбонийхон буідай тарқоқçıларка чек күйіб мамлекеттің бирлігіні мустақамтай олды.

Шайбонийхоннинг жаңубға томон юришлари Эрон шохи Исмоил I томонидан тұхтатылды. 1510 йил Марв атрофларидан бұлған жаңғда даңғы қүшінілари тор-мор этилди ва Шайбонийхон ҳалок бұлды. Эронийлар томонидан құллаб-қувватланған Бобур 1511 йилда Ҳисор, Құлоб, Қундуз, Бадахшон ва Самарқандни әгаллади. Аммо 1512 йилда шайбонийлардан бұлған Убайдулла Султон қүшінілари Фиждуон яқиніда Бобур ва шоҳ Исмоилнинг бирлансын күчларини маглубиятта учратди. Шундан сүнг Бобур аввал Қобула, кейин эса Ҳиндистонда үз ҳокимиягини ўрнатади. Даңғы Қынчоқ қабилалары эса Мовароннахрда ўриашып қолдилар.

XV аср охири-XVI аср бопларидаги Даңғы Қынчоқ, Мовароннахр ва Ҳурсондаги ижтимоий-сиёсий воқеалар тұғрисида ёзилған муаллифи номағым «Тарихи гузидай Нусратнома», Мұхаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома», Бобурнинг «Бобурнома» асарлары мұхим маңбалар ҳисобланади.

Темурийзодалар ўртасидаги ўзаро урушлар, биродаркушликлар нафақат қуи табақа ахыннинг, балки йирик зодагонларнинг ҳам норозиликтериңін сабаб бұлды. Натижада Амир Темур асос солған улқан салғанат таназзулға юз түгdi ва тутатылды. Темурийлардан кейин ҳокимият тенасига келген шайбонийлар сулоласы даврида ҳам марказий ҳокимият үнчалик мустақам әмас әди (бу ўринде Абдулахон II ҳукмронлігі даври (1583-1598) бирмунча дикқатта сазовордир). Бу ҳолат ўша давр Ватанимиз худудларининг парчаланыб, алоқида давлатларға булиніп кетиши ва заифланып кету замин яратди.

Ўрта Осиё ҳудудларининг шарчаланишга юз тутиши ва унинг сабаблари

Мұхаммад Шайбонийхон вафотидан сүнг Мовароуннахр ва Хуросонда марказий ҳокимият заиғлашиб, амирлар ва султоналар марказий ҳокимиятга бўйсунмай қўйилilar. Убайдулла Султон 1512 йилда Бухоро ҳукмдори бўлган бўлса, 1534 йилдан бутун марказлашган ўзбек давлатининг Олий ҳукмдори этиб сайланди. Убайдуллаҳон мамлакат пойтахтини Самарқанддан Бухорага кучирди. XVI асрнинг 40-йилларига келиб, зодагонлар ва маҳаллий сулолалар ўртасида шаҳарлар ва ҳудудлар учун куран авж олиб кетди. Самарқанд ҳукмдори Абдулатифхон (1541-1552 йй.) билан Бухоро хони Абдулазизхон (1540-1550 йй.) ўртасидаги курашни Тошкент ва Сирдарё бўйидаги шаҳарларининг ҳукмдори Бароқхон (Наврӯз Аҳмадхон) янада кучайтиргиди. У ҳатто 1551 йилда Самарқандни босиб олди. Кармана ва Миёнқол ҳукмдори Абдулла Султон Бароқхонга қарини куран олиб борди ва 1557 йилда Бухорони босиб олди.

1561 йилда таҳтта ўғирган Искандархон ҳам сиёсий тарқоқликка барҳам бера олмади. Аммо унинг ўғли Абдуллаҳон II марказлашган шайбонийлар давлатини тиклаш мақсадила амирлар ва султоналар билан аёвсиз кураш олиб борди. Тинимсиз урушлар натижасида Фарғона (1573), Шахрисабз, Қарши, Ҳисор вилоятлари (1574), Самарқанд (1578), Тошкент, Шоҳруҳия, Сайрам, Оҳангарон (1582), Балх (1583), Бадаҳшон (1584), Ҳирот (1588), Хоразм (1595) Абдуллаҳон II қул остига бирлангирилди. Аммо 1598 йилда Абдуллаҳон II вафотидан сүнг унинг ўғли Абдулмўмин узоқ муддат таҳтни бошқара олмади. Сунгти Шайбоний ҳукмдори Пирмуҳаммад II ҳам бебони амирларни тийиб қўя олмади.

Юзага келган вазиятдан Эрон сафовийлари, Хива иноқлари ва қозоқлар упумли фойдаландилар. Эронийлар Балхни, қозоқ султоналари ўз манфаатлари йўлида Тошкентни эгаллаган бўлса, Хоразм хонлари мустақил бўлиб олдилар. Бухоронинг зодагон гуруҳлари астраханлик Жонибек Султонини таҳтга тақлиф қилилар. Жонибек Султон ўғиллари фойласига таҳтдан воз кечди ва шу тариқа Ўрта Осиёда аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги бошланди. Аштархонийлар Балхни эронийлардан, Тошкентни қозоқлардан тортиб олдилар. Аммо кўпгина урушларга қарамай Хоразм ўз мустақиллигини сақлаб қолди.

Айрим аштархоний хукмдорлари И момқулихон (1611-1642 й.и.), Абдулазизхон (1645-1680 й.и.), Убайдуллахон (1702-1711 й.и.) хукмронликлари даврида марказий ҳокимиятни кучайтиришга ҳарчанд ҳаракат қилинмасин, бу ҳаракатлар айтарили ижобий натижалар бермади. Маҳаллий амирлар ва сultonлар ўз жойланган шаҳар ва худудларида ҳокимлик қилиб, бу худудларда йирик ер эгалари бўлигина қолмай, бугунлай хўжайин эдилар. Улардан кўпчилиги ўз турӯҳлари кучига таяниб марказий ҳокимиятта деярли бўйсумас эдилар. Ҳукмдорлар эса амирлар ва сultonларнинг бир-бирлари устига юришларидан кўп фойдаланардилар. Абдулфайзхон хукмронлиги даврида (1711-1747 й.и.) марказий ҳокимияттаги ўз аҳамиятгини йўқотиб борди. Ҳокимият аста-секишлик билан мангит уруплари кўлига ўта бошлади. Бу уруг вакили бўлган Муҳаммад Раҳим 1753 йилда амир узвони билан Бухоро таҳтига ўтири.

Хоразм худудида 1512 йилда мустақил Хива хонлиги вужудга келди. Унга Шайбоний ургидан бўлган Элбарсхон (1512-1525 й.и.) асос солди. Элбарс вафотидан кейин Хива хонлари тез-тез алманиб турган. Ўзаро урушлар ва хукмдорларнинг тез-тез алманиб туриши натижасида бу даврда Хоразм ҳали марказланган давлат даражасига стмаган эди.

Хон ҳокимияти қабила зодагонлари билан чекланган булиб, низолар ва ўзаро урушлар деярли тинматан. Шу даврда Хоразм чукур инқироз даврини бошидан кечириди. Савдо-сотиқининг арзимас даражада экантиги шаҳар ҳаётини суст ривожлантирди. Бу жараён XVII-XVIII аср бошларида ҳам давом этди. XVII аср охири — XVIII аср бошларига оид Хоразм ҳақидағи маълумотларда сиёсий ва иқтисодий таънизул таъкидланади. Хусусан, Абдулғозийнинг «Шажараи турқ» асаридан, Иван Федотов маълумотларила бу ҳолат қайд этилган. Бониқарувда вазир кунбеги билан биргаликда хон маслаҳатчилари, иноқтарининг борчиги маъмурий тузумнинг жуда мураккаблигидан дарар беради. Ҳўжалик инқирози ва феодал урушлар Хоразм воҳаси маданиятига ҳам шутур етказди. Феодал ўзаро низолар Араб Муҳаммад (1602-1623 й.и.) ва унинг ўғилари даврида энг юқори нуқтага етди. Асфандиёр (1623-1643 й.и.), Абулғозихон (1643-1663 й.и.), Агуша (1663-1687 й.и.) лар даврида Бухоро билан Хива ўргасида мамлакат аҳволини ҳароб қиласиган урушлар бўлиб ўғди.

Аштархонийлар давридаги иқтисодий-сиёсий тункунлик Бухоро хонлигини парчаланишига олиб келди. Бу даврда Фарғона хонлиқдан алоҳида ўлка сифатида ажralиб чиқди. 1710 йилда

минглар сулоласидан бўлган Шоҳруҳбий Фарғонада ҳокимиятни ўз қулига олди. Минглар сулоласи кейинчалик Сирдарё ҳавзасини, Еттисувнинг бир қисмини эгаллади. Бу давлатнинг поітхати Қўқон шаҳри бўлиб қолди.

XVIII аср бошларида Бухородан Балх, Хоразм, иккинчи ярмида Тошкент мустақил давлат сифатида ажralиб чиқдишар. Ички келишмовчилик, низолар ва сиёсий парокандачилик мамлакатдаги булиниб кетишнинг асосий сабаби бўлди. 1722 йилдаги Ражабхон кузодони Бухоро хонлигини ларзага солди. Абулфайзхон (1710-1747) даврида Бухоро хонлиги шу даражада парокандачиликни бошидан кечирдики, Эрон шоҳи Нодиршоҳ 1710 йилда Бухорони, кейин Хоразмни босиб олди. Бухороликлар ва хоразмликларни эронийлар талаб, хонавайрон қилилар. 1747 йилда Нодиршоҳ вафотидан кейин Абулфайзхон ҳам улдирилди.

Урта Осиёнинг хонликларга бўлиниб кетиш оқибатлари

Учга хонлик бошқарув тизимида феодал муносабатлар асос қилиб олинган эди. Хонликлар ҳудудида ер эгалигининг учга тури: давлат ерлари, хусусий ерлар, вақф ерлари мавжуд эди.

Хонликлар аҳолиси асосан деҳқончилик, чорвачилик ва ҳинармандчилик билан шуғулланар эдилар. Асосий солиқ турла-ри хирож, закот бўлиб, шу билан бирга турли мажбуриятлар мавжуд эди. Булар Хива хонлигига бегар, қазув, мушрифона ва бошқалар бўлса, Бухоро амирлигига уруши пайтда олинадиган фавқулодда солиқ-жул, сув ҳақи, нимсара ва бошқалар, Қўқон хонлигига эса ҳашар, ҳарбий хизмат мажбуриятлари бор эди.

Хонликлар бошқарувида ислом мафкураси асосий уринни эгаллаган бўлиб, диний мутаассиблик мамлакат тараққиётiga салбий таъсир кўрсатар эди. Айниқса, хонликлар ичидағи этник гуруҳбозлик фуқароларнинг тинч ва осойиншта ҳаёт кечиришинга тусиқ бўлар эди. Ундан ташқари турли уруғ вакиллари давлат бошқарувида юқори мавқега эга бўлиш учун бошқа уруғ вакилларига қарши зиддан ва очиқчасига курани олиб бориб, сиёсий бекарорликни келтириб чиқарар эдилар. Буни Хива хонлигидаги XVIII аср воқеаларида яққол куришимиз мумкин. Бу даврда Хивада турли уруғ вакилларидан хонлар кўтарилди.

Бу хонларнинг алманишини халқ учун катта кулфатлар келти-рар эди. XVII аср охирларига келиб, Хива хонлигига Кўнтиrotларнинг мавқеи оша борди ва 1804 йилда улар Хива хонлигига таҳтини эгалладаб, 1920 йилгача бу хонликда ҳукмроилик қилишди. Қўқон хонлигига ҳукмроилик қилиштап минглар судо-

ласи үларининг ташки истилочилик урунлари ва ўзаро сулолавий курашлари билан хонлик аҳолисининг ижтимоий, иқтисодий аҳволини янада оғирлангирди. Айниқса Худоёрхон даврида талончилик урунлари ва солинган кўплаб солиқтар халқнинг кўплаб норозилигига сабаб бўлди, натижада Худоёрхон икки маротаба таҳтдан ҳайдалиб, яна таҳтни эталлади. Минглар сулоласи Кўқонда 1710 йилдан 1876 йилгача хукмроҳлик қилиши.

XVII-XVIII асрларинг биринчи ярмида бигта иқтисодий худудлари бир элат, бир халқнинг учга мустақил, сиёсий хонликлар ажратиб кетишни, бу худудла яшаётган халқларнинг бошига жуда оғир кулфатларни келтирди. Хонликлар ичидаги сулолавий ва ўзаро урунлари халқнинг оғир аҳволини янада оғирлангирди. Хиваликларнинг туркман урунларига қарши уюнтирадиган мавсумий талончилик юринчлари, Бухоро амирлигининг Китоб ва Шаҳрисабз бекликларирига қарши олиб боргани доимий урунлари, Кўқон хонлигининг Тошкент ва Хўжанд учун Бухоро амирига қарши курашлари бигта халқнинг нарчаланишига, ўзаро маданий, савдо алоқаларининг узилиб қолишнига сабаб бўлди.

Хонликлар худудиаги халқ норозилик ҳаракатлари шафқатсизлик билан бостирилди, ҳар қандай ишор фикр, янтилик диний мугаасибларнинг таъқибиға учар эди. Бу пайдада нафақат бошқа худудлар билан ҳитто Кўқон, Хива, Бухородаги маданий марказларнинг ҳам ўзаро алоқаси йўқ эди. Бу ўз наубатида Ўрга Осиё илм-фанини турнушикка, ҳитто таназзулга олиб келди. Табиий фанларга сътибор умуман йўқоди. Ўрга Осиё халқлари Европа фан техника тараққиётидан бехабар булиб, орқада қолишига.

Россия билан ўриятилган савдо алоқалари асосан бир гурӯҳ бойлар қўлида бўлиб, улар маданий алоқаларга, фан-техника тараққиётини кириб келишига айтгарли таъсир кўрсатмади ва улқадаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий вазият чор Россиясининг ўз агресив мақсадлари учун шароит яратиб берди. Натижада Россия Ўрга Осиёни осонлик билан босиб олди.

Таянч тушунчалар

Ўзаро урунлар, Шоҳруҳ, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Навоий, Шайбонийхон, Бобур, Сафовийлар, Убайдулла Султон, Абдуллахон II, ангтархонийлар, ҳокимиятни кучайтириш учун кураш, Хива иноқлари ва қунғиротлари, Кўқон минглари, Бухоро манғитлари, хонликлардаги норозилик ҳаракатлари, Россия билан савдо алоқалари.

Мустақил иш мавзулари

1. Шайбонийлар давлати, Абдулахон Н.
2. Антархонийлар даврида Ўрга Осиё.
3. Қўқон хонлиги.
4. Хива хонлиги.
5. Бухоро амирлиги.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Истиқдол ва матьнавият. Тошкент. Ўзбекистон, 1994.
2. Каримов И. А.Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимлардаги табриқ сўзи. «Халқ сўзи», 1997, 21 октябр.
3. Баёний М.Ю. Шажараи Хоразмшиоҳий. Тошкент. Фафур Гулом номли нацириёт, 1994.
4. Бобобеков Х.Н. Қўқон тарихи. Тошкент. Фан, 1996.
5. Зиёев Х. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Тошкент. Шарқ, 1998.
6. Ибрат И.Фарғона тарихи. Тошкент. Камалак, 1991.
7. Мирза Абдулазим Сомий. Манғит ҳукмдорлари тарихи. М., 1962.
8. Мулла Олим Маҳдумхожа. Тарихи Туркистон. Тошкент, 1995.
9. Миллий уйғониши. Тошкент, 1997.
10. Ўзбекистон тарихи. Тошкент. Университет. 1997, иккинчи нашр, 1999.

9-мавзу. ЧОР РОССИЯСИНИГ ТУРКИСТОНДАГИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИ

Чор Россиясининг Туркистонни босиб олиши ва уни бошқаришининг мустамлака тизими

XIX аср иккитчи ярмига келиб Ўрта Осиё хонликларидағи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ақвол таңг даражада бұлғанлығы бу пайтда жаһоңдатын агрессив давлатлар қаторига кирган, Европа давлатларында иқтисодий тараққиётдан орқада қолаётган Россиянинг Ўрта Осиёни үзиге бўйсундириш ниятини рӯёбга чиқаришни тезлантириди. Бу ният Россия императори Пётр I (1672-1725) даврида туғилған бўлиб, у Хива хонлигини бўйсундириш учун ҳатто 1717 йилда Бекович-Черкасский бошчилигидан Ўрта Осиёга ҳарбий экспедиция уюштирган эди. Лекин бу ҳаракат, ундан кейинги бошқа ҳарбий ҳаракатлар: жумладан, 1839-40 йилларда Перовский бошчилигидаги ҳарбий юриш ҳам муваффақиятсизликка учради. XVIII-XIX асрнинг бирингчи ярми давомида рус ҳукумати Пётр I орзуларини амалда ошириш йўлида унинг васиятларини бажариб, Қингиоқ данларини үзига бўйсундирили ва у ерда ҳарбий истеҳкомлар бунёд этди. Бу даврда Россия учун саноатни ривожлантириши, уни хом-аниё билан таъминлаш ва иштаб чиқарилган маҳсулотни сотиш учун янги бозорлар излани кечиктирилмас вазифа бўлиб қолди.

Россиянинг агрессив тапқи сиёсати давомида унинг келажакда империяни кенгайтириш учун Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Эронга уюштирадиган ҳарбий юришида, жанубдаги денгизлар, улар орқали океана га чиқишида Ўрта Осиё шаҳдарм вазифасини бажариши керак эди.

Яна шунун кўрсатиб ўтмоқ жоизки, чоризмнинг Туркистонга бўлған қизиқини бу ўлқадаги катта ер ости бойликларини үзлантиришига интилиш билан боғлиқdir. Шу билан бирга XIX аср ўрталарида Ўрта Осиёда Россия ва Англия манбаатлари тўқнашди. Бу ҳол Россиянинг Ўрта Осиё хонликларини босиб олиши режасини ишлаб чиқиши ва ҳарбий юришларини тезлантиришига сабаб бўлди.

Шу сабабларга кура чор Россияси үзининг тин-тироғигача куролсланган кўшинлари билан Туркистон халқдарини бўйсундириши ва жонажон Ватанимизни босиб олиб, унга эгалик қилиш мақсадида ҳарбий юришларини бошлади.

Олдиндан белгиланған режа асосида рус күшнеларининг хужуми Құқон хөнлигиге қаратылды. Замонавий қуроллар билан тұла таъминланған 2850 киппилек рус күшини бир йил олдин мәглубиятта учраган генерал Перовский бопчилігінде 1853 йил июл ойида Оқмачит қалъасига ҳужум қилды. Оддий қуроллар билан қуролланған 400ға яқин қалъа ҳимоячилари 20 кун давомында душман ҳужумини қайтариб, мардлик, жасурлық, ватанпарварлық тимсоли бўлиб тарихга кирдилар.

1853-1856 йиллардаги Крим уруни сабабли Россия Үрта Осиёдаги ҳарбий ҳаракатларини тұхтатыпта мажбур бўлды. У Құқон хөнлигидаги фаол ҳаракатини 1860 йил ёзидағина қайта тапкыл қыла олди. Халқимизнинг қаҳрамонона қаршилигига қарамасдан янги ҳарбий техника билан қуролланған рус күшнелари 1860-1864 йилларда Пишиқ, Тұқмоқ, Авлиә ота, Туркистан, Чимкент шаҳарлари ва улар атрофидаги қишиокъларни босиб олдилар. Бу жангларда құнгилли ҳимоячилар, Құқон хөнлиги сарқарласи мулла Алимқұл ва бонқалар ўз қаҳрамонларлари билан ватанпарварлық намуналарини күрсатдилар.

1864 йил октябрьда генерал Черняев бопчилигидаги рус күшнеларининг Ташкентта ҳужуми муваффақиятсизликка учрагач, улар Ниёзбек қалъасини эгалдаб, Чирчиқ дарёсидеги тұғонни бузиб ташладилар ва шаҳарға сув чиқмай қолди. 1865 йил май ойида руслар Ташкент шаҳрига янгитден ҳужум бошладилар. Ҳимоячиларнинг фидокорлығи, Мулила Алимқұлнинг тадбиркорлығи янги ҳарбий қуроллар ва мунгазам ҳарбий қүшин олдида ожиз эди. Ташкенттеги руслар 42 кун деганды босиб олдилар.

1865-1866 йилларда рус күшнелари Құқон хони ва Бухоро амири үртасида ҳамиша құлдан-құлға үтиб турған Хұжанд, Үратепа, Жиззах шаҳарларини қаттиқ жаңглардан кейин эгаллади.

Бухоро амири Музаффарнинг күрган тадбирларига, халқнинг қаҳрамонона қаршиликларига қарамасдан 1868 йилги Җұпонота ва Зираубулоқ жангларыда русларнинг құли баланд келди. Натижада амир Музаффар Құқон хони Худоёрхон (1864-1879) каби Россия билан нотенг сулҳ шартномасини имзолашта мажбур бўлди. Құқон хөнлигига ва Бухоро амирлигига тегипши бўлган ерларнинг катта қисми Россия тасарруфига үтказилди. Катта миқдорда товои пули тұланди.

Олиимас қалъа ҳисобланған Хива хөнлигиге руслар қаттиқ тайёргарларлардан кейин 1873 йилда ҳужум қилдилар. Хонликдаги қолоқлик, ҳарбий техника ва санъетнинг настлиги бу ерда

ҳам русларнинг ғолиб келишига асос бўлди. Хива хоти Мұхаммад Раҳимхон Феруз (1864-1910) Гандимиён шартномасига асосан 2200000 олгин сўм тўлади ҳамда Амуларённинг ўнг қирғизидаги ерларидан ва мустақил ташқи сиёсат юргизиндан маҳрум бўлди. Русларниң Ўрга Осиёдаги ҳарбий ҳаракатлари XIX асрнинг 80-йиллари ўрнасирига яорвадор кўчманчи туркманларни бўйсундуругунга қўйар давом этди. Россия ўлкамиз ҳалқарини куч, курол, талончилик ва вайронагарчиликлар йўли билан босиб олди.

1867 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги таникли этилиб, ўлка тўла равишда ҳарбийлар қўлига ўтди ва ўлкани бошқариш катта ваколатларга эга бўлган Туркистон генерал-губернаторлигига тоширилди. Туркистон генерал-губернатори давозимига генерал фон Кауфман тайинланди.

Генерал-губернатор катта ҳукуқтарга эга бўлиб, хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқалар олиб борини, солиқ сиёсатини белгилashi, рус фуқаролиги ҳукуқини бериши, маҳаллий аҳоли устидан чиқарилган турли ҳукмларни ижро этишига рухсат бериши мумкин эди. Бу «Вақти Низом» қонуни чор маъмуриятининг мустамлакачилик сиёсати манфаатларига мос келмаслиги сезила бошлангач, Кауфман Россия императорига 1873 йилда Туркистон ўлкасини бошқаришнинг янги низом лойиҳасини тақдим этди. Низом 1886 йилда подшо Александр II томонидан тасдиқланди. Низомнинг асосий foясига кўра, ўлкада Россия ҳукмроилиги янада мустаҳкамданиши, ўлка ерлари аввалигидек ҳарбий вазирга бўйсундирилиши назарда тутилган. Марказий ўлка бошқаруви генерал-губернатор ҳамда унинг Кенгаши ва маҳкамасидан иборат эди.

XIX асрнинг 90-йилларига келиб, Туркистон генерал-губернаторлиги бешта — Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Етисув, Каспийорти вилоятларига, вилоятлар уезлиарга, уезлиар бўлислиарга, бўлислар учисткаларга бўлинниб бошқариладиган бўлди.

Туркистоннинг барча вилоятларида ҳарбий губернаторлик бошқармалари таъсис этилди. Ҳарбий губернаторлар бевосита подшо томонидан тайинланадиган бўлди. Вилоят бошчиликлари эса доимо ҳарбий губернаторларнинг назорати остида бўлди.

Ўлкада мустамлакачилик тартиблари ўрнатилишига қалар ҳакамлик вазифасини бажариб келган қозиён маҳаллий аҳоли ўрласидаги ҳукуқий муаммоларни ширият ва одаг нормаларига таяниб ҳалқ қилувчи орган сифатида сақчаниб қолинди. Бу, албатта, маҳаллий ҳалқ оммасининг норозилигини кучайтиргаслик мақсадида кўрилган

талбирлар эди. Улар генерал-губернатор томонидан тасдиқланып, уезд бошындаи назорати остида иш олиб борди.

Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази → Ташкентни бошқарув 1870 йилги шаҳар бошқаруви қоидасига кўра тулиғи билан подшо маъмурияти қўлига ўтди. 1877 йилгача эски шаҳар ва янги шаҳар алоҳида бошқарилса-да, лекин эски шаҳарда ҳокимият генерал Гейнс қўлида эди. Ўна йили шаҳар Давлат думасига сайловлар бўлди. Сайланган 71 депутатининг атиги 21 нафари маҳаллий аҳоли вакиллари эди.

Шундай қилиб, XIX асрнинг охирларида Ўрта Осиёнинг катта қисми Туркистон генерал-губернаторлиги номи билан Россия тасарруфига ўтди. Қўон хонлиги тутатилиб, Хива хонлиги ва Бухоро амирилиги Россия империясига қарапли кичик ярим мустамлака давлатта айланниб қолдилар. Хива хонининг Амударё бўлими бошлиғи, Бухоро амирининг «Рус сиёсий агентлиги» назорати остида эканлиги ва участка пристанишлари гача ҳарбий-лардан бўлганлигини инобатта олиб, ўнкада тўла ҳарбий-маъмурий бошқаруви, ҳарбий полиция режими ўрнатилгани-гини яна бир бор қайд қиласиз. Бундай бошқарув тез вағт ичидаги ўлкани руслаштириши ва иқтисодий қарам ҳудудга айлантириши имконини берди.

Туркистонинг хом ашё базасига айлантирилиши ва ўнкада чор Россияси иқтисодий ҳамда сиёсий манфаатларининг амалга оширилиши

Чор Россияси Туркистон ўлкасини эталонлаган кунларидан бошлаб ўзининг иқтисодий мустамлакачилик ниятларини амалга оширишга кириши.

Бунинг утун, биринчи навбатда, Россия губернаторларидаги саноат корхоналарини мунтазам равинида хом-ашё билан таъминлаб турувчи темир йўллар қурилди. Шу мақсадда 1881-1886 йилларда Михайловский кўрғазидан Чоржуйга Каспийорти темир йули қурилди, 1888 йилда бу йул узайтирилиб, Самарқандга стказилди. 1906 йилда Тошкент — Оренбург темир йули ишга туширилди. 1912 йилда Фарғона водийси ҳам Россия билан темир йўл орқали боғланди.

Мустамлака Туркистонда темир йўлларни қуриб битирилиши ўлкани Россия саноатининг гилдирагига янада маҳкамроқ боғлади. Ўлканинг хом-ашё етказиб берувчи манба сифатидаги

ўрни мустаҳкамлангач, бу ерга турли фирма ва биржалар кириб кела бошлади ва улар Туркистоннинг иқтисодий ҳаётида жадаллик билан ўз таъсирини кучайтириб борди. Улар ўлқадан хом-ашё олиб кетиш, Россиядан саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб келиб сотиш билан чекланмай суғориладиган ерларни сотиб олиб пахта экиши кечайтирилар. Паҳтачиликнинг ривожланиши бундай фирма-биржалар, маҳаллий судхўр ва савдогарлар учун катта имкониятлар яратиб берди. Улар асосан хом-ашё этиштириш йўлига ўтиб олган дехқонларга келаси йил оладиган ҳосили ҳисобидан нутка қарз берар эдилар. Дехқонларнинг моддий аҳволи оғирлашган сари уларнинг ҳосилдан тушиб даромади қарзини тўлашга, ерга ишлов беринига, оиласига озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишига ҳам етмас, иккичи томошдан катта ер майдонлари маҳаллий бойлар ва судхўрлар қўлига ўтиб кета бошлади. Бу ҳолат ерсиз дехқонлар, мардикорлар ва арzon ишчи кучини яида кўпайишига сабаб бўлди.

Россия саноатида пахта толасига бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши бу ерларда этиштириладиган пахтанинг сифатига эътиборни кучайтириди. Шу мақсадда ўлка ерларида пахтанинг Америка навларини этиштиришини йўлга қўйиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борувчи станциялар ташкил этилди. Ҳатто бу навларни ўрганиш учун Америкага маҳсус мугахасислар ҳам юборилади. Мустамлака йилларида бундай навлар ўлка паҳтачилигида стти баробар кўпайди.

Россия учун Туркистондан кўпроқ фойда кўриш мақсадида ўлканнинг ўзида хом-ашёга дастлабки ишлов берувчи корхоналар ташкил этишига киришилди. Бундай корхоналар ўлқада барни бўлаётган саноатининг асосий соҳаси эди. 1900 йилгача Туркис-тонда 170 дан ортиқ саноат корхоналари ишга туширилди. Буларнинг 80% ни пахтага қайта ишлов берувчи корхоналар ташкил этди. Ўлканнинг ўзида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган саноатининг ривожланиши ва Россиядан кириб келаётган тайёр саноат маҳсулотлари асрлар давомида ҳунармандчиллик билан шуғуланиб келаётган аҳолини хонавайрон этди.

Рақобат натижасида ҳунармандчилкнинг кўшлаб соҳалари инқизотга юз тутди, хонавайрон бўлган ҳунармандлар ҳам ерсиз дехқонлар сингари ишсизлар сафини тўлдириб борди.

Ўлканнинг кўшлаб унумдор ерларига пахта экилиши боноқли экинилар экиладиган майдонларнинг қисқаришига олиб келди. Минг йиллар давомида ўзини озиқ-овқат маҳсулотлари билан

таъминлаб келгани маҳаллий аҳоли аста-секин озиқ-овқат масадасида Россияга қарам бўлиб қолди. Галла маҳсулотлари ўлкага Россиядан келтирилиб, унга чор маъмурларининг ўзи шархнавони белгилади. Саноатда банд бўлган маҳаллий инчиларнинг турмуш шароити яна ҳам оғир эди. Чунки уларниң ишҳақи европалик ингилардан 2-2,5 баробар кам бўлса, олиандиган солиқлар ва жарималар шунчака кўн эди.

Мустамлакачилик сиёсатининг асосий йўналишиларидан бири Туркистон ўлкасиши русланишидан иборат бўлди. Подшо хукумати кўп минглаб ерсиз деҳқонларни, инсизларни мустамлака Туркистонга кўчириб келтириши бу мақсадга эришишида катта ўрин тутади.

Чоризм Туркистонни рус инқилобчилари ва социал-демократларини сурғун қиласидан маконга айлантирги. Марказий Россия, Кавказортидан келган Россия монархиясининг минглаб рақобатчилари Туркистоннинг йирик шаҳарларига жойлашиб олдилар.

Россиядан кўчириб келтирилганларга катта имтиёзлар берилди, уларниң жойлашиши, деҳқончилик қилиши учун кўп миқдорда маблағлар ажратилди, ўзини ўнглаб олгунга қадар озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турилди.

Янги ташкил топган рус қимилоқлари аҳолиси маҳаллий аҳолига нисбатан анча кўпроқ экин майдонларига эта бўлди, маълум муддаттacha соликдан ҳам озод қилинди. Натижада, кўчириб келтирилганлар қисқа вақтда ишлаб чиқарининг техникавий заминини ҳам яхшилаб олдилар. Бундай имтиёзларни чор маъмурлари, «Россиядан кўчиб келиётганлар бўш ерларни ўзлантиришга, боғлар яратишга ёрдам беради», деб курсатди. Аслини олганда қанишоқтаниб кеттан юз минглаб аҳолининг Ўрга Осиёга кўчириб келтирилиши Россияда тобора чуқурланишиб бораётган ички зиддиятларни ҳал этишининг бир йўли бўлди.

Мустамлака ўлкада кўн сонли рус аҳолисининг мавжудлиги Россия учун ҳарбий ва сиёсий таянч бўлди. Улар айни бир вақтда маҳаллий халқларининг мустамлакачилик тузумига қарши бўлган ҳаракатларини бўғиб туриш учун таянч вазифани бажардилар. Чоризмнинг Туркистондаги маданий-маърифий ишлари мустамлакачилик сиёсатига тўла бўйсундирилди. Бу борадаги сиёсат маҳаллий аҳолининг маънавий ҳаётига аралашмаслик деб кўрсатилган бўлса-да, аслида аҳолини русланишини, миллий маданиятини чекланц, камситишдан иборат бўлди. Шу

мақсадда дастлабки тадбирлар Европа түрмүш тарзини ифода өтүвчи мактабларни очишидан бопталди. Үлкада жорий этилган рус-түзөм мактаблари ҳақидаги лойиҳага биноан 1884 йили Тонкентда дастлабки рус-түзөм мактаби очилди.

Подио маъмурлари маҳаллий мактаблардаги таълим-тарбия ишларини такомиллантиришини маҳаллий аҳолини русланитириш борасидаги катта түсік деб қарадилар. Шу сабабли эски мактабларда ўқиш-ўқытыш ишларини яхшилаш учун бирор бир тадбир күрілмади. Мактабларнинг аҳволи Россия босқинидан аввал қандай бұлған бұлса, шундайлыгыча қолиб кетаверди.

Россия Туркистонини истило қилғач, рус маъмурлари ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун маҳаллий халқнинг айрым айналаридан, урф-одатларидан фойдаланынг үринидилар ва шу мақсадда диний ақидалардан, маҳаллий халқ үргасида обру-эътибор қозонған шахслардан, руҳонишилардан фойдаланыдилар. Маҳаллий халқдариниң тарихий қадриятларига, диний эътиқодларига таъсир үтказып, уларни маънавий қарамликда ушлап учун Россия маъмуряти, тажрибали мустамлакачи давлатларининг ўз мустамлакаларидан олиб борган миссионерлик сиёсатларидан фойдаланыдилар. Остроумов ва бошқа миссионерларнинг үлкадаги фаолияти буниңг ёрқин мисолидир.

Маҳаллий аҳолининг яшаш тарзи, сиҳат-саломатлигини яхшилаш борасида ҳам бирон-бир тадбир амалға опирилмади. Губернияларда, уездларда бир ёки иккى врач булиб, улар ҳам асосан, солдатлар ва рус аҳолисига ёрдам күрсатып билан бағыт бұлғанлар.

Масалан, 250 минг қорақалық аҳолиси орасида атиги биттә шифокор бор эди. Врачлар етишмаслигини, соғлиқни сақташ ишларининг буңдай аҳволини чор маъмурлари «маҳаллий аҳоли күчти, соғлом ва касал бўлмайди. Улар яшайдилар ва вақти келганда үладилар. Тарқалган эпидемияларга қанчалик нул ажратилмасин, барибир етмайди», — деб чоризмнинг шовинистик сиёсатини яққол намойиш этдилар.

Үлкада мустамлакачиликни кучайтиришга қаратылған ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жарабаёнлар аста-секин маҳаллий аҳолининг моддий ва маънавий қапшоқланынг, ижтимоий-иқтисодий зиғдиятларининг кескинланишынга олиб келиб, чоризм мустамлакачилигига қарши қаратылған миңлий озодлик ҳаракатларининг кучайышынга сабаб бўлди.

Таянч түшүнчалар

Рус-инглиз рақобатчилити, рус бөекини, хом-апиे базаси, мустамлака боңқарув тизими, Туркестон генерал-губернаторлиги, темир йүллари қурилиши, саноат корхоналари, русландырылған сиёсати, рус-түзем мактаблари.

Мустақил иш мавзулари

1. Чоризмнинг Туркестонни босиб олиши ва маҳмалий халқларниң босқынчиларга қарши қаҳрамонона кураши. Жасорат ва хиёнат.
2. Чоризмнинг Туркестондаги боңқарув тизими.
3. Чор Россиясининг Туркестондаги русландырылған сиёсати.
4. Туркестоннинг иқтисодий қарамалығи.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Истиқдол ва маънавият. Тошкент. «Ўзбекистон», 1994.
2. Каримов И.А. Узбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Асарлар. Тошкент. «Ўзбекистон», 1996, 1-жилд.
3. Юсуф Баёний. Шажараи Ҳоразмшохий. Тошкент. «Камалак», 1991.
4. Зиёев Х. Туркестонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарни кураш. Тошкент. «Шарқ», 1998.
5. Каримов Ш. Қағасадаги күш орзуси. Тошкент, 1992.
6. Узбекистон тарихи. Тошкент, 1992, 2-жилд.
7. Узбекистон тарихи. (XIX асрнинг иккинчи ярми — XX аср бошларыда). Тошкент. «Ўқитувчи», 1994.
8. Мажилий Х. Туркестон босқини. Тошкент. «Нур», 1992.
9. Мұхаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Тошкент. Маънавият, 1999.

10. Узбекистоннинг янги тарихи. I-китоб. Туркестон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тошкент. «Шарқ», 2000.

11. Абдурахимова Н., Рустамова Г. Колониальная система власти в Туркестане. Ташкент, 2000.

10-мавзу. ЧОРИЗМ ИСТИБДОДИГА ҚАРШИ ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ-ОЗОДЛИК КУРАШИ. ЖАДИДЧИЛИК

Миллий озодлик ҳаракатининг бошланиши ва унипг босқичлари

Үлкада XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб чор Россиясининг мустамлакачилик, улуғ давлатчилик, шовинистик сиёсати маҳаллий аҳолининг миллий озодлик ҳаракатлари бошланишига асосий сабаб бўлди.

Тарихий маңбаларда, архив ҳужжатларида чор Россияси қўшилларининг Ўрта Осиё ҳудудига кириб келиши билан, унга қарши ҳалқ озодлик ҳаракатлари бошланганлиги ва бу чор ҳукуматининг ағдарилишига, қолаверса мустақилликка эришганимизга қадар давом этганлиги ҳақида мәълумотлар берилади. Бу мәълумотлар асосида Ўрта Осиё ҳалқларининг чоризмга қарши олиб борган қуйидаги энг йирик ва оммавий тус олган қурашлариши қайд қилишимиз мумкин: 1837-1846 йилларда Султон Кенесарин раҳбарлигидаги, кейинчалик Бухоро амирлигининг, Шаҳрисабз беклигидаги ҳаракатлар, 1871 йилда Эшон Эми муҳаммад бонҷилигидаги Сирдарё вилоятидаги чиқинчлар; 1871 йилдаги Фарғонада Етимхон кўзғолони; 1872 йилда Чирчиқдаги исёнлар, 1873-76 йиллар Кўқондаги Пўлатхон кўзғолони; 1892 йилдаги Тошкент кўзғолони; 1898 йилдаги Андижонда Дукчи Эшон кўзғолони; 1899 йилдаги Сирдарё вилоятидаги ҳаракатлар, 1916 йилдаги Жizzах кўзғолони ва бошқалар.

XIX аср 70-йиллар бошларидағи Фарғонадаги ҳалқ ҳаракатларини алоҳида қайд этиш лозим. 1868 йилда Кауфман билан сулҳ шартномаси тузиб, Кўқон хонлигининг катта ҳудудларини Россия ихтиёрига берган ва Россия ҳукмронлигини тан олган Худоёрхон сиёсатидан нафақат оддий ҳалқ, балки йирик ер эгалари ҳам порози эдилар. Кўқон хонлигидаги ёлчи ва жосус вазифасини бажарган полковник Шауфус мәълумотларига қараганда порози беклар тенасида Абдураҳмон офтобачи турган. 1872 йилда хон сиёсатига қарши ҳалқ ҳаракати айниқса кучайди. Бундан фойдаланган Абдураҳмон офтобачи ўз таниши мулла Исҳоқ Ҳасан ўғлини қирғизлар орасида Пўлатхон номи билан қўзғолон кўтаришга уйдайди ва ўзи ҳам бу ҳаракатга қўшилди. 1873 йилда бошланган бу қўзғолонда оддий ҳалқ, дэҳқонлар, хунармандлар фаол иштирок этдилар ва бу ҳаракат бугун Фарғона водийси бўйлаб ёйилди. Худоёрхоннинг ўғли Насрилдинбек бонҷилигидаги хон қўшиллари ҳам

қўзғолончиларни қўллаб-қувватлалилар. Бу воқеадан қўрқиб кетган Худоёрхон рус ҳокимиятидан бошнана сўраб, Тошкентга қочди. Кўқон таҳтига унинг ўели Насрилдинбек (1875-76) хон қилиб кўтарилиди.

Кўзғолончилар келишувига биноан эса Пўлатхон хон этиб сайданиши керак эди. Насрилдинбекнинг хонликка кўтарилиши ва унинг ҳам руслар билан келишув сиёсатини олиб бориши, қўзғончилар ўргасида норозилик келтириб чиқарди. Натижада Марғилон, Наманган, Андижон ҳудудларида Пўлатхон тарафдорлари ерларни камбагалларга бўлиб бериб, хон сиёсатига қарши чиқдилиар. Кўқон хонлигининг русларга қарашти бўлган ерларида ҳам норозилик чиқинчлари авж ола бошлади. Бу рус ҳукуматини хавотирга солиб кўйди ва Кауфман Кўқон хонлигини тутатиш тўғрисида подшонинг розилигини сўраб, илтимоснома жўнатди. Кўқон хонлиги ҳулудига эса Скобелев бошчилигига ҳарбий жазо отряди киритилиди. Бу вақтда Насрилдинхон ҳокимиятдан четтанитирилиб, водийда Пўлатхоннинг мавқеи ошиб кетган эди.

Ҳарбий жиҳатдан устун бўлган рус қўшишлари қўзғолончиларни тезда мағлубиятга учратди. Пўлатхон қўшинилари ҳаракатининг иккити босқичи 1875 йили Оҳангарон, Телов, Пскеңг ва Тошкентда бўлиб ўтган ҳаракатларни ўз ичита олади. Бу ҳаракатларда қаттиқ зарбага учраган қўзғолончилар 1876 йили Андижонда, Олой водийсида курашни давом эттирилдиар. Аммо ҳарбий жиҳатдан кучлар тенг эмас эди. 1876 йил 1 марта Пўлатхон тутиб олиниб Марғилонда осиб ўздирилди. Бошқа қўзғолончилар ҳам қаттиқ жазоланди. Подшонинг бўйруғи билан Кўқон хонлиги тутатилиб, Фарғона вилояти ташкил этилди.

Фарғона водийсида бўлиб ўтган 70-80-йиллардаги ҳалқ ҳаракатларида Қурбонжон долдоҳ, Етимхон, Дарвишхон тўра, Еқуббек бошчилигидаги қўзғолонларни алоҳида қайд қилишимиз зарур. Қурбонжон долдоҳ рус қўшиниларига қарши курапча шарқ аёлларининг қаҳрамонлигини, жасоратини на-моён этди. Манбаларнинг маълумот беришича, генерал Скобелев сулҳ тузиш учун майор Ионовни Қурбонжон долдоҳ ҳузурига жўнатади. Аммо Қурбонжон долдоҳ майорни қабул қилмай фақат ўз мавқеи билан тенг бўлган саркарда билангина музокаралар олиб бориши мумкинлигини билдиради. Чорасиз қолган рус генерали Скобелев у билан сулҳ тузишга ва уни «Олой маликаси», деб тан олинига мажбур бўлди. Қурбонжон долдоҳнинг набиралари 1898 йилги миссий озодлик қўзғононида ҳам фаол қатнишганлар Рус амалдорлари доимо Олой маликасидан ҳайтишибган. Шунинг учун губернаторлар унинг олдига тез-тез келиб туришган. 1901 йилда Россия империяси Қурбонжонга импе-

ратрицанинг совгасини шахсан топширган. Курбонжон доддоҳ 1907 йилда Үндә 96 ёшида вафот этган.

Үрта Осиё халқларининг мустамлакачиларга қарши курашида Ёқуббек ва у бонқарған Еттишаҳар давлати (1865-1877) ҳам муҳим ўрин эталлайди. Чунки улар Қўқон, Бухоро, Хива ватанпарварларининг рус босқинчиларига қарши кураншларида ёрдам бериб туришган. Шу сабабли Туркистондаги сўнги мустақил давлатни тутатиш Россия учун кечиктирилмас вазифа бўлиб қолди. 1877 йил 22 июня рус қўшиинининг Гулжага бостириб кириши шу мақсадни амалга оширишга қаратилип эди. Амир Ёқуббекнинг тұсатдан вафот этиши Еттишаҳар давлати қўшиинининг мағлубиятга учрашига сабаб бўлди. Оқмачиг, Чимкент, Тошкент мудофааларини ташкил қилишда жонбозлик кўрсаттан Ёқуббек Туркистон озодлиги учун кураш йўлида жоп баҳинида этган қаҳрамонларимиздан бирилди.

1878 йили Мингтепада чоризмнинг сиёсий- иқтисодий зулмига қарши Етимхон бошчилигидаги галаён күтарили. Бундай галаён 1879 йилда Фарғона вилоятида ҳам содир бўлди. Бу қўзғолонлар куч билан бостирилса ҳам аҳолининг қаҳр-ғазабидан хавфсиратан Фарғона вилояти губернатори ғайри-қонупий солиқ йигувчиларни ишдан олиб ташланта мажбур бўлди.

1889-1890 йилларда Фарғона водийси ва Тошкент худудларида кўплаб ҳалқ ҳаракатлари, куролли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Шулардан бири Дарвешхон қўзғолонидир. Андижон уездининг Курғонтеңа волостида юқори табакага мансуб бўлган ватанпарвар Дарвешхон қушин тўплашга кириши. У мустамлакачилик тузумига қарши очиқдан-очиқ қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўрди, аммо Фарғона вилояти ҳарбий маъмурлари катта куч юбориб Дарвешхон кучларини тор-мор этди, унинг ёрдамчиси Мўминбой ушлаб олиниб, дорга осилди.

1892 йилги қўзғолон кўплаб тарихий адабиётларда рус ҳукуматини үлканинг бир қанча шаҳарларида вабо касали тарқалишининг олдини олиш учун Тошкент шаҳрида кўрилган чора-тадбирларига қарши кўтарилган қўзғолон деб таърифланган бўлса-да, аслида бу қўзғолон чор Россиясининг үлкада кўп йиллар давомида олиб борган мустамлакачилик сиёсатига қарши қаратилиган эди.

Рус ҳукуматининг вабони олдини олиш учун кўрган чора-тадбирлари давомида маҳаллий аҳолининг диний эътиқодлари, урф-одатлари ҳисобга олинмаганилиги натижасида сабр косаси тўлган ҳалқ оммасининг порозилиги кучайди. Натижада бу қўзғолонда Тошкент шаҳри аҳолисининг барча қатламлари иштирок этди. Маҳаллий аҳолининг миллий-маданий анъаналарига

хос диний байрам «Курбон ҳайит» куни бошланган бу құзғолон, тезда чор аскарлари томонидан бостирилиб, құзғолончылардан 8 киши дорға осиб үлдирилишта, 15 кишини 2 йил муддат билан маҳбуслар ротасига юборишишінше, 2 кишини оғти ойдан қамоқ жазосипи үташта жукм қилишди. Лекин чор Россиясы дунё матбуотчишары олдида бу жазолар шов-шувіга сабаб бўлишидан чўшиб, үлим жазони умрбод сурғун билан алмангирди. Бу құзғолон Тошкент шаҳрининг үзида юз берган бўлса-да, унинг аке салоси бугун Туркистон үлкаси бўйлаб тарқалди.

XIX аср охирларида Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши үлка халқдарининг миллий озодлик ҳаракатининг яна бир ёрқин намунаси 1898 йил май ойида Андижонда бўлиб утган Дукчи Эшон құзғолони орқали намоён бўлди. Бу құзғолон раҳбари Мухаммадали Эшон ўз даврининг обрули, диний ва дунёвий илмлардан боҳабар, давр сиёсатини тўғри тушунган шахс эди. У ўз муридлари ва ҳамфирлари билан босқинчиларниң ҳалққа қарши олиб бораётган зулмкор сиёсатини қоралар ва бунга қарши ҳар қандай ҳаракатни маъқуллар эди.

Дукчи Эшон Минггенга қишлоғидан туриб Фарғона шаҳарлари ва қирғиз ерларидағи мустамлакачилардан норози аҳолини бирлаштириш ва бу зулмни ағдариб ташлаш учун ҳаракат бошлади. Құзғолон олиб бориши усусларида бехабарлик, бирликнинг йўқлиги, уюнимаганлик, курол-аслаҳа ва моддий базанинг етишимаслиги құзғолонининг тезда мағлубиятга учрашига сабаб бўлди, айниқса құзғолонинин келишилган муддатдан олдин бошланинши, ҳаракат мағлубиятининг асосий сабабларидан бири бўлди. Құзғолон бостирилиб, унинг раҳбарлари қаттиқ жазоланди. Құзғолон натижасида Фарғона вилоятида ва бугун Туркистон генерал-губернаторлигига ҳарбий полиция режими қучайтирилди.

XX аср бошларига келиб Россиядаги ижтимоий, сиёсий вазият Туркистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Үлка худудида демократик-инқилобий ҳаракатлар авж ола бошлади. Бу ҳаракатларни биз нафақат рус аҳолиси орасида, балки маҳаллий меҳнатканлар орасида ҳам кузатамиз.

Туркистон үлкаси худудида темир йўлларининг қурилиши, завод ва фабрикаларининг ишга туширилиши Россия марказига кўплаб үлка бойликларини чиқиб кетишими осонлангирди. Бу жараён маҳаллий аҳоли аҳволини янада оғирланувига сабаб бўлди. Туркистон үлкаси худудида дәхқонлар ғалаёнлари, норозилик чиқишлари ортиб борди.

Россиянинг 1914 йилда бошлиған биринчи жаҳон урушига торттилиши натижасида маҳаллий халқдан олипадиган солиқлар

миқдори оциб борди. Туркистан үлкаси ҳудудида ерсиз деҳқонларнинг сони кўпайди. Чор ҳукуматининг 1916 йил 25 июнда «Уруни бораётган жойларда мудофаа ва ҳарбий иншиотларни қуриш, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган жамики бошқа иншларни бажариш учун рус бўлмаган аҳолининг эркак қисмини жалб этиш тўғрисидаги» фармони эълон қилинди. Унибу фармонга мувофиқ ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларидан 19-43 ёнгача бўлган 250 мингдан зиёд эркак аҳоли фронт ортилаги иншларга (мардикорликка) чақирилдиган булди.

Мардикорликка кетадиганлар уч ойда қайтиб келишлари ва бунгача уларнинг оиласлари ҳукумат томонидан таъминланниши вайда қилинди. Рўйхатта олиш давомида амалдорлар бойлик ортириш пайида бўлишиб, бойларнинг болаларини пул эвазига рўйхатта киритишмади. Бу халқ порозилигининг ортиб боришига сабаб бўлди. 1916 йил июл ойидан маҳаллий аҳолининг қўзғолони бошланди. 4 июл куни Хўжандда, 5 июл Самарқанд вилоятида, 9 июл куни Кўкои уезлида, 10 июл куни Марғилонда, 11 июлда Самарқанд ва Тошкентда мардикорликка олишга қарши қўзғолонлар бошланди. 1916 йил 18 июлда бутун Туркистан ҳарбий ҳолатда леб эълон қилинди.

1916 йилдаги ҳаракатларнинг энг кучайган нуқтаси 13 июл куни «бопланган Жиззах қўзғолони бўлди. Жиззахдаги қўзғолонга Назирхўжа Абдусалом ўғли, Абдураҳмон Жевачи каби халқ ўйлабончилари бошчилик қилиб, аҳолини мустақил бектиқ тушибга чақирдилар. Қўзғолон давомида темир ўйл бекатлари, кўприклар вайрон қилинган.

Жиззахнинг япги шаҳарига етиб келган полковник Афанасьевнинг жазо отряди қўзғолончилардан енгизиди. Шундан кейин Туркистан генерал-губернатори юборган полковник Иванов бошчилигидаги катта ҳарбий кучларга эга бўлган жазо отряди қўзғолонни шафқатсизлик билан бостиради. Чор қунинлари билан сўнгти тўқиашув 1916 йил 21 июлда Қилич қишлоғида бўлиб ўди. Мингга яқин кини ҳибега олиниб, жазоланди. 1916 йилги қўзғолон ҳукмрон синфларнинг зулмига қарши қаратилган халқ қўзғолони эди. Қўзғолонни ҳаракатга келтирган асосий куч деҳқонлар ва хунарманд камбагаллар бўлди.

Қўзғолончиларни маҳаллий зиёлилар, руҳонийларнинг бир қисми қўнграб-қувватлади. Қўзғолон бостирилгач, униш ўйлабончилари жазога торгилтиб, ўлимга маҳкум этилди. Жами 51 кини қател этилди, 168 кини сурғун қилинди, 128 кини қамалди, 228 кини турли жазо хизматларига сафарбар этилди 1916 йилги қўзғолон бугун мустамлакачилик давомида Туркистондаги энг қудратли ва ўюнган қўзғолон бўлди.

Жадидчилик ҳаракати

XIX аср охири- XX асрнинг боннларида сиёсий, маданий, иқтисодий жиҳатдан инқироз ҳолатига туниб қолган мусламла-ка туфайли ривожланини паст даражада бўлган ўлкала Турки-стон зиёлилари чор Россиясининг мустамлакачилик зулмидан кутулиши, ўз миллий давлатчилигини тузиш, иқтисодий ва ма-даний тараққиётта йўл очиш, халқга зиё тарқатини чораларини кўрди. Бу борада жадидчилик ҳаракати катта рол ўйнади.

Жадидчилик рус мустамлакачилигига қарши миллий демокра-тик ҳаракат бўлиб, у ўша давр Туркистондаги қолоқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий шароитда яшаётган халқларни маърифат-лашгирини, жамият ҳаётида ижтимоий ва маданий ислоҳотлар утказиш, пировардида миллий мустақиллик тояларини ҳаёта тад-биқ этиш мақсадини ўз олдига қўйган эди.

Туркистонда жадидчилик тоялари XIX асрнинг 90-йилларидан ёйила бошлади. Бу ҳаракат XX асрнинг 30-йиллари охирларигача ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнади. Бугунги кунда республикамиз тарихи олимлари жадидчилик ҳаракатидаги учга босқични фарқлашмоқда: 1) XIX аср охирларидан 1915 йилгача-маърифатчилик; 2) 1915 йилдан – 1918 йил февралигача-мухториягчилик; 3) 1918 йил февралидан - 20-йиллар охирларигача мустабид советлар давридаги фаолияти.

Жадидчилик Россияга қарам бўлган мусулмон халқлари орасида дастлаб Кримда XIX асрнинг 80-йилларида пайдо бўлди. Унинг асосчиси диний-дунёвий илмларни чукур эгаллаган Исмоилбек Гасирави (1851-1914) бўлди. Исмоилбек 1884 йилда жадид мактаби ташкил этиб, 40 кунда 12 боланинг саводини чиқарали. Унинг ўқитини усули «усули сангия», яъни «янги усул» номи билан шуҳрат қозоцди. «Жадид» арабча сўз бўлиб, «янги» деган маънони билдиради. Исмоилбек тояларини қабул қилиган янгилик тарафдорлари «жадидлар», унинг тоялари эса «жадидчи-лик» номини олди. Исмоилбек Гасирави дарслик яратади, ўзининг «Таржимон» (1883-1914) газетасини ташкил этиб, жадидчиликни туркӣ халқлар орасида кенг тарғиб қиласади. Бу газета Тошкент ва бошқа шаҳарларга ҳам тез ёйлади.

И. Гасирави 1893 йилда Тошкент, Самарқанд ва Бухорода бўлди. Бухорода амир Абдулаҳаддин жадид мактаби очишига кўпидиради. Бу мактабга «Музаффария» номи берилади. 1898 йилда Тўқмоқда (Қирғизистон) ҳам шундай мактаб очилди. 1899 йилда Андижонда Шамсуддин домла, 1901 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла, Тошкентда Мунавварқори Абдурашидхонов

ва Самарқандда Абдуқодир Шакурийлар биринчи бўлиб жали мактабларини очадилар. Жадидчilik ҳаракатининг йирик на-мояндалари жадид мактаблари учун дарсликлар ҳам яратганлар Ҳусусан, Сайдрасул Азизийининг «Устози аввал» (1903), Му-навварқорининг «Адиби аввал» (1907), Абдулла Авлонийининг «Биринчи муаллим», «Иккичи муаллим» (1912) дарсликлари алоҳида эътиборга моликдир.

Жадидларниң ҳалқ маърифати учун куран дастури уч асо-сий йўналишдан иборат бўлган:

1. Янги усул мактаблари тармогини кенгайтириши.
2. Умидли, иқтидорли ёшларни чет элга ўқинига юбориш.
3. Турли маърифиј жамиятлар тузиш ҳамда зиёлиларниң кучи Фирқасини ташкил этиши қаратилинг газеталарни чоп этиши.

Шу дастурни амалга ошириш борасида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжасев, Абдулла Авлоний, Абдулҳамил Чўлпой ва бошқа зиёлилар жонбозлик кўрсатипди. Янгича ўқитиш мусулмон болаларига қисқа вағт ичида дунёвий, диний таълим берини дастури асосида олиб бориши. Бу дастурга кура мактабларда ўқитиш тизими икки босқичдан иборат бўлган. Биринчи босқич ибтидои қисм деб аталиб, унинг таҳсил муддати 4 йил бўлган. Биринчи босқични тутгатсан шогирд эски мактабда 10 йил ўқигандан кура яхшироқ савол чиқарган. Иккинчи босқични му-ваффоқиятли тутгатсан шогирд арабча, форсча, туркий тилда бема-лол сўзланишиб, русчада эркин ташлаша олар эдилар.

Жадидларниң ҳалқаро алоқалари жуда кенг қамровли бўлган. Улар Россия, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатлардаги жадидчilik оқимлари дастурларидан хабардор бўлганлар, ўзаро сафарлар, мулоқотлар орқали тажриба алмаштилар. 1905-1906 йилги Россиядаги инқилобий ҳаракатлар Туркистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Фаол кучлар жинслаша бошладилар ва жадидлар маърифатчilik фаолиятини жадаллаштирдилар. Бу фақаттинг мактабларда эмас, балки жонли матбуотчилик фаолияти, жумладан, рўзномаларниң кўплаб вужудга келинида ҳам кўринди. Чунончи, 1906 йилда Исмоил Обидовининг муҳаррирлигига «Тараққий», шу йили Мунавварқори муҳаррирлигига «Хуршид», 1907-1908 йилларда Абдулла Авлоний муҳаррирлигига «Шухрат», Аҳмаджон Бектемиров муҳаррирлигига «Осиё» рўзномалари чоп этилди.

Лекин тез орада чор маъмурияти ашаддий шовинист Н.П. Остроумов билдиришномасига асосланниб, бу рўзномаларни ман этди.

Маърифатчиликнинг янги тўлқинида 1913-1915 йилларда «Самарқанд», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Бухори шариф», «Турон», 1917 йилда эса «Эл байрого», «Кенгаш», «Хуррият», «Улуғ Туркистон» газеталари, «Ойина» журнали каби оммавий ахборот воситалари ҳам пайдо бўлди.

Жадидчilik Столипин реакциясидан сўнг яширии туслади. Чунончи, Тошкент полицияси маҳкамасига етказилича, маҳфий гуруҳлардан бирини ўқитувчи Аҳмаджонов бошқарган ва у, асосан, миллӣ зиёлилар ҳамда ўқувчи ёшлилар вакилларидан таркиб топган. Кўқондаги маҳфий гуруҳ 50 кишидан иборат бўлган. Андижондаги жадидларнинг яширин ташкилоти «Тараққийшарвар» деб аталиб, маҳфий ишлар бўйича полиция бўлимининг мәълумотларига қараганда, унинг раҳбарларидан бири Убайдулла Хўжаев бўлган. Шунингдек, поинто айғоқчилари 1909-1916 йиллар давомида мударрис ва мактаб ўқитувчиларининг ўлкани бошқаришида ислоҳотлар ўтказиш кераклиги ҳақида тарғиботлар олиб бораётганиларини бир неча маротаба хукуматга етказганлар.

Россия Феврал демократик инқилоби арафасида Туркистон жадидчилиги стук сиёсий ҳаракатга айланди. Агар Биринчи Жаҳон урушидан кейин жадидлар парламентар монархия учун куранган бўлсалар, Феврал инқилобидан кейин Туркистон жадидларининг «тараққийшарварлар» оқимини ташкил қилган радикал қисми анча кеңг қамровли, бир қатор сиёсий талабларни илгари сурди. Улар қаторига маҳаллий аҳоли хукуқларини кенгайтириш томон ўлкани бошқарини юзасидан асосли ислоҳотлар ўтказини, ўлкага Давлат Думасидан аҳоли сонига қараб ўрин берин, асосий демократик эркинликлар, аввало, миллӣ матбуот эркинлигини таъминлани, чоризмни конституцион тузум билан алмаситириш кабилар киради. Россиядаги Феврал демократик инқилоби Россияда янги давлат тузуми ўрнатилгандан сўнг федератив давлат шаклида муҳториёт олинига умид боелаган жадидларни руҳлантириб юборди. Айни шайтда, миллӣ сиёсий партиялар ва ташкилотлар, жумладан, жадидлар томонидан «Шурои Исломия», «Иттифоқи муслимин», «Турон» каби бир қатор ташкилотлар тузилиди. Бу найтта келтагида жадидлар туб ерли аҳоли ижтимоий таркибининг турли қатламларини ўз ортларидан эргаштира олдилар, улар опшида мусулмонлар бирлигини мустаҳкамлани, жиселантириши ҳиссиини уйғотдилар. Аммо улар тез кунларда тушиундиларки, Россиядаги Муваққат хукумат ва унинг Туркистон Кўмитаси ҳам ўлкада аввалгилик мустамлакачилик сиёсатини давом эттириш нўлини тутмоқда. Чунончи, бу сиёсат Тайсис мажлисини

чақиришга тайёргарликда яққол намоён бўлди. Шу вақтдан жадидлар учун мустақиллик ва муҳторият ё ҳаёт, ё мамот муаммосига айланди ва жадал сиёсий жанглар бошланди. Улар хукуматининг мустамлакачилик сиёсатини қаттиқ танқил остига олдилар ва Туркистоннинг Россия Демократик Федератив Республикаси таркибида миллий-худудий муҳторият олиш учун астойдил ҳаракат қилингани киришилар. Жадидларининг дастурий хужжатларида лиққат-эътибор миллий-худудий муҳториятни асосий тамойилларини амалга ошириш механизмлари. Туркистон Федератив Республикаси имкониятларига таалуқди бўлган масалалар бўйича, қонунилар чиқаришини амалга ошириш учун чақирилган мустақил ваколатли ўлка ҳокимиятининг олий органлари, бошқаруви ва суди механизмларини ишлаб чиқини, ўз давлат тузилишини барпо этишига қаратилди. Бошқарувнинг пойдевори сифатида республика шакли таңлаб олинди. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилган ва конституцион жиҳатдан кафолатланиши лозим бўлган демократик жамиятни шакллантириш-устувор мақсад қилиб белгиланди. Туркистон жадидлари давлат мустақиллиги ҳақидағи ўз юяларини ҳаётта таъбиқ этишини мамлакатдаги турли ижтимоий күчлар ўргасида тинчлик ва келишувчилик, демократик асосда шакллантирилган Россия Таясис мажлисини чақириш билан болжантаниллари ҳам лиққатта сазовор. 1917 йил июнда «Шурои исломия»дан «Шурои Уламо» ташкилоти ажralиб чиқди. Аммо Таясис мажлисида ўрин олиш масаласининг муҳимиятини англани, бу икки оқимнинг кейинчалик кўшилишига ва «Турк Адами марказияти» номи билан аталувчи ягона Туркистон Федералистлари партиясининг ташкил этилишига олиб келди.

Бироқ Туркистондаги октябр воқеалари ва большевикларининг зуравонлик билан ҳокимиятни эгаллаши уларга ўз мақсадларини охиригача амалга оширишларига имкон бермади. Шунга қарамай, улар Петроградда тузилган Ленин бончилитидаги большевиклар ҳокимиятгининг «Россия халқлари Декларацияси» (1917 йил 2 ноябр), «Россия ва шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» Мурожаатнома (1917 йил 20 ноябр), хужжатларда кўрсатилган миллатларининг ўз тақдирини ўзи белгилашни тутрисидаги ҳуқуқлардан фойдаланиб, Туркистон муҳториятги ҳукуматини ўзлон қўшилилар. Уч ойигина яшаган бу муҳтор республика тутагилиши оқибатида жадидлар гаъқибга учрадилар. Мунавварқори Абдурашидхоновнинг гувоҳчик беринича, «Итиҳоди тараққий» (1917-1920), «Миллий итиҳод» (1920-1925), «Миллий истиқдол» (1925-1929) ва «Туркистон Миллий Бирлиги» (1921-1923) (раиси

Аҳмад Закий Валидий) махфий таңқилотлари ўлқада ҳокимиятни құлға олип мақсадың фаолият юриттән.

Совет даврида жадиллардан чиққан міллий зиёлилар совет органларыда фаолият күрсатудилар ва уз фаолиятлари билан халқ таълимі саньятини ривожлантиришта маърифий ишшарни тараққий этиришта ҳаракат қыллар. Жадилларнинг айрим қисми мустабид түзүмнинг сиёсатига күникмай хорижға үгиб көтдилар, муайян қисми эса истиқтолчилар ҳаракатига күпшилиб көтдилар. Истиқтолчилар ҳаракатига ғоявий раҳнамолик қылтыш, айниқса, совет органларыда ишлаб, міллий мустақиллик ғояларини тарғиб қылышындағы сауї-харакатлари жадилларнинг советлар томонидан 1929, 1937-1938 йылдарда оммавий қырғын қылтынынга олиб келди.

Бухоро амирлігі ва Хива хоњигіда жадидчилик ҳаракати Туркестондагы каби XIX аср охири-XX аср бопшарыда шактланған булса ҳам бу ҳудудлардагы тарихий шароит ушлагы жадидчилик ҳаракатига ҳам үзігін хос хусусияттар бағын этді. Бухоро ва Хива жадиллари дастлаб амир ва хон ҳукмронлігини чеклец, мавжуд түзүм шароитига ислоҳотлар үтказиб, жамият тараққиёті ва міллий мустақилстикни құлға киригінни мақсад қилиб қүйгін булсалар, кейінчалық хон ва амир якка ҳукмронліті ҳар қандай тараққиётта түсік эканларын түшүніп етдилар. Җонки 1917 йылда Хивада Асфандиёрхон рухсати билан түзілған ёш хиваликлардан иборат мажисте ва нозирлар кенгашы, уларнинг тақиғдананын ва Жунаидхон давридагы ёш хиваликларнин қаттық таъқиб қылышынши; Бухоро амири Сайд Олимхоннинг үзи қабул қылған ислоҳотлар үтказиш ҳақидағы фармонини бекор қилиши ва 1918-1920 йылдарда ёш бухороликларнинг күвғинга учраши шунда олиб келган. Бухоро ва Хоразм Ҳалқ Республикаларыда жадиллар ҳукумат органларыда раҳбар лавозимларыда ишлаб мамлакатни тараққий қылдырышын ва мустақилстикни сақлад қолынға интилдилар (1920-1924). Бироқ совет режимі аввал Бухоро ва Хоразм давлатлари мавжудлігінде чек күйгін бұлса, кейінчалық барча жадид намоёндаларини жисмонан мағұн қылды.

Умуман олғанда, аср бопшарда юзага келған жадидчилик ҳаракати Туркестон ҳалқдарыншын міллий озодлик, мустақилстик учун дастлаб чор Россиясы, сұнғра совет мустамлака-чилиғига қарши курашда муҳим үрин тугади.

Таяпч тушунчалар

Міллий озодлик ҳаракатлари, Пұлатхон құзғолони, Дукчи Эшон, Мардикорлик, Жиззах құзғолони, Жадидчилик, Турки-

стон жадидлари, Ёш бухороликлар, Ёш хиваликлар, Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари.

Мустақил иш мавзулари

1. Туркистон үлкасида миљий озодлик ҳаракатлари: Сармарқанд қузғолони, Қурбонжон додхоҳ, Етимхон, Ёкуббек ҳаракатлари ва бошқалар.
2. Жадидчилик ҳаракати ва унинг моҳияти.
3. Ёш бухороликлар ва Ёш хиваликлар партиялари.

Адабиётлар

1. Каримов И.Л. «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавоби.«Туркистон», 2 феврал 1999.
2. Каримов И.Л. Истиқбол ва маънавият. Тошкент, «Узбекистон», 1994.
3. Алиев А. Маҳмудхужа Беҳбудий. Тошкент. «Ёз», 1994.
4. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Тошкент.«Шарқ», 1998.
5. Содиқов М. Эркесвар, ҳурриятнарвар эл ворисларимиз. Тошкент.«Камалак», 1992, 20-30 б.
6. Фозилбек Отабек ўели. Дукчи энион фожиаси. Тошкент. «Чўлпон», 1992.
7. Қосимов Б. Исмоилбек Гаспрали. Тошкент, 1992.
8. Ўзбетим.«Ватан» серияси. Тошкент, 1992, 142-180 б.
9. Ватан туйғуси. Тошкент.«Ўзбекистон», 1996.
10. Миљий уйғонин. Тошкент, 1996.
11. Юпусова Ҳ. «1892 йил Тошкентдаги халқ қузғолони». Тошкент, 1998.
12. Жадидчилик: ислоҳот, янгилини, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Тўплам. Тошкент.«Университет», 1999.
13. Ўзбекистоннинг янги тарихи. I-китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тошкент.«Шарқ», 2000.
14. Жадидлар ҳаракатидан миљий мустақилликка қадар. Тошкент.«Эльдинур», 1998.
15. Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Тошкент.«Фан», 1996.
16. Файзула Хўжаев. Бухоро инқилоби тарихига материаллар. Т..«Фан» 1997 й.

11-мавзу. ТУРКИСТОНДА МУСТАБИД СОВЕТ ХОКИМИЯТИНИНГ ҮРНАГИЛИШИ. ИСТИҚЛОЛЧИЛИК ҲАРАКАТИ

1917 йил февраль инқилобининг Туркистонга таъсири

1917 йил 27 февралда Петроградда демократик инқилоби галабаси Туркистон ўлкасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Натижала Туркистонда ҳам ишчи ва солдат депутатлари Советлари ва ҳар хил тоифалар вакилларидан тузилган ижроия комитетлар ташкил этила бошланди. Тошкентнинг ҳамма даҳлари вакиллари тұшлапиб «Шурои Исломия» ташкилотини түздилар.

1917 йилнинг март ойида ўлка мухторияти масаласи Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги асосий масала булиб қолды. Туркистонга мухториятт мақомини берип төяси нафақат демократик зиёлилар ўртасыда, ҳатто оддий фуқаролар орасыда ҳам тарқала бошлади. 31 март куни рус подиосининг ўлқадаги таянчи-Туркистон генерал-губернатори ҳокимиятни тарқ этди. 1917 йил 7 апрелда Мұваққат ҳукумат қарори билан кадет Н.Н.Шчепкин раислигига Туркистон күмитаси ташкил қилинди. 9 кишидан иборат бу комитет аъзоларининг тұртаси: А. Букейхонов, М. Тинишбоеv, С. Мақсудов ва А. Давлегиннелар туркій халқдар вакилларидан эди.

Туркистон маҳаллій ахолисининг ошиб бораёттан ижтимоий-сиёсий фаолліги шароитида Тошкентда 1917 йил 16 апрелда «Шурои Исломия» нинг Тошкент ташкилоти ташаббуси билан чақирилған Бугунтуркистон мусулмонларининг 1 Курултойи или бошлади.

Курултойнинг сұнғы мажлисида марказий раҳбар органдар Туркистон ўлка мусулмон штюроси ташкил этилини ҳақида қарор қабул қилинди. Шундай қилиб Туркистоннинг бирлигі ва яхшитлігі томон мұхим қадам қойылди.

Афсуски, бирлашып жараёнлари ҳар доим ҳам бир текис ривожланмади. Мунаввар Қори бошчылығында «Шурои Исломия»дан 1917 йил июн ойида диний уламолардан ташкил топған «Шурои Уламо» ажралиб чиқди. «Шурои Уламо» жамияттара фардорлари демократик кайфияттаги миляй зиёлилар ва мусулмон рұхонийларининг жамиятта ислоҳотлар утказыш Ыулидаги ҳар қандай урининшарига ва европаача маданияттинг

кириб келинүгө кескин қарни чиқынди. Мәртебелі, сиёсий соҳадати янгиланишлар ҳақидаги бояларни ҳам рад этинди.

Тошкентдеги инициатива солдат депутатлари Совети мусулмонлар ўтасидаги ушбу бўлининидан усталик билан фойдаланишга уринди. Сентябр воқеалари натижасида Тошкент Совети ҳокимиятни қўлга олишга ҳаракат қилди.

1917 йил 10 сентябрда Тошкентда Бугуғтуркистон мусулмонларининг II қурултойи очилди. Ушбу қурултой ҳокимиятни солдат, ишчи ва деҳқон депутатлари советларига беришга қарши чиқди. Сентябр воқеалари жамиятдаги сиёсий қарама-қаршиликларни кескинлаштириб, үлқадаги ишчилар ҳаракати билан миљтий ҳаракатнинг кейинги йўлларини бир-биридан ажратиб юборли.

Тошкентда 1917 йил 17-20 сентябрда туркистонлик ва қозоқ мусулмонларининг қурултойида «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо», «Турон» ва бошқаларни бирлаштирип йўли билан бутун Туркистон ва Қозоғистон учун умумий бўлган «Иттифоқи муслимин» деган сиёсий партия тузишга қарор қилинди.

«Уламочилар»нинг ушбу қурултойидаги асосий масала Туркистон үлкасининг бўлгуси сиёсий бошқаруви тұгрисида бўлиб, унда демократик Россия таркибидан худудий федерация-«Туркистон федератив республикаси» тузилиши төяси олға сурилди. Феврал инқилобининг таъсири билан Туркистонда касаба ўюнмалари оммавий равинцида ташкил этилди, маҳаллий халқлар тилларида газеталар чиқа бошлади.

Октябр тұнтарыши. Туркистонда мустабид Совет ҳокимиятининг үрнатилиши, унинг ишвилистик сиёсати

1917 йил сентябрь ойида большевикларнан Тошкент Совети солдатларни ва асли россиялык ишчиларни уз томонига торта олган эди. Октябр ойида Россияда тұнтарыши бўлиб ўтсандан сўнг, унинг таъсири тез орада мустамлака үлкага ҳам ёйилди. Тошкентдеги Октябр тұнтарыши қатнашчилари 1 ноябрда Бони комиссар генерал Коровченко ва Муваққат хукуматнинг Туркистон қўмитасини қамоқقا олдилар ва шу куни Туркистонда Совет ҳокимиятини үрнатилғанлыги эълон қилинди. Куролланган европали ишчилар, асосан темирйулчилар, Тошкент гарнизонининг солдатлари давлат тұнтарышини үтказдилар.

Туркистон болышевиклари үлкадаги бугун ҳокимияттиң үз қулларига олиш учун шафқатсиз кураш олиб бордилар.

1917 йил 15-22 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ишчи, солдат ва деҳқон депутатларининг III ўлка съездидан ҳокимият масаласи ҳал қилинди. Бунда 15 кишидан иборат Туркистон Халқ комиссарлари совети тузилди (8 сўл эсер ва 7 болышевик). Ҳукуматга маҳалгий аҳолидан бироғта ҳам вакил киритилмади. С. Лапин бошлиқ «уламочи»лар, меншевик ва сўл эсерларининг ўлка Совети таркибига мусулмон вакилларини ҳам киритип борасидаги таклифлари инобатга олинмади. Бу эса болышевикларининг миллӣй масалада йўл қўйган катта сиёсий хатоси бўлиб, бушда совет раҳбарларининг шовинистик кайфиятлари очиқ намоён бўлди. Ҳукуматнинг бундай зиддиятли таркиби үлкада европали аҳоли ҳукмронлигини мустаҳкамлади.

Россия Халқ Комиссарлари Совети 2 ноября «Россия халқлари ҳукуқларининг декларацияси» ва 20 ноября «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнатканшарига» мурожаатномасини эълон қилиди. Ушбу дабдабали ҳужжатларда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқи расмий равишда тан олинди; ҳаттоқи ажralиб чиққи ва мустақил давлат тузиш ҳукуқи; ҳамма ва ҳар қандай миллӣй, диний ийтиёзлар ва чеклашлар бекор қилинди.

Бу ҳужжатлар қанчалик баландиарвоз ваъдалар бермасин, амалда қуруқ ташвиқот бўлиб чиқди. Кун утмай, Туркистон ХКС «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо» ташкилотларини тарқатиб юборди. Бу ташкилотларининг аъзолари Туркистон мухториятини, кейинроқ эса миллӣй истиқлол ҳаракатини қўллаб қувватладилар.

Туркистон мухториятининг эълон қилиниши ва болышевиклар томонидан тор-мор қилиниши

1917 йил 26-28 ноября Қўқон шаҳрида Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV қурултойи бўлиб ўтди. Курултойда демократик мусулмон зиёлилар талаби билан Туркистон аҳолисининг европали қисми вакиллари ҳам тенг ҳукуқли бўлиб интирок этдилар. Туркистоннинг бошқарии тузуми тўғрисидаги масала уч кун давом этган қурултойининг

диққат марказида турди. Курултойда үлканинг барча министақалари ва күпгина жамоат ташкилотларидан 200 нафардан ортиқ вакиллар ҳозир бўлди. Унда вакилларнинг сиёсий фаоллиги туфайли муҳим масалалар юзасидан мунозаралар бўлиб ўтди. Мухторият эълон қилиш тоясини қўллаб-кувватловчилар кўпчиликни ташкил этди.

Курултойда қабул қилинган қарорда: «Туркистонда янаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия инқилюби даъват этган халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни Россия таркибида худудий жиҳатдан мухтор деб эълон қилди».

28 ноябрда таркиб топаёттан мазкур давлатнинг номи аниқланниб, Туркистон мухторияти деб аталадиган бўлди. Буғун-рассия Тайсис мажлиси чақирилгунга қадар ҳокимият Туркистон Муваққат кенгани ва Туркистон халқ (миллат) мажлиси қўлила бўлиши керак эди. Туркистон Муваққат ҳуқумат ҳайъати таркибига 8 киши сайланди, яна 4 урин еврони аҳоли вакилларига ажратилиди.

Курултой жараёнида Туркистон Миллат мажлиси 54 кишинидан иборат қилиб сайланди, шундан 2/3 қисми, яъни 36 нафари маҳалтий аҳоли вакилларидан эди.

Туркистон Мухторияти ҳуқумати қисқа фурсат ичида халқ ўргасида катта эътибор қозоиди. Абдурауф Фитрат мухторият эълон қилинган кунни «миллий лайлатулқадримиз» деб атади. Туркистон мухториятини барча демократик кучлар қизин кувватлади.

Афсуски, үлка большевиклари Туркистон Мухторияти ҳуқуматига катта хавф деб қарадилар. Туркистон Советларининг IV съезди Туркистон Мухторияти ҳуқумати ва унинг аъзолари ни қонуидан ташқари деб ҳисоблади ва ҳуқумат аъзоларини қамоққа олиш ҳақида қарор қабул қилди. Туркистон ХКС мухторият ҳуқуматни тутатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Туркистон большевиклари бунинг учун қизил аскарлардан ташқари арманиларининг «Дашноққутюн» партияси аъзоларидан кенг фойдаландилар.

1918 йилнинг 19 февралиди (эски ҳисоб билан 6 феврал) Қўқон шаҳрида фаолият курсататётган Туркистон мухторияти ҳуқумати большевикларнинг қонли хужумлари натижасида

ағдариб ташланди. Ҳукумат ағдарилач ҳам Құқон ва унинг ат-рофларидағи тиіч ақолини талаң ва үлдіриш баттар авжита қықди. Фақат Құқоннинг үзіда уч күн давомида 10000 киши үлдірилди.

«Улут Түркістан» газетаси чүкүр қалғу билан хабар берганидек, 20 (7) феврал Ҳұқанд тарихининг әңг даҳшатли куни бўлди. Эски шаҳардаги ҳамма магазинлар, савдо фирмалари, банклар ва озми-кўпми яхшироқ кўринган хусусий хонадошлиарнинг ҳаммаси таланган. Газетадаги ушбу мақола «Ҳұқанд ҳозир үликлар шаҳри» деб тугайди. Туркистон Мухториятими ағдарилишини Ўрта Осиёни советлантиришга кенг йўл очиб берди.

Туркистон минтақасидаги истиқболчилик ҳаракати ва унинг тарихий аҳамияти

Туркистон Мухториятни ҳукумати большевиклар томонидан тор-мор қилинса ҳам, у Фарғона водийисида истиқболчилик ҳаракатини ташкилий жиҳатдан расмийлангтириди, унга милиций бўёқ ва тус берди. Мухторият ҳукуматининг тутагилиши истиқболчилик ҳаракатининг бутун Фарғона водийисида оммавий равишда бошланишига бир турткى вазифасини ўгадики, чор Россиясining мустамлакачилик зулми остида эзилиб келган фарғоналиклар энди большевиклар тузуми ва совет Россиясига қарши қуролли курашга отландилар. Демак, Туркистонда совет ҳокимияти ва большевикча тузумга қарши истиқболчилик ҳаракатининг бошланишини хронологик жиҳатдан 1918 йил феврал ойининг сўнти ўн кунлигида деб белгиланимиз мумкин.

Дастлабки истиқболчи турұхдарининг тузилиши Құқон ат-роғидаги Бачқир қинилюғидан чиққан Кичик ва Катта Эрганишарнинг номлари билан узвий болғықдир. 27 февралда бўлган жангларнинг бирида Кичик Эргаш шаҳид бўлғач, унинг ўрнига Катта Эргаш курбоши (уни Мулла Эргаш ҳам дейишишган) Фарғона водийисида большевикларнинг мустамлакачилик тартибига қарши кураш бошлади.

Скобелев уездиде эса Марғилон милициясининг собық бошлиғи Мұхаммад Аминбек Аҳмадбек ўели — Мадаминбек советларга қарши кураны эълон қилди. «Яккатут волости Гарробо қинилюғидаги Мадаминбек турұхининг қарортоғыга оммавий ра-

виида маҳаллий ёнилар келиб қўшишарди», леб ёзилади 1918 йилта оид архив ҳужжатларининг бирила.

1918 йил март ойига келиб Фарғона водийсида бир-биридан мустақил равишда 40 дан ортиқ қўрбони дастлари фаолият курсатарди. Мадаминбек Скобелев уезлида, ака-ука Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбек Марғилон атрофларида, Омон Паҳлавон, Қобул, Сотиболди Қози ва Раҳмонкул Наманган уездига, Парни қўрбони Алиджон шаҳри атрофида, Эшмаг қўрбони Куқоншиш Бутайла қипшоғида, Жонибек Қози Ўзған томонда, Муҳилдинбек Новқатда ўз фаолиятлариги боп тадилар.

Истиқболчилик ҳаракатининг ҳарбий бирликка алоқаси булмаган қуроли безорилик ёки босқигчилик, ёхуд «босмачилик» ҳаракати эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Истиқболчилик ҳаракатининг ўзига хос миллӣ йўналини ва Туркистонга мос хусусиятлари бўлган. Ҳаракатининг бошдан охиригача устувор фоя – бу бугун Туркистоннинг миллӣ истиқтоли эли.

Совет ҳокимиюти вакилларининг бугун Туркистон ўлқасида юритган шовинистик ва мустамлакачилик сиёсати, маҳаллий аҳоли манфаатлари билан ҳисоблашмай уларниң нафсиятига тегиши истиқболчилик ҳаракатининг доимий равишда авж олиши ҳамда унинг узлуксиз давом этишига олиб келди.

Туркистондаги истиқболчилик ҳаракатининг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари деҳқонлар, чорикорлар, мардикорлар, ҳунармандлар ва косиблар эди. Туркистон республикаси раҳбарларидан бирининг эътироф этишича, истиқболчилик ҳаракатига «асосан деҳқонлар ва ҳунармандлар қатниди». Фарғонадаги қуролли муҳолифат куч ва сон жиҳатдан тишириғигача қуролланган совет қўшинларидан баъзан мағлубиятта учраб турса-да, эътиқод ва озодлик учун курашашётган истиқболчилар водийдаги бутун аҳоли орасидан доимо мадал ва ёрдам олиб турадилар.

Туркистондаги истиқболчилик ҳаракатининг уюшган бир шакидда намоён бўлишида қўрбошилар курсатган гайрат-шижоатни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ўз вақтида Фарғона водийсида Кичик ва Катта Эрғанилар, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек, Ислом Паҳлавон, Бухоро Халқ Республикасида Сайд Олимхон (собиқ амир), Иброҳимбек, Мулла Абдулқажхор, Аинвар Понто, Салим Понто, Давлатмандбек, Жабборбек, Ос-

тоң Қоровулбеки, Үрмон Полвоң, Ҳайит Амин, Фузайл Махдум, Дониёлбек, Хоразм Ҳалқ Республикасида Жунаидхон, Гуломалихон, Қўшмамедхон, Темир Алихон каби қўрбошилар бу ҳаракатни ягона кучга бирлаштириш учун раҳбарликни бирин-кетин ўз қўлларига олсалар-да, лекин Фарғона водийси, Хоразм ва Бухородаги истиқтолчилик ҳаракати бошдан охиригача ягона марказга тўлиқ ўюна олмади. Туркистон фидойилярининг озодлик ҳаракатини ягона марказга бирлаштириш учун изчил кураннаётган Мадаминбек билан Анвар Понсонинг тақдирлари эса фожиали тугади.

Фарғона водийсидаги истиқтолчилик ҳаракати 1919 йил ёзининг охири ва кузида ўзининг юқори чуққисига чиқди. Мадаминбек бошчилигидаги ислом қўшиллари сафига Жалолободда турган рус Крестьянлар армиясининг қўшилини водийда совет ҳокимиятини ағдаринш учун реал куч эди. Сентябрининг дастлабки кунларида Мадаминбек лашкарлари Жалолобод шаҳрини эгаллади. Курниб қасабаси ёнидаги жангларда совет армияси қисмлари катта мағлубиятга учраб, Ўш шаҳрига чекинди. 8 сентябрда бир ярим кечак-купидузлик қонли жанглардан кейин Ўш шаҳридаги гарнизон таслим бўлди ва қамоқчонада ётган маҳбуслар истиқтолчилар томонидан озод қилинди.

Мадаминбек қушинлари 13 сентябрда Эски Марғилон шаҳрини эгалладилар. Шу билан бирга водийдаги энг йирик стратегик шаҳар-Андижонни қамал қилишга кириндилар. Афуски, бир ой давомида Фарғона водийсини ларзага келтирган Мадаминбек бошчилигидаги мусулмон қўшинининг ҳужуми нировард натижада мағлубият билан тугади.

1919 йил 22 октябрда Помирниң Эрганит овулида бўлган анжуманда Фарғона муваққат мухторият ҳукумати тузилди. Ҳукумат таркибига 16 мусулмон ва 8 рус, ҳаммаси бўлиб 24 кини киритилди. Мадаминбек ҳукумат бошлиғи бўлини билан бирга Бош қўмощон қилиб ҳам тайинланди.

1919 йилниң кеч кузига келиб Мадаминбек қўл остида 30 мингта яқин йигит қизил армияга қарши истиқтол жангларини олиб бордилар. Бу пайтда Шермуҳаммадбекда 20000 йигит, Эргани қўрбошида 8000 йигит бўлган. Айнан ана шу уч лашкар-бони водийдаги жанговор ҳаракатларни йўналтириб турганлар.

Мадаминбек сиймосида саркардалик, давлат ва сиёсат арбобига хос сифатлар ўзаро уйғулапшиб кетгани эди. У Фарғона водийисидаги истиқтолчиларнинг ҳақиқият мәйнодаги дохийиси, тан олинган йўлбончиси эди. Мадаминбек водийидаги совет ҳокимияти органларига муқобил равишда ўз сиёсий бошқарув усулини жорий қилди. Бундай бошқарув усулини яна Эргани ва Шермуҳаммадбек кўрбонишларгина жорий этган эдилар.

Туркистондаги истиқтолчилик ҳаракати 1920 йилининг ёзи ва кузида ўзининг янги босқичига қадам қўйди. Куранн яна ҳам шафқатсиз ва муросасиз тус олди. Фарғона водийиси ва Сармарқанд вилоятидаги ватаншарварлар билан бир қаторда эндиликда Хоразм ва Бухорадаги фидойилар ҳам босқинчи қизил армия жангчиларига қарши муқаллас кураннга отландилар. Куранн байробини водийида Мадаминбек ўрнига энди Шермуҳаммадбек кўтарди. Фарғона водийисидаги бутун кўрбонишлар ва тинч аҳоли вакиллари Олтиариқ туманида ўзларининг нав-батдаги курултойларига тўшландилар. Курултой 1920 йил 3 майда Туркистон муваққат ҳукуматини гузди. Ушбу қурултойда Шермуҳаммадбек ҳукумат раиси ва ислом қўнинларининг Олий бошкомуондорни қилиб сайланди. Большеевик маддоҳчардан бирининг ўтирофича, «Мадаминбек кўрбонишлар ўргасида энг күчлиси бўлган бўлса, Шермуҳаммадбек шубҳасиз, энг хавфлиси эди».

Туркистон МИК раиси Ипогомжон Хидиралиевнинг салкейинроқ ёзишича, «1920 йил сентябрда босмачиларнинг сони 70000 кишига етди ва кучли ваҳима уйғотди».

Туркистондаги истиқтолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари ҳам етарли даражада мавжуд булиб, улар асосан жадид мунавварлари ва ислом уламолари эди. Шуни алоҳида таъкидлани керакки, истиқтолчилик ҳаракатига ғоявий раҳнамолик қилини борасида жадидлар билан уламолар ўргасида ўзаро рақобат мавжуд эди. Намантанлик Носирхон Тура Сайд Камолхон Тура ўғли, топкентлик муфтий Садриддинхон Махсум Шарифхўжа Қози ўғли, Туркистон МИКнинг собиқ ўринбосари Тўракул Жонузоқов, асли бошқирлистанлик Аҳмад Закий Валидий Тўғон ва бошқалар истиқтолчилик ҳаракатининг ғоявий мафкурачилари эдилар. Ҳаракатта раҳбарлик қилган ислом уламолари орасида яссавийлик ва нақшбандийлик тариқатларининг ширлари кўп бўлган.

1920-1924 йилларда истиқтолчилик ҳаракати Бухоро ва Хоразм республикаларида ҳам авж олди. Бухоро Ҳалқ Республика-

сидағи ҳаракаттің Түркістандаги истиқболчылық ҳаракатидан фарқ қыладыған ассоций томони шупидан иборатки, ватаншарварлар Бухорода иккі жабхада туриб кураш олиб бориштарига тұғыр келди. Бир томондан, амирлик тұзуми тарафдорлари бұлған мұжохидлар, жадидлардан иборат Бухоро ҳукуматига ва шуннандақ, қызыл армия құнинларига қарши кураш олиб бордилар (Ибрөхімбек, Мұлла Абдулқажхор ва б.). Иккінчи томондан, миңдій истиқдол ғоялтарига содиқ бұлған бухоролик ватаншарварлар Файзулла Хұжаяев болыптық Бухоро Ҳалқ Республикасы ҳукумати билан яширип алоқалар үрнатыб, Бухоронинг муқаддас түрногидан қызыл аскарларнинг олиб кетіліши, Бухоро республикасыннан мустақилліги амалда қарор топиши учун куранцайлар (Анвар Пашо, Дағлатмаңдебек, Жабборбек, Дониёлбек ва б.).

Хоразм Ҳалқ Республикасыда қызыл армияга қарши кураныннан тенасида Жұнаидхон турды. У Хоразмда сиёсий қокимият учун кураш бошлаб, катта мұваффақиятларга ериши. Қисқа муддатда Жұнаидхон үз құнинини 20000 кишига етказди. Үзбек хунармандлари ва деңқонларидан ташкил тонған дасталарға Мадраимбой, Сағдұлла бола, Шокир бола ва бошқалар раҳбарлық қылған. Жұнаидхон бошчилігінде мұжохидлар ҳужумға үтиб, 1920 йыл ёзида Құхна Урганч, Ҳұжайли, Илонли ва Тахтани қайта эталданыди, күйілаб қызыл аскарларни асирға олишши. Жұнаидхон совет құмандонлігінде маңсус мактуб юбориб, агар құнинлар Хоразмдан отиб чиқып кетілмаса, асирларни отиб ташланыни билдири. Бироқ совет құмандонлігі Жұнаидхоннаның қақын талабларини рад қылғач, у босқинчилерни отиб ташлашын буюрди.

1924 йилға келганды истиқболчылар иқтисодий тапаззул ва қашшықтық, дағынатлы очлик, ҳалқнинг оғир түрмушини күрмасликлари мүмкін эмес эди. Тинимсиз давом этган етти йилдік куранында Түркістан ҳалқдары ҳам, құрбоши ва уларнинг йигитлары ҳам жуда толиққан әдилар. Шуннан учун қасоскорларнинг күпчілігі 1924 йыл давомида қаршиликті тұхтатдилар. Бунға уларнинг раҳбарлари орасыда жиңілек ва умумий дастурнаның ійқілігі ҳам сабаб бўлди.

Лекин ҳали олдинда кураныннан тұлиқ үн йили турар эди. Ватаншарварлар яна 1935 йилгача босқинчи қызыл армия құнинларига қарши куранынни отиб бордилар.

Таянч тушунчалар

Феврал инқилоби, Шурои Ислом, Шурои Уламо, Иттифоқи муслимин, Октябр тұндарының, Туркистан Мухторияты, Истиқлолчылық ҳаракати, Фарғона мұваққат мухторият ҳукумати, Фарғона, Бухоро ва Хоразм құрбосылари.

Мустақил иш мавзулари

1. 1917 йил феврал ва октябр оралигіда Туркистан.
2. Туркистонда октябр воқеалари: ҳақиқат ва үйдирма.
3. Туркистан Мухторияти.
4. Истиқлолчылық ҳаракати — умумхалқ кураши.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бұсағасыда: хавфсизликка таҳдид, барқарорлық шартлари ва тараққиёт кафолатла-ри. Т., «Ўзбекистон», 1997, 328 б.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йүқ. Т., «Ўзбекистон», 1998, 31 б.
3. Абдуллаев Р.М. Национальные политические организа-ции в Туркистане в 1917-1918 гг., автореф. дисс. Доктора ист.наук. Т., 1998, с.62.
4. Альзамхужаев С. Туркистан Мухторияти (Мус-тақиллигимиз тарихидан сақиfalар).— Т., «Фан», 1996, 60 б.
5. Мустафо Чұқай үэли. Истиқлол жаллодлари. Тошкент, 1992, 8 б.
6. Ражабова Р.Е. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917-1993 йй.). Т., «Ўқитувчи», 1994.
7. Ражабов Қ. Мустақил Туркистан учун мужодалалар (1917-1935 й.). // Жамият ва бошқарув, 1998, № 1-2, 3-4.
8. Норжигитова Н. «Босмачилық ҳаракати» ва унинг совет тузуми давридаги тарихий адабиётларда ёритилиши. Т., 1996.
9. Ибодинов А. Құрбоси Мадаминбек Т., «Ёзувчи», 1993 й.

12-мавзу. МУСТАБИД СОВЕТ ТУЗУМИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚАТАГОНЛИК СИЁСАТИ

Совет тузумининг миллий раҳбар ходимларга нисбатан қатагонлик сиёсати (20-30 йй.)

1918 йил апрел ойида РСФСР таркибида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси тузилди. Большевикларнинг мажбуран ён бериши билан ҳокимият органларида маҳаллий аҳоли вакиллари иштирок қила бошладилар. 1919 йил сентябр ойида маҳаллий аҳолининг Советларга жалб қилининига халақит берувчи, совет ҳокимиятининг ўлқадаги таянчи фақат рус ишчилари деб ҳисоблайдиган, маҳаллий аҳолига ишончсизлик билан қаровчи Туркистоннинг бир қатор раҳбарларига нисбатан чоралар курилди. Шу уринда қайл қилиш лозимки, ўлқада мустамлакачилик сиёсатини олиб бориша Марказ ташкил қилган Турккомиссия ва РКП (б) МК Туркбюроси, кейинроқ унинг ўрнига ВКП (б) МК нинг Ўрта Осиё бюроси каби ташкилотлар катта хизмат курсатдилар.

Туркистондаги раҳбар ходимлар, хусусан Турор Рисқулов (Туркистон МИК раиси) бошчилигидаги миллий коммунистлар, Туркистон мустақиллiği ва унинг ўз тақдирити ўзи белгиланидек демократик тамоийлар учун кураш бошладилар. 1920 йилда ТКП Мусулмон бюросининг III-конференцияси ва ТКП нинг V-улка конференциясида Т. Рисқуловнинг турк халқлари коммунистик партияси тузили ва Туркистон Республикасини Турк республикаси деб атаси ҳақидаги ғоялари кўриб чиқилди ва маъқулаанди. Бироқ бу ғояларнинг асл мақсади Туркистон мустақиллiği бўлганлиги боис, Марказ Т. Рисқулов ва унинг тарафдорларининг фикрларига қарши чиқди. Уз навбатида Марказнинг Туркистондаги ҳукмронлигининг таянчи Турккомиссия бу ҳаракатни рад этиди ва миллат фидойиларини қувгинга учратди.

Т. Рисқулов ўлқада улуғ давлатчилик шовинизми, буржуа миллатчилиги юзага келаётганлиги түғрисидаги масалаларни кутариб чиқдилар. Ф. Хўжаев партия ичидағи тоқат қилиб бўлмас ҳолатларни кўрсатиб ўтди. Унбу ватаншарварларнинг чиқишлари, кейинчалик уларни жисмоний йўқ қилишда айблов учун асос бўлди.

Туркистоннинг социал — иқтисодий ривожланини борасида билдирилган муқобил фикр муаллифлари миллатчиликда айблов учун асос бўлди.

ландилар. Айни шу дамларда Ўзбекистоннинг илфор, ҳурфикрли фарзандлари «иногомовчилик», «18 лар гурухи», «қосимовчилик» каби түрүхбозликда ва давлатта қарши — миллатчиликда айланниб қатагон қилиндишлар. 20-йилларининг охирига келиб республикада мустабид тузум ўзини тұлық намоён этди. Сиёсий қатагонлуклар авж олди.

1929 йылда машхур жадидчи, материфатпарвар Мунаваркори Абрурашидхонов бошлиқ «Миллий истиқдол» ташкилоти аъзоларини қамоққа олиш бошланди. Бу ташкилоттинг қамоққа олинган 85 айзосидан 15 таси отилди, қолғанлари ахлоқ тузатиш лагерларига жүнатылди. «Миллий итиход» ташкилотининг аъзолари ҳам қатагон қилиндишлар. Машхур жамоат арбоблари Маннон Абдуллаев (Рамзи), Носир Сайдов, Маҳмуд Мирходиев, Хосел Василов, Собир Қодиров ва бошқалар ўлим жазосига ҳукм қилиндишлар, сұнгра бу ҳукм узоқ муддатли қамоқ жазосига алмаштирилди.

1930 йылда Давлат Банки маъмуриятгиде ўтказилған тозалаш вақтида қатор раҳбар ходимлар қамоққа олиндишлар. Ўзбекистон ССР Суди раиси Сайдулла Қосимовининг «қосимовчилик» деб номланган ишини кўриб чиқиш бошланди. Бу жараёнларининг моҳияти кўзга кўринган сиёсий арбобларни тутатишга қаратилған эди.

30-йилларининг боши диндор ва эътиқодли кинжаларга нисбатан зўравонлик сиёсий қатагонлукнинг чўққиси бўлди. Жуда катта миқдордаги ислом, христиан, була динийга таалтуқли асарлар йўқ қилинди. Бу даврда Ўзбекистондаги диндорлар, уламоларнинг асосий қисми қамоқ лагерларига жүнатылди. Ўтминда нафақат диний русумлар адо этадиган, балки маданият, фан, тарбия, санъат марказлари, ҳалқнинг кўп асрлик меросини сақловчиси бўлган мачит ва мадрасаларнинг деярли барчаси ёниб қўйилди, айримлари бузиб ташланди.

Бугун республиканинг ҳаёти Марказининг қаттиқ назорати остига ўтди. Партия директиваларидан ҳар қандай чекиниш аксилиницилобий, сиёсий муҳолифат деб баҳоланди.

1937 йылдан «антгисовет», «халқ душманлари»ни қидириб тошиш ва жазолаш кенг тус олди. Ҳусусан, сиёсий бошқарув органдарининг (ОГПУ) фаолияти асосан ана шундай «тамға» олган шахсларни қидириш ва текшириш билан боғлиқ бўлди. Масалан, Ф. Ҳўжаев, А. Икромов, Д. Манжара, А. Каримов каби партия ва даиралар рахбарлари ҳисбета олиндишлар ва отиб ташландилар.

Ўзбекистон Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг «учликлари» олиб борган фаолияти оқибатида 1939-1953 йиллар мобайнида 61799 кипи қамоққа олинган, улардан 56112 нафари турли йилларга қамоқ жазосига, қолғанлари отишга ҳукм қилинган. Кейинроқ уларнинг күнгичилги оқланди, минг афсуслар бўлсинки, уларнинг аксарияти бу адолатга ўлимидан сўнг сазовор бўлдилар.

1930-50-йилларда зиёлиларнинг таъқиб қилинини

Миллий адабиёт ва санъатнинг аҳволи қийин ва помутаносиб ҳолатда эди. Шахсга сигинининг руғубатли иқлимига қарамай ижодий ҳаёт сўнмади, ёзувчилар ва адабиётшунослар қатори кенгайди. 1934 йил марта Тошкентда Ўзбекистон ёзувчиларининг съезди бўлди ва унда Республика Ёзувчилар ўюнмаси ташкил қилинди.

Ўзбек ёзувчиларининг номлари жаҳонга кенг ёйила бошлиди. Гафур Гулом, Ойбек, Гайратий, Ҳамил Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Ойдин Собирова, Усмон Носир, Комил Яшин ва бошқаларнинг асарларида халқнинг ижтимоий ҳаёти ва анъана-лари, меҳнат қаҳрамонлари, шиҷоати қаби хусусиятлар ўз бадиий ифодасини топган.

Лекин 30-йилларда кучайган маъмурий буйруқбозлик тизими ва шахсга сигинин мағкураси ижод аҳлини, қолаверса республиканинг маданий ҳаётини бўға бошилади. Ижодни партиявийлик ва ягона мағкурага бўйсундирилиши ҳаётни бадиий тасвирида вулгар-социал кўринишларга кенг ўйлар очди. Партия томонидан янги ҳаётни кўйлашга бўлган чақириқ ва мажбурий чекланилар ижодий жараёнда тарихий ўтмишини бир томонлама тасвирлашга олиб келди.

Адабиётда борлиқни, мураккаб ижтимоий муаммоларни бўяб кўрсатиш, хато ва камчиликлар ҳақида сукут сакланни зарурӣ шарт бўлиб қолди.

Миллий маданият 30-йилларда қаттиқ фожиага учради. Инсон ҳақ-хуқуқларининг поймол қилиниши кучайши. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Шокир Сулаймон, Зиё Саид, Элбек, Боту, Аъзам Люб, Усмон Носир, Қосим Сорокин каби миллатнинг етук зиёлилари қатагон қилинди ва халқимиз уларнинг асарларини ўқишидан узоқ вақт маҳрум бўлди.

40-йиллар охирларида фан ва маданият ходимлариниң қатагон қилингап давом этди. ВКП (б) МКниңг 1946 йил «Звезда» ва «Ленинград» журналлари ҳақидаги қарорлари қатагонлар янги тұлқинининг гоявий асоси бўлиб хизмат қилди. Шу пайтдан бошлаб адабиёт ва санъатда ижодий демократик ривожланиш узоқ йиллар давомида сунъий таъқиб қилинди, жойларда ҳурфикарлилик сикувга олини.

Марказниң кўрсатмаларига асосланиб, республиканинг наргия органлари ижодий зиёлиларға қарши куранг олиб бордилар. Уларниң асарларидаги миллий гоялар уларни айблани утуп фойдалапиди. Ёзувчи ва шоирларниң асарларидаги ўрга аср ва инқилюбгача бўлган даврдаги ҳалқ тарихини, маданиятини бадиий тасвиrlаши-ўгминини кўмсанг, идеаллаштириши деб айбланди ва уларга «миллатчи» деган тамғалар ёништирилди. Шу қабилда Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода ва бошқа ўзбек ёзувчилари қораланди.

1951 йил августда республика матбуотида «қатор шоир ва ёзувчиларниң ижодида мафкуравий оғизлар» мавзусида мақола чоп этилди. Унда Туроб Тұла, Камтар Отабоев, Миртөмир, Собир Абдулла, Ҳабибий каби ижодкорлар миллатчиликда ва пантуркчиликда айбланиб, таңқид қилиндилар. Шунингдек, Ойбек, X. Зарифов, X. Ёқубов, Сайд Аҳмад, И. Султонов ва бошқалар «ўзбек совет адабиёти вазифаларидан четда туриши»да ва «жиддий гоявий хатоликлар»га йўл қўйганликда айбландилар.

1951 йилда Мақсуд Шайхзода, Шукрулло Юсупов, Гулом Алимов ва бошқа бир қатор ижодкорлар «антисовет миллатчилик фаолияти» да айбланиб қамоққа олиндишлар ва 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилиндишлар. Шу йиллари жамиятинунос олимлардан бир гурӯхи, чунончи, файзасуф В. Зоҳидов, иқтисодчи А. Аминовлар пантуркизмни ташвиқот қилингап да буржуа-миллатчиликда айбланиб, таъқиб қилинди.

Қатагон қилинган санъат, фан ва маданият арбоблари мустабид тузум даврида ҳақ-хукуқсизлик қурбони бўлдишлар.

Адолат бир қадар қарор топиб, шахсга сиғинини ва унинг оқибатларини тузатиш учун олиб борилган курашлардан кейин асоссиз қатагон қилинган маданият ва фан арбоблари оқландишлар.

Қатагонликкінг яңғы тұлқинлари

80-йилдарнинг ўрталарига келиб қатагонлик ва қонундан чекинишилар яна бүй күрсата бошлади. Галдати қатагонлик тұлқинің нафақат ижод аҳди, балки хұжалик ходимлари ва давлат арбоблари ҳам тортилди.

Ўзбекистоннинг миллий зиёлилари ҳеч қачон, ҳаттоқи мустабид тузумнинг «тұлғаб-яшінан» даврида ҳам ўзбек халқининг миллий мустақишлиғы ғояларидан воз кечмадилар. Очиқ кураш имкони бұлмаганды ҳам миллий мустақишлиқни құлға киритиш учун зымдан кураш олиб бордилар.

Ўзбекистонда қонунчилік ва ҳуқуқий тартибларни тиклаш, партия давлат органдарини кадрлар биләп мустаҳкамлап деган иңқоблар биләп Марказдан катта ваколатта эга бўлган маъсул ходимларнинг «десант» гурӯҳлари кела бошлади. Уларға партия, совет ва суд органдаридан муҳим аҳамиятта эга бўлган лавозимлар берилди. Ўйдирма, тўқиб чиқарилган «пахта иши» ва «ўзбеклар иши» деб ишларга сиёсий тус берилди. Оқибатда гўёки бугун Ўзбекистон жиноятчилар маконига айланыб қолғандек тасаввур ўйготишга ҳаракат қилинди. Иттифоқнинг Глиян ва Иванов бошынан әмиссарлар гурӯхи республикадаги турли соҳаларда ишләёттап бир неча минглаб раҳбар ходимларни терғов жараёнинг тортдилар.

Уларға пораҳурлик, кўзбўямачилик ва жиноятчиликнинг бошқа қўринишларидаги айномалар қўйилди. Маҳбусларни «уз айбига иқрор қилиш» учун жисмоний зўравонликлар, руҳий азоблар қўлланылди. Ўзбекистон Компартияси МК нинг собиқ биринчи котиби Ш.Р. Рашидов номига ҳам ноҳақ тұхматлар қилинди, ўзбек халқининг миллий гурури тоғталди. Бунда Ўзбекистон ССРнинг ўша даврдаги қўғирчоқ раҳбарларининг машъум ҳиссаси бўлди.

Оммавий қамоққа олишлар авж олди, қийноқларга кўплаб ҳалол, соғ вижлонли кишилар ҳам тортилди. Қўпип ёзишлар, кўзбўямачилик ва пораҳурлик каби иллатлар социалистик жамиятда табиий ҳолат бўлиб, ўша пайғатаги барча республикаларда мавжуд ҳодиса эди. Ўзбекистонга нисбатан «пахта иши» олдиндан, маҳсус тайёрланған узоқни мұлжаллаб ташкил қилинган сиёсий фитнадан бошқа ҳеч парса әмасди.

Ўзбекистон Республикаси мустақишлиқка эриштапдан сунт «пахта иши» қайта кўриб чиқылди ва минглаб белуноҳ кишилар оқданылар.

Ўз ишбатида Ўзбекистоннинг моҳир, таниқли давлат ва жамоат арбоби Ш.Р. Рашидовнинг пок номи тикланди. Шунингдек, меҳнаткаш ўзбек ҳалқининг юзи ёруғ эканлиги асосланди.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг ташаббуси билан 2000 йил 12 майда Тошкент шаҳрида Юнусобод мавзесида мустабид совет режими даврида қатағон қилинган шаҳидлар хотирасига бағишилаб ўрнатилган ёдгорлик мажмунининг очилишини бутунги миннатдор авлоднинг аждодларимиз олдидаги чукур эҳтироми рамзидир.

Таяиҷ тушупчалар

ТАССР, Т. Рискулов ва Ф. Хўжаев, сиёсий қатағонлар: «иноғомовчилик», «18 лар гуруҳи», «қосимовчилик», «Миллий истиқбол» ташкилоти, маъмурий буйруқбозлик тизими, Марказ тазиيқи, фан ва маданият ходимлари қатағони, қатағонликларнинг янги тўлқинлари.

Мустақил иш мавзулари

1. 20-30-йиллардаги сиёсий қатағонниклар.
2. Миллий зиёлиларнинг қатағон қилиниши.
3. Совет режими миллатимизга қарши сұнгги тажовузи.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бұсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. «Ўзбекистон», 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқбол, иқтисод, сиёсат, мағкура. Тошкент. «Ўзбекистон», 1996.
3. Ризаев С. Шараф Рашидов. Штрихи к портрету. Ташкент, «Нур», 1992.
4. Маҳмудов М. Қатағон курбонлари. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992.
5. Атамирзаев О., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х. Узбекистан многонациональный. Историко-демографический аспект. Ташкент, Университет, 1998.
6. Хўжамбердиев Ё. Узбеклар иши. Т., «Ёзувчи», 1990.
7. Авторхонов А. Кремль салғаннати. Т., «Ёзувчи», 1993.

13-мавзу. СОВЕТЛАР ДАВРИДА УЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МАЛӢАВИЙ ҖАРАМЛИГИ ҲАМДА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

20-30-йиллар Ўзбекистон иқтисоди ва унинг Марказга қарамлиги

20-йилларининг бошларида жорий этилган янги иқтисодий сиёсат Ўзбекистоннинг ҳам иқтисодиётида жонланишта олиб келди. Лекин 20-йиллариниг охирида бу сиёсат узининг моҳиятини йўқота бошлади ва 1929 йилда батамом бекор қилинди. Эркин савдо, хусусий тадбиркорликка чек қўйилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид шархи туширилиши озиқ-овқат муаммосини келтириб чиқарди, дәхқонлар қашпиоқлашиди.

Ўзбекистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамланнинг зарурӣ шарти сифатида индустрялаштириш сиёсатини амалга ошириш бошланди. Саноати қолоқ, малакали ишчи кадрлари, мутахассислари деярли йўқ, оғир саноатни ривожлантириш тажрибаси йўқ ўлкада индустрялаштириш оғир кечди. Шу баҳона малякали ишчилар, мұхандис-техник ходимларни Россиянинг марказий ҳудудларидан кўчириб келтирилди. Фақат 1931 йилнинг ўзида кўчириб келтирилганлар 15.000 нафарни ташкил қили. Оқибатда 1926-1939 йиллари Ўзбекистон аҳолиси 37 фоизга кўпайган бўлса, европаликлар сони 62 фоизга ошиди.

Индустрялаштиришнинг дастлабки пайтида кичик сув электростанциялари ҳамда қишлоқ хўжалигига, пахтациликка қаратилган хом-ашёни қайта ишлаш корхоналари қурилиб ишга туширилди. Чирчиқдаги ГЭСлар, Тошкент тикувчилик, пойафзал, тамаки, Фарғона тўқимачилик, Самарқанд ва Марғилондаги ишак фабрикалари шулар жумласидандир. 30-йилларда Тошкент тўқимачилик комбинати, қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи, Чирчик химия комбинати ва бошқа кўпилаб йирик корхоналар ишга туширилди. 30-йиллар охирида республикада 1445 та ҳар хил саноат корхоналари мавжуд бўлиб, буларда 142 минг ишчи меҳнат қиласар эди.

Советларнинг «ўз кучимиз билан қисқа муддатда» деб олиб борган индустрялаштириш сиёсати Ўзбекистон учун ғоят оғир кечди. Марказ республикамизнинг ер ости ва ер усти қазилма бойликлари, хом-ашё манбаларини талон-тарож қилиб, арzon ишчи кучидан фойдаланиб, ўлкадан мумкин қалар кўпроқ фойда олиш ҳаракатида бўлди. Бу сиёсат айниқса миллионлаб

дәхқонлар ҳисобидан амалға оширилди. Чунки қишлоқда зұрлик билан олиб борилған жамоалаштириш сиёсати ғараздан маңсада жүн жуда ҳам күл келди.

1930 йилдинг бошларидан ёниасига жамоалаштириш ҳаракати бошлапиб, кетте ер әгалари, үрта ҳол дәхқонлар ва камбағалыларнинг ерлари жамоа хұжаликтери бирлаштирилди, уларнинг құлларидаги от-олов, мәхнат воситалари, чорва моллари ҳам мажбурий умумланғырды.

Давлат, жамоа хұжаликтери орқали режалаштирилған йүл билан мәхнаткаш дәхқонлар оладиган ҳосилнинг деярли барчасини йигиб оладиган бўлди. Бунинг натижасида дәхқонлар хұжалиги хонавайрон бўлди. 30-йиллар бошларидан юз берган очарчилик, унинг оқибатида минглаб кишиларнинг қирилиб кетини, аҳолининг ҳалигача қишлоқ хұжалик маҳсулотларига ёлчимай келиши-уша давр кур кўрона сиёсатининг натижаси бўлди.

Оммавий жамоалаштиришга суюниб, бадавлат хұжаликтар, айрим үргаҳол дәхқонлардан 5,5 мингдан ортиги ўз оиласи билан узоқ үлкаларга сурғун қилинди. Бу билан совет давлати қишлоқ аҳолисининг бош кутаришга қодир, вазиятни тушунадиган қисмини йўқ қилиб, талончилик сиёсатини осонланғырди.

Ўз-ўзидан равшанки, жамоалаштириш сиёсати натижасида қишлоқ хұжалигига мәхнат унумдорлиги пасайиб, молдий манфаатдорлик йўқолди, қишлоқ аҳолиси қашшоқланыди, дәхқонни эксплуатация қилишининг бирдан-бир такомилланаған услуби каашф этилди.

Ҳатто ҳалқимизнинг қадим анъанаси ҳашар ҳам эксплуатация қуролига айланғырды. 1939 йилда қазилған Катта Фарғона канали бир томондан, ҳалқимизнинг мәхнат жасорати, иккичи томондан ҳалқни эзишининг советча кўрининши бўлган десак хато қилмаймиз. Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлигини кучайтириш йули билан СССР пахта мустақиллигига эрилди.

Фашизмни тор-мор келтирипца Ўзбекистон ҳалқларининг қўшган ҳиссаси

1939 йилда бошланган иккинчи жаҳон уруши сабабли вужудга келган ҳалқаро вазиятга СССР билан бирга Ўзбекистон ҳам тортилди. Ҳалқимизнинг ботир фарзандлари «кичик урушлар» деб ном олган Ҳальхинголь, Ҳасан кўли, Финляндия урупларида иштирок этганилар.

1941 йил 22 июнь куни гитлерчилар Германиясининг СССРга тұсатдан қылған ұзбек халқының ҳам тинчини бузиб, қалбини нафратта тұлдирди. Үтказилған митинг ва йигилишларда ариза берған қүнгиллилар сони дастлабки ойлардағы 32 мингдан күпроқни тапкыл этди.

Фронт орқасини мустақкамлаш, халқ хұжалигини қайтта куриб, ҳарбий изга туширип мамлакатни ягона ҳарбий лагерга айлантиришпа доир умумий дастурнинг энг муҳим таркибий қисми бұлды. Бу дастурни амалға оширишпа Үзбекистон қызыл Армияның фронт орқасидеги мустақкам базасыға айланды. Үзбекистон ғарблан көлтирилған 100тадан ортиқ корхоналарни қабул қылғын олди ва бу заводлар халқимизнинг фидокорона мәхнати билан қисқа вақт ичида маҳсулот берішінен болады. «Ростсельмаш», «Красный Аксой», «Москва», «Подъемник» ва «Электростанок» заводлари шулар жумласидандыр. «Ташсельмаш» заводи, Чирчиқ электрокимә заводи ва бошқа республика саноати корхоналари ҳам фронт әхтиёжи учун ишлай болады.

Ұрта Осиё ва Қозогистон республикалари ақолиси ва моддий ресурсларини сафарбар қилиші ва жаңговар тайёр ҳолға келтиришпен Ұрта Осиё ҳарбий округи муҳим рол үйнады. Бир ярим йил ичида бу округт 109 құшылма тузди. Үзбекистон мәхнатқашлари миллий ҳарбий құшылма түзини ташаббуси билан чиқдилар. 1941 йил ноябрیدан 1942 йил мартағача Үзбекистонда 14 та миллий бригада, жумладан, 9 та алоқида үкчи бригада, 5та отлиқ дивизия түзилди. Уруп йилларыда бир милион түрт юз минг үзбекистонликтар фронтларда жаңг қылдилар. Улардан түрт юз эллик минг киши қайтып келмаган. Урупнинг дастлабки қынларида Республика мудофаа фондига 30 млн. сүм миқдорида пул тұпланды. Қисқа вақт ичида Үзбекистон халқ хұжалиги ҳарбий изга үтказилди. Бутун халқ, жамииеттік мөддий ресурслар ватан ұхмоясига сарф қилинди.

Собир Раҳимов, Мамадали Топиволдиев, Р. Абзолов, О. Раҳимов, Халлоқ Аминов, Құчқор Турлиев, Назар Ражабов каби үзбекистонликтар жаңговор жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бұлған бұлсалар, бутун Үзбекистон ақындарының күрсатдилар. 280 дан ортиқ үзбекистонликтар фронтдаги жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига, минглаб жаңгчиларимиз эса уруп

йиллари таъсис этилган орден ва медалларга ўз жасурликлари сабабли сазовор бўлдилар.

Мамлакатнинг турли районларидан кучириб келтирилган аҳолини Узбекистонда ҳурмат-эътибор ва ғамхўрлик билан кутиб олинди. Бу ерга бир миллионга яқин одам, жумладан, 200.000 бола кучириб келтирилди. Узбекистонда улар бошпана ва меҳр топишди. Уларга 135 минг квадрат метрдан кўпроқ турар жой берилди, уларни ишга жойлантириш юзасидан доимий иш олиб борилди. Узбекистон аҳолиси ўзининг сунги бурда ионини, кийим-кечагини, туар жойини кўчиб келганлар билан биргаликда баҳам курди. 15 нафар етим болани фарзандликка олган Шомаҳмудовлар оиласининг номи бугун жаҳонга маълум. Бу халқлар дўстлигининг буюк намунаси бўлиб, халқларни бир-бирига яқинлаштираса-да, бу йилларда миллий сиёсатда кечириб бўлмайдиган хатоларга ҳам йўл қўйилди. 1943-44 йилларда қалмиқлар, қrim татарлар, чеченлар, ингушлар, немислар, қорачойлар, месхети турклари ўзларининг тарихий ватани ва доимий жойларидан мамлакатнинг шарқий районларига кучириб юборилди. Узбекистонга 15 мингдан ортиқ қrim татарлар, 175 минг чеченлар, 157 минг ингушлар ва бошқа халқлар кучириб келтирилди. Уруши йилларида ва ундан кейин омон қолган ҳарбий асиirlарининг ҳам аҳволи оғир кечди.

Маъмурий буйруқбозлик тизимишинг уруши йилларидаги хуинук кўрининиларида бири «талафотлар билан ҳисоблашиб ўтирамай, ҳар қандай қилиб бўлса ҳам ҳарбий мақсадларга эришиш зарур» деган принцип бўлди. Галаба ниҳоятда қимматга тушди. Совет кишиларининг 27 миллионга яқин нафари урушининг аллангаю оташида ҳалок бўлди. 18 миллиондан ортиқроқ жангчилар ярадор бўлдилар. Уларнинг кўпчилиги меҳнат қобиляйтларини йўқотиб, ногирон бўлиб қолицди.

Юртбошимиз айтиб ўтганларидек, бу уруши кимлар томонидан қандай мақсадларда, қаерларда бўлиб ўтганлигидан қатъи назар, унда ўзбекистонликлар қатнианиб, ўз оиласи, болачақаси, ота-онаси, муборак заминни ҳимоя қилдилар. Уларни шасорати эса ҳеч қачон унугилмайди.

1945-80-йиллар Ўзбекистон иқтисодиёти

Иккингчى жаҳон урупни йиллари даврида издан чиққан Узбекистоннинг иқтисодиёти урущдан кейинги 1946-1950 йиллари юят кескинлашган халқаро вазиятда қайта тикланади.

Мамлакатнинг ички ресурслари, табиий бойликлари ва арzon ишчи кучини юят кучли эксплуатация қилиш эвазига, хорижий сармоялардан бош тортган ҳолда олиб борилган иқтисодиётни тиклаши халқ бошига оғир кулиарни келтирди. Ўзбекистон халқ хўжалигини тиклаш иншари совет ҳукуматининг зўр бериб куролланиш сиёсатига буйсундирилди. Айни бир вақтда ўзбек халқи уруща вайрон бўлган ўлкаларни тиклашга ҳам ўз ҳиссасини қўниди. Уруш даврининг шарт-шароитлари сақланган ҳолда халқининг мардона ва фидокорона меҳнати билан беш йил ичида саноат маҳсулотини ишлаб чиқариши урущдан аввалини дараҷага етди, деярли икки марта опиб кетди.

Урущдан кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини, айниқса чорвачиликни тиклаши ишлари анча оғир ўтди. 1945 йил 15 июн даги Марказий ҳукуматнинг «Ўзбекистонда пахтачиликни тиклаш ва янада ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қарори асосида пахта яккаҳомлиги кучайтирилди ва Ўзбекистоннинг марказга боғлиқлиги янада ҳам мустаҳкамланди. Об-ҳавонинг инжиқтигига, тиклаши ишларининг қийингчиликларига қарамасдан, 1950 йилги тайёрланган пахта 2.200.000 тоннага етди.

50-60-йилларда саноат ва қишлоқ хўжалигини бошқариши тизимиға айрим ўзгаришлар киритилди. Жумладан, 1954-1956 йиллари иттилоғ миқёсидаги бир қатор йирик корхоналар республика ихтиёрига ўтказилди. Натижада саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг салмоғи 31 фоиздан 55 фоизга кўгарилди. Хўжаликни бошқаришда иқтисодий омилларга суюниш, меҳнат манфаатдорлигини ошириш ва бошқа тадбирлар ўз самарасини бермади, чунки жамиятда туб ислоҳотлар ўтказилмаган эди. Саноат ва қишлоқ хўжалиги экстенсив йўл билан, яъни табиий бойликлардан ўринсиз, ҳисобсиз фойдаланиши, бугун халқининг меҳнатини ҳаддан ортиқ эксплуатация қилиш ҳисобига 60-70-йилларда саноатининг янги соҳалари вужудга келди.

Ўзбекистонда олгин, уран, рангли металлар ишлаб чиқариши кенг йўлга қўйила бошланди. Энергетика, кимё саноати ривожланди. Саноатининг ривожланиши натижасида янги шаҳарлар: Навоий, Учкулук, Зарафшон, Зафаробод, Нуробод кабилар

қал күтгарди. Лекин мустамлака ҳолатидаги республиканинг ривожланаётган иқтисодидан бошқалар кўпроқ манфаатдор эдилар. Сўнгти ҳисоб-китобларга қараганда бевосита Иттифоқ министрликларига бўйсундирилган фақат олтин ва ураннинг ўзидан 15 миллиард америка долларига тенг бойлик Марказга олиб кетилган. Ўзбекистоннинг аксарият шаҳар, қишлоқлари газлаштирилмаган ҳолда республикада қазиб чиқарилган табиий газ Россиянинг саноат марказларига етказиб берилди.

50-60-йиллари Ўзбекистонда пахта майдонини янада кенгайтириши мақсадида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириши ишлари олиб борилиб, 1945-1985 йиллари қарийиб 2.400.000 гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Суғориш ишларини яхшилаш учун сунъий сув омборлари қурилди.

Қишлоқ хўжалиги учун трактор, пахта терин машинаси ва бошқа техника ускуналари тайёрлаб берилди. Пахтачиликнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш билан бирга пахта ҳосилдорлигини ошириши учун кимёвий моддалардан чексиз фойдаланилди. Қўрилган тадбирлар натижасида 1970 йили республикада пахта майдони 1.700.000 гектарни ташкил қилди, ялпи ҳосил 4.495.000 тоннага етди.

Йирик саноат корхоналарининг вужудга келиши билан Республиканинг Иттифоққа боғланишини яна ҳам кучайди. Президент И.А. Каримов: «... у пайтда Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга - Марказга бутунлай қарам, издан чиқсан иқтисодиётта эга бўлган ярим мустамлака мамлакат қаторига айланган эди», дейди.

1985 йилининг баҳорида қишлоқ хўжалигини бошқарув тизимида ўзгартириш киритилиб, меҳнатни ташкил этишининг бригада ёки оила пуррати, ижара сингари янги шакллари жорий этилди. Лекин марказда маъмурий буйруқбозлик бошқарув тартиби сақланган ҳолда кўрилган тадбирлар, қайта қуришлар натижа бермади. Жамиятда, хусусан иқтисодиётда инқизорэли ҳолатлар кучая борди. Қайта қуриш леб бошланган куруқ компания Президент И. Каримов таъбири билан айтганда, «ҳамма ёқни бузиб, бақир-чақир, ўғрилик, қотилликни кучайтирди».

XII беш йиллик вазифалари ишгариги уч бені йилликлардаги каби бажарилмай қолди. Ўзбекистонда миллий даромаднинг ўсини 80-йиллар биринчи ярмида ўрта ҳисобда 3,3 фоизни ташкил қиласан бўлса, иккинчи ярмида бу кўрсатгич 2,2 фоизни ташкил қилди.

Пахта экин майдонларининг ўринсиз кенгайтирилиши ва агротехника қоидаларининг бузилиши туфайти ернинг ҳосилдорлиги пасайиб кетди. Ҳосилдорликни ошириш учун экин майдонларида ҳаудан ташқари ортиқча минерал ўғитларидан фойдаланиши оқибатида бу ерлар мәйлум бир вақтдан кейин батамом яроқсиз ҳолга келиб қолди. Қуриқ ва бұз ерларни үзлашпариш, Ўрга Осиёнинг йирик дарёлари сувларидан пазоратсиз фойдаланиши, үлкала ўринсиз равища сунъий сув ҳавзаларининг курилиши натижасыда Орол деңгизи аста-секин қурий боллади ва XX асрнинг энг йирик Орол фожиаси вужудға келди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий аҳволидаги нохуш ҳолатларининг ижгимои оқибатлари ниҳоятда оғир бўлди. Ўлканинг ўзига хос демографик ҳолати ҳисобга олинимасдан давлат бюджетидан ижтимоий соҳага ажратиладиган маблаг қолдик принципига асосланниб йилдан-йилга қисқариб борди. Таълим-тарбия, соғликии сақлаш, аҳолига маиший хизмат кўрсатилиши масалаларида миқдорий ўсинилар кўзга ташланганилиги билан, аслида булар инсон талабини қондирмас эди. Республика бу соҳалардаги кўрсатжичлар бўйича Иттифоқдаги 15 республика ўртасида 13-14 ўринларда турди.

80-йилларда фац, маданият ва ҳалқ таълимига ажратилган харажатлар давлат бюджетининг атиги 2,7 фоизини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 1989 йили Европа мамлакатларида 5,5 фоизни, Африка мамлакатларида 5,4 фоизни ташкил қилган. Болалар ўлими, ошқозон-ичак ва юқумли касалликлар бўйича Ўзбекистон СССР да биринчилар қаторини эгаллади. Аҳолининг ўртача ёши 1970 йил 72 ёш бўлса, 1980 йили бу кўрсаткич 67,7 ёшни ташкил қилди. Бунга асосий сабаб экологик вазиятнинг кескинлашгуви бўлди. Жафокаш ўзбек ҳалқининг турмуш даражаси ачинарли аҳволда бўлиб, бошқа республикалар билан қиёслаганда охирги ўринларда эди. Бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди.

Давлат бош эксплуататор ролини бажарган социалистик тизимда меҳнат аҳли ўз кучи билан яратган маҳсулотнинг атиги 25-30 фоизи ҳажмидағина ҳақ олди. Совет Иттифоқининг саноат ривожланишига, ядро куролларини ишлаб чиқарини, коинотни ўзлаштиришдаги ютуқларига катта ҳисса қўшиган Ўзбекистоннинг миллион тонналаб пахтаси, минг тонналаб олтин, кумуш, уранлари учун Марказ у билан ноҳақ, сурбетларча, адолатсиз ҳисоб-китоб қилди. Ўша даврнинг меҳнат илғорлари совет тизимидағи социал сиёсатнинг оғир оқибатларини ҳали ҳам кўришягти.

«Шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият»нинг оқибатлари

Тоталитар тизим жараёнида ўлқадаги маданий-маърифий ишлар эътибордан четда қолмади. 20-30-йилларда саводсизликни туғатиш, таълим-тарбия ишлари астойилинг кўпга олинди. 1941 йили Ўзбекистонда 5.504 мактаб бўлиб, уларда 42.000 ўқитувчилар дарс берди, 1 мін. 315 минг ўқувчи таълим олди. Саноат ишлаб чиқаринининг ишчи кадрларга талабини қондириши учун фабрика, заводлар қошида маҳсус ўқув юрглари очиди.

Ўрта Осиёда олий таълимнинг бешиги, ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университети бир қанча олий ўқув юргларига асос бўлди, 1940 йили республикада 30 та олий, 100га яқин ўрта маҳсус ўқув юрглари ишлаб турди.

1943 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар Академияси ва унинг илмий текшириш институтларида фаннинг турли соҳалари: айниқса кимё, физика, электроника, тарих, археология ва бошқа фанлар ривожланди.

20-30-йилларда адабиёт ва санъат соҳасида жаҳонга манихур ёзувчилар ва шоирлар стилиб чиқди. Театр ва кино санъати ўзининг дастлабки қадамларини қўйди. Маданий-оқартув муассасаларининг сони ортиб борди.

Ачинарлиси шундаки, республикада таълим-тарбия, маданий-маърифий ишлар «Шаклан миллий, мазмунан социалистик» ишиори остида олиб борилди, асл мақсад «байналмилалчилик» ниқоби билан шардаланиб, ўлкага рус маданиятини, уларнинг турмуш тарзини тарқатишдан иборат бўлди. 1938 йил 19 марта Ўзбекистон раҳбарияти мислий мактабларда мажбуран рус тилини ўқитиш түғрисида қарор қабул қилиди. Ўқишилар ва идораларда иш юритишлар 1929 йилдан бошлаб лотин, 1940 йилдан бошлаб кирил алифбосида олиб бориладиган бўлди. Буларнинг оқибатида кўп асрлар давомида араб алифбосида яратилган тарихимиз, маданиятимизни ўрганишдан республиканинг туб ахолиси маҳрум бўлди. 1927 йили ўтказилган «Хужум» ҳаракати оқибатида ўзбек хотин-қизлари жаҳон тараққиётига тортилган ҳолда, иккинчи томондан, улар индустрингапириш гирдобига кенг жалб қилиниб, ўзларининг табиий бурнларини бажарип ҳамда шарқона фазилатларидан маҳрум бўлдилар.

Маданий-маърифий муассасалар компартияниң тояларини, социалистик мағкурани омма ўртасида кенг тарқатиш юзасидан фаол ишлар олиб борди.

Фашизмга қарши уруш йиллари издан чиққап таълим-тарбия ишлари, маданий-оқартув муассасалари урушдан кейинги йилларда қайта тикиланди ва кенгайтирилди. 1970 йили республикада 2977 та клуб муассасалари, 5822 та қутубхоналар, 26 та музей, 3988 та киноқурилмалар ишлаб турди. Лекин, амалда бу муассасаларниң бир қисми статистик аҳборотларда ошириб курсатилган, бошқа қисми ҳар хил сабабларға кўра қониқарсиз бўлиб, молиявий ёрдамга муҳтоҷ, айниқса, қишлоқ жойларда ташланлиқ аҳволда эди. Қандай бўлмасин бу муассасалар марксизм-ленинизм соҳта тояларини, социалистик қуришин амалиётини ташвиқот-тарғибот қилишининг қуроли бўлиб хизмат қилиди.

Урушдан кейин мажбурий 7 йиллик, 1959 йилдан 8 йиллик, 1970 йилдан бошлаб 10 йиллик таълим амалга оширила бошлиланади. 1980 йилларда ўрга ва олий таълим тармоқлари кенгайиб борди. 1990 йил Ўзбекистонда мактаблар сони 9.000 га етди, лекин улардан 1.700 таси вайронна аҳволда бўлиб, капитал таъмирланиши талаб қиласи эди. 1978-79-ўкув йилида республикада 43 та олий ўкув юрги бўлиб, буларниң кундузги, сиргқи, кечки бўлимларида 26.000 талабалар ўқиди. Республика Фанлар Академиясида илмий-тадқиқот институтларининг қатори кенгайиб, уларда йирик олимлар илмий изланиши ишларини олиб бордилар.

Талабалар, олий матбуомотли мугахассислар, илмий ходимларниң сони жиҳатдан 10.000 кишига ҳисоблаганда Ўзбекистон илгор мамлакатлар қаторида турса ҳам қадрлар тайёрларин тизимида қупол нуқсошлар бор эди. Олий ўкув юргларига вилоятлардан қатъяни режа асосида қабул қилиш: қандай ўқимасин, уларни битиртириб чиқарин патижасида кўнишча малакаси етарли бўлмаган мугахассисларга дигъюм беришига тўғри келди.

Таълим-тарбия, илмий-тадқиқот ишларининг миқдорий курсаткичлари қанчалик юқори бўлмасин, улар Марказга Қарамлиги сабабли ўзларининг иш фаолиятида компартия мағкуравий тазииқидан четта чиқолмадилар. Ўкув дастурлари, айниқса ижтимоий фанлар ҳалдан ташқари сиёсалантирилди. Ўтмишда дунёга машҳур бўлган, жаҳон фанининг ривожланишига катта ҳисса қўнгган аждодларимиз номи эслаг олинмади, мизлутимизининг бой тарихи ва адабиёти ўқитилмади. Чунки, мактаб, олий таълим тизимининг асл мақсади Ўзбекистон ми-

солида бутун жаҳонга совет давлати миллий сиёсатининг таннасини кўрсатишдан бошқа ҳеч нарса эмас эди. Бу тизим республиканинг Марказга қарамалигини яна ҳам кучайтириди.

Марказнинг байналмилалчилик сиёсати аслида мамлакатда истиқомат қилувчи 120 дан ортиқ миллатлар ва элатлардан ягона совет халқини шакллантириши сиёсатини рӯёбга чиқариш угуни жадал иншарни олиб борди. Шу мақсадда рус тилини ҳаётта киритиш фаоллашиди. 1969 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг барча болалар боғчаларида рус тилини ўргатиш бошланлики, бутун ҳаракат ягона байналмилал тил яратишга қаратилди. Булдай сиёсатининг оқибатида ўзбек тилининг жамиятдаги ўрни, миллий, диний қадриялари йўқола борди.

Совет ҳукумати дастлабки кунлардан бошлаб динга, диний ташкилотларга қарши кенг миқёсда кураш олиб бориб, атеистик жамият қурини томони йўл тутган эди. Мачит ва мадрасаларни ёшиб, уларнинг биноларидан бошқа мақсадларда фойдаланилди. Наврӯз каби умумхалқ байрами, диний маросимлар бекор қилинди. Ҳаж сафарига борадиган мусулмонларнинг сони ҳар йили бугун Ўзбекистонда икки-уч кишидан ошмасди. Руҳонийларнинг кўпчилиги ҳар хил баҳоналар билан қамоққа олиниди, сургун қилиндилар. Дин ва диний ташкилотларни таъқиб қилиб, диндорларга нисбатан кўр кўронга муносабат қанчалик фаол олиб борилмасин, уларнинг эътиқодини деярли ўзгартира олмади.

20-30-йиллар ўзбек адабиёти ва санъатида изланишлар, ўйғониш ва йўқотиш йиллари бўлди. 20-йилларда маърифатчилик ҳаракатининг самарали йиллари бўлиб, А. Қодирий, Фиграт, Чўлпон, Боту, Элбек, Ҳамза, С. Айний, сўнгроқ янги ёш ижодкорлар Ойбек, Ф. Гулом, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор каби ўзбек адабиётининг йирик намояндалари фаолият кўрсатди.

30-йилларда саҳна санъатида опера ва балет соҳасида дастлабки ютуқларга эришилди. Кино санъати қарор тоғди. Айни шу даврда адабиёт ва санъатда социалистик реализм деб аталмиш йўналиш ҳукмрон бўла бошлади ва республикада маданий ҳаёт коммунистик мафкурага бўйсундирилди.

Урупдан кейинги 50-60-йилларда республика ижодий зиёлиларининг янги авлоди шаклланди. Шахсга сифинининг фош этилиши билан юзага келган илиқтиқ шамоли билан бадиий адабиётда қўпгина салмоқли асарлар яратилди, бир қанча янги ўзбек театр ва концерт санъатининг донгини тараттан жамоа-

лар ташкил этилди. Жамиятда инқирозли ҳолатларни кучайиши билан маданий ҳаётдаги зиддиятлар ҳам кескинлашди. Чириб бораётган социализм ғояларисиз тарихий, бадиий асарлар ёргулук күрмайдиган бўлди. Фақат 80-йилларнинг иккинчи ярмидан янгича фикрлари даврида социализм ғоялари ва амалиётининг жамият ҳаётининг барча соҳаларидағи мудҳин оқибатларини фони қиласидиган асарлар яратилди.

Кечаю-кундуз кишилар онггига мажбуран сингдирилган коммунистик мафкура одамларни маънавий қашшоқдикка олиб келди. «Ижтимоий тенглик» тұғрисидаги социализм ғояси кишиларни ишёқмас, боқиманда қылған бўлса «давлат мулки», «умумхалқ мулки» деган ақидаси инсонни мулкдорлик, өзалик түйғуларидан бегона қиласиди. «Давлат мулкига» «эгасиз мулк» деб қараш натижасида ташимачилик оммавий тус олди.

Ўзбек халқи учун энг даҳшатлиси милитий, диний, тарихий қадриялардан жудо бўлпандигида эди. «Ягона совет халқи», «интернационал тил» тұғрисидаги уйдирма назариялар адабиёт ва санъатдаги «шаклан милитий, мазмунан социалистик» асарларининг яратилиши халқимизни азалий қадрияларидан маҳрум этди.

Таянч тушунчалар

Марказга қарамлик, «ҳарбий коммунизм», индустрялаштириши, жамоалантириш, фапиизмга қарши уруп. Саноатнинг янги соҳалари, янги ерлар ўзлаштирилиши-экологик фожиа, «шаклан милитий, мазмунан социалистик маданият» шиори — милитийликнинг поймол қилиниси, кадрлар тайёрлашдаги нуқсоилар.

Мустақил иш мавзулари

1. Совет даврида Ўзбекистоннинг иқтисодиёти ва унинг марказга қарамлиги.
2. Совет даврида Ўзбекистон маданияти ва унинг маънавий қашшоқлиги.
3. Фапиизмни тор-мор келтиришида Ўзбекистон халқларининг қўшган ҳиссаси.
4. Маориф, илм-фан ва кадрлар тайёрлашдаги ютуқлар ва нуқсоилар.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Узбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли. Асарлар. I-жилд. Тошкент. «Узбекистон», 1996.
2. Каримов И.А. Узбекистон-бозор муносабатларига ўгинининг ўзига хос йули. Тошкент. «Узбекистон», 1993.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент. «Узбекистон», 1998.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент. «Узбекистон», 1999.
5. Узбекистон Республикаси. Энциклопедия. Тошкент. «Узбекистон», 1997.
6. Аҳмедов Э., Сайдаминова З. Узбекистон Республикаси. Қисқача маълумотнома. Тошкент. «Узбекистон», 1995.
7. Тухлиев Н.. Узбекистон иқтисодиёти (саволлар ва жавоблар). Тошкент. «Узбекистон», 1997.
8. Узбекистон тарихи. (1917-1993). Тошкент. «Ўқитувчи», 1994.

14-мавзу. ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ҚҰЛГА КИРИТИШИ ВА УНИНГ ЖАХОНШУМУЛ ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон давлат мустақиллигини құлға киритішіндең йүйіда

80-йилдар охири 90-йилар бопыларыда Ўзбекистонда мустақиллікка интилиш ҳаракатлари кучая бориб, уни құлға киритіш шарт-шароитлари вужудга келди.

1989 йыл октябрда давлат тили тұғрисидаги қонуннинг қабул қылышы мустақиллік йүйіда муҳим босқыч бўлди. Қонуни амалга ошириш мақсадидан Ўзбек тилини текин үқитиш махсус курслари ташкил этилди, ўзбек тилидаги адабиётлар, дарсلىклар нашр этилишига ва ўкув юргазасида үқитилишига эътибор кучайди. 1990 йили баҳорда Марказнинг қатиқ қаршилигига қарамасдан Иттифоқ Республикалари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик лавозими таъсие этилди. Бу ўзбек давлатчилиги ва мустақиллигининг принципиал яғни босқичи бўлди. Ўзбекистон раҳбарияти баъзи юқори раҳбарлик лавозимларига тавсия қилинган шахсларни Москва да сұхбатдан ўтказилип амалиётини тутатди.

И.А. Каримов 1990 йыл 24 марта Ўзбекистон Олий Конгресида Ўзбекистоннинг биринчи Президенти қилиб сайланди. 1990 йыл 20 июня Мустақиллік тұғрисидаги декларациянинг қабул қылышында мустақиллігига интилишини хукуқий, иқтисодий ва сиёсий мазмун билан тұлдирди ва тоғай катта тарихий аҳамиятта эта бўлди. Ўзбекистон жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари орасида мустақиллік тоғаси көнгүллаб-қувватланди.

Халқнинг асрлар давомидаги орзуси – давлат мустақиллиги рүббәгә чиққи

1991 йыл 31 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Совети XII чақириқ навбатдан ташқари VI сессияси давлат мустақиллігі ва мустақил суверен Ўзбекистон Республикаси давлати ташкил топғанлыгини эълон қылди. Унда «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллігини эълон қилиши тұғрисида» Олий Конгреш Қарори ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллігі асослари тұғрисида»ги қонун

қабул қилинди ҳамда 1 сентябрь-Мустақиллик куни, миллӣй байрам, деб белгиланди. Бу асосий хужжатлар Ўзбекистон олдида турган мақсад ва вазифаларини кўрсатиб берди.

Мустақилликнинг эълон қилинини Республика тарихида мухим воқеа бўлиб, у нафакат бутун давлат утун, балки Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир аҳоли учун қатта аҳамият қасб этди. Кўпинча мустақилликка қон тўкиништар йўли билан эришилади. Лекин Ўзбекистон бундай йўлдан бормади. XXI аср арафасида жаҳон ҳаригасида яна бир мустақил, тенг ҳукуқли давлат — Ўзбекистон найдо бўлди. Жаҳон ҳамжамияти уни тезда тан ола бошлади.

Мустақил демократик республиканинг ташкил тоғиши жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлди. Халқнинг асрлар давомидаги мустақиллик учун қураши рӯёбга чиқиб, мамлакатда ҳукуқий, демократик жамият шаклланишига шарт-шароит ярагилиши. Ўзбекистоннинг бой имкониятларидан халқ турмушини яхшилаш учун фойдаланиш мумкин бўлди.

Мустақил Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишида ҳар хил салбий ҳолатлар туғдирадиган «фалаж» йўли билан эмас, аста-секинлик билан ўтиши йўлини танлади. Истиқдолга эришган халқимиз жаҳон минбарида ўз манфаатлари ҳақида бор овоз билан ганириш, халқаро ташкилотлар ишида фаол қатнишини имкониятига эга бўлди. Энг асосий натижалардан яна бири-халқинг тарихий меросини ўрганиш, маънавий қадриятларини тикланаш имкони туғизди.

Ўзбекистонда мустақиллик шароитида сиёсий ва иқтисодий қайта қуришлар амалга оширила бошланди, биринчи навбатда мустақил давлатининг ҳукуқий асослари яратилди.

1991 йил 18 ноябрда Республика Олий Конгани VIII сессияси 1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ва Мустақиллик ғоясини бутун халқнинг муҳокамасидан ўтказиш тұғрисида қарор қабул қилди. Сайлов комиссиялари ташкил қилиниб, уларга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар ва референдум тұғрисидаги қопуннинг бажарилшини таъминлаш, Ўзбекистон фуқароларига ўз хоҳиншарини эркин билдириш, Президентликка номзодлар учун тенг шарт-шароитлар яратиш вазифалари юкланди. 29 декабр куни муқобильтик асосида ўтказилган сайловда Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодига сайлов қатнишчиларининг 86 фойзидан күнроғи ўз овозини берди.

Марказий Сайлов комиссияси округ комиссиялари баённомаларини қўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ҳақидаги қонунинг 35-моддасига асосан И.А. Каримов биринчи Ўзбекистон Президенти этиб сайланганлиги тұғрисида қарор қабул қилиди. И.А. Каримов 1991 йил 31 декабрдан ўз вазифасини бажаришга кириши.

Президентликка сайловлар билан бир вактда «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақилтигини қўллаб-кувватлайсизми?» саволи бўйича референдум ҳам ўтказилди. Овоз беринида рўйхатта олишганларнинг 94,1 фоизи қатнишади. Қатнишганларнинг 98,2 фоизи мустақилтикни қўллаб овоз берди.

Мустақил Ўзбекистон бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қуриш учун бой табиий ресурслар ва кент имкониятларга эгадир. Ўзбекистонда фойдали қазилма бойликларнинг 2.700 дан ортиқроқ ўрни аниқланган. Ҳар йилти Республика ҳудудидан 5 млрд. доллардан ортиқроқ қимматдаги фойдали ер ости бойликлари қазиб олинмоқда.

Республика олтин заҳираси бўйича жаҳонда тұрттынчи, қазиб олиш бўйича жаҳонда 7-8 ўринладир. Рангли металлар, фосфориглар, табиий газ, нефт, кўмир ва бошқаларнинг заҳира манбалари ҳам аниқланган.

Ўзбекистон ери жуда ҳам ҳосилдор булиб, бу ерда нахта, дон, сабзавот ва мевалардан юқори ҳосил олиш мумкин. Республика энергетикаси бугун 11 млн. киловатт-кувватдан кўпроқ кучга эга бўлган, 37 иссиқтик ва гидроэлектростанцияни ўз ичига олади. Транспорт йўллари бўйича катта имкониятга эга. Республикада саноатнинг 100 дан ортиқ соҳасига оид 2 минг атрофида завод ва фабрикалар ишлаб турибди. Мустақил Ўзбекистон молдий бойликлар билан бирга катта илмий ва маънавий имкониятларга ҳам эга.

Ҳар бир мустақиллікка эриштап давлат ўз рамзиарига эта бўлини керак. 1991 йил 18 ноябрда Республика Олий Кенганининг VIII сессиясида Ўзбекистон давлат байроби тасдиқланди. Унинг белгиси мурасимиз ҳудудидаги қадимда мавжуд бўлган йирик салтанатларнинг түларидаги анъанааларни давом эттиради ҳамда ҳалқпенинг миллий ва маданий ўзига хослигини, Республика табиий шароитини акс эттиради. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенганининг 1992 йилдаги X сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тұғрисидаги қонуи, 1992 йил 10 декабрдаги XI сессиясида Ўзбекистон Республикасининг мадхияси тұғрисидаги қонуи қабул қилиниди. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг қабул қилинishi мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамланда катта аҳамиятта эта бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

Конституция давлатнинг асосий қонуни бўлиб, буюк келажак-нинг ҳукуқий кафолатидир. Яни Конституцияни тайёрлаш тояси 1990 йилнинг март ойида ишлари сурила бошланди. Кўп ўтмай, июнь ойида Олий Кенганинг иккинчи сессиясида И.А. Каримов бошчилтида Конституциявий комиссия тузили. Комиссия мустақиликнинг ҳукуқий асосларини ишлаб чиқин жараёнида халқаро ҳукуқ қоидаларига, Бирланган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, Бутунжаҳон инсон ҳукуқлари Декларациясига таяниди. Шу билан бирга бой тарихимиздаги давлат бошқаруви ва адолатли қонунишунослик анъаналари ҳам чукур ўрганилди.

Лойиҳанинг дастлабки нусхаси 1991 йил ноябрида тайёрландип, ҳар томонлама кўриб чиқиши ва 1992 йилнинг сентябринда умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

Тузатишлар ва аниқданшлар — лойиҳанинг 60 дан ортиқ моддасига киригилди. 1992 йил 8 декабря Узбекистон Республикаси Олий Кенганинг XII чақириқ XI сессиясида Мустақилик Конституцияси қабул қилинди. Унинг моҳияти Асосий қоидалар бўлимида баён этилган. Бу қоидалар: давлат суверентети; халқ ҳокимияти; фуқаролар ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш; шахс ва давлат биргалигини таъминланти; қонунийлик; ҳокимиятни ажратиш; маҳаллий ўз-ӯзини бошқарини; суд тизими ва одил судловни ташкил қилиш ва бошқалардан иборат. Конституция преамбула, 6 бўлим, 26 боб ва 128 моддадан иборат. Мустақил Узбекистон Конституцияси фуқароларнинг инсон ҳукуқлари демократик партияси бўлиб, инсошиарвар ҳукуқий давлат шакллантиришининг стратегик дастуридир. Унинг қабул қилиниши тоят катта сиёсий, ҳукуқий ва халқаро аҳамиятга эга бўлди. Мустақилик Конституцияси барча қонунларнинг ва бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ҳукуқий ҳужжатларининг асоси бўлиб хизмат қиласи.

И.А. Каримов — Узбекистон мустақиллигининг асосчиси ва ўлбончиси

Жаҳон цивилизациясида алоҳида ўрин тутадиган, кўп асрлик бой тарихга эга Узбекистон диёрида бутун дунёга номи кетган олимлар, давлат арбоблари вояга етган. Буюк зотларни буюк халқ, буюк эл яратади.

Халқимизнинг кўп йиллар давомида олиб борган кураши на-
тижасида қарор тоғлан мустақил Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган демократик жамият куриш стихияли (кўр-
кўона) равишда эмас, балки илм-фан ютуқларига, жаҳон тараққиётининг, хусусан, буюк заминимизда яратилган тарихий
тажрибаларга асосланган ғояларга амал қилиб рўёбга чиқади.

Ўзбекистон мустақиллик томони йўл тутар экан биринчи кунлардан бошлаб, унинг тенасида Ислом Абдуганиевич Каримов турибди. Асрларга тенг шу қисқа вақтда Эришилган ютуқлар: мамлакатда ўринатилган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий барқарорлик, тарихий, диний қадриятларимизнинг тикланиши жамиятда ўринатилган осойингзаликни, мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамжамиятда тутган ўринининг ортиб боришини бутун халқимиз, жаҳоннинг йирик давлат арбоблари Ислом Каримов номи билан боғлаіди.

Дунё мамлакатларида янги жамият қуришининг «узбек модели»га (Ўзбек йули) унинг асосчиси ва йўлбоғчиси И. А. Каримовнинг сиёсий чизмасига қизиқини ортиб бормоқда. 1996 йили Венада (Австрия) «XX аср халқлар доҳийлари» номида босиб чиқарилган китобларининг бир жиҳди Ўзбекистон Президентига бағишиланган. Китоб муаллифларидан бири, Гарвард Университетининг профессори Доналд С. Карлайл «...Ислом Каримов коммунизмдан кейинги Ўрта Осиё минтақасидаги энг буюк давлат арбобидир», деб тан беради.

СССРда, чунончи Ўзбекистонда социалистик тизим, коммунистик мафкура ҳар томонгама инқизотга учраб, зиддиятлар билан тўлиб-тошиб турган бир пайтда И. А. Каримовнинг, аввало Ўзбекистон компартияси раҳбарлигига (июн, 1989 йил), кейин Президентлик лавозимига (март, 1990 й.) тайинланиши бежиз эмас эди. Вақти, соати етган, лекин жон сақлаш учун ўзини ҳар томонга ураётган, ҳеч нарсадан қайтмайдиган истибдод тизимидан жафокани халқини, эзилган эл-юргини мустақилликка чиқариш учун совет тузумининг икир-чикиригача тушуниб етган катта журъат эгаси, довюрак Ислом Каримовдек раҳбар керак эди.

Ислом Каримовнинг ҳар бир асари, маъруза ва мақолалари бозор муносабатларига асосланган демократик жамият куришнинг назарий асосларини, амалий ишларининг кундалик дастурини ташкил қиласди.

Ғарб ва Шарқнинг ривожланган мамлакатлари кўп йиллик тараққиёт йўлларини, ўзбек давлатчилигини минг йиллар да-

вомидаги тарихий тажрибасини ўрганган ҳолда яратилган И.А. Каримов асарларида мустақил Ўзбекистон Республикаси ни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий тараққиётининг муҳим йўналишлари, буғун дунёда таш олинган бозор иқтисодиёти ва демократик жамият қуришининг асосий тамоӣиллари тұғрисидаги таълимот яратилди. Истиқъолининг, бошланғыч босқичида ёруғликка чиққан «Ўзбекистоннинг ўз истиқъол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли» ва бошқа бир қанча асарларида баён этилган Ўзбекистон мустақилтигининг биринчи нағбатдаги кечикирилмас ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий вазифалари кейинчалик «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида», «Демократик ислоҳотларни чукурлаштириш вазифалари» ва бошқа асарларида ўз ривожини топди.

Ўзбекистоннинг яқин ўтмишида ва XX асрнинг сўнгги ўн йилида ўтган йўллари, XXI асрда Республика истиқъолини мустақамланғаннинг стратегик вазифаларининг асосий йўналишларини тұғынган китоблари хорижий мамлакаттарда чоң этилган И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида», «Ўзбекистон XXI асрға интиҳоқда» асарларида баён этиб берилди.

Ислом Каримов донополигининг яна бир қуришини бозор муносабатларига ўтиш, демократик жамият қуриш жараёнида маънавий-маърифий ва мағкуравий ишларининг юксак аҳамиятини таққослаб кўрсатғанилигидар.

Парчаланган Иттифоқ ўрнида вужуда келган Мустақил давлатларининг ҳеч бирида ишлари сурьтмаган маънавий-маърифий ишларнинг вазифалари Президенттинг «Жамиятимиз мағкураси, ҳалқни ҳалқ, миллатни-миллат қилинга хизмат этсин», «Донишманлар ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» асарларида, «Истиқъол ва маънавият» (хужжатлар тұғылами) китоби ва бошқа күнлаб мақолаларида баён этилган бўлиб, бу асарларида маънавият — келажаги буюқ Ўзбекистоннинг мустаҳкам поідевори, миллий мустақилтик мағкураси, 120дан ортиқ миллатлар ва эллатлардан ташкил топсан Ўзбекистон ҳалқини «Ўзбекистон — Ватаним маним» ишори остида ятона, буюқ мақсад учун бирлаштирадиган байроқ сифатида тұтсан ўрни кўрсатиб берилади.

Маънавий-маърифий, мағкуравий ишларнинг янги жамият қуришининг зарурий шарты сифатида қўйилиши, ўзига хос, ўзбек моделининг устивор тамоӣилларидан биридир.

И.А. Каримов янги жамиятт қуришда мисстий, диний қадрияларимизни тикшариши шу мақсадда Ватанимиз тарихини холисона, янгича яратишта сыйиборни күтайтормоқда. Президент Истиқъоллиниң дастанбеки кунларида (1992 йыл, январь): «Тарихга, меросимизға бўлган муносабат тубдан ўзгартирилиши лозим, янги дарслеклардан торғиб оддий китобларгача — ҳаммасига ҳақиқат ёзилиши шарт», деб аниқ вазифа қўйди.

Ватан тарихини ўрганиш унинг янги авлоидни тарбияланудаги тутган ўрни, аҳамияти масалалари И.А. Каримовининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (1998 йыл, август) номли асарларида кенг баён қилиб берилди. Юртбонимиз ҳаққоний тарих мисстагининг ўзлигини англанинг зарурий шартги, маънавий ва мафкуравий ишларимизниң ҳақиқий маъбай эканлигини қайта-қайта таққослаб курсалади. И.А. Каримов ҳар бир «сийёсатчиман, арбобман деган одам, агар виждан бўлса, ўз ҳалқининг тарихий ўтмишини билини шарт», деб вазифани кескин қўяли.

Ўтмиш даврининг мураккаб вазифалари, қарама-қаршиликлари давлат раҳбаридан бошқарувнинг ҳар хил усувларини ишлатишини, керак бўлса қаттиққўлтикни талаб қиласди. Президент И.А. Каримов шундай вазиятда ҳалққа маъкул усувларни кўллаб ишламоқда.

1992 йыл Москванинг «Комсомольская правда» газетаси мухбири: «Мухолифларингиз сизни тоталитаризмда айблаб тақидал қилмоқда», деса, унга жавобан И.А. Каримов: «Ҳа, мен буни яхши биламан. Мухолифларим мени диктатор қилиб курсатишни жуда хоҳлаидилар. Тан оламан; эҳгимол менинг ҳаракатларимда авторитаризм нишонлари бордир. Аммо мен буни фақат бир нарса билан изоҳлайман: тарихининг муайян даврларида, ҳақиқий давлатчилик қарор тонаётган найтда, айниқса бир тизимдан иккинчисига ўғин даврида ҳар ҳолда кутили ҳокимият зарур. Кон тўкилинига ва қарама-қаршиликка йўл кўймаслик, минтақада мисстаглараро ва фуқароларининг тутувлиги, тинчлиги ва барқарорлигини сақлани учун шундай бўлинни зарур. Бу йўлда мен жонимни фидо қилинга тайёрман», деб жавоб берган эди.

Ўзбекистон ҳалқининг истиқбол йизларида эришган энг катта ютуғи-мамлакатда ўринатилган тинчлик, осойингалик, тартиб-интизомдир. Республика аҳолисининг мутлоқ аксарияти (97,5 фоизи) бундай шароитга бевосита И.А. Каримовининг етакчилигига эришилди деб ҳисоблайди.

И.А. Каримов янги даврнинг жаҳон миқёсидаги давлат арбоби. Ўзбекистон халқининг буюк йўлбошчиси, мамлакати нинггина эмас, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларниң бир қанча нишонлари ва унвонлари билан тақдирланган.

Таянч тушунчалар

Қайта қуриш сиёсати ва унинг оқибатлари, Мустақиллик декларацияси, Президент сайловлари, Ўзбекистон Конституцияси, Давлат рамzlари, «Ўзбек модели».

Мустақил ити маъзулари

1. Мустақиллик халқимизнинг асрлар давомидаги куранниң маҳсулидир.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилинини ва унинг жаҳоншумул тарихий аҳамияти.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилигининг асосчиси ва йўлбошчиси.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқдол ва тараққиёт йўли. Тошкент. «Ўзбекистон», 1992.
2. Каримов И.А. Истиқдол йўли: муаммолар ва режалар. Асалар, I- жилд, 3-36 бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Тошкент. «Ўзбекистон», 1995.
4. Мустақиллик тўғрисида декларация. «Совет Ўзбекистони», 23 июн, 1990.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. «Ўзбекистон», 1992.
6. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия, 1997.
7. Жўраев Н., Файзуллаев Т., Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. Тошкент. «Шарқ», 1998.
8. Истиқдолимизнинг тарихий илдизлари. Шарқ Юлдузи, 1995, 11-12-сон.
9. Юсупов Э. Истиқдол йулида. Тошкент. «Фан», 1996.

15-мавзу. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИНГ БАРНО ЭТИЛИШИ

Тоталитар тузумдан ҳуқуқиий давлатга ўтиш

Мустақиликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ҳуқуқиий давлатчилик асосларини яратиш мұхим вазифалардан бирига айланди. Миллий давлатчилик ривожланишининг минглаб йиллик анъаналари чоризм мустамлакаси даврида батамом ишкор этилган эди. Мустақил Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов тарихий анъаналарга, дүниё тажрибаларига, ўлканинг миллийтарихий ривожланишига ҳамда ўлканинг ўзига хос томонларига таянган ҳолда жамиятни тубдан ислоҳ қилиши йўлларини ишлаб чиқди. Бу жараёнда иккита вазифа:

1. Эски маъмурӣ тизими тутатиш ва ҳокимият бошқарув органларини қайта қуриш;

2. Янги давлатчиликнинг ҳуқуқиий-сиёсий асосларини яратиш, давлатчиликда янги марказий ва маҳаллий бошқарув тизими шакллантириш масалалари ҳал қилинди.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқиий давлат қурилишининг кафолати Ўзбекистон Конституциясидир. Давлат ҳокимияти ташкил этишининг мұхим демократик тамойиллари Конституцияда қайл қилинган бўлиб, унда ҳокимият қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларида иборат деб кўрсатилган. Бу органлар фаолияти эркин, бир-биридан мустақил бўлиб, айни вақтда бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

1994 йил 24 декабрда кўн партиявийлик ва муқобиллик асосида сайланган Республика Олий Мажлиси қонун чиқарувчи ҳокимият вазифасини бажаради. Олий Мажлисга сайловлар демократик ривожланишининг янги босқичга ўтганлигидан далолат берди. Олий Мажлисга 250 депутат сайланниб, уларнинг 120 нафари вилюятлар депутатлари кенганидан сайланган бўлиб, қолганлари ҳар хил партиялардан вакиллар эди.

Давлатни бошқаришининг президентлик шакти мамлакат бошқарув тизимини ислоҳ қилишининг бошланиши бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ҳокимиятининг бошлиги бўлиб, бир вақтнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасининг Раиси вазифасини ҳам бажаради. Президент фуқаролар эркинлиги ва ҳукуқларини ҳимоя қилиши, Конституция ва Ўзбекистон қонунларига риоя қилишинини кафолатлайди. Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимият органи бўлиб, у иж-

тимоий, иқтисодий ва маъниавий жабҳалардаги вазифаларнинг бажарилишини, қонуллар, Олий Мажлис қарорлари, мамлакат Президенти фармонларининг ижро этилишини таъминлайди.

Ижро этувчи ҳокимият органлари тизими ишлариги ҳокимиятдан тубдан фарқ қилиб, бу тизим жамият ҳаётида мувофиқлантирувчилик вазифасини бажаради. Ўзбекистон Республикасида аввал 28 та иттифоқ ва 17 та республика вазирликлари ва комитетлари иш кўрган бўлса, эндиликда улар ўрнига бозор иқтисоди тизимига мос келадиган вазирликлар ва қўмиталар ташкил этилган.

Республикада ҳокимлар бошқарувининг жорий этилиши муҳим аҳамиятта эга бўлиб, ҳокимликка тажрибали ва малакали шахслар Президент томонидан тайинланади ва халқ депутатлари кенгашлари томонидан тасдиқланади. Халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг мағфатларини кўзлаб ўз вазифаларини ҳал этади. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариши органларининг асосини маҳаллалар ташкил этади. Аҳолини ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий қўллаб-қувватлари, ижтимоий жамғармалар ташкил этиш, турли хайрия тадбирлари ўтказишда маҳалланинг ўрини бениҳоя каттадир. Ундан ташқари, маҳалла ёшлиарини ватанинварварлик руҳида тарбиялаш, меҳр-оқибатли қилиб вояга еказинида катта ишларни амалга оширмоқда. Фуқаролар йигини, Оқсоқоллар Кенгашига 1998 йил ноябр-декабр ойларида ўтган сайловларда маҳаллий органларга қўнчилиги олий маълумотли, кўн тажрибага эга кадрлар ишга тортилди. Булар давлат органлари вазифаларини жамоат ташкилотларига ўтказиш жараёнининг фаол қатниашчиларириди.

Янги давлат анинаратининг шакланиши ва фаолиятини давр талабига мос келадиган кадрлар сиёсатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда ишни юқори даражада олиб боришига қодир бўлган маъниавий етук кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашга қаратилган қатор чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқий органлар учун юқори малакали кадрлар тайёрлаб берадиган бир қанча олий ўқув юртлари ташкил этилди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шакланиши

Фуқаролик жамияти, бу инсоннинг ривожланшинига имкон яратадиган, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла даражада таъминлайдиган қонун устувор бўлан ижтимоий жамиятидир. Бундай жамият қурини давлат қонуллари ва инсон ҳукуқларини пой-

мол этмасликни, инсондан қонунларға қатыяны риоя қилишини талаб этади. Ҳар бир фуқаронинг давлат бошқарувига көнг жалб этилиши, инсон ҳукуқларини ҳимоя қилишда фаол қартишини таъминланаш учун шарт-шароитлар яратилиши зарур.

Ҳукуқий давлатда суд ҳокимияти Ўзбекистон Республикасида одил судлов ва тарбияланаш вазифаларини бажарип билан алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимияти тизимиға беш йил мулдатта сайланағидан Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳужалик суди, Ҳарбий судлар тизими, Қорақалпогистон Республикаси олий суди, Қорақалпогистон Республикаси ҳужалик суди, вилоят, район ва шаҳар судлари киради. Суд ҳокимиягининг фаолияти тұғрисидаги қонун-қоидалар Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сенгябрда қабул қылған «Судлар тұғрисида»ғи қонунда баён этилған.

Жамият тизимини қайта ташкил этар экан, республика раҳбарияти суд ҳокимияти доирасидә истроҳотлар үтказиб, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳукуқлари, уларнинг эркинлігі ва мажбуриятларини кағолатловчи ҳукуқий механизмни шактаптирилділар. Бу жараёнда, республикамызда демократик жамият талаблагыра мос түшнедігінде сайлов тизимининг ташкил этилиши ҳам муҳим аҳамиятта этадыр. Бу үзгаришларнинг барчаси шахснинг давлат ва жамият билан муносабатларини белгилендіргенді. Давлат ва шахс үтасидаги муносабаг фуқароликни намоён этади ва уларнинг үзаро ҳукуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқады. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисінинг 1999 йил (декабрь) сессияси суд-хукуқий иштаридаги истроҳотларни чукурлантириш үйлида адвокатура тизимини кучайтириш, судьяларнинг чинакам мустақиллігини таъминланаш вазифаларини күйди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 1995 йил 5 майдаги Қонунлари негизида демократик сайлов тизими асослаб берилған. «Сайлов тизими» тұғрисидаги Қонунга асосланиб 1994 йилдегі 25 декабрида вакиллік органдарынан бириңчи марта ҳудудий бир мандатты сайлов округлары бүйічә күн партияйлық асосида беш йил мулдатта деputatлар сайланған. И. А. Каримов давлат ва жамият ҳаётини эркинлантириш юзасидан муҳим вазифаны белгилаб: «..ҳокимият ваколатларини подавлат ва жамоат ташкилотларында, фуқароларни үз-үзини бошқариш органдарында босқичма-босқич үтказа борын, уларнинг ҳақ-хукуқлары ва эркинликтерини муҳофаза этишини кучайтиришдан иборат» деган тояни илгари сурди. Олий Мажлисінинг XIV сессияси «кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамият сары» деган сиёсий қурилиш дастурини белгиледі.

Күп партиявийлик тизими. Миллий сиёсат

Партиялар ва ҳаракатлар демократик жамият қуришнинг зарурый шарти булиб, 80-йилларнинг охирларидан бошлаб Ўзбекистонда бир қатор ижтимоий ҳаракатлар пайдо бўлди. «Бирлик» ҳалқ ҳаракати, «Эрк» демократик партияси, Ўзбекистон эркин ёшлар уюшмаси каби норасмий ташкилотлар фаолият курсатиб, жамиятдаги муҳим муаммоларни илгари сурса ҳам совет режими уларни расмий тан олмади. Фақат мустақиллик шарофати билан 1991 ноябр ойида «Бирлик» ва «Эрк» ташкилотлари Ўзбекистон Аллия вазирлиги томонидан рӯйхатга олинди. Бироқ бу ҳаракат раҳбарларининг сўл қаранглари ва бошига сабаблар оқибатида орадан кўп ўтмай уларнинг фаолияти тўхтагиши.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда 5 та сиёсий партия ташкил топди. Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси 1991 йил ноябрдан фаолият кўрсатиб, ўз сафида 420 мингдан зиёд аҳзолни бирлаштирган. Олий Мажлиснинг 69 та депутати унинг аҳзоларидир. «Ватан тараққиёти» партияси 1992 йил май ойида тузилган булиб, унинг сафларида 35 мингдан ортиқ аҳзо бор. Унинг 14 аҳзоси Олий Мажлис депутати. «Адолат» социал-демократик партияси 1995 йил февралда ташкил топган булиб, 30 мингдан ортиқ аҳзоси бор. Олий Мажлиса 47 депутатдан ташкил топган ўз фракциясига эга. «Ўзбекистон Миллий Тикланиш демократик партияси» 1995 йил июнида ташкил топган. Сафларида 6 мингга яқин аҳзоси бор. 1998 йил «Фидокорлар» миллий-демократик партияси ташкил топди. 2000 йилда мақсад ва вазифалари мамлакатни ҳар томонлама ривожлантиришидан иборат бўлган «Ватан тараққиёти» ва «Фидокорлар» ятона партиясига бирлашилар. Шунингдек, Республикада 1995 йил июн ойида таъсис этилган «Ҳалқ бирлиги» ҳаракати ҳам мавжуд. Бу партия ва ҳаракатларнинг ҳар бири жамият маълум қатламларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва матънавий қарангларини ифодалайди. Улар парламент ташкилдаги партиялар булиб, қонун чиқарувчи ва вакиллик органлари сайловларида иштирок этадилар ва қонун доирасида фаолият кўрсатадилар. Шунингдек, бу партиялар сайланган депутатлари орқали қонун чиқариш жараёнида иштирок этадилар.

Мамлакатимизда партия ва ҳаракатлардан ташқари 200 га яқин касаба, тадбиркорлар, ёшлар, фахрийлар каби ижтимоий уюшмалар ҳам мавжуд. Булар орасида энг оммавийси касаба уюшмалари булиб, таркибида 7,5 млн. аҳзо бор.

Ўзбекистон ҳаётида ёшларнинг ўрни бекиёсдир. 1991 йил охирида Ўзбекистон ёшлар иттилоғи тузилгац. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январ фармони билан иқтидорли ёшларни хориждаги илғор тараққий этган олийгоҳларда билим олишиларини тайёрлаш, ташкил этиш учун «Умид» жамгармаси тузилди. Ҳозирги кунда 2300 жамоат бирлашмалари ва подавлат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Президент И. А. Каримов, «бу ташкилотлар фақат ҳайрия ва мурувват муассасаларига айланисиб қолмасдан, демократик қадриятларни, кишларнинг қонуний ҳақ-хукуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилишлари керак», деган вазифа қўяди.

Ўзбекистон Республикаси 120 дан ортиқ миљлатлар ва элатларни бирлаштирган кўпмиљлатли давлат. Буунги кунда республикада яшовчи ҳар бир фуқаро миљлати, келиб чиқини, дини ва ирқдан қатъий назар тент ҳуқук ва имкониятларга эга. Айнан мана шу таомойил миљлий сиёсатимизнинг асосини ташкил этади. Республикадаги барча миљлатларнинг ривожланишига катта эътибор қаратилиб, уларнинг тили ва динини хурмат қилиш, миљтий ва ҳалқ айъаналарини сақлаш, эркин ва ҳар томонлама тараққиётини таъминлаш мақсадида 80 та миљлий маданият марказлари ташкил этилган. Буларнинг фаолиятини 1993 йил январида ташкил этилган Республика Байналмилал маданий маркази бошқариб боради. Республикаизда миљлатлараро муносабатларда барқарорликка эринилгац, бу Ўзбекистонда демократик жамият куришиниг гаровилид. Миљлат ва элатларнинг ўзаро хурматда бўлиши жамият маънавий барқамоллигининг белгисидир. Бу ҳолат давлатдаги миљлий барқарорликдан ташқари, уни янада мустаҳкамланиши учун замин яратади.

Ҳозирги босқичда жамиятнинг демократлашувида «туртинчи ҳокимият» — матбуотнинг аҳамияти каттадир. 1997 йил Республикаизда 8 тилда 495 та газета, 1844,2 минг нусхада, 113 та журнал 820 минг нусхада нашр этилган. Оммавий ахборот во-ситаларини демократиялантириш ва қуллаб-куvvatлаш мақсадида ижтимоий-сиёсий жамғарма ташкил этилган. Республикаизда журналист кадрларни, айниқса, ҳалқаро журналистларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада 1999 йил март ойида Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистонда журналист кадрларни тайёрланиши янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети ва Жаҳон тиллар университети ҳалқаро журналистика факультетлари ишларининг марказлаштирилиши катта аҳамият касб этади.

Таянч түшүнчалар

Хукуқиі демократик давлат, фуқаролик жамияти, миллий давлатчилик ривожланиши, күнпартиявийлик, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий бошқарув, суд ҳокимияти, Миллий сиёсат, «Тұртинги ҳокимият».

Мустақил иш мавзулари

1. Мустақил Ўзбекистон сиёсий тизимининг шаклапиши.
2. Ўзбекистон Республикасида күп партиявийлик.
3. «Күчли давлатдан — кучли жамият сари».
4. Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлардаги барқарорлик.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент. «Ўзбекистон», 1993.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг уз истиқдол ва тараққиёт йули. Асрлар. I жилд. Тошкент. «Ўзбекистон», 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида... Тошкент. «Ўзбекистон», 1997.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент. «Ўзбекистон», 1998.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент. «Ўзбекистон», 1999.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент. «Ўзбекистон», 1999.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Уз Р 1 чақириқ Олий Кенгашининг VI-сессиясида сўзлаган маъruzasi. Т., 1996.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент. «Ўзбекистон», 1992.
9. Н. Жўраев. Президент Ватан ва миллат тимсоли. «Мулоқот», I-сон 2000 йил.
10. Ватан туйғуси. Тошкент. «Ўзбекистон», 1996.
11. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Тошкент. «Ўзбекистон», 1997.

16-макзу. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шакланиши, учиштаги йўналишлари, босқичларни ва хусусиятлари

Давлат мустақилтигининг қўлга киригтиши ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш учун қулай шароит ва кенг имкониятлар яратди. Бизнинг диёримизда бозор муносабатлари янгилик эмас. Минг йиллар давомида ажодларимиз хунарманалар ишлаб чиқарган ажойиб маҳсулотларини, табиий бойликларини дунёнинг тўрт томонига чиқариб савдогарлик қилган, мол алмашган.

Ўзбекистоннинг бой имкониятлари, геополитик шароитидан фойдаланиб, ўзимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлимизни белгилаш дастлабки кунларнинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Ўзбекистон танлаган ислоҳот йўли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини шакллантиришга қаратилди.

Бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қуришининг асосий йўналишлари Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилиб, дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг йирик мутахассислари, давлат арбоблари томонидан тан олини ва ўзининг ҳаётйлигини намойиш этмоқда. Бу тамойилларнинг асосий мазмуни қўйидагилардан иборат:

- иқтисод сиёsatдан устун туриб мафкуравий тазиикларсиз, ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожланмоги керак;
- давлат бош ислоҳотчи ўрнида бўлиб, у ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши ва уларни изчиллик билан амалга ошириши лозим;
- бозор муносабатларига ўтиш қонун устуворлигини талаб қиласи. Бугун халқ томонидан қабул қилинган Конституция ва қонунларга амал қилиниши шарт;
- бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолини ҳимоя қилишининг кучли ижтимоий сиёsatини ўтказиш;
- ижтимоий ислоҳотларнинг ривожланиб бориши ва йўналишини белгилаб берувчи тамойиллардан бири бозор иқтисодиётига ўтиш эволюцион йул билан, босқичма-босқич амалга оширилиши зарур.

Янги иқтисодий муносабатларга ўтиш тамойиллари асосида юят масъулияти ва мураккаб вазифа-иқтисодий ислоҳотлар стратегияси ишлаб чиқилди. Иқтисодий стратегиянинг бошлангич нуқтаси ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг пировард мақсадини белгилаб

олимпдан иборатдир. Бу вазифа марказлаштирилган, маъмурий буйруқбозлика асосланган иқтисодиётдан бозор муносабатларига, бир сифат ҳолатидан иккингчى сифат ҳолатига ўтилдан иборатдир. Бозор муносабати бу жиҳатдан классик капиталистик ва социалистик иқтисодий тизимдан фарқ қиласади.

Бозор ислоҳотларини амалга ошириш дастурига кўра устувор вазифалар босқичма-босқич ҳал қилинади.

Биринчи босқичда тоталитар тизимдан ҳозирги замон бозор муносабатларига ўтиш давридаги бир-бирига боғлиқ икки вазифани бир вақтда ҳал қилишга тұғри келди: маъмурий буйруқбозлик тизимнинг оғир оқибатларини тутатиб, иқтисодни барқарорлаштириш ва бозор муносабатларининг негизини шакллантириш. Бу босқич жараёнида иқтисодий ислоҳотининг ғоят муҳим йўналишлари Ўзбекистон Президенти томонидан белгилаб берилди:

— ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларининг қонуний-ҳуқуқий базасини мустаҳкамланы ва ривожлантириш;

— қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш;

— ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш.

Иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий асословчи қонун-қоидалар юридик ташкилотлар ва етук олимлар томонидан тайёрланди ва жаҳоннинг йирик мутахассислари томонидан қувватланиб, тан олинди.

Дастлабки вақтнинг ўзида иқтисодий муносабатларининг ҳуқуқий негизини барпо этадиган 100 га яқин асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва чет эл инвестициялари бўйича Президент ҳузурида маҳсус Идораларо кенгаш тузилди.

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шартларидан бири мулкни давлат тасаррүфидан чиқариш ва хусусийлаштириш амалга оширилди. Бу билан давлат монополияси тутатилиб, маъмурий буйруқбозлик тизими бузилди ва бозор иқтисодиётига асос солинди, хусусий мулкдорларининг кенг қатлами шакллантирилди ва хорижий сармоядан фойдаланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали аҳолининг турмуш даражаси яхшилана бошлади.

Мулкни хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодни шакллантириш Ўзбекистонда ўзига хос йўл билан биринчи босқичда 1992-1993 йиллари амалга оширилди.

Бу даврда асосан маший хизмат ва савдо корхоналари, транспорт ва қурилишнинг кичик корхоналари, давлат саноат

ва маҳсулот қайта ишлани корхоналари мулк шаклини ўзgartирди. Булар мулкнинг ижара, жамоа ва акциядорлик шаклига айлантирилди. Уй-жойлар кенг миқёсда хусусийлаштирилиб, аҳолининг айрим қисмига текин, бошқа қисмига эса арzon нарҳда хусусий мулк этиб берилди.

Дастлабки даврнинг ўзида қишлоқ хўжалигидаги 770 колхоз ва давлат хўжаликлари хусусийлаштирилди, жамоа ва ижара хўжаликларига айлантирилди. Лекин қишлоқда бу жараён секин ва қийинчиликлар билан амалган оширилди. Агарар соҳадаги бюрократик бошқарув тизимининг ҳар хил түсиқлари қишлоқда ислоҳотларнинг боришига халақит берарди. Мулкнинг давлат тасарруфидан чиқариш жараёнининг биринчи босқичидаги энг муҳим хулоса мулкдорлар синфининг шакли на бошлагани бўлди.

Давлат мулкини хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1994 йил 21 январдаги «иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлантириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида олиб борилди. Бу даврда очиқ шаклдаги акциядорлик жамият қуриш, корхоналар акциясини чиқариш, аукцион (ким ошди) савдоси орқали давлат мулкини шахсларга сотиш, қимматбаҳо қофозларни чиқариш ва хусусийлаштиришни ённасига олиб бориш учун шароит яратилип ишлари амалга оширилди.

Алоқа, транспорт, геология-қилирув, ёқилғи-энергентика комплекслари хусусийлаштирилмади. Айрим соҳаларда — кимё, олтин қазиш, пахта тозалаш, тоғ-кон саноатида-51% акция давлат ихтиёрида қоладиган бўлди.

1994 йил охиригача 54.000 корхона мулк шаклини ўзgartирди. Хусусан, 34% хусусий, 48% акциядорлик, 16%-жамоа, 1% ижара хўжалигига айланди.

Натижада Республикада нодавлат секторнинг иқтисодиётдаги улуши ортиб борди. Мазкур сектор 1995 йили саноат маҳсулотини 44 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 97 фоизини ишлаб чиқарди. Барча капитал маблағининг 44 фоизи ана шу нодавлат секторига тўғри келди.

Мустақиликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мамлакатда кичик бизнесни ривожлантириш давлат секторининг устувор йўналишларидан бири этиб қўйилган. Ўтган йиллар давомида шу соҳага тегишли ҳуқуқий асос яратилди, зарур меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниди, бозор инфратузилмаси ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Натижада 1999 йил бошпида мамлакатда қарийиб 190 000 та кичик ва хусусий корхоналар фаоли-

ят юритмоқда. Унинг салкам 15.000таси 1998 йили ишга тушган бўлса, 1999 йили уларнинг сони 16.579 тага кўпайди.

Мамлакатда икки йўл билан мулқорлар синфи шакллана бошлади. Биринчидан, кичик корхоналар ва хусусий талбиркорликни кенг ривожлантириш йўли билан, иккинчидан, пул маблағларини омонат кассалари ёки банкларга қўйиш, қимматбаҳо қозозларга айлантириш йўли билан.

Иқтисодиётда юз берган таркибий ўзгаришлар, бозор инфратузилмасининг шаклланиши

Собиқ СССРнинг тарқатиб юборилиши билан республикалар ва шаҳарлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар узилди, оқибатда Ўзбекистоннинг бир қанча саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариши камайди, иқтисоднинг кўпгина муҳим соҳаларини қайта қуриш ёки янгидан қуриш керак бўлди. Жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган ва аҳолининг истеъмол талабларини қондирадиган маҳсулот ишлаб чиқаришини ташкил қилиш зарур эди. «Барқарорларнинг сиёсати, — дейди. Президент И.А. Каримов, — энг аввало, бу макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришининг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл кўймаслиkdir». Бозор муносабатларига ўғиши даврида иқтисоднинг устувор, катта истиқболга эга бўлган тармоқларини ҳар томонлама рафбатлантириб, шу орқали бутун иқтисодиёт таркибан қайта ташкил қилинди.

Иқтисодий ўсиши иқтисодиётнинг барча соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажми ошгани билан ифодаланди. Бу кўрсаткич 1990 йил билан қиёслаганда саноатда 106,5, қинслоқ хўжалигига 105,8, қурилишда 102,6, савдода 112,7, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси 121,3 фоизини ташкил этди. Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш бир йилда 112 фоизга кўпайди. Бундай ўсишга, энг аввало, иқтисодиётда ўзлаштирилган капитал маблағ ҳажмининг ошгани (17 фоиз), замонавий технология билан жиҳозланган янги саноат обьектлари қурилиши ва ишга туширилгани туфайли эришилди.

Мустақилик давридаги Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсишини Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги мамлакатлари иқтисодий аҳволи билан таққосланса, факат Ўзбекистондагина 90-йиллар бошидаги даражадан ошиб, бир текис ривожланмоқда. Бу ҳолатни жаҳоннинг кўп йирик ривожланган мамлакатларининг давлат раҳбарлари, таниқли мутахассислари тан олмоқда.

1998 й.айрим ривожланган мамлакатлардаги молиявий кризис, жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг муҳим экспорт маҳсулотлари-пахта толаси, раунги металларининг нархини тушиб кетишни мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий аҳволига таъсир қилмай қолмади. Шунга қарамасдан, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик давом этди. Хусусан, 1998 йили ички япти маҳсулот ишлаб чиқарип ҳажми 4,4 фоиз, шу жумладан, саноат ишлаб чиқарипши 5,8 фоизга ортди. Истеъмол молларини ишлаб чиқарипши 7,2 фоиз кўпайди. Аввалги йиллардаги каби қатъий молия-кредит сиёсати амалга оширилди. Натижада инфляция даражасининг на сайишига олиб келди.

Эндиликда мамлакатимизнинг ёқилғи мустақиллигига эришиши сиёсати изчилик билан амалга оширилди. Истиқдолга эришган Ўзбекистон тарихда илк бор 1995 йилда нефт мустақиллигига эришиди. Мамлакат эндиликда нефт маҳсулотларига бўлган ўз ички эҳтиёжларини тұла қондирибгина қолмай, катта салоҳиятга эга бўлган истиқболли ва ишончли экспортёр сифатида жаҳон бозорига йўл олди.

Ўзбекистонда нефт ва газ конденсатини ишлаб чиқарипши 1990 йили 2,8 млн.тоннани ташкил қилган бўлса, 1997 йили бу курсатгич 7,9 млн. тоннага етди ва четта нефт маҳсулотларини сотиш қобилиятига эга бўлди. Жумладан, 1997 йили 250 минг тонна бензин, 600 минг тонна дизел ёқилғиси, 450 минг тонна мазут, 100 минг тонна авиация керосини экспорт қилишиди. Табиий газ ишлаб чиқарипши 1990 йилги 40,8 млрд.кубометрдан 1998 йил салкам 54 млрд. кубометрга кўпайди. Аҳолини табиий газ билан таъминлаш юзасидан катта ютуқларга эришилди. Хусусан, мустақиллик арафасида шаҳар аҳолисининг 43 фоизи, қишлоқларда эса 17 фоиз аҳоли табиий газ билан таъминланган бўлса, бу курсатгич 1997 йили 64 ва 48 фоизини ташкил қилди.

Ўзбекистоннинг жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ташкил иқтисодий алоқалари көнтгайиб мустаҳкамланиб бормоқда. Эндиликда жаҳоннинг 35 мамлакати билан савдо-иктисодий ҳамкорлик түғрисида битим тузилганлиги ва бир қанча жаҳон банклари билан шартноманинг имзоланини Ўзбекистоннинг халқаро савдоси ва хорижий инвестициялардан унумли фойдаланиш учун шарт-шароитларни яхшилади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тарих шунун кўрсатадики, ҳозирги кунда ривожланган давлатларнинг ҳеч қайиси хориж мамлакатларининг сармоясисиз, инвестициясисиз тараққий этмаган. Ўзбекистон ҳам ўзининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлиги билан чет давлатларнинг инвестициясини ўзига тортмоқда. 1999 йил 1 январ ҳолатига кўра

Ўзбекистонда 3.592 қўшма корхона рўйхатта олинган. Шундан 1917 таси фаолият курсатмоқда. Ишлаб турған қўшма корхоналарнинг асосий қисми-1400 таси Тошкент шаҳрида, 107-Тошкент, 85-Самарқанд, 51-Андижон, 49-Фарғона ва Наманган вилоятларида жойлашган. Шулардан бири Ўзбекистон — Германия «Каолин» қўшма корхонаси 17 апрел 1999 йил ишга туширилди. Чет эл сармоялари, айниқса нефт ва табиий газ тармоқларида катта ўрин тутади. Бу соҳаларга 1994 й. атиги 10 млн. доллар хорижий сармоя жалб қилинган бўлса, бу кўрсатгич 1995 й. — 395, 1996 й. — 546, 1997 й. — 845, 1998 йили деярли, 1.145 млн. доллардан ошди.

1998 йилги жаҳон иқтисодий кризиси шароитида Республика Раҳбари қайд этганидек, муҳим стратегик вазифани ҳал қилишга муваффақ бўлишиди. Жаҳон бозорида олтин, пахта, мис нархининг тушиб кетишига қарамасдан мамлакатимизнинг олтин валютаси заҳираси ўтган йилги даражасида сақланиб қолди. Бу борада Навоий, Олмалиқ төғ-металлургия комбинатлари, «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасининг ҳал қилувчи ролини кўрсатиш ўринлиди.

Эндиликда жаҳондаги энг йирик конлардан ҳисобланган Кизилқумнинг олтин ва уран бойликлари мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилмоқда. Собиқ СССРнинг парчаланиб кетиши оқибатида Россия корхоналари ҳамда Ўзбекистон уран ва олтин қазиб олиш саноати ўргасидаги кооператив алоқаларнинг узилиши натижасида ҳарбий саноат комплексининг Навоий вилоятидаги 50 минг нафар инженер ва малакали ишчилари қийин ахволда қолдилар. Ўзбекистон Президенти, йирик иқтисодчи мутахассис И.А. Каримов вазиятни ҳар томонлама ўйлаган ҳолда Навоий төғ-металлургия комбинатини тиклани ва ривожлаштириши ишларини давлат зиммасига ўтказди. Комбинатни қайта қуриш мақсадида хориждан олинган қарздан тушган фойдаларни беш йил давомида корхона иктиёрида қолдирилди. Хорижий давлатлар корхоналари билан битим тузиш, қарз олиш, инвестициялардан фойдаланишида комбинатга тула мустақиллик берилди. Ҳисоб-китоблар, катта жамоанинг меҳнати ўз натижаларини берди. Беш йилдан кейин Мурунговдан тонналаб олинган олтинлар давлатни валюта заҳирасини тўлдирди. Арzon ва сифатли уран олиш ҳам йўлга қўйилди.

Американинг Колорадо штатидаги «Ньюмонт» фирмаси билан Мурунговда қўшма корхона қурилиши билан ишлар яна қизиб кетди. «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасига фирма томонидан ажратилган 200 млн. доллар инвестиция ёрдамида оддий шароитдаги ярим асрлик ишлар икки йилда ўз натижага

ларини берди. Навоий төф-металлургия комбинати олгин рудасини қазиб олишдан то заргарлик безакларини тайёрлайдиган жаҳонда тұла циклда ишлайдиган яғона корхонага айланди.

Ўзбекистоннинг истиқтоли машинасозлик саноатини, айниқса унинг мұхым тармоғи-автомобилсозликкінинг ривожланишига боғлиқ, 1992 йилнинг август ойида Жанубий Корея Республикаси билан Ўзбекистон үргасыда тузилған битим асосыда «ЎзДЭУ авто» қуныма корхонаси ташкил этілді ва Асака шаҳрида енгіл автомашиналар ишлаб чиқарыпта киришилди. 1996 йилнинг марта-июл ойларида «ЎзДЭУ» автокорхонаси «ТИКО», «НЕКСИЯ», «ДАМАС» енгіл автомашиналарини чиқара бошлади. 1999 йилни 1 июниң қадар, уч йил давомыда 87 мингдан күпроқ «НЕКСИЯ», 51 мингдан күпроқ «ТИКО», 40 мингдан күпроқ «ДАМАС» автомашиналари ишлаб чиқарылды. Шу жумладан, 20 мингдан ортиқ автомобиль экспортта жұнатылды. Корхона 2004 йили тұла қувватни ўзлаштыриб, ҳар йили турлы русумдаги 200 минг автомобильни ишлаб чиқарады. Эндилекда «ДЭУ» корхонаси билан шартномага кұра бу машиналарнинг янги моделларини ишлаб чиқариш режалаштырылды.

1993 йилда ГФРдаги «Мерседес Бенц АГ» корпорацияси билан Хоразмда юқ автомашинасини чиқарып учун шартнома түзилди. 1994 йили «Дүстлик» автомобиль заводыда дастлабки 350 «Мерседес Бенц» юқ автомобили ишлаб чиқылды. 1995 йили «Ўзавтосаноат» уюшмаси билан Туркияning машихур «Кочхолдинг» компаниясы үргасыда тузилған шартнома асосыда Семиранднинг Сүғдиёна мавзесида қад күтарған автобус заводи 1999 йил март ойида ўзининг маҳсулотини бера бошлади.

Президенттің 1992 йил 28 ғарыштағы муроғиқ «Ўзбекистон ҳаво йұллари» мінгшілік авиакомпаниясы түзілди. 1993 йилдан бошлаб, авиакомпания замонавий А-310, БОИНГ -767, БОИНГ-757, RL-85 самолётларига эга бўлди. 1991 йили Ҳалқаро авиа йули Дехли ва Каракитагача үчган бўлса, эндилекда МДХ ва АҚШ маршрутлари йўналишида Ўзбекистон самолётлари учмоқда.

Иқтисодиёттаги барқарорлик Ўзбекистоннинг ташқи савдо алоқаларида, экспорт ва импорт тузилмасида катта сифат ўзгаришига олиб келди: агар 1991 йилда экспорт таркибиға пахта толасининг улуши 77,6 фоизни ташкил этган бўлса, 1998 йилда унинг улуши 38,6 фоизга тушди, 2000 йилда бу кўрсатгич 28 фоизга тушиши күгилмоқда.

Экспортда ёқилғи ва саноат маҳсулотларининг улуши ортиб бормоқда. 1991 йилда хорижта сотилған товарларда машина ва жиҳозларнинг улуши 1 фоизга ҳам етмаған бўлса, 2000 йили бундай маҳсулотлар 23 фоизни ташкил қилиши мўлжалланмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар, униш вазифалари ва йўналишлари. Молия-банк тизими

Иқтисодий ислоҳотларниң ҳал қилувчи бўғини сифатида қишлоқ хўжалигидаги туб ислоҳот ўтказиш, уни жадал ривожлантиришига алоҳида эътибор берилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни амалга оширишда энг устувор масала сифатида ерга мулкчилик масаласи ҳал қилинди. Узбекистон Республикасида сурориладиган ерларниң камлигиги ни ҳисобга олиб, ер хусусий мулк қилиб сотилиши мумкин эмаслиги, балки уни узоқ муддатли ижара шартлари билан тошириши мумкинлигини ҳукуқий хўжжатларда қайд этилди. «Ер тўғрисида»ги Қонун қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий муносабатларни қаандай ташкил этиш шартлари курсатилиб берилди. Қишлоқ хўжалигидаги кўп уқладли иқтисод вужудга келди. 1997 йили шахсий томорқа хўжалиги 3 млн. гектарни ташкил қилди. Томорқа хўжалигининг экин майдони 1989 йили 257 минг гектар бўлса, 1997 йил 599,7 минг гектарга кўпайди. 1996 йили шахсий ёрдамчи хўжаликларда 640 минг т. гўнгт, 2,968 минг т суг, 1,711 минг т. сабзвот, 321 минг т. мева, 307, 8 минг т. полиз, 338, 1 минг т. картопика, 729 млн.дона тухум стингирилди. Фаллакорлар Узбекистонининг фалла мустақилитига катта ҳисса қўшимоқда. Улар 1996 йили давлатга 2 млн. 100 минг тонна фалла тонширган бўлсалар, 1998 йили 4,6 млн. тонна фалла ҳосили стиштирдилар. Бундан 3,5 млн. тоннаси буёдой эди. Фаллакорларниң ютуқлари ўз-ўзидан бўлганий йўқ. Пахта майдонларини қисқартириш эвазига дои экинларининг майдони кенгайтирилиб, 1,5 млн. гектарга стказилиб, пахта майдонлари билан тенглаштирилди. Галлачиликнинг техника базаси мустаҳкамланди. 8159 та «Нива», «Дон», «Сибиряк» комбайнлари билан бир қаторда Американинг «Кейс» фирмасидан келтирилган 637 комбайн фалла ўрим-йигимида қатнашди.

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I-чақириқ X сессияси (декабр, 1997 йил) аграр ва иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш юзасидан қатор қонунлар қабул қишиди. «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Ер кадастри тўғрисида»ги қонунлар қишлоқ хўжалигининг ҳукуқий асосларини мустаҳкамлади.

Ўзбекистон тараққиётидаги ўзига хос йўлнинг асосий тамойилларидан бири кафолатланган ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборатидир. Унинг моҳияти жамиятда кам таъминланган, бокувчиси йўқ, кўп болали оиласларни, ногиронлар ва қарияларни ижтимоий

химоя қилиші, жәмият аязоларининг ўға бойлар ва камбағашларға та- бақұлданыб кетишпининг олдыши олиша қаратылған.

Шу мақсадда мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳоли түрмуш даражасини барқарорлағыриштегі қаратылған зарурий чора-тадбирларининг дастури ишлаб чиқылды ва ҳәстігі тадбиқ этилмоқда. Бу тадбирларни амалға ошириш учун давлат бюджетидан ажратылған маблағтар ҳажми йилдан-йилге ортиб бор-моқда. Хусусан 1999 йил давлат бюджетини шакллантиришида обьектив сабабларға күра юз берген айрим қийинчилікшарға қарамасдан, маъмурий ва бошқарув органдары тизимида үтказыладыған қысқартышилар ҳисобига ижтимоий соҳаларға ажратыладыған маблағларининг камайышыга йўл қўйилмади.

1998 йил охиридаги ҳисобга кўра мамлакатда 3 млн. 252 минндан ортиқ киши пенсия ва нафакалар олди ва бу мақсад учун 75 млрд. 541 млн. сўм миқдорида маблағ ажрагилди. Шундан фақат икки ёнгача боласи бор оналарга 10 млрд. 448 млн. сўм нафака берилди.

Кам таъминланғаш аҳоли қатламшарни нафақа ва модлий ёрдамдан ташқари турли хил имтиёзлардан кенг фойдаланади. Жумла-дан, жамоат транспортгидекин ёки арzon ҳақ тұлаб юриш, турар жой ва коммунал хизматлари учун ҳақ тұлапта, дори-дармошлар ва энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини белгиланған мезерда бе-тул ёки арzon нархда олиш ва бошқа бир қаңча ентиликлар бе-рилтін. Булардан ташқары мустақиллик йилларида халқ таъими, ўрта маҳсус ва олий ўкув юртларининг профессор-ұқытуvчиларига, тиббий ходимларга электр энергия, газ ва коммунал хизматларидан фойдаланишда қатор имтиёзлар берилди.

Бозор муносабатларига үтиш муносабати билан аҳоли даромадининг моҳияти янгиленмоқда. Уларнинг манбалары үзгартмоқда. Маопи билан ўтчанған иш ҳақыдан ташқары тадбиркорлық даромади, акциядорлық дивиденди, мулқдан келған даромад, томорқа маҳсулотларини сотищдан олинадыған тушум шаклларыда бозор даромадлари пайдо бўлди.

Аҳоли даромадларини бозорга боғлиқ манбаларининг йилдан-йилга ўсиб бориши муносабати билан иш ҳақининг салмоғи насаийиб бормоқда. Масалан, 1992 йили иш ҳақи аҳоли даромадининг 57% иш ташкыл қылса, 1995 йилда эса 44,2%ни ташкыл қылди. 1997 йили аҳоли барча даромадларининг қарийиб чорак қисми тадбиркорлық фаолиятидан туши.

Мустақилликнинг дастлабки күпларида бошлаб бозор муносабатларига мос шул-кредит тизими шакллантирилди. 1991-1996 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Миллий банк ва Молия тизими юзасидан бир қаңча қарорлар

қабул қылди. 1995 йил декабрда Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясининг Марказий банк ва банклар тұғрисида Қонунлари катта ақамиятта әга бўлди. Марказий банкдан ташқари Тошкент шаҳри ва вилоятларда 30 та акциядор-тижорат, ширкат ва хусусий банклар фаолият кўрсатмоқда (1995). Уларнинг ҳар қайсисида филиаллар мавжуд. Масалан, «Пахта банк»да 184, «Ўзгадбиркор» банкда 254 ва ҳ. филиаллар хизмат қилмоқда. 1994 йилнинг 1 июлдан бошлаб иқтисодий мустақилтикниң зарурӣ шарти та-риқасида Ўзбекистон Республикасининг шул бирлиги-сум муомалага киритилди. Миллӣ валотанинг муомалага киритилиши иқтисодиётни барқарорлантириш, корхоналар ва тармоқлар молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, аҳоли ва мамлакат истеъмол бо-зорини муҳофаза қилишда катта ўрин тутди.

Мустақил Ўзбекистон хазинасини тулдирувчи, иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли ўтказишнинг асосий манбаи со-лиқдир. Шунинг учун солиқ тизимини такомиллаштиришга да-стлабки кунлардан бошлаб катта эътибор берилди.

Вазирлар маҳкамасининг 1991 йил 12 августдаги «Ўзбекистон Республикасида Давлат Солиқ органлари ҳақида»ги Қарори асоси-да давлат солиқ тизими шаклана бошлади. Солиқ толовчилар со-ни йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Агар 1994 йилда 91 минигдан ортиқ солиқ толовчи юридик шахс рўйхатдан ўтган бўлса, 1997 йили уларнинг сони 148 мингтага етди.

Хулоса, иқтисодий ислоҳотларнинг ютуқлари мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминламоқда.

Таянч тушунчалар

Иқтисодий тараққиёт, бозор муносабатлари, асосий тамой-иллар, иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий негизлари, мулк-ни хусусийлаштириш, кўп укладли иқтисод, нодавлат сектор, бозор инфратузилмаси, иқтисодиётни барқарорлантириш, молиявий кризис, экспорт, импорт, макроиқтисодий барқарорлик, молия-банк тизими, акциядорлик.

Мустақил иш мавзулари

1. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йули.
2. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик ислоҳотларининг вазифа-лари ва унинг амалга оширилиши.

3. Мустақиллик йиларида иқтисодий ва ижтимоий барқарорликинг үрнатилиши.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Узбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент. «Ўзбекистон», 1993.

2. Каримов И.А. Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент. «Ўзбекистон», 1995.

3. Каримов И.А. Узбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқлонининг асосий тамойиллари. «Ўзбекистон овози», 25 феврал, 1995.

4. Каримов И.А. Мулкдорлар синфининг шаклланиши-ислоҳотлар муваффақиятининг бош мезонлари. «Халқ сўзи», 8 феврал, 1997.

5. Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бўсағасида. Тошкент. «Ўзбекистон», 1997, 188-211 б.

6. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти-ҳаёт манбаи. «Иқтисод-ҳисобот», № 2, 1998.

7. Каримов И.А. Халқ фаровонлиги-фаолиятимиз мезони. «Ўзбекистон овози», 25 июл, 1998.

8. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш — бош вазифа. «Халқ сўзи», 15 феврал, 2000 й.

9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 2-чақириқ ЎзР Олий Мажлиси I-сессиясининг биринчи йигилишида сўзлаган маърузаси. «Халқ сўзи», 23 январ, 2000.

10. Каримов И.А. Узбекистон XXI асрга интилмоқда. Олий Кенгашнинг I-чақириқ, XIV сессиясида сўзлаган нутқи. Тошкент, 1999.

11. Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида. «Халқ сўзи», 22 январ, 1994.

12. Узбекистон Республикаси. Энциклопедия. Тошкент, «Ўзбекистон», 1997.

13. Чет эл инвестициялари тұғрисида Узбекистон Республикаси қонуни. «Халқ сўзи», 20 май, 1998.

14. Ўлмасов А., Жабборов Ш. Даромаднинг янги манбалари: у узи нима? «Халқ сўзи», 21-22 апрел, 1998.

17-мавзу. ЎЗБЕКИСТОНИНГ МАЊИАВИЙ, МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

Мустақиллик йилларида мањиавий ҳаёт

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан бир вақтда мањиавий меросимизни, маданий қадриятларимизни тиклаш ва уларни халқимизга етказиш борасида кенг кўламда фаолият олиб борилмоқда.

Республика Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганидек, мањиавиятнинг моҳияти шунчалик кенгки, уни ўлчаб ҳам, поёнига етказиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир оламдир.

Жамиятимиз ҳаётида мањиавий камолотни тезлаштириши, миллий истиқбол мафкурасини шаклантириши, миллий қадриятларни ўрганиш мустақилликни мустаҳкамланинг асосий вазифаларидан биридир.

Ҳаётимизда мањиавий камолотни ривожлантириши, ёшлиарни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда-ажлоҳларимизнинг бизгача стиб келган бой маданий меросларини ўрганиш ҳам катта ўрин эгаллайди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қадриятлар, урф-одатлар, буюк ота-боболаримизнинг бизга қолдирган меросларини ўрганиши ва тарғиб этиши учун кенг йўллар очилди. Бу борадаги тадбирлар мустақиллигимизнинг дастлабки күнлариданоқ амалга оширила бошлади.

Маданий-маърифий ишларнинг ривожланишини учун давлат томонидан катта маблағлар ажратилди. Ўзбекистондаги барча давлат театрлари, маданият уйлари, санъат олий ўқув юрглари, фольклор-этнографик гуруҳлар маданият ўчоқларига айланниб қолди. Театр саҳналарида янги замонавий спектакллар қўйила бошланди. МДХ даги давлатлар билан ижодий ҳамкорлик йўлга кўйилди, турли халқаро анжуманлар ўтказилди.

Бадиий адабиётда партиявийлик, синфийлик нуқтаи назаридан ёндошишга чек қўйилди. Баҳовуддин Нақшбанд, Феруз, Хўжа Аҳрор, Чўлпон, Фитрат каби алломаларнинг номлари тикланиб, асарлари чоп этилди.

1991 йили буюк аллома, ғазал мулкининг сутгони Алишер Навоий юбилейини ўтказиш катта воқеа бўлди. Бу тантанага бағишиланиб Республикасидан шоирнинг асарлари нашрдан чиқарилди. 1994 йил Мирзо Улуғбек таваллуд топған кунининг 600 йиллиги кенг кўламда, жаҳон миқёсида пишонланди.

ЮНЕСКО нинг Париждаги қароргоҳида юбилейга бағишланган ҳафталик ва унга күргазма очилди.

Мустақиллик йилларида буюк соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йилиги бўлиб ўтди. ЮНЕСКО томонидан 1996 йил «Амир Темур йили» деб эълон қилинди. Шу йили ЮНЕСКО нинг Париждаги қароргоҳида «Темурийлар даври, фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшинаши» мавзуида анжуман ва унга бағишланган күргазма очилди.

Мамлакатимизда «Темурийлар тарихи давлат» музейи, Амир Темур номи берилган боғлар, кучалар барпо этилди.

Республикамизда бизгача етиб келган бой меросларни ўрганиш, миллий ўзликни англаш, маънавий қадриятларни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда ва уларга нисбатан халқимизнинг чуқур ҳурмат ва эҳтироми кўрсатилмоқда. Сунгти йилларда ташкил этилган «Олтип мерос» жамғармаси, Абдулла Қодирий номидаги «Мерос» нашиётлари кенг миқёсда маънавий-маърифий ишларни олиб бормоқда.

Ислом оламининг алломалари Исо ат-Термизийнинг 1200 йилиги, Маҳмуд аз Замаҳшарийнинг 920 йилиги, Нажмиддин Кубронининг 850 йилиги, Боҳовуддин Нақшбандийнинг 675 йилиги кенг кўламда ишонланди. Уларнинг бой асалари нашрдан чиқарилди.

Барча вилоятлар ва шаҳарларда ҳар йили Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳийларга бағишланиб кечалар ўтказилди, Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик таваллудига, «Анномиши» достонини яратилишининг 1000 йиллигига бағишланган турли кечалар, баҳслар ташкил этилди.

Маънавий ҳаётни такомиллаштириш борасида 1994 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан маънавий қадриятларни ўрганиш ва уни такомиллаштириш борасида «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини тузиш ҳақида фармон эълон қилинди. Марказ томонидан Имом аль Бухорийнинг юбилейига бағишлаб, Қуръони каримдан кейин иккинчи ўринда турадиган «Аль-Жомеъ, ас-Саҳиҳ» (Ишонарли тўплам), «Ал-адаб, ас-муфрад» (Адаб дурдонлари) узбек тилига таржима қилиниб, нашрдан чиқарилди.

1998 йили Имом ал Бухорий таваллудининг 1225 йилиги, Аҳмад ал Фарғоний таваллудининг 1200 йилиги жаҳон миқёсида кенг ишонланди. Юбилейлар муносабаги билан алломалар ҳаётига бағишланган илмий анжуманлар ва бадиий кўргазмалар очилди.

Буларпинг барчаси Ўзбекистонда чинакам милий қадриятларни тиклани учун юргишаётган катта ишшардан даюлат беради.

Айниқса, ал Бухорий халқаро жамғармасининг очилиши катта воқеа бўлди. Республикаиз Президентги Имом ал Бухорийнинг, Аҳмад ал Фарғонийнинг мўътабар номларини тиклани, халқимиз, қолаверса, бугун дунё мусулмонларига қаратилган шахсий ташаббуси билан ул-зоти шарифлар шаънига улуғвор ёдгорликлар ва жамғармалар тузишга имкон яратицди.

Жамғарманинг мақсади Имом ал Бухорийнинг ҳаёти, илмий мероси, у яшаган давр фани ва маданиятига оид бўлган тарихий маибалаарни ўрганишдан иборатдир.

Ислом олами буюк намоёндаларининг тўй-тантаналари нишонланиши бутун дунё халқларининг дикқат-эътиборида бўлди.

Маънавий мероснинг тикланиши упинг бир бўлаги бўлган диний қадриятларга ҳам эътиборни кучайтирди. 1992 йил Президент фармони билан Рамазон ва Курбон ҳайит кунлари умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

«Мовароунаҳр» диний бошқармасининг ҳам фаолияти Республикаиз ҳаётида ўз ўринини эгаллади.

Халқимизнинг асрлар давомида нишонлапиб келинган байрамларидан «Наврӯз» умумхалқ байрами сифатида қайта тикланди.

Жамият тараққиётида рўй берадиган ўзгаришларни тушуниш, ҳурфиксурликка интилиш учун кишиларни янги йулдан олиб борувчи ғоявий қарашлар ҳам ҳозирги куннинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида фан ва маданиятиниг ривожланиши

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида қадимдан бошлаб айниқса астрономия, математика, тиббиёт, кимё, меъморчилик, маъданшунослик, фалсафа, мусиқа, тилишунослик, адабиётнигунослик ривожланган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон олимлари отабоболари яратиб кетган илмий меросни чуқурроқ ўрганиб яна-да бойитдилар. Ўзбекистон олимлари ўз илмий аеарлари ва қашфиётлари билан жаҳон илм-фани ва маданиятига муносаб ҳисса қўндишлар. Республикаизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, Давлат ва жамият қурилиши академияси, Банк-молия академияси, Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти, Ислом тадқиқотлари маркази ва бошқалар фаолият курсатмоқда. Нукус ва Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Фанинг бўлимлари очилган. Илмий тадқиқот ишлари халқ хўжалигининг тури тармоқларида фаолият курсатадиган илмий

тадқиқот институтлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари, илмий марказлари, шунингдек, университетлар ва бошқа олий ўкув юртларида ҳам олиб борилади. Илмий кадрлар Фанлар академиялари тизимида ҳам, олий ўкув юртлари, халқ таълим тизимида ҳам тайёрланади. Фақат Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимидағи ўкув юртларида 600 дан зиёд фан докторлари ва деярли 6 мингта яқин фан номзодлари ўқитувчиллик ва илмий фаолият билан шуғулланадилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сунг мамлакатда илм-фангга алоҳида эътибор берилди. Халқ хўжалиги ва маданий ҳаётнинг тобора ортиб бораётган талабларида орқада қолаётган илмий тадқиқот институтлари тутатилди. Турмуш тақозо этган янги институтлар очилди. Республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг 1995 й. 3 апрелидаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси ФАнинг янги Низоми тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 й. 8 июлдаги фармони ҳамда уни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Фанлар ривожланишини давлат томонидан қўллаб-куватлаш тадбирлари ва инновация фаолияти ҳақида»ги қарори мамлакатда фанини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Республика олимларини хорижий мамлакатларга тажриба оширишга юборилига алоҳида эътибор берилди. Илмий еҷимларни ички ва ташқи бозорда тарғиб этиши ва тарқатиш, мақсадида ФА негизида «ЎзФАНТ» Республика илмий ишланмалари инновация тижорат маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан Республика Вазирлар Маҳкамаси хузурида Олий атtestация комиссияси ташкил этилиши муносабати билан ФАнинг мавқеи ортди.

Ўзбек олимларининг фан-техника соҳасидаги ютуқлари нафақат Ўзбекистон балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам тан олина бошланди ва кўпчилик олимларимиз давлатимиз мукофотларига сазовор бўлдилар ва хорижий давлатлар академияларига ҳақиқий ҳам фахрий аъзоликка сайландилар. Ўзбекистон Республикасининг Фанлар Академияси ал-Хоразмий номидаги, Заҳириддин Муҳаммад Бобир номидаги олтин медалларни таъсис этди. 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси ФАнинг академиги Ҳ.Ф. Фозилов табиий ва техникавий фанлар соҳасида катта ютуқларга эришгани учун ал-Хоразмий номидаги Олтин медалининг биринчи соҳиби бўлди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобир номидаги Олтин медаль биринчи бўлиб шу йили ижтимоий ва гуманитар фанлар соҳасида

кагта ютуқларга эриштани учун филология фанлари доктори Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси У.И. Каримовга насиб этди.

1992 йил октябр ойида эса геология минералогия фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси ФАнинг академиги И.Х. Ҳамрабоев геология ва геофизика соҳасида эришган муваффақиятлари учун Ҳабиб Абдуллаев номидаги Олтин медалнинг биринчи соҳиби бўлди.

«Фан ва техникада ким ҳақиқатан ким?» деб номланган жаҳон фан ва техникасининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган энг буюк олимларнинг ҳаёти ва илмий фаолияти түгрисидаги асосий маълумотларни ўз ичига олган қомусга Ўзбекистон Республикаси ФАнинг академиги П.К. Ҳабибуллаев киритилган. Ўзбек олими бу шарафга ўзининг қаттиқ ва юмшоқ жисмлар иссиқлик физикасининг катта муаммоларини, энергетиканинг физикавий-техникавий муаммоларини ишлаб чиққани учун муяссар бўлган.

Мустақиллик йилларида (1996) ФАнинг 40 га яқин илмий маркази ва тадқиқот лабораторияларида 48 академик 96 мухбир аъзо фаол меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси ФА институтлари олимлари муассасалари олимлари билан ҳамкорликда илмий алоқаларни кенгайтириб бормоқдалар. Натижада, 1992 йил декабр ойида техника фанлари доктори F.F. Умаров, К.Э. Циolkовский номидаги Космонавтика Халқаро Академиясининг аъзоси бўлди. У мазкур Халқаро Академиянинг аъзоси бўлган биринчи ўзбек олимидир. Шунингдек халқаро архитектура академиясининг Москва булимига Ўзбекистонлик М.С. Булатов, С.М. Сутягин, И.И. Ноткинлар, 1993 йилда Иордания Ислом Фанлар Академияси аъзолигига М.С. Салоҳиддинов, ЮНЕСКО Информация Халқаро академиясининг ҳақиқий аъзолигига 1994 йил октябрь ойида Худоёр Оллоёров, 1995 йил февраль ойида Азамат Шамсиев Нью-Йорк ФАнинг фахрий аъзолигига, экология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги халқаро академиясининг ҳақиқий аъзолигига З.С. Салимов, А.А. Азамхужаев, 1997 йил октябрьда У. Тожихонов ва З. Зариповлар табиат ва жамият фанлари Халқаро академиясининг ҳақиқий аъзолигига, академик Э. Юсупов эса Туркия фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига сайдандилар. Булар Ўзбекистон фанининг халқаро миқёсда тан олинишининг яққол мисолидир. Юртбошимиз И.А. Каримов айтганларидек, XXI асрда куроли, қўшини кучли бўлган давлатгина эмас балки турли соҳалар бўйича кучли мутахассислари бўлган давлатгина кудратли давлат ҳисобланади. Зероки, ҳар

бир халқ ған соҳасида катта ютуқларни күлга киритган машхур фарзандлари билан ҳам буюқдир.

Мустақиллик йилларида маданият соҳасида ҳам тубдан узгаришлар рўй берди. Бу аввало театр санъати, миллий мусиқа, меъморчилик, адабиёт соҳаларида яққол кузга ташланади. 1991 йилда Фарғонада, 1993 й Хивада Давлат Қўғирчоқ театрлари иш бошлади. 1994 йилда Қашқадарё ва Наманганд вилояти театрлари қопида қўғирчоқ гуруҳлари очилди. 1993 йил август ойида Тошкент шаҳрида иш бошлаган «Туркистон» саройи нафакат месъморчиликнинг ёрқин намунаси, балки саҳна гуруҳлари ва атоқли артистларнинг чиқишлари бўладиган даргоҳга айланди. Узбекистон Республикаси Президенти И. Каримов «Туркистон» саройи очилиши маросимида нутқ сўзлаб, «Ушбу саройда халқимизнинг, шунингдек, жаҳон халқларининг, Марказий Осиё халқларининг анъанавий анжуманларини, санъат байрамларини ўтказишини ният қилганимиз. Бу кошона, иншоолю, миллатлар, эл-элатларнинг дўстлик биродалик, қалъасига айланди», — деган эди.

Республикада 36 та театр фаолият кўрсатмоқда. 1998 й 26 марта Узбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бу фармонга мувофиқ Узбекистон томоша санъатининг куп асрлик анъаналарини ўрганиш, бойитиш ва тарғиб қилиш, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда маънавий-маърифий ислоҳотларни амалга опиришида театр арбобларининг фаол қатнанишини таъминлаш мақсадида «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди.

Ўзбекистонда мусиқа ва рақс санъатини ривожлантириш мақсадида «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси ташкил этилди. Унда мусиқа-рақс санъатини ривожлантиришини давлат йўли билан қўллаб-куvvatлаш масалалари кўзда тутилди.

Мустақиллик ўзбек бадиий адабиёти ривожида, адабиётпенослик фани тараққиётида ҳам янги босқични бошлиб берди. Асарлари зарарли, ўзлари миллатчи деб ноҳақ баҳоланган Чўлпон, Отаён Ҳошим, Вадуд Маҳмуд, Мунавварқори сингари миллатпарвар ёзувчи, маърифатпарварлар ижоди холисона ўрганила бошланди. Уларнинг асарлари чоп этилди, саҳна юзини кўрди.

Жадидчилик ҳаракатининг асл моҳиятини, адабий, маданий, сиёсий ҳастдаги ўрнини рўйи-рост кўрсагиш бошланди. Бир вақтлар диний ва сарой адабиёти вакили деб ноҳақ қоралянган Аҳмад Яссавий, Боқирроний, Фаззолий, Ҳожа Аҳрор, Баҳоуддин Нақибанд, Ҳусайн

Бойқаро, Феруз сингари буюк шоир ва мугафаккирлар ҳәёти ва ижоди ўрганишиб, асарлари халқа қайтарилди.

А. Навоийнинг юксак инсоний ғояларни диний манбалар асосида ёритувчи «Муножот» «Арбаъин» «Тарихи анбиё ва ҳукамо» («Пайғамбарлар ва ҳокимлар ҳақида») каби асарлари нашрдан чиқди. Мустақиллик шарофати боис мұтабар Қуръон ва ҳадислар чоп этилди. Истебдодли олим Ҳамидулла Караматовнинг «Қуръон ва ўзбек адабиёти» номли китоби нашр этилди. Айтиш мумкинки, бундай асарларниң ҳалқимиз қулиға етиб бориши бутунлай япғи, соғлом, соғ миллій ғояларимизнинг, мақсад ва ингилишилари-мизнинг сифат даражасини белгилайді. Мазкур талқықот ва унга ўхшаган боща асарлар миллій истиқбол мағкурасининг тағана-сини күрсатади.

Атоқли олим Б. Б. Аҳмедовнинг «Амир Темур», Т. Маликнинг «Шайтанат» романлари, Э. Воҳидов, О. Матжон, О. Ҳожиева, Х. Султонов, А. Суюн, Й. Эшбек, Ҳ. Дустмуҳаммад, Ш. Салимова сингари шоир ва адилларниң бадий барқамол, ғоявий етук асарлари туфайли ўзбек миллій истиқбол адабиёти шаклланған.

Шарқ ва Гарб меъморчилиги үйғунлашган бинолар юртимиз пойтахти ва вилюят марказларида қад күтариб шаҳарларимиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда Миллій банк, меҳмонхона бинолари, бозорлар қурилиши, кўприклар ва йўллар, спорт саройлари ҳамда маданият ва истироҳат боғларининг бунёд этилиши бунинг ёрқин мисолидир. Ҳайкаттарошлиқ, амалий безак санъати, тасвирий санъат, рақс, кино санъатларида ҳам аиъанавий ва замонавий усуслар үйғулашиб етук асарлар яратилди ва яратилмоқда.

Хуллас, Мустақиллик йилларида фан ва маданият соҳасида ҳукуматимиз раҳбарлигига ва ҳомийлигига қисқа 9 йил мобайнида улкан ютуқлар қўлга киритилди.

Миллій истиқбол мағкурасининг шаклланиши

Социалистик тизимнинг ҳалок бўлини, собиқ иттилоқнинг парчаланиб кетипи, аввалимбор, ўна тузумнинг назарий, ғоявий асосларининг танглилка учрағанининг оқибати бўлди. Социалистик, коммунистик мағкура кўп йиллар давомида кишиларимиз онгини чалғитиб келди-ю, охир-оқибатида унинг инсон манфаатига батамом зид эканлиги ошкора бўлди ва ҳаёт уни инкор этди.

Президент ёшى авлодни тарбиялаш, мактаб, таълим-тарбия, соғиқиңи сақдаш масалаларига кенг тұхтади. Бу масалалар И. А. Каримовнинг асарларида чуқур ёритилған:

1. Юксак малакали педагоглар тайёrlаши зарур. «Хар биримиздеги уқытуvчилек касбини, педагогининг оғир меҳнатини үтә мұхимдеги олижаноб иш сифатида қадрлашимиз зарур», — дейді И.А. Каримов. Айниқса қишлоқ уқытуvчилари ёрдамға мұхтож.

2. Янги дастурлар, ўкув кулланмалари ва дарслеклар тайёрдаш туғрисида...

3. Мактабларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш вазифалари. Ҳар бир маҳалла, айрим ишбилармонлар ташаббус билан мактаб биноларини куряигги, буни бутун республикага тарқатиш керак.

Жамиятгимизда сиёсий, мустақилликка эришиб иқтисодий, маданий-маърифий ишлар амалга оширилаётган бир вақтда кишилар онгида мустақиллик фояси, миллий истиқбол мағкураси мустаҳкам ўрин олиши зарур. Бусиз, яъни фикрлаш, эътиқод ўзгармасдан бозор муносабатларига ўтиш даврида сиёсий-иқтисодий барқарорлик мустаҳкам бўлини қийин вазифа И.А. Каримов миллий мустақиллик мағкурасига таъриф бериб, миллий мустақиллик мағкурасининг «... асл маъноси эскича ақидалардан холи бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбияландан иборат», дейди. Мустақиллик фояси, мағкурасининг халқимизга туғри йул курсатувчи, уни бирлаштирувчи, буюк мақсадлар учун бугун кучларимизни уйғунлангтирувчи аҳамиятини назарда тутиб, Президент И.А. Каримов мустақилликнинг дастлабки даврида, 1993 йил 6 май Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг II чақириқ, XII сессиясида «Олдимиизда турган энг муҳим масала, бумиллий истиқбол мағкурасини яратиш ва ҳаётимизга тадбиқ этишидир», деган эди. Кишиларимизни қайси тоифа ва гуруҳдан булишидан қатъий назар маънавий инқироздан чиқарадиган ягона миллий фоя атрофида бирлаштирадиган бирдан-бир курдатли куч ана шу миллий мустақиллик мағкурасидир.

Ягона мақсад, ягона фоя бүлмаса жамият инқизатга учрайди, ҳалок бұлади. Буны биз яқын ва олис үтмишдеги тарихимиздан биламиз. Миллий мағкура келажак мақсадни ифодалаідиган, халқимизнің минг ийлік тарихини буюк келажак билан боғлайдиган, аның шу юксак мақсад йүзінде юздандырған ортиқ ми-

латлар ва элатларни, барча кишиларимизни бирлаштирувчи байроқ вазифасини бажаради.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига асосланган демократик жамият қуриш йўлидаги иқтисодий, ижтимоий сиёсий, маданий-маърифий ишларимиздаги барқарорлик мафкуравий таҳдидларининг олдини олишни муҳим вазифа қилиб қўяди.

Миллий истиқбол мафкурасини аҳамиятни кўрсатиб, юртбошимиз И.А. Каримов: «... халқимизнинг анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириш лозим», деган эди.

Миллий мустақиллик мафкурасининг энг муҳим вазифаларидан бири мустақиллигимизнинг таянчи ва келажаги ёш авлодни инсоний, миллий нуур, Ватанга садоқат руҳида гарбиялашдан иборат. Мустақиллик ғоялари мафкурасига эътиборсизлик оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

1999 йил 16 феврал «қонли сесланба» кунги воқеалар миллий мустақиллик ғоясини, мафкурасини ёшлиаримиз дилига етказиш зарурлигини, булинг учун ғоявий, мафкуравий ишларимизни кучайтириш лозимлигини кўрсатди.

Бу борада Юртбошимиз И.А. Каримовнинг шу йили Оқсаной қароргоҳида зиёлилар билан ўтказган мулоқотида, «Фидокор» газетаси мухбири саволларига берган жавобларидаги миллий истиқбол мафкурасининг моҳияти, зарурати, аҳамияти, унинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий асослари тўғрисидаги таълимоми истиқболимизнинг буюк ғояларини кишиларимиз тафаккурига сингдириш борасидаги ишларимизнинг дастуридир.

Бу дастур қанчалик муваффақиятли амалга оширилса, Президентимиз таъкидлаганидек, жамиятимизга «... ўз муддаоларига эришиш учун маънавий-рухий куч-қувват берадиган пой-девор бўлиб» хизмат қиласди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

Истиқбол йулида қадам ташлаб бораётган Ватанимиздаги мавжуд маънавий, маданий омилларга эътибор бериш билан бирга фан, маориф, таълим-тарбия ишларига ҳам эътибор кучайтирилди.

«Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса, биз кўзлаган олий мақсад-озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди», — дейди И.А. Каримов.

Республикамизда таълимнинг янги тизимини амалга оширишда, Ўзбекистон ҳукумати тарихимиздаги таълим жараёниларини ўрганиб чиқиб, таълимни ислоҳ қилиш дастурини тайёрлади. Барча эътибор таълим тизимларини демократик ва инсонпарварлик тамойиллари асосида такомиллангтириб, унинг моддий техника базасини, замон ва давр талаблари даражасига кўтариш ва Ўзбекистоннинг маърифий салоҳиятини кучайтиришга қаратишли. Шу мақсадда 1997 йил 2 августда Республикаизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Таълимни ислоҳ қилиш қўйидаги тамойиллар асосида олиб борилади:

- таълим тарбиянинг инсонпарварлиги ва демократиявийлиги;
- таълим тизимининг узлуксизлиги, изчилиги, илмийлиги ва дунёвийлиги;
- таълимда умуминсоний ва миллий-маданий, маънавий қадриятларнинг устуворлиги;
- эътиқоди, динидан қатъий назар барча фуқаролар учун таълим олиш имкониятлари яратилганлиги;
- таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ҳаракатлар гаъсиридан холилиги.

1993 йил Республикаиз Президенти томонидан «Ўзбекистонда ўкувчи ёшларни раъбатлантириш чоралари тўғриси»даги фармонига биноан талаба ва аспирантлар учун маҳсус стипендиялар белгиланди. Улар учун ҳатто ривожланган давлатлардаги университетларда таълим олиш, улардаги илмий марказларда ишлаш, малакаларини ошириш учун шароитлар яратиб берилди.

Ўзбекистон мустақиллигига эришган дастлабки кунлардан бошлаб энг муҳим масалалардан бири эски тафаккур, эътиқодидан қутулган истиқлол учун, ўз она юрти учун хизмат қиласидан қадрлар тайёрлаш масаласи турди. Эски тузумни аста-секин таг-томири билан тутатиб, батамом янги, жаҳоннинг илғор тараққий эттан мамлакатлари йўлидан борадиган ҳақиқий демократик жамият қуриши эндиликда янгича фикрлайдиган қўйидан тортиб юқори тоифадаги қадрларга боғлиқ бўлиб қолди.

Собиқ Иттифоқда катта-кичик раҳбар ходимлар ҳар хил даражадаги партия ва комсомол мактабларида, коммунистик мағфура тарғиботчиси ва ташвиқотчиларини тайёрлайдиган Университет ва академияларда тайёрланған бұлса, әндилікда бу үкүв юргілары, табиийки, тарих сағасасынан тушиб колди.

Бозор муносабатларига ассоланган янги жамиятта раҳбар кадрларни тайёрлаш мақсадида Президент қошида «Давлат ва жамият курилиши академияси», «Жаҳон иқтисодиёти дипломатияси университети», айрим вазирликлар қошида академияларни ташкил этилиши катта ахамият касб этади.

Президенттимиз Республика ва вилюятларнинг раҳбар ходимлари билан учрашувларида ҳокимиятлар, ҳуқуқ органларининг айрим ходимлари томонидан тартиб-интизомнинг, қонунчилик-нинг бузилаётгани түгрисида ҳар гал кўйиб-пипишиб гапиради ва уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, ноноклик каби ўтмии қолдиқларидан тоза эл-юрги ва халқига ҳалол хизмат қиласидаган ёш кадрларни тайёрлаш, уларга йўл очиб бериш зарурлигини қайта-қайта такрорлаб кўрсатади.

Узбекистон мустақиллигининг келажаги юқори малакали, маърифатли, эл-юртига садоқатли мугахассисларни тайёрланига бевосита боғлиқ. И.А. Каримов мухбирларнинг: «Сизнинг сиёсатинингизда таълим-тарбия масаласига катта эътибор берилишинг сабаблари нимада?» деб сўраган саволига онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб янги жамият қуриб бўлмайди, онг, тоя, тафаккур таълим-тарбия билан узвий боғлиқ, бир-бирини тўлдиради деб жаъвоб беради.

Татылым-тарбия соңағындағи ислоҳотларни амалга ошириш бир қанча мухим натижаларға олиб қелади:

- жамият қиёфасини ўзгартириб, янги муҳитни вужудга келтиради;
 - ёш йигит-қизларимиз жамиятда ўз ўрини топади;
 - мустақил фикрловчи, эркин шахснинг шаклланишига шароит яратилади;
 - жамият юқори даражадаги тараққиётта эришиб ўтиш даврига хос булган күчли давлат функциялариниң күчли фуқаролар жамияти зиммасига ўтказиш учун ижтимоий-сиёсий вазиятни вужудга келтиради.

1997 йил 29 августда Республика олий Мажлисининг IX сессиясида И.А. Каримовнинг «Баркамол авлод-Узбекистон тараккиётининг

пойдевори» маърузаси асосида «Таълим түгрисидаги Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миљлий дастури» қабул қилинди.

Истиқтол йилларида мактабгача тарбия муассасаларда, бошлангич синфларда ўкув-тарбия ишларига эътибор кучайтирилиб, ўрта-максус ва олий ўкув юртлари тизимида лицейлар, колледжлар, бизнес мактаблари очилди, 8 та институтлар асосида университетлар ташкил қилинди. 2000 йил бошларига келиб, мамлакатимизда 59 та олий, 258 та ўрта-максус ўкув юртлари, шу жумладан 75 та колледжларда 360 мингдан ортиқ гала-балар билим олмоқда. Иқтидорли ёшларга эътибор кучайтириб, уларнинг хорижий мамлакатлардаги етакчи ўкув юртларида илм-фан чўқ-қиласини эгаллашини ташкил қилиш учун «Улугбек» (1993 й.), «Камолот» (1996 й.), «Умид» (1997 й.) жамғармалари ташкил этилди.

Қадрлар тайёрлаш миљлий дастурининг асосий тамойиллари аниқ белгилаб кўрсатилди:

- узлуксизлик: таълим-фан-ишлаб чиқариш;
- мутахассисларга ғолаб истиқболини урганини;
- ўқитувчи ва мураббийларни қайта тайёрлаш;
- ўкувчи ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқли, маънавиятли ва виждонли этиб тарбиялаш;
- корхоналарда мактаб-институтлар базасини мустаҳкамлашдан фойдаланиш;
- чет эл сармояларидан фойдаланиш.

Таълим түгрисидаги янги қонунга кўра, узлуксиз таълим бир неча босқичларда амалга оширилиши зарур:

1. Мактабгача — оила ва бобга тарбияси.
 2. Бошлангич таълим 1-4 синфлар.
 3. Умумий таълим мажбурий бўлиб, 5-9 синфларда умумий билим асослари, дунёқарашиб шаклланади.
 4. Мажбурий-иختиёрий тусдаги ўрта-максус билим ва касб-хунар ўкув юртлари: З йилга мўлжалланган академик лицейлар, максус касб-хунар колледжлари.
 5. Олий таълим: бакалавр-4 йил, магистратура-2 йил ўқини муддати, кейинчалик илмий-таҳдидот ишларини олиб борили учун аспирантура — 3 йил, докторантураси — 2 йил муддатта белгиланган.
- Таълим-тарбия, илм-фан соҳасидаги ислоҳотлар босқичмабосқич амалга оширилиши зарур.
- I. 1997-2001 йй. Утиш даври.
 - II. 2000-2005 йй. Ислоҳотни кенг миқёсда амалга ошириш даври.

III. 2005 йилдан кейин кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириши ва янада ривожлантириши даври.

Ўтган қисқа З йиллик давр ичида «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини» амалга оширишдаги натижалар кўзга куринарли даражададир.

Давлатимиздаги устувор вазифа аҳоли соғлигини сақлаш борасидаги тадбирлардир. Шу мақсад учун 1999-2000 йилларга мулжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилди. Соғлом авлод масаласи асосий мақсадга айланди. Ёшларни жисмоний ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш муҳим вазифа бўлиб қолди.

Мамлакатда «соғлом авлод» дастури ишлаб чиқилди. Жисмоний согломлик, баркамол иғсонни тарбиялаш одоб-ахлоқ масалалари билан боғлаб олиб борилади. Республикаиздан чиққан кўпкаб спорчиларимиз Осиё ва жаҳон чемпионатларида ингирок этиб келмоқдалар ва ғолибликни кўлга киригмоқдалар. Улар учун бир қанча стадионлар, спорт майдонлари, футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, спорт комплекслари курилиб, қайта таъмирланиб, фойдаланиш учун топширилди.

Республикада биринчи бўлиб «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди. 1998 йил «Оила йили», 1999 йил «Лёллар йили», 2000 йили «Соғлом авлод учун» йили деб эълон қилинди.

Шу мақсадда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида бир қанча тадбирлар ўтказилди. Янги имкониятларга эга бўлган шифохоналар курилиб, замонавий технология билан таъминланди. Бепул даволаш йулга қўйилиб, республика вилоятларида дам олиш ва согломлаштириши масканлари буниёд этилди.

Умуман, Узбекистон ўзининг қисқа вақтдаги мустақиллик йиллари давомида иқтисодий-ижтимоий борадаги югуқлари билан бир қаторда, маънавий, маданий ишларга ҳам эътиборни кучайтириб, жаҳоннинг ривожланган давлатлари орасида ўзнуфузи ва обрўсини юқори кўтармоқда.

Таянч тушунчалар

Маънавий мерос, маданий тараққиёт, «Олтин мерос» жамгармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Миллий қадриятларнинг тикланиши, Миллий истиқдол мафкураси, миллий фоя, таълим-тарбия тизими.

Мустақил иш мавзулари

1. Истиқлол йилларида миллий — диний қадриятларнинг тикланиши.
2. Миллий мустақиллик мафкурасининг шаклниниши.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тұғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, унинг амалга оширилиши.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йули. Т.«Ўзбекистон», 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлар. Т.«Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг нойдевори. Т.«Ўзбекистон», 1997.
4. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллиятни-ми'лат қилишга хизмат этсин. Т.«Ўзбекистон», 1998.
5. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан курмоқдамиз. «Туркистан» газетаси муҳбири саволларига жавоблари. «Туркистан», 22 январ, 1999.
6. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавоблари. «Фидокор», 8 июнь, 2000.
7. Каримов И.А. Олий Мажлис II-чақириқ 1-сессияси 2-йиғилишида сўзлаган нутқи. «Ўзбекистон овози», 12 феврал, 2000.
8. Каримов И.А. Соғлом авлод тарбияси-барчамизининг муқаддас инсоний бурчимиз. «Тафаккур», 2-сон, 2000.
9. Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия. Т.«Ўзбекистон». 1997.

18-мавзу. УЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ

Типчликеевар ташқи сиёсат асосларининг ишилаб чиқилиши, унинг муҳим тамойиллари

ХХ асрнинг охирги ўн йиллиги инсоният тарихига буюк ўзгаришлар даври бўлиб киради, чунки ер юзида вазият, кучлар нисбати кескин ўзгариб, бир-бирига қарама-қарши бўлган ССРВ ва АҚШ етакчилик қилган икки ижтимоий-сиёсий тузум, икки ҳарбий-сиёсий блок барҳам топди. Лекин эндиликда совуқ урушилар муносабатларини тудиридиган кучларниң янги учоқлари вужудга келмоқда. ССРВнинг парчаланиши ва социалистик система ҳалокати натижасида дунёда янги мустақил давлатлар вужудга келди.

Мустақил Узбекистон халқаро алоқаларни йулга қўйиши ва ўз тараққиёт истиқболлари учун қулай географик-стратегик имкониятларга эга. Ўрта Осиёда географик-сиёсий жиҳатдан марказий ўрин тутган Узбекистоннинг уибу минтақада кучлар нисбати ва мувозанатини сақлаш, барқарорликни таъминлаш, ҳамкорликни мустақиллана имкониятлари бор.

Мустақилликнинг дастлабки кунларида ёқ Узбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган пухта ташқи сиёсий йулни белгилаш; жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, хорижий мамлакатлар билан сиёсий, дипломатик, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар ўрнатиш масалалари долзарб вазифалар деб белтиланди. Чунки иттифоқ даврида Узбекистон тўғридан-тўғри алоқа қўла олмайдиган мамлакат булиб, ташқи сиёсат юритини тажрибасига ҳамла бу соҳадаги кадрларга эта эмас эди.

Президент И. Каримов узининг «Узбекистоннинг ўз истиқбол ва тараққиёт йули» китобида мустақил ташқи сиёсатини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берди. Узбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида мамлакатимиз ташқи сиёсатининг қоидалари қонунлантирилди. Бу қоидалар «Узбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида»ги, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга кафолат берини тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги ҳужжатларда ўз ифодасини топди.

Узбекистон Президенти И. Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бон Ассамблеясини 48 (1993) ва 50-юбилей

(1995) сессияларида нутқларидаги мустақил Узбекистон ташқи сиёсатининг бош йўналишилари белгилаб берилиди.

Ўзбекистон ҳукумати республика ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари қўйидагилардан иборат:

- мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиқлик, умумисоний қадриятларга, типчлик ва хавфсизликни сақлашга содиклик;
- давлатларниң суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиши;
- бошқа давлатларниң ички ишларига аралашмаслик;
- низоларни тинч йўл билан ҳал қилиши;
- куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қиласмаслик;
- ички миллий қонуилар ва ҳуқуқий нормалардан ҳалқаро ҳуқуқниң умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларининг устуворлиги;
- давлатнинг, ҳалқининг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлани мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдустликларга кирии ва улардан ажralиб чиқиш;
- тажовузкор ҳарбий блоклар ва юнималарга кирмаслик;
- давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлик ва ўзаро манфаатдорлик, давлат миллий манфаатларининг устунлиги;
- ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоклашмаслик.

Ташқи сиёсатдаги очиқ-ойдинлик, тенг ҳуқуқлик, демократик принципларига содиклик, умумисоний қадриятларини улуғлаш, республика ижтимоий ҳаётидаги демократик жараёнга таъсир қилиш билан бирга Узбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятида мавқеини ҳам ошириб бормоқда.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиги

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳалқлари тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган тинчликеевар ташқи сиёсати унинг жаҳон миқёсида мустақил давлат сифатида тезда тан олинишини таъминлади. Узбекистон Республикасининг давлат мустақилтигини дунёдаги 165 давлат тан олди, уларнинг 120 таси билан дипломатик, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўринатилди. Тошкентда 35 мамлакатнинг элчихонаси очилди. Булар АҚШ, Турция, Германия,

Франция, Буюк Британия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа ривожланган мамкательлардир. Шунингдек Ўзбекистонда 88 та хорижий мамлакатлар ва ҳалқаро ташкилотларнинг, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та нохукумат ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият курсатмоқда. Дунёдаги 20 дан ортиқ йирик давлатларда Ўзбекистоннинг элчиҳоналари ишлаб турибди.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодётига интеграциялашиши йўлидан бориб Жаҳон банки, Ҳалқаро Валюта фонди, Ҳалқаро молия корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кумакланувчи ташкилот ва бошқа молиявий иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди ва улар билан ҳамкорлик қилмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистон БМТ доирасидаги ихтисосланган муассасалар-Жаҳон соглиқни сақлаш ташкилоти, Ҳалқаро Мехнат ташкилоти, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, БМТ нинг болалар фонди, Ҳалқаро почта иттифоқи, Электр алоқаси бўйича ҳалқаро иттифоқ, Жаҳон метеорология ташкилоти, Ҳалқаро олимпиада қўмитаси, Ҳалқаро автомобилчилар иттифоқи ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Уларнинг ваколатхоналари республикамизда очилди ва фаолият курсатмоқда.

Ўзбекистон кўпгина минтақавий ташкилотлар, чунончи, Европа Иттифоқи, НАТО, ЭКО, Ислом конференцияси, қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда. И. А. Каримов 1999 йили апрелда Шимолий Атлантика Иттифоқи қопидаги «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг аъзоси сифатида НАТО нинг 50 йиллик юбилей тантаналарида қатнашди.

Ўзбекистон Ўрта Осиё давлатлари билан Туркия, Покистон, Эрон томонидан тузилган иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди ва Транс Осиё темир йўлини қурилишида фаол ишгирок этмоқда. Бу Ўзбекистон учун денгиз йўлларига, ҳалқаро транспорт тармоғига, товар ва капитал ҳалқаро бозорига чиқиши имкониятгини берди.

Ташки иқтисодий алоқаларда республикамиз иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этишга катта аҳамият берилмоқда. Иқтисодиётта хорижий сармояларни жалб этишда Ўзбекистон қўйидаги тамойилларга амал қиласди.

1. Ташки иқтисодий фаолиятни эркинлаштириши;
2. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий сармоядорларни кенг жалб қилишини таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий,

иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, ташкилотлар ва муассасалар тузиш;

3. Илгор технологиянинг кириб келишига, хужалик таркибини замонавийлашига кўмаклашадиган хорижий сармояларга нисбатан «очиқ эшиклар» сиёсатини ўtkазиш;

4. Республика мустақиллигини таъминлайдиган ўта муҳим соҳаларни ишлаб чиқарини воситалар билан таъминлан ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришига қаратини.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштиришини хукуқини жиҳатдан таъминловчи қонуналар қабул қилинди. «Ташқи иқтисодий фаолият түгрисида», «Чет эл инвестициялари түгрисида»ги ва «Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш түгрисида»ги, «Банкроттик түгрисида»ги қонуналар ва бошқа меъёрий хужжатлар шулар жумласига киради. Бу хукуқий хужжатлар ташқи иқтисодий фаолиятни қенгайтириш, ҳалқаро шартномалар тузиш ва уларни бажариши учун шарт-шароитлар яратди. Ташқи савдо учун имтиёзлар берилди. Товарларни импорт ва экспорт қилиш учун божхона тұловлари аңча камайтирилди.

Ұзаро сармояларни ҳимоя қилип мақсадида жаһоннинг күнгина мамлакатлари, жумладан, Германия, Турция, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатлар билан шартномалар имзоланды.

Институционал ұзгарышлар соҳасида сиёсий ва молиявий хатарни ҳимоя қылувчи «Ўзбекинвест», Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки «ALC, inc» Америка молиявий гурӯҳи билан биргаликда Лондонда Сиёсий хатарнинг штаб квартираси ва Тошкентда молиявий хатарнинг олдини олиш штаб квартираси билан ұзаро сугурта компанияси тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида инвестицияларга кўмаклашиш муассасалари чет эл инвестициялари бўйича агентлик, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбирлар палатаси, Лизинг компанияси ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган сиёсати республикага хорижий сармояларнинг тұхтосиз кириб келишини таъминламоқда. Ўзбекистон хукумати Канада, ХХР, Турция, Голландия, Германия, Швейцария банклари ва фирмалари билан 1,5 миллиард АҚШ доллари ҳажмида 32 та йирик кредит битими тузди ва улар амалга ошмоқда. Фақат 1994 йилда республикага 640 миллион АҚШ доллар миқдорида инвестиция кредитлари бериш түгрисида ҳалқаро молия муассасалари ва хорижий сармоядорлар билан

тузилган битимлар асосида Американинг «Ньюмонт-Майнинг» компанияси билан ҳамкорликда олтин қазиб оладиган «Зарафшон-Ньюмонт» күшма корхонаси қурилиб ишга туширилди. Тошкентда халқаро савдо-күргазма комплекси, Хоразмда қандшакар заводи қурилди.

Жанубий Корея сармоядорлари билан «ЎзДЭУ авто», «ЎзДЭУ электроникс» ҳиссадорлик бирлашмалари кенг фаолият курсатмоқда. Германия ва Жанубий Корея билан ҳамкорликда телефон тармоқлари яшгиланмоқда.

1997 йил охирларида Ўзбекистонга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ҳозирги кунда хорижий мамлакатлар сармоядорлари иштирокида 3200 дан ортиқ күшма корхона қурилмоқда, бир қисми фаолият кўрсатди.

Ўзбекистоннинг барча ривож топган хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалари кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Мустақил давлатлар Ҳамдустлиги

Ўзбекистон ҳамдустлик фоясини қуллаб, унинг таъсис этувчиларидан бири булиб, улар билан иқтисодий интеграция ҳамда савдо алоқаларини мустаҳкамлаш борасида фаол иш олиб бормоқда. Ўзбекистон давлатлараро банк ва бошқа ҳамлўстлик иқтисодий түзилмаларининг шаклланиниша фаол иштирок қўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида Ҳамдустлик мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорликни ўулга кўйин ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳамдустлик доирасида икки томонлама ташқи сиёсий, савдо, иқтисодий ва бошқа шартнома ҳамда келишувларни Россия, Украина, Беларусь, Молдова, МДҲ нинг бошқа мамлакатлари билан шартнома имзолаб узаро манфаатли ҳамдустлик алоқалари учун мустаҳкам асос яратди.

Россия Федерацияси Президенти В.В. Путиннинг 1999 йил декабр ва 2000 йил май ойидаги Ўзбекистонга қўлган ташрифлари Россия ва Ўзбекистоннинг узаро иқтисодий ва маданий алоқаларини мустаҳкамлашда икки давлатнинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашида алоҳида урин туғади.

1992 йил майда МДҲ давлат раҳбарларининг Тошкент учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов

ташаббуси билан коллектив хавфсизлик тұғрисида шартнома имзоланды.

Хамдүстликка альо бұлған давлатларга миңлий мудофаапи кафолатлашын, илмий техника тараққиеті ютуқлари ва алоқа воситалари, янги технологияға ершиши, хорижий давлатлардан маҳсулот ташып, зарур хом-аше ва тайёр маҳсулоттарни көлтириш ҳамда үз маҳсулотини жаһон бозорига олиб чиқып, экология соҳасида тадбирларни биргаликда үтказып, табиий оғаттар оқибатини тутатып учун имконияттар яратылды.

МДХ давлатлари орасидаги муносабатлар тизими ва йұналиштаннынг түбдан үзгаришида бу давлатларнинг күпчилігінде савдо түлов соҳасида манбаатдорликка әга. Шу билан бирге шуны алохидә таъкидлаб айттын зарурки, сабық Иттифоқни қайта куришта уриниш, маъмурій буйруқбозлық бошқарув тузумига қайтып Үзбекистон учун умумалық тұғры келмайтын ҳаракатдир.

Үрга Осиё Республикалари раҳбарлари А. Ақаев, Н. Назарбоев, И. Раҳмонов 2000 йыл 20-21 айрел күнләри Тонкентдеги Президенттіннің Дүрмон қароргоҳыда бұлып үттән учрашууда И.Л. Каримовнинг халқаро терроризмға қаршы кураш Халқаро маркази тузының ҳақындағы ташаббусини құллаб-қувватладылар. Тұртқы давлат раҳбарлари министерліктердегі халқаро терроризм, сиёсий ва диний экстремизм ва бопқа таҳдилдерге қаршы биргаликда ҳаракат олиб борып ҳақындағы хужжатни имзоладылар.

Учрашууда Қозогистон ва Үзбекистон президентлари чегаралар масаласида иккала давлат орасида әрқин ҳаракатларниң тұғрисида, یоловчы ва юк ташып транспортларни көнгайтирип тұғрисида келишиб олишиди.

Үзбекистон таңқи сиёсатининг мұхым йұналишларидан бири Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар-Қозогистон, Қыргызистон, Тоҷикистон, Туркманистон билан ҳамкорлик, қардошларча дүстлик алоқаларини мустаҳкамлашта қаратылған. Қардош халқларнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, апъаналари, турмуш гарзи ва бопқа құнғына томонлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бугунғи күнда ҳам бу давлатларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалари, экологик муаммолари үзаро алоқаларни кучайтиришин талаб қиласы. Шуларни ҳисобга олиб 1994 йыл 10 январда Үзбекистон Республикасы билан Қозогистон Республикаси үртасида товарлар, хизматлар, сармоялар ва ишчи күчларининг әркін үтиб туришини назарда тутувчи ҳамда үзаро келишилған кредит, ҳисоб-китоб, бюджет,

солиқ, нарх, бож ва валюта сиёсатини таъминловчи ягона иқтисодий маконни ташкил этиш түррисида шартнома имзоланды. Бу шартномага Қирғизистон, кейинчалик Тожикистоннинг ҳам кириши Үрга Осиё минтақасида иқтисодий интеграция жараёнининг чукурланувига катта имконият яратди. Келишувда қатнашган мамлакатлар вакилларининг давлатлараро ижроия қўмитаси Алмати шаҳрида жойлашган бўлиб, Ташкент шаҳрида ҳудудий Марказий банк фаолият курсатмоқда.

1995 йил 15 декабрда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари давлатлараро Кенгашининг нафбатдаги мажлиси бўлди. Президентлар 2000 йилгача булган иқтисодий интеграция ва биринчи нафбатда сармоя сарфланиши лозим бўлган лойиҳалар дастурларини ҳаётга жорий этиш, коммуникация тармоқларини ривожлантириш масалаларини муҳокама этдилар. Интеграция дастури юзасидан 53 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Үрга Осиё давлатлари раҳбарларининг Қизил Үрда (1993), Нукус (1994), Ташқовуз (1995) шаҳарларида бўлиб утган учрашувларида Орол денгизи муаммосига багишланган чора-тадбирлар кўрилди.

2000 йилнинг 14-15 июня кунлари Президент И.А. Каримов Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятининг давлатлараро кенгашида (1999 йил 30 апрелда Қирғизистоннинг Чўлпон-Ота шаҳрида тузилган) қатнашиш учун Душанбе шаҳрида бўлди.

Йигилипцида сўзга чиққан И. А. Каримов ҳудудлаги республикалар иқтисодиётининг сезиларли даражада ўстанини курсатди: Ўзбекистонда бу ўсии 4,4 фоизни, Қозоғистонда 1,7 фоизни. Қирғизистонда 3,6 фоизни, Тожикистонда 3,7 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Президенти бозор иқтисодиётини шакллантириш бўйича стратегик марказ ташкил қилишини таклиф этди. Марказ иқтисодий модулларни солиштириш, вужудга келган муаммоларни ҳал қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш билан шуғулланиши зарур.

Кенгаща мингақанинг сув ресурсларидан самарали фойдаланиши, Сарез қўлининг томпиш хавфини олдини олишида Тожикистонга ёрдам беринига эътибор қаратилди.

Учрашувда И.А. Каримов ўчоги Афғонистон ҳисобланмиш ҳалқаро терроризм хавфи масаласининг кескинлигини қайд этди. Ўзбекистон президенти йигилип қатнашчилари ҳамда БМТ қиёфасидаги бугун ҳалқаро ҳамжамиятини таҳдид solaёттан экстремизм ва терроризмга қарни курашни кучайтиришга чақирди.

Учранпуда Тожикистон республикаси раҳбарияти ва жамоатчилиги И.А. Каримовни тожик ҳалқининг оғир кунларда ёрдам берувчи ва қўллаб-куватловчи ҳақиқий биродари ва дўсти сифатида қабул қилди. Президеигт И.Раҳмонов И. А. Каримовни тожик ҳалқининг «бошидаги тожи, кўзидағи нури», деди.

Марказий Осиё давлатлари ҳамдустлигининг тузилиши уларнинг бошқа давлатлардан узоклашишини кўрсатмайди, балки мураккаб ўтиш даврида минтаقا мамлакатларининг ўзаро ёрдам ва ҳамкорлигини чукурлаштиришига қаратилгандир.

Хулоса. Ўзбекистонда тарихий жиҳатдан қисқа бир даврда ҳалқаро муносабатларни йўлга кўйиш ва ривожлантириш борасида бир неча ўн йилларга арзийдиган ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ўзининг тинчликсевар, яхши қўшичилик, ўзаро фойдали, ҳамкорликка қаратилган сиёсати ва фаолияти билан бутун дунёга танилди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўринини эга тадди, унинг мавқеи йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

Таянч тушунчалар

Тинчликсевар ташқи сиёсат, географик-стратегик имконият, хорижий инвесторлар, ташқи сиёсатнинг асосий тамойиллари, «очиқ эшиклар» сиёсати, банкротлик, жаҳон ҳамжамияти, тадбирлар налатаси, Лизинг компанияси, ҳамдустлик мамлакатлари, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти.

Мустақил иш мавзулари

1. Ўзбекистон Республикасининг тинчликсевар ташқи сиёсати.
2. Мустақил Ўзбекистоннинг тараққий этган давлатлар билан ҳамкорлиги.
3. Ўзбекистон Республикасининг МДҲ давлатлари билан кўп томонлама ва икки томонлама алоқалари.
4. Туркистон умумий уйимиз.
5. Диний экстремизм ва ҳалқаро терроризмга қарни куранӣ.

Алабиётлар

1. Каримов И.А. Узбекистон ўз истиқиол ва тараққиёт йули. 1992.
2. Каримов И.А. Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни урлаштириш йўлида. Т., 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида... Т., 1998.
4. Каримов И.А. Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тақиёт булмайди. ЮНЕСКО ижроия кенгашида сўзлаган қи. «Халқ сўзи» газетаси, 1996 й. 25 апрел.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «бекистон», 1999.
6. Жўраев Н. ва бошқалар... Ўзбекистон тарихи. Т., 1998.
7. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. Т., 1994.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-мавзу. Үзбекистон тарихи фани предмети, назарий-услубий асослари ва уни ўртанишининг аҳамияти.....	5
2-мавзу. Ўрта Осиё инсоният цивилизациясининг уchoқларидан бири.....	10
3-мавзу. Ўзбек халқининг шаклланиши тарихи.....	18
4-мавзу. Ўзбек халқи давлатчилигининг тарихий асослари ва дастлабки босқичлари.....	26
5-мавзу. Буюк ишак йўли. Шаклланиши, ривожланиши, тармоқлари ва аҳамияти.....	36
6-мавзу. Ўрта Осиё халқлари ҳётида юз берган уйлонни (ренессанс) даври, аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига кўнгли ҳиссаси (IX-XII, XIV-XV асрлар).....	40
7-мавзу. Амир Темур давлати ва унинг ҳукуқий-гоявий асослари.....	47
8-мавзу. Туркистоннинг хонликларга бўлиниб кетини, унинг сабаблари ва оқибатлари.....	60
9-мавзу. Чор Россиясининг Туркистондаги мустамлақачилик сиёсати.....	68
10-мавзу. Чоризм истибододига қарши Туркистон халқларининг миллий-озодлик кураши. Жадидчilik.....	76
11-мавзу. Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши. Истиқлолчilik ҳаракати.....	87
12-мавзу. Мустабид совет тузумининг Ўзбекистондаги қатағонлик сиёсати.....	97
13-мавзу. Советлар даврида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий қарамлаги ҳамда унинг оқибатлари.....	103
14-мавзу. Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг кўлга киришини ва унинг жаҳоншумул тарихий аҳамияти....	115
15-мавзу. Ўзбекистонда ҳукуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятги асосларининг барис этилиши....	123
16-мавзу. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти.....	129
17-мавзу. Ўзбекистоннинг маънавий, маданий тараққиёти.....	140
18-мавзу. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти.....	154

Босишга рухсат этилди 05.09.2000. Бичими 60X84^{1/16}. «TimesUZ»
ҳарфифа терилиб, офсет усулида босилди. Босма табори 10,2.
Нашр ҳисоб табори 9,7. Адади 5000. Буюртма № 266.
Баҳоси шартнома асосида.

Күлөзма макет олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
қошидаги ҮАЖБНТ марказида тайёрланди

«ДИТАФ» босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Олмазор күчаси, 171 уй.